





АСАРЛАР  
VI ЖИЛДЛИК

Тошкент  
ҒАФУР ҒУЛОМ  
НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЁТИ

1980

Мухаммад

Ризо

Мироб

рниёзбек

ўзли

Отаҳий

АСАРЛАР

VI ЖИЛД

ТАРИХИЙ АСАРЛАРДАН  
ПАРЧАЛАР

ББК 34Уз  
0—21

Нашрга тайёрловчи  Масъул муҳаррир  
ҒУЛОМ КАРИМОВ СУБУТОЙ ДОЛИМОВ

Огаҳий Муҳаммад Ризо.

Асарлар: 6 жилдлик. Нашрга тайёрловчи Ғ. Каримов; Масъул муҳаррир С. Долимов.— Т: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.— Жилд 6. Тарихий асарлардан парчалар. 208 б.

Огаҳий «Асарлар»и олтинчи жилдига унинг «Жомеал-воқеоти султоний» ва «Гулшани давлат» асарларидан парчалар киритилди. Уларда Хоразм хонлигида XIX аср ўрталарида бўлиб ўтган баъзи тарихий ва ижтимоий воқеалар ўз аксини топган.

Огаҳи Муҳаммад Ризо. Сочинения. В 6—ти т. Т. 6. Фрагменты из исторических сочинений.

ББК 84 Уз I  
Уз I

А  $\frac{70303-254}{M 352 (04)-80}$  154—79 470 205 7010

© Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980 й.

**„ЖОМЕАЛ-ВОҚЕОТИ  
СУЛТОНИЙ“ ДАН**



## БЕКМОНБИЙНИНГ АҲЛИ ФАСОД КАРВОНИН НАҲБУ ГОРАТ ҚИЛҒОНИ

Чун тарокима тавойифидан сориқ ва солур жамоасиким, шарорати зот ва разолати сифотда ўзга тавойифдин мумтоз ва мустаснодир, камоли жаҳолатдин залолат русумиға иқдом кўргузуб тўрт йилдан бери рибқаи итоатдин бўюн тўлғаб, инод ва мухолафат умуриға изрор кўргузур эрдилар. Ҳазрати аъло ҳоқоний ҳамул мутамарридларнинг танбиҳ ва гушмоли учун номдор ва шижоатшиор саркардалардин давлат ва иқболли мураббий Бекмонбийниким, манқит улусининг саромади эрди, Дурдикам ва Балам ва Нурмуҳаммад ва Қурбонниёз паҳлавон бошлиғ ямутия муборизларидин уч юз чоғлиқ отлиғ била рабиулаввал оинининг сегизида панжшанба кунни буюрмуш эрдилар. Олар фармони вожибилимтинон мужиби била мазкур бўлгон кун гайрат якронига рукуб қилиб мақсад майдониға равон бўлдилар ва дарёи Ому соҳилидин қатъи мароҳил ва таййи манозил қилиб, Қабоқли мавзеиға ворид бўлдилар. Ондин чўл тадорики учун машк ва митҳаралариға сув олиб Ҳафти реги Хоразм қатъиға озим бўлдиларким, ҳар баланди фалак пуштаси авжиға ҳамсар ва ҳар пасти таҳтассаро тубиға баробар эрди ва ондоқ буртоқ эрдиким сарсархиром маркаблар қадам урғон ҳамон қорнигача ботар эрди, балки хаёл пайки онинг қатъин тасаввур қилса, ўрнидин тебранмай ётар эрди. Онингдек ноҳамвор ва сақар намудор регзорға ҳазрати хидеви комкор давлатининг имдоди била қадам уруб Тахт мавзеиға етдилар ва ондин марокиб ва мавошийларин суғориб Марв вилоятининг юқорисиға йиғнолгон чорваға чаповул урмоқ нияти била яна илғор қилиб, бир неча манозил қатъидин сўнг Ериҳожин отлиғ қудуқға етиб нузул этдилар. Ва ондин сув олиб сероб ва шодоблиғ топгондин сўнг, наҳват бодпосин бодияпаймо қилиб, масофатнавардлик ва мароҳилгардлик маросими била

Рафатак йўлига етушуб, қудуқ бошига тушдилар ва онда русуми истироҳатдин сўнг отланиб, ойини суръат била азимат қилдилар ва уч манзиллик масофат қатъ қилгондин сўнг, бир йўлга етушдиларким, ондин сориқ ва солур муфсидларининг корвони Бухоро вилоятига қатнар эрди, иттифоқо сипохи нусрат дастгоҳ ҳамул киргон ҳамон Марв муфсидлари ва Машҳад равофизининг икки бўлак корвониким, ҳақиқатда ганжиравон эрди: бири Марвдин чиқиб Бухорога ва бири Бухородин озим бўлиб Марвга борур эрди, учради. Дарҳол оломон камоли чобуклик била тўшлиқ-тўшидин от солиб, қўй калласига курт дохил бўлгондек ҳамул карвон аҳлига аралшиб, кўб муҳороба ва музораба русумидин сўнг барчасини қатли ом қилдилар ва молу матоларинким, уч юз тевага юклангон қимматбаҳо ажносу оқмаша, зару сийм эрди, дасти тасарруфига олиб хийтаи ихтиёрига солдилар ва савдодин суд қилгон корвон ёнглиғ матоъи бекаронни маҳомил ва мавошиларга юк-лаб, беҳжати фаровон ва шоду хандонлиғ била муовадат кўргуздилар. Манозили мутакасира ва мароҳили мутанаввиа қатъидин сўнг рабиуссоний ойининг ўн учида панжшанба куни Гулбонбоғ қарясидағи ҳавлиғаким, ҳазрати аъло хоқони гитиситоний обо ва аждоди дастури била Хеваник оригининг қозувиға чиқиб ҳамул ҳавлида ором ва истироҳат кўргузмиш эрдилар. Остони фалақошиён мулозамати шарафиға истисъод топдилар ва ул ҳазрат оларни навозиши подшоҳона ва авотифи хисравонасиға машмул ва мавсул этиб, хилоъи хуршид шиоъ ва албисаи гаронбаҳо инъоми била ўз акфо ва ашбоҳлари орасида қуёш янглиғ мумтоз ва сарафроз қилдилар.

Ул оломон атабаи олий мулозаматиға етишгондан бурунғи кунким, чаҳоршанба эрди, Бухоро подшоҳи амир Насруллонинг бу даргоҳи олампаноҳдин боргон элчилариким, фазойилмаоб домла Эшмурод раис била садоқатинтисоб Оллоҳберди сўфи эрдилар, аларға ҳазрати хони мағфур вафотининг фотиҳахонлиғи ва ҳазрати аъло хоқони гитиситонийнинг жулуси ҳумоюни муборакбодлиғи учун қўшуб йиборгон икки элчиси келиб, остонбўслиғ шарафин топди. Мазкур бўлгон ойнинг йигирма учида, шанба куни ҳамул элчиларға ҳазрати аъло хоқоний остони фалак побоний мулозимларининг саромадидин сидқ ва ихлос-вазифа Бекиш халифани сафорат расми била қўшуб, Бухорога ирсол қилдилар.

**Жумодилаввал ойининг ўн учида жумъа куни атабаи**



осмон мартаба мулозимларидин Абдулҳалимким, хони мағфурнинг амри олийси мўжиби била Хўқанд вилоятидин келгон элчига сафорат тариқаси била ҳамроҳ бўлиб, мазкур вилоятга бормиш эрди. Ҳамул вилоят ҳокимининг қўшуб юборган элчиси била келиб, якжиҳатлик изҳори учун топшургон муҳаббатномасин жаноби рифъатмаоб ходимларининг назари анвари мутолаасига еткурдилар.

Жумодуссоний ойининг авоситида Машҳади муқаддае ҳокими Оллоёрхонким, Осафуддавлаға иштиҳор топмишдур, Эрон дорулмулкининг подшоҳи Муҳаммадшоҳ тарафидин наёбатан жамъи Хуросон вилоятининг ҳокими ҳукмронидир, бу остони давлатнишон мулозимлариға сидқу ихлос тариқаси била йиборган элчиси келиб, наввоби давлатнишон ва худдоми манзилатмаоб воситаси била борёби ҳузури комилуссурур бўлуб, келтургон ихлосномасин назари кимийёсар мутолааси шарафига мушарраф қилди.

Маълум бўлсинким, Бухоро подшоҳи амир Насруллонинг Бекиш халифаға қўшуб юборган элчисиким, Порсохожа эрди, ражаб ойининг йигирма тўртида, жумъа куни атабаи аъло мулозимати шарафига мушарраф бўлуб, амирнинг йиборган муҳаббатномасин пешкашу туҳфаси била остони олийшон мулозимларининг назари анвари пешгоҳига еткуруб, навозишоти хисровонадин сарафрозлиг топти.

Яна маълум бўсинким Хўқанд элчисиким, мувофақат ва мусодақат изҳори учун келиб, кўб муддатдин бери Хивақ шаҳрида мутамаккин эрди, онга ҳазрати аъло хоқон гитиситоний дилнавозлиглар кўргузуб, даргоҳи олампаҳоқ ходимларидин, Абдулҳалимни элчи йўсунлуқ ҳамроҳ қилиб, муҳаббат ва истимолатнома била шаъбон ойининг авалида Хўқанд вилоятиға ирсол қилдилар...

## **БОРГОҲИ ХИСРАВИ ОЛИЖАНОБ ХОРАЗМ СИПОҲИНИНГ ФАРМОНИ ВОЖИБУЛИЗЪОН МУЖИБИ БИЛА МАРВ ДИЕРИГА ЧАПОВУЛ СЕЛОБАСИН ЕТКУРГОНИ...**

Саҳифа майдонининг чобуксувори барқтози ва вақиъа маъракасининг шижоатпарвози, аъни хомаи ҳангомаоро бу ёнглиғ воқеаиншолиғ кўргузурким, чун Марв диёрида мутаваттин ва мутамаккин бўлуб ўлтургон сориқ ва солур тавойификим, шарорати зотий ва сафоҳати жибилий муқтазосидин тўрт йилдан бери инод ва исён тариқи русумин

оғоз қилиб, фасод ва тугён қонуни оҳангин соз этар эрдилар. Чун ҳазрати аъло хоқони гитиситоний салтанат ва ҳукмронлиғ маснадиға жулус қилгондин сўнг... камоли улув-ҳиммат ва ғояти покий тийнатдин ул жамоанинг чеҳраи жаройимиға афву игмоз пардасин чекиб, лутфу марҳамат ваъдаси била истимолатномалар ирсол қилдилар. Ул гуруҳи давлат баргашта мунча меҳрибонлиғлар била ҳам қилодаи итоатға мутақаллид ва тариқаи муҳолафатдин мутажовуз бўлмадилар, балки кун-кундин шиддати шарорат ва қуввати залолатлари музаййид ва музоаф бўлуб ул тойифанинг баъзи авбош ва ҳаромилари ўғрилиқ тариқаси била келиб, Хоразм мамлакати музофотининг ўтунчи ва кўмурчилариға дохил ва мазохим бўлур эрди. Чун фасод аҳлининг мундоқ ҳаракат мазмумасининг сарсар тезидин ул ҳазратнинг оташи қаҳри шуълаангиз бўлуб, ул жамоати боғия ва тойифаи тоғиянинг танбеҳ ва гушмолин, балки эъдом ва истисолин зиммаи ҳиммат ва қуввати ҳамиятиға лозим ва мутаҳҳаттим билиб... жамшидия гуруҳининг амри шижоатпазири иззат-нишон Мирмуҳаммадхонни сараскар қилиб, ўзга саркардалардин қиёт хонадонининг зубдаси... Худоёрбий ва Саидназарбий ва манқил дудмонининг қаплони ҳарби Бекмонбий ва остони олий мулозимларидин сидқ ва ихлос аҳлининг қўлдоши Раҳматулло ясовулбоши ва муборазат ҳамдам Қарохон маҳрамни жамшидий ва кўклон ва ямут ва ямроли ва тоза қўнғирот ва қародошлу черики ва даргоҳи олампаноҳнинг мулозим ва ходимларидин баъзи толиб йигитлар билаким, мазкур бўлгон тавойифнинг адади тўрт минг нафарга қарийб эрди, сориқ ва солур муфсидларининг дастбурд ва таъдиби учун Марв вилоятининг наҳбу ғоратиға номзад қилдилар. Мазкур бўлгон саркардалар... оз фурсатда асбоби сафар ва афвожи лашкарни муҳайё ва омада қилиб, мазкур бўлгон йил, яъни йилқи йили сана минг икки юз олтмиш иккида, шаввол ойининг еттисида якшанба куним, барча кунларнинг маҳмуди ва жамеъи соатларнинг масъуди эрди, ҳазрати аъло хоқонийнинг давлатлиғ руҳсати била муборак фотиҳасин, олиб, доруссалтанан Хивақдин фатҳу зафар раҳшиға рукуб қилиб, мақсад тариқиға озим ва азимат русумиға жозим бўлдилар. Сегиз кун қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, дарёйи Жайҳун канорида Садвар отлиғ мовзеъға етиб, нузул этдилар. Онда черик ижтимоъи учун икки кеча таваққуф кўргуздилар. Ондин кўчуб дарё қироғидин мароҳили мутақассирани

қатъ қилиб, сегіз кунда Қабоқли манзйлиға етиб, аламон машк ва митҳаралариға сув олсун деб, икки кеча истироҳат кўргуздилар. Ондин ливоафроси наҳзат бўлиб, Хафтриги Хоразм қатъин жазм қилдилар ва сарсар хайлидек суръатгустар бўлуб, икки манзилда Тахт мавзеиға нузул этиб, оромгузин бўлдилар ва ондин сув олиб ва маркабларин суғориб, кўчиб уч манзиллик йўл юруб, Ёрихожи қудуқиға вориб бўлиб, онинг ҳаволисини лашкари нусрат асарга мустақарр қилдилар. Онда қудуқ қозиб, барча аскария сероб ва шодоб бўлгондин сўнг отланиб, беш манзиллик масофат қатъ қилиб Кушмон отлиғ майдонғаким, ондин Марв қалъасиғача тахминан икки манзиллик йўлдур, издиҳоми тамом била бориб, нузул этдилар. Ҳамул кеча ул мавзеъда мутаваққиф бўлиб, барча сипоҳи зафардастгоҳ тонг отғунча от ва яроғ ва асбоби ҳарб ва олоти зарбға зеб ва оро бериб, ҳарб ва қитол асбобининг истикмолиға саъйи машкур ва кўшиши ғайри маҳсур била иштиғол кўргуздилар.

Маснавий:

Тонг отгунча кўргузмай ором улус,  
Яроғиға берди саранжом улус.

Биров отини янгидин энлабон,  
Ситому лижомини тазйинлабон.

Қиличи дамин тез айлаб биров,  
Ки кунд ўлмағай гар уруш тузса ёв.

Бировга ититмак иш ўлди синон,  
Ки ўтгай аду синасидин равон.

Биров тез этиб ўқи пайконини,  
Ки тўккай бориб хасм эли қонини.

Биров милтуқ ичин мусаффо қилано,  
Хато айламакдин мубарро қилиб.

Биров айлабон ночахин тездам,  
Ки тўккай аду хайлидин тез дам.

Биров тошға чолибон ханжарин.  
Ки кесгай даранг этмай аъдо сарин.

Биров жавшанига намойиш бериб,  
Биров чорқабга кушойиш бериб.

Биров еткурубон сипарга жило,  
Биров хўдм ойинасига сафо.

Бу янглиғ эди борчага иштиғол,  
Тонг отгунча эрди сипаҳга бу ҳол.

Чун тонг отиб, саҳарнинг сиймин маҳча ливоси намоён ва зиё сипоҳи сипеҳр қалъаси чоповулига гармжавлон бўлди, Мирмуҳаммадхон бошлиғ борча саркардалар иттифоқ била теваларин ўғруқ ва буналари била Марв дарёсига, Чилбурж отлиғ мавзеъга йибордилар, токим тева ва партол ва барча амволин суғориб, машк ва митҳараларига сув олиб, яна қойтиб келган йўлига равон бўлғайлар. Ўзлари доғи отланиб, ливойи зафарҳавони жилвага киргузуб ва сипоҳи нусратпаноҳ суфуфин қоз қаноти ёнглиғ тузуб, суръати тамом ва истеъжоли молокалом била илғор қилиб, чошт чоғи Байрамалихоннинг қалъасига етиб, бир мавзеъда таваққуф аламин барпой қилиб, тамкини тамом била оромгузин бўлдилар. Борча шужаойи жалодатшиор ва сипоҳи кийнагузорни қалъа атрофининг наҳбу ғорати учун рухсат бердилар. Чун лашкари селасар ва асокири зафарпарвар саркардаларнинг рухсати била барқин хотиф ва риҳи Осаф ёнглиғ атрофу жавонибга илғор қилиб, аҳли фасод ва арбоби иноднинг аҳшому аёл, асбобу амволи торожиға дасти татовул узотиб, қатлу асир, наҳбу ғорат мурида дақиқае номаръи қўймадилар. Маснавий:

Биров айлаб асбобу молиға қасд,  
Биров қилди аҳли аёлиға қасд.

Биров тева олмоқ била бўлди шод,  
Биров қўй суруб топти кому мурод.

Биров олди комин суруб йилқисин,  
На бир йилқисин, балки минг йилқисин.

Биров ўлжа айлаб қаро молини,  
Асир айлабон баъзи атфолини.

Биров дастгир этти қизу жавон,  
Анго бахт ёварлик айлаб аён.

Биров бош кесардин олиб коми дил,  
Биров қон тўкардин бўлиб юз қизил.

Хароб эттилар хону монини ҳам,  
Бори масканин ҳам, маконини ҳам.

Толоғ этдилар бўрәсиғача,  
Бузуб уйларин қурәсиғача.

Анингдек ададсиз ғанойим олиб,  
Ки кўрган киши ҳайрат ичра қолиб.

Биров қолмайин комини олмайин,  
Биров комини олмайин қолмайин.

Чун лашкари барқасар ва сипоҳи селгузар атрофу акнофни икки манзиллик ергача, балки дарёнинг жануби тарафиға доғи ўтуб, поймоли чаповул ва қадам-фарсуди татовул қилиб, ер кўтармасдек амволу мавоши ва хаёлиға кирмасдек асбобу ҳавоши била қайтиб, пешин чоғи саркардаларнинг қошиға келиб, ливойи зафарҳаво соясиға жұтамеъ бўлдилар. Саркардалар музаффар ва мансур, хурсанд ва масрур, сипоҳи мавфур ва асокири номаҳсур била мурожаат майдониға наҳзат якронин суруб, Чилбурж мавзеиға еттилар. Кўрдиларким, тевачи ва қўшчилар тевалариға сув юклаб йўлга янги равон бўлмиш эрканлар. Борча амволи ғанойимни доғи ўзларининг тевалари ва қўшчилариға қўшуб изҳори истеъжол била илгари йибордилар. Ўзлари шужаойи рустамкин ва қуталойи баҳромойин била саф тузуб, кейиндин суръат марокибин масофат қатъиға суруб муовадат жодасининг қадамфарсоси ва мурожаат водийсининг бодияпаймоси эрдиларким, ногоҳ арбоби фасод ва асҳоби инод қалъаларидин отлиғ ва яёқ марду зан ва пирру жавон иттифоқ била иликларига тийғ ва таёқ олиб, сайл чопғуни жафосидин хонахароб бўлгон мўр хайлидек ва сарсар эҳтизозидин қўзғолгон малах гуруҳидек ҳужуми тамом ва издиҳоми молокалом била сипоҳи зафарфаржомни таоқуб қилиб, ақабидин етуштилар. Саркардалар иттифоқ била масоф амрида таъжил кўргузмай, муфсиди бадкеш ва мудбири фасод андешларни ноҳамвор ерлардин васеъ майдонға чиқсун деб, бир оз отлиғни алорнинг савош ва талошиға машғул қилиб, излариға эриштуруб ва уруш иртикобин тарк тутиб, ойини суръат била юруш қилдилар. Аср

хангомига қарийб Кушмон майдониға ворид бўлдилар. Кўрдиларким, арбоби накбат камоли шарорат ва шақоватдин талошу савош русумидин қўл чекмайдурлар, балки турғон сойи кўполиб, баҳодирларга зўрдастлик кўргузадурлар. Қитъа:

Етса ҳар эл бошига тийғи қазо,  
Узини еткурур ҳалокатга.  
Қойтса ҳар гуруҳдин давлат,  
Узини солғай ўзи офатга.

Ложарам саркардалар шужаойи шершукуҳ ва асокири шижоат пажуқ билаким, муборазат умурида Рустами Достонни бир мўри заифча ва Соми Наримонни бир пашша наҳифча назари эътиборга илмас эрдилар ва рўзи масофни шаби зифофдин лаззатманд ва майдони размни айвони базмдин ҳаловатпайвандроқ билур эрдилар. Уруш яроғи била бошдин оёқ мусаллаҳ ва мукамал бўлуб, табли жангни уруб, наъраи рустамонани фалак авжиға еткуруб, ҳамалоти палангона била аъдойи гуризпой устиға борча бирдин жилаврезлик била от солдилар. Хусамойи накбатосор сипоҳи жалодатшиорнинг шеркирдор ҳамлалариға тоби муқовамат ва тоқати муқобалат келтураолмай, пашша гуруҳи сарсар чопғуни шукуҳидин гуризон бўлғудек, шикасти фоҳиш топиб, оворалиғ бодиясиға рўйгардон бўлдилар. Шужаойи номдор ва сипоҳи кийнагузор суюфи обдор ва синони аждаросорни муборазат қўлиға олиб, марокиби барқ рафториға бериб, андоқ қатлу хунрезлик умуриға қиём ва иқдом кўргуздиларким, Баҳроми хуношом ва Рустами чобукқадам тийғзанлик ва мардафканлик дағдағасидин кўнгул уздилар; андоқ сарафшонлиғ русумин зуҳурға еткурдиларким, аҳли инод бошларидин юз хирман бошин гардун хирмани бошидин ошурдилар. Жонсиз баданлар ҳайъатидин ул майдонда улуғ тоғлар сувратин аён ва оқғон қонлар суръатидин ул водийда шигарф дарёлар шавкатин намоен эттилар.

Маснавий:

Гурдлар рахшин суруб майдонға тез,  
Солибон хайли адуға рустахез.

Наърасин тўққуз фалакдин ошуруб,  
Гарди бирла меҳр юзин ёшуруб.

Сачраб отлар наълидин ҳар сори барқ,  
Ут аро айлаб бори оламини ғарқ.

Ердин ондоқ учти ғард андозасиз,  
Ким ер олти бўлдию ғардун — сегиз.

Сочиб ул янглиғ синонлар нуки қон,  
Ким бўлур аждар дами оташфишон.

Тиглар аъдога ондоқ қилди биг,  
Кўмдилар бир дамда ерга неча тиг.

Еғубон ёмғур киби тире табар,  
Эди душман хайлиға бошу жигар.

Уйла зарбат кўргузуб гурзи гарон,  
Ким йиқиб аъдо бошига осмон.

Печ уруб ҳар ён йилон ёнглиғ каманд,  
Айлабон хасм аҳлининг бўйинини банд!

Уйла ханжарлар адудин кести бош,  
Ким ўкулди тоғдек юз ерда лош.

Айлади ул кун ажал ҳайрат аён  
Ким, қою бирдин бурун олғуси жон.

От аёқи бошни ҳар сори суруб,  
Гўю чавгон ўюнин гўё қуруб.

Ҳар тараф ондоқ тўкулди ерга қон,  
Бўлди ул водида дарёлар равон.

Ул сифат ҳар ён ўкулди кушталар,  
Бўлди ул дашт узра зоҳир пушталар.

Кўргузиб ғайрат сипаҳ аҳли тамом,  
Оддилар қатл айламакдин борча ком.

Бўлди ул кун ийди ақбардин нишон,  
Ҳасм элиға рўзи маҳшардин нишон.

Чун ҳамул кун сипоҳи нусратпаноҳ ва шужаойи зафардастгоҳ арбоби фасод ва асҳоби инодни аср ҳангомидин то намозшомғача мақгул ва маъсур қилиб, бу ёнглиғ зафари беҳжатасарга тангри таоло имдоди била даст топғонларидин нишона учун аҳли фасоднинг жасади пурҳасадаларидин икки юз чоғлиқ бош кесиб олдилар ва олти кишини асир қилиб ниҳоятсиз от ва яроғ асбоб дасти тасарруфларига киргузуб, ғанойими фаровон била қайтиб теваларига етиб, ҳамул мавзеъга нузул этдилар ва ҳамул кеча фароғи тамом била истироҳат кўргуздилар. Тонгласи ул марҳаладин шукуҳи тамом ва масаррати молакалом била жодапаймойи азимат бўлиб, кундуз юруб, кеча оромгузин бўлиб Ёнтоқли устидин беш кунда Тахтга келиб нузул этдилар. Ондин сув олиб марокиб ва мавошийлари била сероб ва шодоб бўлғондин сўнг кўчуб, дарёи Жайхун канориға чиқиб, Қабоқли бешасиға ворид бўлдилар. Ул мавзеъда олмиш кишини хайли аъдоға зафар топғонлари эъломи учун остони аъло мулозаматиға чопар йибордилар ва ўзлари доғи Қабоқлидин кўчуб, манзил-баманзил наҳзат бодпосин суруб сегиз кунда зулқайда ойининг ўн еттисида панжанба куни Хивақ доруссалтанасиға ворид қилиб, атабаи осмонмартаба мулозаматиға етиб, ҳазрати аъло ҳоқони гитситонийнинг мулоқоти шарафиға мушарраф бўлуб, давлати дийдоридин дийдаи умидларин баҳраманд қилдилар. Ва ул ҳазрат доғи ул гуруҳи ғайратпеша ва ул хайли садоқат андешанинг қилғон хизматлари муқобаласида ниҳоятсиз иноятлар кўргузуб, Мирмуҳаммадхон жамшидий бошлиғ борча саркардаларға олтун рахтлиғ тавсану тўпчоқ ва кимхо хилъат ва тамоми зар фута ва тилло дасталиғ пичоқ инъом қилиб, ҳар бириға хуршиди офоқ ёнглиғ мумтозлиғ, сарафрозлиғлар еткурдилар. Санодиди лашкариядин доғи юз кишиға ханжари мурассаъ била либоси муламмаъ иноят қилиб, яна минг кишиға сарупойи зардор бахшишидин баҳрабардорлиғ бағишладилар. Ва бош кесиб келтургон муборизлариға ҳар бош учун панжаи эҳсонидин ўн тилло инъом қилиб, шодиком этдилар ва яро кўторгон баҳодирларға доғи бу тариқада атову карам била барумандлиғ еткуруб, ўзга аскарияни доғи илтифоти подшоҳона ва иноёти хисравонадин баҳраманд ва аржуманд қилдилар...

Бу мухтасари саодатасарни мутолаа қилғувчи аҳли донишнинг замойири зи басойириға ҳувайдо ва жилвапийро бўлсинким, ҳамул йил шаввол ойининг ўн бирида, чаҳор-



шанба куни баъзи масолиҳи мулкия жиҳатидин ҳазрати аъло хоқони гитиситоний, остони давлатнишоний мулозимларидин фатонаторо Шукурулло оға била фаросатинтимоӣ Қиличжонбойни элчи қилиб, Ўрус мамлакатининг подшоҳига ирсол қилдилар.

Яна улким, мазкур ойнинг йигирма иккисида якшанба куни Раҳматуллобой Қарокўзим Бухороға сафорат расми била бориб эрди, ондоқким собиқан мазкур бўлди, амир Насруллонинг мувосо ва мадуро изҳори учун қўшгон элчиси Субҳонқули мирохур била келиб, амирнинг иттиҳодмандлик мазмуни била топширгон муҳаббатномасин йиборгон туҳфалари била келтуруб суддаи хилофат мулозимларининг назари анвари пешгоҳидин ўткардилар.

Ва яна улким, зулқада ойнинг ўн бешида, сешанба куни Хўқанд вилоятининг подшоҳидин ихлос ва эътиқод тариқаси билан Муҳаммадкаримбий деган бир кишиси элчилик йўсинида келиб, остонбўслиғ шарафига мушарраф бўлди. Зулҳижжа ойнинг гуррасида панжшанба куни мазкур бўлгон элчиға даргоҳи сипеҳр дастгоҳнинг мўътабар мулозимларидин Раҳматуллобой Қарокўзни ҳамроҳ қилиб, муҳаббат ва истимомлатнома топшуруб, сафорат тариқаси била Хўқанд диёриға ирсол қилилди.

Мазкур ойнинг еттисида чаҳоршанба куни Бухоро элчиси Субҳонқули мирохурга Раҳмонберди охундини масхуб қилиб, якжиҳатлик мазмуни била номаи киромий топшириб элчилик тариқаси била Бухоро вилоятиға йиборилди...

Баъзи воқеот зикриким, ул ҳазрат шикоргоҳдин мурожаат қилиб авранги салтанатда истиқрор топгондан сўнг зуҳурға етти. Ул жумладин улким, чун Марв диёрида ўлтургон сорик муфсидларининг ҳароми ва авбошларидин йигирма уч киши иттифоқ била бир-бирига бош қўшиб, қароқчилик тариқаси била мазкур ойнинг, яъни моҳи сафарнинг ўн сегизида панжшанба куни қум ичидин келиб Хивақ музофотининг кўмирчиларидин беш-олти тева ва ёбу ўғирлаб олиб, олти кишини асири сарпанжаи тақдир қилиб, камоли суръат била фирори бўлдилар. Чун бу хабари ваҳшатасар ҳазрати аъло хоқони гитиситонийнинг масомеъи аълосиға ҳамул кун масмуъ бўлуб, дарҳол остони сипеҳр мисол мулозимларидин сидқ ва ихлос вазифа шижоатнишон Бекиш халифани сархайл қилиб, туркмон ва ўзбек муборизларидин олтмиш чоғлиғ отлиғниким, ҳар бири минг таҳаввурпарвар баҳодирнинг хулосаси эрди, ҳамул қароқчилар ақабидин қовмоққа номзад қилдилар. Маъмур-

лар фармони лозимулизъон мужиби била ҳамул кун от ва яроғин шайлаб, аср ҳангомида суръати тамом била қумға кириб, ҳаромилар изидан илғор қилдилар ва йўлда аксарининг оти семизлик ва тавсанлиқ жиҳатидин ярамай қайтиб, ўттуз уч отлиғ истеъжоли тамом била қатъи масофат қилиб, йигирма уч манзиллик йўл юрдилар. Ва ҳаромилар ўбасиға уч манзиллик йўл қолғонда бир кеча бир мавзеъға тушуб, отларин боғлаб, ўт ёқиб фароғати тамом била ўлтурмиш эрдилар. Баҳодирлар ёрим тун муддатида балойи ногаҳоний ва қазойи осмоний ёнглиғ ҳаромиларнинг устиға ғавғойи ом била қуюлдилар. Иттифоқан ҳамул мавзеъ ғолибан беша ва қолин найистон эрди. Ҳаромилар ҳайрон ва саросима бўлиб от ва яроғ асбобларин ташлаб... тўғой ва пайистон орасиға кириб... қоронғу тун пардадорлигининг дастёриғи била сипоҳи нусратпаноҳнинг жанг интиқомидин қутулдилар. Баҳодирлар аларнинг борча от ва яроғ ва асбоб ва улоғларин дасти тасарруфига киргузуб, тева ва ёбу ва асирларни олиб, тонг отғунча туруб, ҳаромиларни талаб қилмоқни маслаҳат кўрмай, ҳамул ердин муовадат қилдилар... Ун кун муддатида мазкур ойнинг йигирма сегизида якшанба куни остони давлатпосбон мулозаматиға етиб, навозишоти хисравонадин сарафрозлиғ ва малбасоти подшоҳона била мумтозлиғ топдилар.

Яна улким, мазкур бўлғон ойнинг йигирма еттисида шанба куни Бухоро подшоҳи амир Насруллонинг Раҳмонберди охундға қўшуб йиборган элчиси келиб, амири мазкурнинг йиборган мувофақатнома ва тансуқотин суддаи олий ходимларининг воситаси била назари анвар мутолаасиға еткурди.

## **ҲАЗРАТИ АЪЛО ҲОҚОНИ ГИТИСИТОНИЙНИНГ... КУҲНА УРҒАНЧ ВА КУҲНА ВАЗИР СОРИ ДАВЛАТ МАРҲАБИ СУРМАКИ...**

Чун мазкур бўлғон йил, яъни санаи ҳижрия минг икки юз олтмиш учда йилқи йили рабиалаввал ойининг ўн сегизида душанба куниким, асъади соот ва аршади авқот эрди, ҳазрати аъло ҳоқони гитиситоний мақсад тариқи сайриға озим бўлдилар ва хуфтан чоғиким, ой чароғи сипеҳр шабистонин мунаввар ва нужум жавоҳири ул шабистонни зийнатгустар қилмиш эрди, Шохобод мавзеъидағи работи лозимал анбисотғаким, ул ҳазратнинг мулки холисидур, кавкабан тамом била нузул қилиб, тарабхонаи махсусда

аврангнишини истироҳат ва нашъаандузи жоми ишрат бўл-  
луб, ҳамул работнинг зурваи ифтихорин фалаки даввор  
авжидин ошурдилар. Ҳамул макони саодатнишонда бир  
кеча нишоти тамом била оромгузин бўлуб, тонгласи сешан-  
ба сабоҳиким, ҳуршиди оламтоб шаҳсувори сипеҳр арсаси  
сайрин иртиқоб қилди, мазкур ҳаволидин шавкати хурши-  
дона ва ҳашамати жамшидона била абраши фалаквашга ру-  
куб қилиб, қадамандози наҳзат бўлдилар. Ва меҳри дурах-  
шон нужуми бепоён била ҳаракат кўргузгондек сипоҳи ан-  
жумсон ҳамроҳлиғи била масофат қатъи оҳангин тузуб, ул  
файзи назоҳат ҳавз Тошҳавз мавзеидаги ҳавлийи дилкушо-  
ға шарафи нузул ва файзи вусул била ниҳоятсиз зебу оро  
еткурдилар. Ул манзили саодатнозилда икки оқшом биста-  
роройи истиқомат ва бодапаймойи базми беҳжат бўлуб, бор-  
ча фуқарову гурабо ва ажазаву ажузанинг арзи аҳволин  
камоҳува ҳаққуҳу истифсор қилиб, адлу эҳсон била ғамгин  
хотирларин шоду хандон қилдилар. Панжшанба кунни ҳа-  
мул макондин атфи инон қилиб, Қиличниёзбой отлиғ мав-  
зеидаги ҳавлисигақим, ул ҳазратнинг амлоки хосасидин-  
дур, ташрифи ҳузур элтиб, файзи қудумидин рашки гулис-  
тон, балки ғайрати равзан ризвон қилдилар. Ул мақоми  
беҳжатилизомда икки кеча маснад оройи таваққуф бўлуб,  
мазлумлар ва бечоралар арзи аҳволин сўрарда адлу дод  
русуми додин бердилар. Мазкур ҳавлидин шанба ку-  
ни кўчуб, Гадоиниёзнинг чорбоғига нузул қилдилар. Як-  
шанба кунни ондин азимат якронин гармжавлон қилиб,  
дабдабаи тамом ва кавкабаи молакалом била Ҳилолий  
мавзеиға ворид бўлуб, ўзининг работи фараҳафзо ва қас-  
ри дилкушосигақим, рифъат ва матонатда фалак ҳисориға  
сояафкан, сафват ва назоҳатда жаннат гулшаниға таъна-  
зан эрди, шоҳиди духули била онинг оғуши интизорин  
мамлу қилиб, шарафи қудуми била зурваи ифтихорин фа-  
лаки минудин ўткардилар. Онда икки кеча сарироройи исти-  
роҳат ва аврангпийройи айвони адолат бўлуб, фуқаро ва  
раоёнинг арзи аҳволин истифсор ва эҳтимом қилмоқ русу-  
мида дақиқае номаръи қўймай, лутфу эҳсон ғамомининг  
рашаҳотидин муроду таманнолари гулшаниға сероблиғ ва  
райёнлиғ еткурдилар. Сешанба кунни ондин кавкабаи шо-  
ҳона ва тантанани хисравона била тавсани сарсархиломға  
рукуб қилиб, масофатнавардлик русумиға иқдом кўргузди-  
лар ва пешин ҳангомида Оқтўпа мавзеидаги боғи беҳишт-  
нишонига баҳори вурудидин таровати тоза ва назоҳати  
беандоза бағишлаб, бир кеча оромгузини мажлиси ишрат

бўдилар. Ондин чаҳоршанба куни сипоҳи давлатпаноҳ ҳаминонлиғи била азимат шабдизига маҳмиз бериб, Қаро-йилғуннинг ғарбий тарафидағи боғи лозимулфароғгаким, ул ҳазратнинг мамлакаи хосасидур, шарафи нузули била муфаххари манозил қилдилар. Панжшанба куни ондин кўчуб йўл асносида Шориқировақ наҳрига кўлдин сув киратурғон ерларни кўруб, Кўҳна Урганчдағи ҳавлийи олийси-гаким, рифъат ва ҳисонатда фалак ҳисори буржиға фах-мат кунгурасин текурар эрди, назҳат ва назоратда жаннат гулшани тароватиға дами мусовот урар эрди, шавкати шо-ҳона била нузули ижлол кўргузуб, давлат ва иқбол била ул мавзеъда бир кеча мурод бодаси нашъасидин ишратси-гол бўдилар ва тонгласи жума куни ондин наҳзат мар-кабиға рукуб қилиб, Кўҳна Урганчнинг жанубий тарафи-дағи бўзда солинғон боғким, Кўҳна Урганч қалъасиға тахминан ёрим манзиллик масофатдир, ул ҳазратнинг фармони шарофатнишони мужибни била остони олийшон-нинг махсус ва мўътамадунилайҳ мулозимлари зумрасидин сидқу ихлос авжининг ситоран нурпоши Муҳаммадамин юзбоши ўтган йил ёф ёрдуруб, сув элтиб девори рифъат-мадорин истехкоми тамом била иморат қилмиш эрди, баҳори ҳузури била таровати мавфур ва назорати ғайри махсур еткурдилар. Ул ҳазратнинг ройи олам оройким, ҳамиша хароб ва беоб ерларни ободу сероб қилмоққа муқ-тазо эрди, ул навоҳидағи арозийи майта назари кимиёса-риға қобили зироат кўрунуб, ихё қилмоқни иртикоб қилиб, ёфин кенг қоздуруб, аёқин узоққа чекмак учун кўмак тилаб қорақалпоқия тавойифидин қазувчи келтуруб, шанба куни ёримин ҳамул ёфни қозмоққа буюриб, онинг корфармоли-гин вазири аъзам... Муҳаммад Яъқуб меҳтарнинг ройи хизматоройиға тавфиз этдилар ва ёримин Кўҳна Урганч ёфининг қозувиға буюруб, аларнинг корфармолиғиға садоратмаоб Отамурод қўшбегини номзод қилдилар.

Якшанба куниким, наврўзи жаҳонафрўз эрди, ул ҳаз-рат ҳамул боғдин кўчуб Кўҳна Урганчга бориб ...ҳазрати Шайх Нажмуддин Абулжанноб Кубро, қаддаса сироҳул-азиз бошлиғ авлиёйи киборнинг мароқидининг шарафи зиё-ратиға мушарраф бўлуб, арвоҳи таййибаларидин имдод ва ионат тилаб, футуҳоти тамом ҳосил қилдилар... Ҳамул мав-зеъдағи работи лозимилнишотиға нузул қилдилар ва онда уч кеча маснад оройи таваққуф бўлуб, ондоқ базми ишратға майлу рағбат қилдиларким, Жамшид базми афсонасиға хатти бутлон чекилди. Ва чаҳоршанба куни ул макони иш-

ратнишондин шавкати султоний ва савлати хоқоний била ашҳаби давлатга рукуб қилиб, орада бир қўнуб, панжшанба куни Кўҳна Вазир қалъасин мухайями хайёми иқбол ва мазраби сародиқоти ижлол қилиб, шарафи нузули била ашрафи мароҳил қилдилар.

Маълум бўлсунким, султони жаннатмакон Абулғози Раҳимқули Баҳодирхон... ҳамул мавзеъдин дарёни банд қилдуруб, қобили зироат ерларга ёф ёрдуруб, падари бузруквори хоқон Абулғози Оллоқулимуҳаммад Баҳодирхон... нинг Бухоро музофотидин кўчуруб келтургон лубоб элотиким, мантиқ била қипчоқ оралигида Мосув орнасининг канорида ўлтуруб эрдилар, кўчуруб, ул ҳаволига элтиб, мазорё ва масоҳин марҳамат қилмиш эрди. Ва ул ҳазрат ул мавзеъдин тонгласи жумъа куни дабдабаи тамом била саманди сарсархиромга рукуб қилиб, шикорандозлиғ русумига иқдом кўргузуб, Бутонтоғнинг шарқий жонибидаги қўл канорин муаскари асокири нусратпаноҳ ва мақарри боргоҳи сипеҳриштибоҳ қилиб, нузули майманатшумули файзидин рашки шаҳристони Чин ва ғайрати бўстони беҳишти барин қилдилар ва ул манзилда икки кеча мутаваққиф бўлуб, ул ҳаволидаги сарсармисол оҳуларга оҳанинчангол итолгулар солуб шикорандозлиғ тамошосидин баҳраи тамом олдилар. Ва душанба куни ҳамул марҳаладин рукуб қилиб яна аввалғи дастурда сайдандозлиғ тариқаси била Муҳаммадамин юзбошининг бўзда солдургон боғигаким, собиқан мазкур бўлуб эрди, саҳоби вуруди тарашшиҳотидин сероб ва саршорлиғ еткурдилар. Ва онда уч кун тараб ва истироҳат маснадида мутамаккин бўлдилар. Ва қозувчиларким Муҳаммадамин юзбошининг бўздин ёргон ёфи била Кўҳна Урганч ёфин қозмоқ амрига маъмур бўлиб эрдилар, ўн бир кун муддатида Муҳаммадамин юзбоши ёфининг аёқин тахминан бир ёрим манзиллик йўлга еткуруб ва Кўҳна Урганч ёфининг аёқин Кўҳна Вазир музофотидан Шамох шаҳрига қарийб еткурур, қозув ишин итмомга еткурмуш эрдилар, рухсати ом била кўнгилларин масрур ва шодком қилдилар. Ва панжшанба куни мазкур боғдин кўчуб, банд боғлатмоқ учун Шориқировақ канорин мазраби боргоҳи сипеҳрэхтишом ва муаскари сипоҳи давлатнизом қилиб нузул эттилар.

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, Шориқировақ наҳрига қўлнинг аксар суви оқиб, бағоят азим дарё бўлуб, сув туғенидин Кўҳна Вазир тавобеъидаги аксар музореъ ва экинларни сув олиб, талотум ва тарокум зўридин гоҳ-гоҳ

банддин ҳам йиқор эрди. Бу жиҳатдин ул ҳазрат ғайрати тамом ва издиҳоми молакалом била онингдек улуғ дарёни бир кечаву бир кундуз муддатида боғлатиб Кўҳна Вазирнинг мазраалариға вафо қилғудек сувни боғлотгон банднинг жанубий тарафидин бир орна ёрдуриб оқиздилар. Жумъа кунни пешиндин сўнг Шориқировақ қироғидин кўчуб, мазкур бўлгон боғға боруб, фараҳ ва фароғат аврангида оромгузин бўлдилар... Шанба ва якшанба кун фармони вожибал-изъон мужиби била вазири аъзам Муҳаммад Яъқуб меҳтар била дастури мукаррам Отамурад қўшбеги рикоби саодатмаоб мулозиматидағи барча умаро ва кубаро ва арбоби сипоҳға Кўҳна Урганчдағи мамлакаи подшоҳийдин ҳар кимнинг ўз ҳолиға кўра ер бериб, умид ва таманнолари мазраасин илтифоти хисравона саҳоби қаторотидин сероб ва тароватмаоб қилдилар. Душанба ва сешанба кун мазкур бўлгон боғнинг атрофидағи ерлардин вазирини мазкурин сипоҳи мазбурға амри олий мужиби била мазорейи назоҳатнамо ва масокини ишратафзо тақсим қилиб бериб, борча аолий ва асофил кўнгулларин ғоятсиз масруру хурам қилдилар.

Ул ҳазрат хулуси нийятдин ўз муборак қўли била мазкур боғнинг ичига ниҳол тикиб, эҳтимоми тамом била онинг истикмолиға иқдому иштиғол кўргуздилар...

Ҳазрати аъло хоқоний ҳамул орнани ким ул ноҳиятдин бағоят ариз ва чуқур қаздуруб муҳайё қилмиш эрдилар, Хонобод исми била мавсум қилдилар ва ондин кўп ориғлар сув олиб, кўб мазраалар ободлиғ топибдур.

Маълум бўлсунким, ул навоҳий Чингизхоннинг айёми тасаллутидин то бу замони саодатнишонғача ҳайратзадалар кўзи ёнглиғ беоб ва ошиқлар кўнглидек вайрону хароб эрди. Чун... Абулғози Оллоқули Муҳаммад Баҳодирхон наввараллоҳу марқанданин айёми хужастафаржомида дарёйи Омунинг суйи ҳамул тарафға зўр қилиб, Лавдон орнаси улуғ дарё бўлиб ва яна неча улуғ орналардин кўп сувлар жорий бўлуб, Хўжаэли била Кўҳна Урганч оралигиким, сувсиз ва саксовулзорлиғ дашт эрди ва раҳгузарийларнинг аёқиға бир қатра нам тегмай ул оралигда қатъи масофат қилур эрдилар, бағоят улуғ кўл бўлуб Кўҳна Урганч ондин ободлиғ топиб, кўп ерлар ондин сув ичиб, кўп эл манфаат топадур. Ва баъзи суйи Хўжаэлининг ошоқиға ўтгандан сўнг яна дарёға қуядур. Ва баъзи суйи Ойбукур қирининг доманаси била бориб, от йўлидин ўтуб тенгизға қуядур. Хусусан, уч-тўрт йилдан бери дарёйи Жайхуннинг

суйи ул тарафга кўпрак майл кўргузуб, кўлнинг суйи бе-  
ниҳоят кўполиб, Қаройилғуннинг ошоқ жонибидаги кўҳна  
дарёлиқга, ондин сув кириб жорий бўлмиш эрди. Ҳазрат  
аъло хоқони гитиситонийнинг назари кимиё асари ҳамул  
сувни мушоҳада қилиб, ройи оламоройи мазкур, бўлгон  
бўзғаким ҳоло онда мазкур бўлгон боғ бино топмишдур, сув  
элтмакка муқтазо бўлуб, атабаи сипеҳрмартаба мулозим-  
ларидин ихлос ва эътиқодкамин Муҳаммадамин юзбоши  
фармони шарофатнишон мужиби била Кўҳна дарёлиқга  
банд боғлаб ўтгон йил ёф қоздуруб, ҳамул бўзга сув эл-  
тиб мазкур боғ деворин бино қилдириб эрдиким, бу йил  
ул ҳазратнинг ўзи ул мавзеъга ворид бўлуб, ҳамул ёфни  
қоздуруб улуғ орна қилиб, кўп ерларга сув еткурдилар...  
Тонгласи жумъа кунни моҳи мазкурнинг йигирма учиди  
ондин издиҳоми тамом ва асокири маҳшарнизом била қа-  
дамандози наҳзат бўлуб, намозшом ҳангомида доруссал-  
танан Хивақга дохил бўлуб, салтанат саррида иқомат  
ва истироҳат кўргуздилар... Бу сафари шарофатасар муд-  
дати ўттиз уч кунга имтидод топди.. Етти кун сўнг Бу-  
хоро элчисигақим, аввалроқ остонбўслиғ шарафиға мушар-  
раф бўлиб, шаҳарда мутамақкин эрди, жумодулаввал ойи-  
нинг ғуррасида жумъа кунни ёниға элчи қўшмай мувофа-  
қатнома бериб Бухороға ирсол қилдилар.

## ҲАЗРАТ...НИНГ МАРВ ДИЕРИ САРИ НАҲЗАТНАМО БЎЛҒОНИ...

Чун бу сафари фархундаасарнинг сабаби зоҳири ва  
иллати ғойиси ул эрдиким, Сарахс вилоятида ўлтурғон  
така тавойифининг сардорлариким, Урозёғли ва Хожам-  
шукур эрдилар, кўп йиллардан бери бу хонадони давлат-  
нишон ва бўстони саодатиқтироннинг ҳаводор ва хизмат-  
гузори эрдилар. Аммо Урозёғли шарорати жибилий ва  
залолати фитрий муқтазосидин ўзига тобеъ элот била ҳаз-  
рати аъло хоқонийнинг рибқайи убудиятидин рақабайи ито-  
атни тўлғоб, Бухоро подшоҳи амир Насруллоға мутобаат  
кўргузуб, рафту омад қилур эрди. Хожамшукур кўрнамақ-  
лик вуболин бўйниға олмай ва беҳамиятлик қаросин юзига  
солмай, некухоҳлиғ ва якжиҳатлик жодасида собит қадам  
ва росихдам эрди. Аммо ул боғийи бадкеш ва муфсиди  
бадандеш, яъни Урозёғлининг шарорат ва залолати зара-  
ридин эҳтироз кўргузуб ва ул ҳазратнинг қаҳру сиёсати  
асаридин андешнок бўлуб, ўзига мутобаат ва мувофақат

кўргузган жамоа била Сарахсдин кўчиб, Марвнинг беш манзиллик ошоқида Қаробурун отлиғ мавзеъга келиб, ул ҳазрат давлати соясини бошига паноҳ билиб, мутавваттин ва мутамаккин бўлиб ўлтурди. Ва сориқ муфсидларининг доғи сархайл ва саромадларидин Ағониёз парвоначи ва Умарбек ибн Раҳмонбердибой ва қози Мустафоқули ва ғайри ҳум қилғон гуноҳу исёнларидин нодим ва пушаймон бўлуб, ул ҳазрат қуллиғи ҳавоси кўнгулларида жой тутуб, ўзларига тобеъ элу уруқлари била ўзга мутамарридлардин ойрилиб, Марвдин кўчуб чиқиб, Қаробурунға келиб, така тойифасига қўшилдилар. Хожамшукурни журму гуноҳлариға шафеъ қилиб эттизоси тамом ва инкисори локалом била келиб боргоҳи олампаноҳ атабабўслиғи шарафига мушарраф бўлуб, карами хоқоний ва инояти султонийдин чеҳраи исён ва рухсорай нуқсонлариға афву игмоз пардаси чекилиб, фараҳу хуррамлиғ била қайтиб эрдилар. Олар ўбалариға бормасдин бурун сориқ муфсидларидин кўп отлиғ Марвдин келиб элу аҳшомлариға чаповул уруб кетибдурлар. Ўбалариға борғондин сўнг бу воқеадин хабардор бўлуб, Хожамшукур бошлиғ борча машоҳиру маорифи мажлис афрўзи машварат ва маҳфилоройи маслаҳат бўлдилар ва иттифоқ била муфсидлар тааддисидин додхоҳлиғ қонуни била тазаллум оҳангин тузуб, ул ҳазрат мулозимларидин истимдод ва истижоша кўргузуб Ағониёз парвоначиниким, аввалдин бу давлати рўзафзуннинг ҳавохоҳ ва ихлоснамуни эрди, даргоҳи фалакиштибоҳ хокбўслиқиға юбордилар. Ул ҳазрат аввалдин худ аҳли инод ва арбоби фасоднинг таъдибу гўшмолин пешниҳоди замири саодатмаол қилмиш эрдилар. Аларнинг тазаллуму илтижоси ва тавақуъу илтимоси ул ҳазратнинг силсилаи азиматиға таҳрик бериб, юруш таъжилиға илова бўлди. Ложарам фармони қазожараён мужиби билан мамолики маҳруса атрофи ва вилоёти маҳфуза акнофиға асокири зафарфар ва жунуди нусратасар эҳзор ва ижтимоъи учун Баҳром салобат ясавуллар ва Миррих маҳобат сурдовуллар барқи ҳотиф ва риҳи Осафдек жалодати тамом била озим бўлдилар ва рикоби давлат интисоб мулозимлари доғи панжан эҳсони султонийдин нуқуди фаровонға мутасарриф бўлуб, таъжили тамом била яроғи сафар таҳиясиға иштиғол ва эҳтимом кўргуздилар. Чун оз фурсатда асбоби сафар муҳайё бўлуб, анвоъи лашкар ижтимоъ топти, таърихи ҳижрий минг икки юз олтмиш учда қўй йили офтоби оламтоб шаҳсуворининг ниҳояти сайри савр буржининг даражаи ахирида



эрди, жумодуссоний ойининг олтисида жумъа куні аср ҳангомидаким, аҳли нужум қавли била жамеъи соатлар афзали борча замонлар акмали эрди... ҳазрати хадиви комкор душманшикор пойи давлатни рикоби саодатга қуюб, бодпойи бодияпаймойи иқболга рукуб қилиб, кавкабаи тоза ва дабдабаи беандоза била аъломи зафарфаржом ва сипоҳи маҳшарнизомни ҳаракатга киргузуб дорилхилофан Хивакдин хуршиди жаҳонтоб янглиғ чиқиб атрофу акнофга дийдори қуёш ёнглиғ нурпошлиғ кўргуздилар.

Ва хуфтан чоғиким, сипеҳр манзилгоҳи анжум чароғидин музайян бўлуб, ой чобуксувори анда нишиман қилди, ойини хисравона ва қонуни мулукона била Ёнгиориқ мавзеидағи ҳавлийи давлатпаноҳ ва манзилгоҳи шарофатиктиноҳигаким, файз ва назоҳатда ғайрати бўстон ва рашки жинон эрди, ворид бўлуб, ҳамул кеча давлат ва иқбол била таваққуф кўргуздилар. Ва тонгласи шанба куниким, хисрави ховар заррин либосин машриқ манзилгоҳидин жилвагар қилиб, сипеҳр арсасига қадамовар бўлди, ул ҳазрат мазкур манзилдин ашҳаби давлатга рукуб қилиб, ливойи назҳатни жилвага киргузуб, Ноймон мавзеидағи боғи мусаффо ва қасри дилкушосига ташрифи ҳузур элтиб, файзи нузул ва шарафи вусулидин ўзга ёнглиғ назорат ва тароват етқурдилар. Ва якшанба куні ондин кавкабаи воло била кўчуб, издиҳоми қиёматнамо била Ҳазорасб қалъасига дохил бўлуб, бир кеча маснадоройи истироҳат ва аврангпийройи истиқомат бўлдилар. Ва тонгласи душанба куні талиъаи субҳдин сўнг ул ҳазрат баъзи саркардаларнинг хизмат ва ғайрат умурида бағоят қоҳил ва ноқобил эрдилар, туғларин олиб, умаройи эзом ва сипаҳдори киромдин баъзи садоқатандеш ва шижоаткеш муловимларга инъом қилдилар. Андоқким, Авазхожа шайхулисломнинг туғин олиб, аморатпаноҳ, асолатдастгоҳ, садоқатойин заҳируддавла ваддин маржаъи халойиқ, амири равшанзамир Муҳаммад Солиҳ оталиқга марҳамат қилдилар ва Эрназар иноқнинг ливосин олиб, иззатмакон, муборизатнишон, ихлос ҳамдам, жалодаттавъам, хизмат аҳлига фойиқ издаддавла амир Тўрамурод оталиқга шафқат кўргуздилар. Ва Қорли юзбошининг раиятин олиб, шижоатшиор, фаросатосор, иқболвазифа маҳрами, давлаттавъам Бекиш халифага инъом қилдилар. Ва Яхшимурод юзбошининг аламин олиб, ақидаасар, сароматгустар, даргоҳи фалакпойгоҳ ходимлариға саромади ихлоснишон Аҳмадбекка иноят кўргуздилар. Ва бу янглиғ мароҳими

хисравона ва авотифи подшоҳона била мазкур бўлгон саркардаларнинг фарқи ифтихорин ашбоҳ ва ақрони орасида чархи даввор авжидин ошурдилар. Ўзга умароға доғи бақадри мартаба инъом ва эҳсон қилиб, кўнгуллариға ниҳоятсиз хурсандлиғ еткурдилар. Ул жумладин, Тағой миробға алтифи подшоҳона хазойинидин икки юз тилло ва Бобо Иноқға эллик тилло марҳамат қилиб, аҳли сипоҳ оросида мумтозлик ва сарафрозлиғ боғишладилар...

Ҳамул кун пешин чоғи ўрдуйи аъло ва кавкабаи воло Ҳазорасбдин ҳаракатнамо бўлуб, Фитнақдин ўтиб Шайх Ориқиға ворид бўлди. Ва ул мавзеъда хиргоҳи гардуништибоҳ ва хайёми зафарпаноҳ изои била шаҳристонин Чин масаллик тўлди. Сешанба куни ондин наҳзат кўргузуб Уч-тўпа отлиғ мавзеъға нузул қилиб, баҳори вусулидин дарёйи Ому канорин кавсар қироғидек файзрез, балки беҳишти барин боғидек тароватангиз қилдилар. Ва ондин чаҳоршанба куни издиҳоми нусратнизом била кўчуб, алвияи зафар таъбияни жилваға киргузуб вуруди файзнамуди баҳоридин манозили мутақассира хористонин ғайрати бўстони жинон ва партави анвори дийдоридин мароҳили мутанаввиъа шабистонин мавжи чарогон қилиб, ўн кунда мазкур бўлгон ойнинг йигирмасида жумъа куни Қабоқли бешасиға кавкабаи воло била дохил бўлуб, мухайями хайёми иқбол ва муаскари асокири нусратиштимол қилдилар. Ва ул мавзеъда сипоҳи вофира ва афвожи қоҳира кейиндин келиб, ўрдуйи ҳумоюн ва муаскари саодатнамунға мулҳақ бўлуб, ул янглиғ издиҳоми ом ва гулгулаи том зухурға еттиким, ер арконин тазалзулгустар ва фалак аҳли қулоғин кар этти.

Маснавий:

Онингдек бўлуб жамъ хайли сипоҳ,  
Ки теъдодиға топмайин ақл роҳ.

Сигаолмайин дашту саҳро аро,  
Не дашту не саҳроки, дунё аро.

Такопўйидин ер тахалхулапозир,  
Ҳаё-ҳўйидин чарх ўлуб ваҳмгир.

Ҳамул кун ҳазрати хадиви жамшид макнат Гурлон ва қипчоқ ва баъзи қароқалпоқ лашкарин номдор ва шижоатшиор саркардаларидин аморатпаноҳ Тўрамурод оталик ва аёлатдастгоҳ Хожаниёзбий била илгари йибордилар, токим

кавкабан володин бурунроқ бориб, қудуқларни қозиб обод қилғойлар ва мазкур ойнинг йигирма бирида шанба куни! мўътамадунилайҳ саркардалардин сидқу ихлос аҳлининг йўллоши Раҳматулла ясовулбошини жамеъи ямут ва ямроли черики била муқаддимаи сипоҳ ва ҳировули лашкари зафардастгоҳ қилиб Маҳмудниёз ясовулбоши ва Муҳаммад Мурод маҳрамни човдар ва машриқ йигини била бурунроғ ҳиросатиға, Худоёрбий ва Саййидназарбийни кўклон ва тоза қўнғирот сипоҳи била жувонроғ муҳофизига ва Муҳаммад Солиҳ оталиқни борча қўнғирот ва баъзи қароқалпоқ гуруҳи била черик соқаси нигоҳбонлиғига таъйин этиб, пешин чоғи Қабоқли бешадин кўчуб, ўз нафси нафиси била қалбгоҳи нусрат паноҳда хуршиди дурахшон, нужуми бекарон аросида сайри суръат кўргузгондек, Ҳафт реги Хоразм қатъиғақим, ҳар бир баланди аълоий алийин фарозидин нишона ва ҳар бир чуқури асфали софилин нишебидин афсона ойтур, ҳавоси ҳаёт машъаласин ўчургувчи ва ҳарорати умр нахлин куйдургувчи, сувсизликдан бошдин-оёқ хароб ва они қатъ этгувчига сув хаёли ноёб. Маснавий:

Ажаб регзоре эрур бекарон,  
Ва лекин саропо томуғдин нишон.

Онга ҳаддин афзун фарозу нишеб,  
Келиб барчаси бир-биринин муҳиб.

Ва лекин саропойи буртоқ ўлуб,  
Онга кирган эл тоқати тоқ ўлуб.

Киши топмайин онда сувдин асар,  
Магар сув ғамида сув бўлғон жигар.

Етиб йўлида тў-батў устухон,  
Бўлуб қатъида ўлган элдин нишон.

...Таваккал урватулвасқосига чанги эътисом уруб ва афвази амри аллаллоҳу фаҳвоси била инон-ихтиёрин тангри таолонинг қабзаи иқтидорига топшуруб, азимат якронин гармжавлон қилдилар... Ҳавзихон отлиғ мавзеъга етиб, нузули ижлол кўргуздилар. Ва тонгласи якшанба куни издиҳоми қиёматнизом била саманди сарсархиромни суруб, иқболу бахт ҳилояти билан Тахт Қудуқи ҳаволисига ворид бўлуб, мустақарри ўрдуий жаҳонпаймо ва муаскари сипоҳи

жалодатнамо қилиб, баҳори нузулидин ул ҳаволини файзу тароватгустар қилдилар.

Ва ҳамул кун ул мавзёда мутаваққиф бўлдилар, токим афвожи қоҳира машку митҳариларига сув олгойлар ва душанба куни мазкур манзилдин кўчуб, қамари сариус-сайрдек шукуҳи лозимулхайр била шабгир қилиб, кўҳсу-рат ақабалар ва фалақхайъат пушталарға бодпой бодия-паймони дубуру сарсаросо суруб, уч манзилда сешанба куни чошт чоғи афвожи баҳрамвож ва асокири қиёматмао-сир била Ёриҳожии отлиғ қудуқ атрофига ворид бўлуб, му-хайями хайёми иқбол ва мақарри кавкабаи ижлол қилди-лар. Ва ҳамул қудуқ бошида лашкари зафарпарвар ва аф-вожи маҳшарасар ижтимоъи учун икки кун ва икки кеча таваққуф кўргуздилар. Ва икки кун муддатида издин ке-латурғон сипоҳи мавфура мавкиби ҳумоюнға қўшулуб, ул масобада издиҳом бўлдиким, ҳамул қум сатҳи сарто қа-дам аснофи одамдин тўлди. Ва панжшанба куни ҳамул қу-дуқ бошидан ўрдуйи гиҳонпўй ва гуруҳи қиёматшукуҳ била азиматнамо бўлуб, шабгир била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, тўрт манзилда Марв музофотиға дохил бўлуб, Кушмон отлиғ майдони бекарондин убуру этиб, мазкур бўлғон ойнинг йигирма сегизида шанба куни Байрамалихоннинг қалъасинким, сориқ муфсидларидин бир гуруҳи шақоватпажуҳ онда мутаҳассин бўлмиш эрди, муҳосара қилиб, орқа жонибида бир киштзорни мақарри мавкаби қиёматдастгоҳ ва муаскари асокири нусратпаноҳ қилиб, боргоҳи гардуништибоҳнинг қуббаи дурахшонин офтоби оламтобнинг қамаи тобонидин ўткардилар. Ва хай-ёми саодатилтизом ҳужуми ва мавокиби нусратинтизоми издиҳомидин ул навоҳи шаҳристони Чин шавкатин ошкор қилди, балки арсагоҳи маҳшар савлатин намудор этти. Назм:

Онингдек бўлуб касрати издиҳом,  
Ки тутти сипоҳ ер юзни тамом.  
Чиқиб гулгула авжи афлокға,  
Тушуб зилзила соҳати хокға.

Ҳамул кун ҳазрати хадив карамгустар камоли фуқаро-парварликдин суддаи хилофат мулозимларидин Вайсниёз-бой ва Бекиш халифани ўз навкарлари била аснофи лаш-кариядин баъзи мутажаннидаким, чўл ва ташналик сууба-тидин улоғлари ҳориб, кейиндин келур эрдилар, оларнинг

олдиға йибордилар, токим олар ул жамоанинг олдиға чиқиб сув ва озик била имдод еткуруб омон ва эсон ўрдуий аълоға мулҳақ қилдилар. Ва ул ҳазрат ҳамул кеча ул манзилда маснадоройи истироҳат ва нашъа андузи саҳбойи давлат бўлуб, тонгласи якшанба сабоҳиким, анжум шоҳи машриқ боргоҳидин чиқиб, фалак қўргони сари гармжавлон бўлди, кирёси гардун асосдин шукуҳи беқиёс била якронин зафаринонға рукуб қилиб, сипоҳи бекарон била Байрамалихоннинг қалъаси устига ливо афрози наҳзат бўлдилар, токим назари дурбини била қалъа арконин тамошо қилғайлар ва билгайларким, тадбир каманди қайси тарафдин осонлиғ била фатҳ зурвасиға банд бўлғай. Чун бу мулоҳаза била бориб қалъанинг атрофу жавонибин эҳтиёт кўзи била томоша қилдилар ва шарқий тарафдин шимол жонибиға айланиб, хулуси нийят ва сафойи тавият била авлиёуллоҳ зиёратига атфи инон қилиб, султон Санжари мозийнинг қалъасидаги осудалиғ топғон бузрукворларнинг мароқиди файз осор ва мақобири жаннатнамудорларининг остони малоийикпосбонлари зиёрати шарафиға фойиз бўлуб, арвоҳи, таййибалари имдодидин футуҳоти тамом ҳосил қилиб, маросими зиёратдин сўнг яна қалъа устиға келиб таваққуф аламин барпой қилдилар. Ҳукми олий ишорати била урдуий ҳумоюнни кўчуруб, қалъанинг кунботар тарафиға дарвоза пешгоҳига тушуриб, боргоҳи саодатасар қуббаларин сипеҳри ахзар зурвасиға еткурдилар. Ул ҳазрат пешин чоғи қалъа устидин муовадат қилиб, муаскари ҳумоюнға келиб, боргоҳи давлатға нузул қилдилар.

Ҳамул кун баъзи таҳаввурпарвару жалодатгустар ва савошталаб йигитларким ҳамиша ўзлариға ҳариф истаб, корзор маъракасининг нигарони эрдилар, муаскари ферузийасардин чиқиб, қаровулар била атрофу жавонибни нигомиш қилур эрдилар. Ногаҳ сариқ муфсидларидин уч юз нафар отлиғким Ниёзмухаммадбойнинг қалъасидан чиқиб, бу қалъада мутаҳассин бўлғон мутамарридлар имдоди учун келур эди. Шужаойи нусратпарвар ул гуруҳи накбатасарни узоқдин мушоҳада қилиб, барча бирдин жилаврезлик била от солдилар. Бовужудиким муонидлар ададда сипоҳи зафарпаноҳдин зиёда эрди, баҳодирларнинг садамаи ҳамалотиға тоқати муқовамат келтира олмай, инҳизом топиб, марокиби хазлонни оворалиғ майдониға сурдилар. Баҳодирлар ул гуруҳи фитнаангиз ақабидин тавсани жалодатға маҳмиз бериб, шамшири тез ва синони

хунрез зуруби била аъдо гуруҳин музмаҳил ва ночиз қилиб, аксарин тиғи бедариғ ишорати била ажал ҳисни ҳасини ва адам асфали асофилиниға афтону хезон равон қилдилар. Қолғони юз минг машаққат била ҳар ким бир тарафға жон ҳавли жон фирор ихтиёр қилиб, ўзларини берк ерларга ва гўшан ихтифога чекиб, шужаъойи душманшикорнинг самсоми интиқомидин қутулдилар. Баҳодир бу зафари беҳжатасар нишонаси учун аҳли инод ажсодидин ўн беш бош кесиб ва иккисин тирик келтуруб, атабаи аъло мулозимларининг сумми самандиға туҳфа қилдилар ва инояти хисравона ва мароҳими подшоҳонадин сарбаландлиғ ва аржумандлиғ топилар. Ул жамоадин Отажон юзбошийи қипчоқким, муборазат ойинида ягонаи офоқ эрди, гуруҳи шақоватосор синонидин захмдор бўлуб, ҳазрати хидеви карамшиорнинг марҳами илтифоту инъомидин яроси илтиём топиб, ўз ажноси орасида даражаи аълоға тараққий топти. Ҳамул кеча қалъакушойилиғ дағдағаси ҳазрати аъло хоқони гитиситонийнинг хотири шарофатнишонига музаммам бўлуб, мунодий қилдурди-ким, лашкария аҳлидин ҳар ким ўз ҳолиға кўра қалъакушойлиғ асбобин муҳайё қилсунларким, тонгда борча сипоҳи қоҳирани қалъаға югурмак рухсати билан сарафроз қилғумиздур. Чун бу фармони вожибулизъонни истимоъ этгач, борча сипоҳи жалодатнишон, балки жамеъи хурду калон бағоят масрур ва шодмон бўлуб, тонг отгунча қалъаканлик асбобининг истикмолиға иштиғол кўргуздилар. Чун тонгласи душанба субҳиким, кавокиби султоний фалак кўргони тасхириға озим бўлди, ҳазрати аъло хоқоний қалъа фатҳиға азимат кўргузур чоғда... Бекиш халифаким инояти хоқонийдин тоза тарбият топиб алиэли лашкариясининг саркардалиги мансабига мансуб бўлмиш эрди... сипоҳ била бориб берухсат қалъаға югурди, токим борчадин бурун жаҳду кўшиш кўргузуб, қалъани фатҳ қилғай ва ул фатҳ аҳли олам орасида ўз отиға иштиҳор топғай. Аммо бу мисра мазмунидин гофилким, мисра:

Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур.

Чун жалодати тамом била туғин қалъанинг тубиға элтиб, ҳайъати ижтимоъ била деворға тирмашиб, қалъа устиға чиққан ҳангомда аъдойи залолатфаржом ҳужуми тамом, ғайрати молакалом била мудофаа амриға иштиғол кўргузуб, туфангандозлиғ ва шамширбозлиғ била Шоҳ-

муҳаммад ўнбеги бошлиғ беш-олти кишини даражай шаҳодатга еткурдилар. Бекниш халифа бошлиғ икки уч киши захмдор бўлди. Бу воқеа мушоҳадасидин сўнг ўзга оломон доғи қалъа остидин қайтиб майдонга чиқтилар. Байт:

Агар кимса бўлмоқ тилар бахтиёр,  
Керак аввал этса таанни шиор.

Чун бу хабар мирваҳажунбонлиғидин ул ҳазратнинг нийрони қаҳри иштиғол топиб, қалъа устига рукуб қилдилар ва сипаҳдорларни ўзлариға тобеъ лашкари била гуруҳ-гуруҳ айириб, ҳар гуруҳға булжор ва мурчал таъйин қилиб, қалъа атрофиға йибордилар, токим ҳар тоифа ўз булжор ва мурчалида муҳайё ва омода бўлуб, ишорати олий содир бўлғоч, борча бирдин ҳужумовар бўлуб, қалъаға югургайллар. Ул ҳазрат ўз нафси нафиси била қалъанинг жанубий тарафиға бориб, таваққуф аламин жилваға киргуздилар. Ул аснода умаройи олийшон ва уманойи гардунтавон ва акобири шавкатмаоб маросими одоб била иттифоқ кўргузуб, арз қилдиларким, агарчандики афвожи қоҳира ва сипоҳи мансуранинг селоби ҳамалоти ўтрисида қалъа биносининг матонати ҳубоб уйининг ҳисонатича йўқтур ва яқиндурким, асокири нусратмаосирнинг бир ҳамласида мафтўх бўлғусидур. Ва лекин эҳтимоли борким, шужаъойи хужастасифотдин баъзининг гавҳари зотиға халал ва нуқсоне етқайким, ул хазаф миқдор мазаллатосорларнинг юз минги бирининг қадами губориға баҳо бўла олмас ва яна зоҳирдурким, ҳар шаҳар ва вилоятеким, қаҳран ва қасран мусаххар бўлса, сафки димоъ вуқуъ топиб, кўп кишининг молу жониға зарари фоҳиш етишгусидур. Бу иш доғи қонуни мурувватдин йироқдур, нединким қалъа аҳли бойирий навкар ва қадимий хизматпарварингиздур. Агарчи ҳоло излоли шайтон била инод ва тамарруд аён қилурлар ва лекин сўнгроқ қилғон гуноҳу исёнларидин нодиму пушаймон бўлуб, изҳори эътизор ва инкисор қилиб, остони давлатпосбон хокбўслиғиға келурлар ва бу даргоҳи олам-паноҳдин ўзга малозу малжоблари йўқтур. Эмди бу ғуломи дирина ва бандаи каминаларингизнинг инояти хисравонангиздин илтимосу илтижолари буким, бу тийра рўзгорларнинг жаройимин назари эътиборға илмай қалъакушойлиғ дағдағасин тарк тутсангиз, токим, бу марҳамат баракатидин умру давлатингизни худойи таоло кўп йиллар жаҳон мамоликида пойдор қилғай. Чун ул ҳазрат умаройи

эзомнинг бу мултамасин камоли карамдин мабзул тутиб, қалъа устидин инонтоб бўлиб, муовадат кўргуздилар. Ва шавкати шоҳона била ўрдуйи ҳумоюнға келиб, боргоҳи сипеҳрнамунни офтоби вусулидин мунаввар қилдилар. Ва ҳамул кеча жамшидона базми айш тузуб, фараҳу нишот жомига майл кўргуздилар. Ва тонгласи сешанба сабоҳиким, қуёш хоқони карам панжасин очиб, сипеҳр айвонида зарафшонлиғ қилди, ҳазрати аъло хоқоний ҳотамлиғ маснадида ўлтуруб, захмдор бўлгон ва атрофу жавонибдин аҳли инод била талош қилиб, калла кесиб келтургон ва яхши хизмат зуҳурга еткургон баҳодирларға панжаи эҳсонидин зарпошлиғлар кўргузуб, барчасин ғани ва дунёдин мустағни қилдилар. Аммо ҳамул уч кун муддатда оломони нусрат қарин изроран лилмуфсидин мўру малах лашкаридек атрофу жавонибдин бир манзиллик ергача аҳли инод ва арбоби фасоднинг мазраа ва экинларин поймоли марокиб ва лакадкуби мавокиб қилиб, хирмани умидларин маҳрумлиғ шамолиға совурдилар. Ҳазрати хидеви комкори душманшикор тонгласи чаҳоршанба кунни Байрамалихоннинг қалъаси атрофидин кўчуб, Марв дарёсининг шимолий жонибида бир кўл канорин муаскари асокири нусратмаосир ва мустақарри ўрдуйи саодатмазоҳир қилиб, нузули ижлол кўргуздилар. Ҳамул кун шужаойи муборазатшиор ва қуталойи жалодатосор масоф ва корзор талаби била Ниёзмумҳаммадбой қалъасининг атрофиға бориб, сурон солдилар. Арбоби нифоқ доғи номус юзидин отлиғ ва ёёқ ҳужуми тамом била чиқиб, баҳодирларға муқобил бўлуб, савош ва талош русумин зуҳурға еткурдилар. Ва шужаёйи сароматнишон шери жаён ва бабри дамон ёнглиғ ҳамалоти мутаоқиб била аъдойи бадфаржомға инҳизом еткуруб то қалъаға киргунча юз чоғлиқ кишисин мақтул ва захмдор қилдилар ва ўн беш чоғлиқ калла ва асир келтируб, алтофи подшоҳона ва аътофи хисравонадин мумтозлиғ ва сарафрозлиғ топдилар. Ва панжшанба кунни ҳукми воло мужиби била вазири олийниҳоди фаррухнажод Отамурод қўшбеги оммаи лашкарияға буюруб дарёнинг бандин йиқтируб, сувин аввалги рудхонасиға жорий қилдурди, токим аҳли фасоднинг мазраан умиди сувсизлиқ жиҳатидин қуруб, аҳволиға усрат ва суубат юзлангай.

Жумъа кунни издиҳоми маҳшарнизом била кўчуб қалъанинг орқа, кунботар тарафида бир мазраа орасиға тушуб, асокири давлатнишон балойи ногоҳон ёнглиғ пишгон буғдой ва ўзга экин ғоратиға мубодарат кўргузуб, борчасин



поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб, арбоби залолнинг изрориға саъй ва иштиғол кўргуздилар. Ҳамул кун ҳазрати шаҳриёри душманшикорнинг хатти итотидин бўюн тўлғамай, жонсипорлиғ ва хизматгузорлиғ жодасида собитқадам ва росихдам бўлуб, Қаробурун отлиғ мавзеъда мутаваттин бўлуб ўлтургон така ва сорик тавоифининг санодид ва мушоҳиридин Хожамшукур оқсақол ва қози Мустафоқули ва Умарбек бошлиғ тўрт юз отлиғ подшоҳона пешкаш ва ғоятсиз қўй била келиб, остонбўслиғ шарафиға файиз бўлуб, сипоҳи қоҳира силкига интизом топдилар. Шанба куни ўрдуйи аъло ҳамул манзилдин кўчмай, ҳукми воло ишорати била даргоҳи фалакиштибоҳ худамосидин корхонаи олий саркори ихлососори Муҳаммад Яъқуббой келган қўйларни умаро ва кубаро ва сипаҳдорларға алоқадри маротабахум тақсим қилиб берди. Лашкар аҳли доғи ҳамул кун экин ғоратиға татовул қўлин узотиб, кўп мазруот ва маҳсулотни поймоли чаповул қилдилар. Яқшанба куни мавкиби хумоюн ҳамул мавзеъдин кўчуб, қалъанинг кунботар тарафидағи зироатгоҳни муаскар қилиб, черик аҳли экин торожиға ҳужумовар бўлдилар. Ҳамул кун Сарахс такасидин кўп отлиғ аҳли иноднинг кўмак ва имдодиға келиб, қалъадин ҳужуми тамом ва ғавгойи ом била чиқиб савошу фархошталаб бўлуб, майдондорлиғ кўргуздилар. Бу тарафдин шужаъойи номдор ва сипоҳи кийнагузорким, маъракаи корзорни ийди баҳордин таржиҳ қилур эрдилар ва аъдо қонин тўкмакни майи хушгвор ичмакдин афзал билур эрдилар, башошати тамом ва мусаррати молакалом била муониди бедин ва муфсиди залолатойинлар муқобаласиға бориб, ясов чектилар ва икки тарафдин от солишиб, муҳариба маъракасин қиздурдилар.

Маснавий:

Чиқиб ҳар тараф гурдлар тунду тез,  
Аён айлабон бир бирига ситез.

Гаҳи бу анга ҳамла изҳор этиб,  
Гаҳи ул мунга қасди бисёр этиб.

Сурон ҳар тараф солиб икки сипоҳ,  
Епиб меҳри рахшон юзин гарди роҳ.

...Ҳамалоти мутаоқиб била аъдойи гуризпойға шикасти фоҳиш етушиб, маъракаи корзордин фирор кўргузиб, ҳазимат тариқин ихтиёр қилдилар. Ва ғояти даҳшатдин аф-

тону хезон баъзи ўзин қалъага еткуруб ва баъзи қалъага киргудек фурсат топмай, атрофга мутаворий бўлуб, мағок ва мағораларга кириб, юз машаққат била жонларин маҳлакадин қутқардилар. Сипоҳи жалодатфаржом... аҳли иноднинг муътабар ва шижоатпарвар йигитларидин юз нафар чоғлиқни қатлга еткуруб, инояти хисравонадин сарафрозлиғ топтилар. Душанба куни ул ҳазрат ҳамул мавзеъдин ливоафроси азимат бўлуб, қалъанинг ғарбий жонибида ярим манзиллик масофат қатъ қилиб бир кўл канориға ўрдуйи гиҳонпўй била тушуб, аҳли фасод тавоийфидин самандук тоифасининг бугдой ва ўзга экинин поймоли марокиб ва лагаткўби мавоши қилдурдилар. Ҳамул кун Хожамшукур оқсақол ва қози Мустафоқули ва Умарбек бошлиғ келган итоат ва инқиёд аҳлига навозишлар кўргузуб, албисаи фоҳира бахшиши била сарбаланд ва аржуманд қилиб, ўбалариға қайтардилар.

Сешанба куни ондин кўчуб дарёнинг жанубий канорида бир васеъ мазраани муаскар қилиб нузул этдилар. Чаҳоршанба куни дарёнинг орқа тарафиға ўтуб бир киштзорни лашкаргоҳ этиб, борча экинин мафқуд ва нобуд қилдурдилар. Панжшанба куни ул мавзеъдин издиҳоми қиёматнизом била ҳаракат кўргузиб, дарёнинг яна бир шувбаси канорин мазраби боргоҳи сипеҳриштибоҳ қилиб, манзили сипоҳи зафар-интибоҳ эттилар. Жумъа куни ўрдуйи ҳумоюн ва афвожи маҳшарнамун била ҳамул шубадни дабуросо убур қилиб, бир мавзеъи шарофатнишонға нузул этиб, ғайрати жинон қилдилар.

Чун ўн тўрт кун муддатида Марв вилоятининг аксари масокину мазореъи жунуди номаъдуд марокибининг лагадқубидин хароб ва нобуд бўлди. Ҳазрати аъло хоқони гитиситоний аёни давлат ва ақобири зи шавкатнинг илтижову илтмоси била инони азиматни жодан муовадатға қайтариб, ўн бешинчи кун ким, шанба эрди, чўл тадорикни учун гардунтавъам бухтиларға саҳоб нишон машқлар юклатиб, Чилбурж мавзеъидин наҳзат бодпосин Ҳафтреги Хоразм қатъиға масофатпаймо қилиб, беш манзилда душанба куни Ёриҳожии қудуқи ҳаволисига ворид бўлуб, ҳамул кеча таваққуф кўргуздилар. Сешанба куни ондин давлат яқронин гармжавлон қилиб, уч манзилда чаҳоршанба куни иқболу бахт ҳамроҳлиғи била Тахт қудуқи атрофиға дохил бўлуб, нузул эттилар. Ул мавзеъдин ҳамул кеча кўчуб, шабгир қилиб икки манзилда панжшанба куни дарёи Ому канориға чиқиб, Қабоқли бешасин

нузули файз-ишtimoли била жаннатмисол қилдилар. Жумъа кунни ул мавзеъда сипоҳ аҳлининг марокиб ва мавошиси осойиши учун мутаваққиф бўлдилар. Шанба кунни ондин ўрдўйи ҳумоюнни кўчуруб, эъломи зафарфаржомни лашкари нусратасар била қир йўлидин юбориб, ўзи аёни ҳазрат ва аркони давлат била ҳилол мисол заврақларга миниб сув сатҳида сафина бодпосин суриб, икки манзилда якшанба кунни Оқработ марҳаласига ворид бўлуб, нузули ижлол кўргуздилар.

Ҳамул мавзеъда остони олийшон мулозимларидин Яъқуббой Хонақоҳийни элчилик йўсуни била Бухоро подшоҳи амир Насруллога ирсол қилдилар. Душанба кунни ул манзилдин бодияпаймойи наҳзат бўлуб, қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, чаҳоршанба кунни Тевабўюн мовзеъин мухайями хайёми муталло ва мазраби боргоҳи муалло қилиб, баҳори ҳузуридин беҳишт қусуридек таровати тамом бағишладилар...

Ҳамул манзилда ул ҳазрат... атабаи аъло мулозимларидин Раҳматулло қароқўзим, собиқан фармони олий мужиби била элчи бўлиб Хўқанд вилоятига кетмиш эрди, Хўқанд подшоҳининг қўшқон элчиси била шаҳарга келиб ҳамул мавзеъда истиқболга чиқиб, мулозамат шарафидин баҳриёб бўлди... Ҳамул макондин азимат тавсанин суруб, шавкати тамом ва савлати молакалом била доруссалтанай Хивақга ворид бўлуб... давлати тамом била нишиман қилдилар.

Бу сафари саодатасарнинг имтидоди эллик бир кун эрди.

Баъзи вақоеъ зикриким, ҳазрати хидеви комкор мазкур сафардин муовадат қилиб, салтанат саририда истиқрор кўргузгондин сўнг зуҳурга етди. Ул жумладин улким, ҳазрати аъло хоқоний мазкур сафардин келгач, Қорахон маҳрамким, қорадошлу тоифасининг саркардалиги анга муфавваз эрди, они ул мансабдин маъзул қилиб, қиёт дудмонининг иззат ва шижоатнишони... Тағой миробни мазкур жамоанинг сипаҳдорлиғи мансабиға мансуб қилиб, ўз ақрони орасида сарафрозлиғ еткурдилар.

Яна улким, ҳамул йил рамазонал-муборак ойининг сегизиде панжшанба кунни Шукрулло ақо Қиличжонбой Ўрусдин келиб, ўрус подшоҳи била қилғон мулоқоту мунозара ва муноқашаларин масомеъи аълоға еткурдилар.

Яна улким, Яъқуббой Хонақоҳийким, элчилик тариқаси била Бухороға ирсол қилилиб эрди, андоқким собиқан

мазкур бўлди, мазбур ойнинг ўн тўртида чаҳоршанба кунни амир Насруллонинг қўшқон элчиси Шоҳхонхожаи сундур билан атабаи сипеҳрмартаба мулозаматиға етиб, ҳузурни комилассур мулоқотидин баҳриёб бўлдилар.

Яна улким, шавволи муаззамнинг авоситида ул ҳазрат даргоҳи давлатпаноҳ худдомидин ихлос ва эътиқодогоҳ Раҳматулло қарокўзни мазкур элчиға ҳамроҳ қилиб Бухоро элчилигиға ирсол эттилар...

## **КУКЛОНИЯ ТАВОЙИФИНИНГ БАЪЗИСИ ГУРГОН ДАРЕСИ КАНОРИДИН КУЧУБ, ХОРАЗМИ ЖАННАТБАЗМ ДИЕРИГА КЕЛГОНИ**

Чун султони соҳибқирони фирдавсмакон Абулғози Оллоқули Муҳаммад Баҳодирхон... Гургон диёриға ливо-афроси азимат бўлуб, ул диёрдин кўклон тавойифин Хоразм жонибиға кўчурганда ул жамоадин баъзи элот берк ерларда ва қолин бешаларда пинҳон мухтафий бўлуб, кўчмай қолмиш эрди. Сўнгроқ бешалардин чиқиб ва атрофу жавонибдин қочиб бориб, ўн мингдин зиёдароқ уйлук жамъ бўлуб ўлтурмиш эрдилар. Аларға куффори қочор муставли бўлуб, таҳаккумот ва тасаллатот кўргузур эрди. Ул жамоаи куффор хайлининг зулму тааддисидин андишанок бўлуб, Қиличхон бошлиғ аксар кадхудолари иттифоқ билан остонбўслиқ шарафиға етиб, ҳазрати аъло ҳоқонийнинг домани ҳимоятиға чанги эътисом уруб, илтимос кўргуздиларким, лашкари нусратасардин бир гуруҳни ул жамоанинг устиға йиборғайлар, токим у лашкарнинг ҳимояту ҳиросати билан қочор хайли дастбурдидин эмин ва фароғат бўлуб, Гургон суйининг каноридин кўчуб, Хоразм диёриға келиб, ул ҳазратнинг сояйи давлатида мутамаккин ва мутавааттин бўлғайлар. Ул ҳазрат камоли шафқат ва муруватдин оларни илтимосин мабзул тутуб, қиёт дудмони акобирининг мунтахаби шижоатнишон Худоёрбийким, Хоразм музофотида ўлтурумли кўклон черикининг саркардалиги онга муфавваз эрди, они кўклон сипоҳи ва ато тоифасининг лашкари билан Гургон сувбиға номзад қилдилар, токим мазкур бўлгон жамоаға нигаҳбонлиғ кўргузуб, фароғати тамом билан кўчуруб келтургай.

Чун Худоёрбий фармони вожибилимтинон мужибни билан маъмур бўлгон лашкарияни муҳайё қилиб, зулқаъда ойининг авоситида мақсад жодасиға озим бўлуб, Ўрта

қудуқ йўли била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, тоғистон ичига кириб, Хожа қалъаси отлиғ мавзеъга ёвуқ етган чоғда беш юз уйлук чоғлик кўчуб келатургон кўклон оларга йўлуқти.

Бу воқеа ондоқ эрдиким, чун кўклон жамоаси сипоҳи давлатпаноҳнинг олар устига озим бўлгонин эшитдилар, бағоят мустазҳар ва қавидил бўлуб, улоғ ва асбоблари муҳайё ва омода бўлгон элотдин беш юз уйлук чоғлик Гургондин кўчиб, Хоразм азиматин туттилар. Қолғони айтиб йибордиларким, бизларнинг ҳоло кўчарга қувват ва қудратимиз йўқтур. Бас бизлар учун тасдеъ чекмай қайтсунларким, қочор била навъи мадоро қилиб, бу қиш Гургон юртида қишлаб, иншооллоқ баҳор фасли етишгач, зод ва роҳиламизни муҳайё қилиб, Хоразм мамлакатига кўчуб бориб, ҳазрати Хоразмшоҳнинг канафи давлатида оромгузин бўлғумиздур.

Чун Худоёр бу сўзни эшитгач, лашкария ақобирининг машарат ва маслаҳати била ҳамул мавзеъдин кўклон кўчи билан кўчуб, муовадат кўргузди ва кўч нигоҳбонлиғи била манзил-баманзил қатъи саҳро ва биёбон қилиб муҳаррам ойининг авойилида Хоразм музофотиға дохил бўлуб, кўклон кўчин Кўҳна Урганч ҳаволисидағи ултургон кўклон халқи орасиға келтуриб, остони гардунпосбон мулозамати шарафиға фойиз бўлди.

Яна улким, зулҳижжа ойининг авойилида йди қурбонға қарийб ул ҳазрат суддаи халофат мулозимларидин Юсуфбекни Хўқанд элчисига сафорат расми била қўшуб, муҳаббатнома била Хўқанд подшоҳига ирсол қилдилар.

**УРУС ЛАШКАРИНИНГ ҚОЗОҚ МУОНИДЛАРИ ИМДОДИ  
БИЛА ДАШТИ ҚИПЧОҚ ОРАСИҒА КЕЛИБ, ҚАЛЪА СОЛИБ,  
МУТАМАККИН БУЛМОҚИНИНГ ХОЛОТИ...**

Хомаи бадоеъосор бу янглиғ воқеанигорлиғ қилурким, чун Дашти Қипчоқ мамлакатиким, бағоят васеъ ва ариз мамлакатдур, Хоразм қаламравиға дохил ва ҳар йил закоту хирожи ҳазрати аъло хоқони гитиситонийнинг хазонаи давлатнишонасиға восил эрди. Ул юртнинг обу ҳавоси орзуси, балки Хоразм мамлакати қасдининг жустужўси била ҳар йил Русия кувфори ҳужуми тамом ва асбо-

би молокалом била кийну нифоқ тариқасин маръи тутуб, Рус вилоятидин Дашти Қипчоқ сори мутаважжиҳ бўлуб, ҳар мавзеъда истехкоми тамом била қалъа солиб, оромгузин бўлур эрди. Ва ҳар йил ислом лашкарининг қуввати, балки тангри таборак ва таолонинг қудрати била ўз-ўзидин мафқуд ва нобуд бўлуб, куффори беимондин келган ер ва солғон қалъасидан ному нишон қолмас эрди.

Бу йил доғи камоли шарорат ва ғояти залолатдин мазкур бўлғон кофирдин лашкари вофир асбоби мутако-сир бола Ўрус мамоликидин наҳзат кўргузуб, баъзи қа-зоқия тавойифининг шақоваткеш ва залолатандеш ҳаро-мий ва авбошларининг тарғибу таҳрис ва балки имдоду кўмаки билаким, фасоди эътиқодда дину имони нақдин дунё таҳсили учун бир ёрмоқға сотар эрдилар, Дашти Қипчоқ орасиға келиб, Эргиз отлиғ мавзеъда бир қалъаи матин бино қилиб, кўб ўрус оида иқоматгузин бў-лулди. Яна бир неча гуруҳи анбуҳ асбоби ҳарб ва олоти зарб била мусаллаҳ ва мукамал бўлуб, ҳадду ададсиз тўбу тўпхона била Оччиғ тенгиз канориға келиб, наҳри Сайхунким, Сир дарёсиға машҳурдир, онинг кўйғон ери-да бир берк мавзеъ топиб, баланд ҳисор эткириб, мута-маккин бўлди. Баъзи қазоқия саркашлари музхарафоти дунявий учун даражоти ухравийни қўлларидин бериб, куффори фужжорға итоат ва инқиёд кўргузуб, атрофу жавонибдин ғалла ва ўтин ва ҳар навъ кераклик нима бўлса, анга элтиб ўрусға имдод еткурдилар. Чун бу ха-бари ваҳшатасар ҳазрати хидеви динпарварнинг масо-меъи шарофатгустариға масмуъ бўлди, камоли ғайрату ка-моли диндорлиғ муқтазосидинким, зоти жаҳоноросида қуёш партавидек ҳувайдолур, қазақ муфсидларининг гўшмоли ва ўрус лашкарининг истесоликим, фарзи айну айни фарздур, бу фарз адосин зиммаи ҳимматиға лозим ва мутаҳаттим би-либ, ўзининг тағоси... Раҳмонбердибий халафи аршади Элтузар Муҳаммад Баҳодирхон...ни куфру нифоқ аҳли, яъни ўрус ва қазақ хайлининг мудофааси учун Дашти Қипчоқ азиматиға номзад қилиб, умарои эзом ва сипаҳ-дори киромдин аморатмаоб, садоқат интисоб Муҳаммад Солиҳ оталиқ ва Тўрамурод оталиқ ва Саййидназарбий ва Тағой мироб ва Хўжаниёзбий ва Авазбий ва Паҳла-вонбий ва Вайсбой ва Аҳмадбек ва Муҳаммад Мурод маҳрам ва Беги юзбоши ва Исмоил маҳрам ва Ниёзмуҳам-мад юзбоши ва ғайриҳум ва олийнажод беклардин шаҳзо-

да Саййидаҳмад тўра ва Раҳимбердибек ва афвожи лашкариядин човдар черики ва тоза қўнғирот гуруҳи ва қародошлу лашкари ва қипчоқ ва хожа эли ва қўнғирот ва жамеъи қароқалпоқ навкарин ул жанобнинг рикоби ҳумоюни мулозаматиға таъйин этдилар. Ул жаноб фармони шарофотмаоб мужиби била сафар асбобин муҳайё қилиб, мазкур бўлгон йил, яъни қўй йили сана минг икки юз олтмиш учда зулқаъда ойининг гуррасида якшанба куни мазкур бўлгон умаро ва сипаҳдор ва афвожи лашкариянинг ҳамроҳ ва ҳаминонлиғи била ашрафи авқот ва асъади соотда доруссалтанан Хивақдин ливойи зафарҳавони ҳаракатга киргузуб, Бешмерган мавзеидаги работи фойизулнишотийға нузул этди. Душанба куни ондин рукуб қилиб, дарёйи Омуядин убур кўргузуб, ўзининг мулки холис ва қасри олийсиға ворид бўлуб, тўрт кеча оромгузин бўлди. Жумъа куни андин кўчуб, ўзининг бино қилгон Қаландархонасиға тушуб, ул кеча таваққуф қилди. Душанба куни ондин наҳзат якронин гармжавлон қилиб... Қувбош отлиғ мавзеъға партави нузулидин қуёш ёнлиғ равшанлиғ еткурди. Тонгласи сешанба куни ондин кўчуб, орада бир қўнуб чаҳоршанба куни Товқаро тенгизи қирғоғида Қароқудуқ деган жойға тушуб, уч кеча истироҳат кўргузди. Шанба куни ондин рукуб қилиб, орада бир қўнуб, якшанба куни Қомишликўл отлиғ бир сув канориғаким, Қодирин садр боротургон сувнинг юқорисида воқеъдур, нузули ижлол кўргузуб, уч кеча мутамаккин бўлди. Чаҳоршанба куниким мазкур ойнинг ўн сегизи эрди, мазкур марҳаладин кўчуб, Қароқўл отлиғ бир сув қироғин асокири зафармаосирға муаскар қилиб, онда лашкар ижтимоъи учун етти кун мутаваққиф бўлди. Чаҳоршанба куни наҳзат роятин ҳаракатга киргузуб, мазкур сувдин ўтиб тушди. Ул манзилда доғи тўққуз кун макс воқеъ бўлуб, ўнунчи куниким, зулҳижжа ойининг тўрти ва жумъа куни эрди, мазкур бўлгон манзилдин издиҳоми тамом била ҳаракат кўргузуб, баъзи манзилда бир икки кун истиқомат қилиб, оҳисталиғ била қатъи масофат этиб, еттилончи кунким, ийди қурбон ва панжшанба куни эрди, хуфтан вақтида тенгиз канориға ворид бўлуб. Бектов отлиғ мавзеъни мазраби хайёми иқбол ва мақарри эълони нусратиштимол қилиб, нузули ижлол кўргузди. Ул мавзеъ ондоқ таажжубнамо ва ҳайратафзо мавзеъ эрдиким, уч тарафи тенгиз ва бир тарафи қум ва қир эрди. Андак ҳафр қилсалар, тангри таоло

қудрати била ондин бағоят чучук сув чиқар ва бовужуди улким, тенгиз суйи бениҳоят талхдир. Ул мавзеъдин бир қадам йироқ ё бир қариш илгарироқ қозилса, заҳар ёнглиғ аччиғ сув ҳозир бўладир...

Якшанба куни мазкур мавзеъдин кўчуб, тамкини тамом била оз-оз қатъи масофат қилиб, тўққизлончи куниким, душанба эрди, Хонтўпаси отлиғ мавзеъдин илгарироқ ўтиб, бир макони саодатнишонга нузул этди. Ҳамул маконда Элакайхонким, қазоқия тавойифидин чумакой тонфасининг хони нофилзулфармонидур, подшоҳона тухфаву пешкаш ва навқари била келиб, жаноби аморатмаобнининг даргоҳи олийси мулозамати шарафиға мушарраф бўлди. Тонгласи сешанба куни ул жаноб ҳамул манзилдин сипоҳи маҳшарҳисоб била озим бўлуб... Сирдарёсининг канориға лашқари селасар била етиб нузул этти. Эртаси чаҳоршанба куни мазкур дарёға неча ердин йўл солдуруб, дабур ёнглиғ муз устидин убур этиб, шимолия қироғин мақарри кавкаба ижлол қилди. Панжшанба куни ондин наҳзат кўргузуб, Ургин отлиғ бир манзилға нузул этиб... саркарда ва сипаҳдорлардин Тўрамурод оталиғ ва Авазбий ва Саййидназарбий ва Тағой мироб ва Муҳаммадмурод маҳрам ва Элакайхонни — ҳар бирин ўз навқари била даста-даста қилиб, Жонхожа бошлиқ қазоқия тавойифининг ашрор ва авбошининг аҳшом ва амволиға наҳбу горат тундбодидин тўфон ва растохез еткурмак учун бир жонибға номзад қилди. Ва ўзи доғи мазкур манзилдин ёрим тундин сўнг кўчуб, тонг отгондин сўнг Қўшой деган бир қирнинг қанориға тушди. Ул мавзеъда умаройи эзомдин Муҳаммадсолиҳ оталиқ ва Хожаниёзбийни ўзларига махсус ва тобеъ лашқарияси била қазоқия муфсидларининг торожи учун бир жонибға буюруб юборди. Ул жанобнининг ўзи чошт чоғи кавкабаи воло била кўчуб мазкур бўлгон қирдин ўтиб тушди. Ва тонгласиким, шанба куни эрди, ондин ҳаракат қилиб Оқбулоқ деган ергаким, они Ҳайдар қудуқи ҳам дерлар, нузул этди ва якшанба куни ҳамул манзилда Шоймуҳаммад охундиким, қазоқия табақотидин олам халқининг тақвопеша пешвоси ва вараъандеша муқтадоси эрди; ҳамишатул-авқот ўз тобеълари била ул жанобнининг қадами давлаттавъами интизорин чекиб, Жонхожа бошлиғ Қазоқия ашрорининг афъоли қабойиҳ ва аъмоли фазойиҳи жиҳатидан қочиб, чўлларда иқоматгузин бўлиб юрар эрди. Ногоҳ маъмур бўлгон оломондин бир жамоа мазкур бўл-



гон Охунд элотин чаповуллаб бир оз тева олиб эрканлар. Охунд ҳаддин афзун пешкаш била билло таваққуф ўрдуйи ҳумоюнга келиб, жаноби аморатмаобнинг остонбўслиқи давлатин топти. Ул жаноб камоли мурувватдин талонгон теваларни оломон қўлидин олиб, ўзига марҳамат қилди. Охунд шоду хуррамлиғ била дуойи хайрға ихлос тилин очиб, тамоми элоти закотин ва хирожин бермакка мутасадди бўлуб, рухсат олиб ёнди.

Ул жаноб ҳамул кун мазкур жойда истироҳат қилиб, душанба кун кўчуб, Учқудуқ отлиғ мавзеъғаким, Қиличли қирининг тубидур, ворид бўлуб, лашкари ферузийясарға муаскар қилиб, нузули ижлол буюрди. Ҳамул манзилда атрофу жавонибға чаповуллаб, мутафарриқ бўлгон оломон келиб йиғнолсун, деб икки кеча таваққуф воқе бўлди. Ҳамул мавзеъда Русия аскарим, солгон қалъасида мутаҳассин бўлуб, ташқари чиқарға захраси йўқ эрди, аҳли ислом лашкарининг аксари чаповулчилай ҳар тарафға мутафарриқ бўлгонин ва ўрдуйи аълода ишга ярар киши кам қолгонин эшитиб, тўбу тўпхонасин олиб ҳужуми тамом ва ҳайбати молокалом била чиқиб, ислом лашкари қаровуллариға қоршу келиб, муҳораба амриға иштиғол кўргузуб, оташи қитолни иштиолға киргузди ва тўбандозлиғ маросимин жаҳди тамом била камоянбағий тузди. Бу ҳолда ислом лашкарининг таҳаввурпарвар баҳодирларидин Хожатўра ва Бўритўра ва Хожақулибий баъзи кўнгирот ва қипчоқ муборизлари ғайрати вофир ва жалодати мутақосир муқтазосидин афвожи кофир устиға фидойивор от солиб, синони жонситон ва тийғи хунфишон зарбидин кофири фожир муборизларидин кўп кишининг палид жонин жаҳаннам оташгоҳиға равон қилдилар; ва шери ғуррон ва бабри дамон масалик пойдарпай ҳамлалар била кофир хайлиға шикаст бериб ва шукуҳин паст қилиб айрилиштилар. Аммо ул урушда аҳли ислом муборизларидин Беги юзбошиға куффор сипоҳи тўпининг ўқи тегиб, шаҳодат даражасиға фойиз бўлуб, равзаи ризвонға хиром кўргузди.

Ҳамул кеча жаноби иморатмаоб муаскари давлатпаноҳда лашкари размхоҳ ва сипоҳи короғоҳ камлиги жиҳатидин рикоби ҳумоюнидағи мулозим ва навкарлари била тонг отғунча лашкаргоҳ атрофиға ҳиросат ва ҳозирбошлиғ кўргузуб, ҳамул мавзеъдин ўрдуйи ҳумоюнни кўчуруб чаҳоршанба кун Белқудуқ отлиғ марҳалага бориб, нузул этти. Ҳамул кечаким, панжшанба ақшоми ва муҳар-

рамул-ҳиром ойнинг гурраи фарроси эрди, чаповулға кетган сарҳанг ва сипаҳбадлар оломон ва навкарлар била даста-даста бўлуб, балойи ногаҳоний ва қазойи осмоний ёнглиғ Иргизтўрғой суйининг қаноригача тохту тоз қилиб, қазоқия муфсидларининг барча аҳшому амвол, аёлу атфол, агному омолин қайди асорат ва дести тасарруфига киргузуб, ўрус сурсотидин доғи саксон тева ва икки асир олиб, усаройи фаровон ва ғанойими бекарон била атрофу жаво-нибдин келиб, ўрдуийи аълоға мулҳақ бўлуб, жаноби иморатмаоб мулозамати шарафин топтилар. Ўлжа ғаниматлари ондоқ фаровону бекарон эрдиким, хирман-хирман ажноси хитойи ва ақмашаи фаранги ва сандуқ-сандуқ жавоҳири обдор ва бучуқи ва уч юз мингдан зиёда қўй эрди. Ўилқино тева ва ўзга амволу ашё ҳисобин мундин қиёс қилса бўлур. Мақтул ва маъсур бўлгон аҳли инод ва арбоби фасод ададин мунинг юзидин билса бўлур.

Жаноби иморатпаноҳий мазкур мавзеъда тўрт кеча фараҳи тамом ва масарати молокалом била бисоторойи истироҳат ва қадаҳпаймойи базми ишрат бўлуб, мазкур ойнинг тўртида якшанба куни ҳамул макондин мурожаат якронин гармжавлон қилиб, Жонкент тарафига наҳзат кўргузуб Шўрбулоқ отлиғ манзилға нузул қилиб, мазкур бўлгон воқеотни аризадошт йўсунда битиб, ўз мулозаматидағи хизматкор ва жонсипор ходимларидин ихлос ва эътиқоднишон Абдурахмон халифа ва Хожақулибий била ҳазрати аъло хоқони гитиситоний мулозаматиға Хивақ дорилмулки сорн ирсол қилди. Тонгласи душанба куни ҳамул ердин ҳаракат кўргузуб, Хожа тоқири деган ерга тушти. Сешанба куни ондин ливоафроси азиат бўлуб, Оқ Уйрокнинг шарқий тарафида бир мавзеъи олийға нузул этди ва чаҳоршанба куни Оқчабулоқға келиб тушти. Панжшанба куни ул манзилда таваққуф қилиб, ўрус хайлиға мутабаат ва мувофақат кўргузгон қа-зоқ саркашларини Оқ Уйрок ва Оқбой деган мавзеъда кўмган ғалларин оломонга буюруб олдуриди.

Жумъа куни ҳамул мавзеъдин кўчуб, орада бир кўнуб, шанба куни Қаротўпа тўшида Сир дарёсининг канориға етиб, оромгоҳ қилди. Якшанба куниким мазкур ойнинг ўнбирлончи куни эрди, мазбур дарёдин убуру қилиб, уч манзилда сешанба куни Болиқли отлиғ марҳалаға ворид бўлуб нузул этти. Чаҳоршанба куни ҳамул маконда истироҳат қилиб, чумокой халқининг хони олийшони Элакайхон бирла манзилатнишон бийларга подшоҳона

сарупой бериб, ғоятсиз навозишлар кўргузуб, ўзларининг маскани маълуфлари сари ижозат бериб йиборди. Ҳамул манзилда мурожаати ахборига муштамил бир аризадошт битиб, ихлосшиор ва ақидатосор Нурмуҳаммад сардор ва Амин сардор ва Телкубой била ҳазрати хидеви комкорнинг остони сипеҳрадорига ирсол қилди.

Панжшанба кун мазкур бўлгон мавзеъдин наҳзат қилиб, оҳисталик била қатъи масофат этиб ва баъзи манзилда икки кун ва уч кун оромгузин бўлуб, ўн етти кундаким, сафар ойининг иккинчиси ва шанба кун эрди, Товқаро тенгизи тавобеъидин Қорақул отлиғ сув канорига келиб, мазраби саропардаи иқбол қилиб, нузули ижлол кўргузди. Ҳамул манзилда етти кун мажлисоройи иқомат бўлуб, ҳар кун уламо ва умаро бошлиғ тамоми лашкар аҳлиға гуногун зиёфатлар бериб, рустамнишон ва гардунтавон паҳлавонларни кураш тутдуруб, ул миқдор бойроқ ва инъом бердиким, Ҳотам саховати онинг қошида бухл ва хиссат қаторига кирди ва таърифида ақл тили лолу тил қалами гунгмақолдур.

Ҳамул маконда ҳазрати аъло хоқони кишварситонийнинг фармони вожибиллизъони мужиби била сипоҳи нусратпаноҳ ғанойимидин хумс олиб, ҳамул сафарда оти ва теваси ўлган навқария аҳлиға тақсим қилиб берди ва сегизинчи куниким, шанба эрди, мазкур мавзеъдин фараҳи тамом ва беҳжати локалом била озим бўлуб, ҳар манзилда умарову кубаро ва маорифи лашқарияға шоҳона зиёфатлар муҳайё қилдуруб, от чоптируб ҳафсалаи тахминдин зиёдароқ инъом ва бойроқ бериб, олти кундаким, панжшанба эрди, дарёи Ому канорида ўзининг қасри мусаффо ва ҳавлийи дилкушосига келиб, онда икки кеча мутамаккин бўлуб, шанба кун Бешмерган мавзеъидағи работига нузул қилди. Ондин мазкур ойнинг ўн етти-тисида якшанба кун кўчиб, кавкабаи тамом била доруссалтанаи Хивақға ворид бўлуб, ҳазрати аъло хоқонийнинг ҳузури пурсуруриға мушарраф бўлиб, мусафаҳа ва муонақа давлатидин сарафрозлиғ топти.

Бу сафарнинг имтидоди юз доғи олти кунга мунжар бўлди. Ва ҳазрати аъло хоқоний карами бекароний муқтазосидин жаноби иморатмаоб бошлиғ борча умарову саркарда ва санодиди лашқарига тило пичоғу асби тўпчоқ ва камари заррину хилъати рангин меҳрибонлиғ қилиб, хуршид ёнлиғ мумтозлиғ ва сарафрозлиғ еткурдилар.

**ҲАЗРАТИ ХИДЕВИ КОМКОРНИНГ ЖУЛУСИ  
САОДАТОСОРНИНГ  
УЧУНЧИ ЙИЛИНИНГ ВОҚЕОТИ ХУЖАСТАСИМОТИ.  
УЛ ЖУМЛАДИН БЕКМОНБИЙНИНГ СОРИҚ  
МУФСИДЛАРИГА ДАСТБУРД АЗИМ ЕТКУРГОНИ**

Чун манқит улуси шужаъосининг саромаду мунтахиби Бекмонбий жалодати зотий муқтазосидин тарокима ва ўзбекия муборизларидин юз чоғлиғ отлиқға бош бўлуб, ҳазрати подшоҳи жамшавкатнинг муборақ рухсати била таърихи ҳижрий минг икки юз олтмиш тўртда муҳаррам ул-ҳиром ойининг ўн учиди сешанба куни рукуб қилиб, Соғча ва Ёзи қудуқи устидин қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, Марв қалъасининг қутби шимолий жонибида сориқ муфсидларининг қаровуллариға учраб, бир ҳамлада борчасин тийғи буррон ва синони хунфишон ишорати била адам саҳросиға гуризон қилдилар. Олардин ўн беш бош кесиб, бировин тирик тутуб, истеъжоли Тамом била муовадат эттилар.

Манозили мутакассира қатъидин сўнг сафар ойининг иккисида якшанба куни даргоҳи фалакиштибоҳ мулозамати шарафиға фойиз бўлуб, навозиши хисравона ва саррупойи подшоҳона била хурсандлиғ ва баҳрамандлиғ топтилар.

Яна улким, мазкур бўлгон ойнинг йигирма олтисида сешанба куни Раҳматулло Қарокўзим, собиқан Бухоро элчилигига кетмиш эрди, амир Насруллонинг қўшгон элчиси била муҳаббатномасин келтуруб, атабаи аъло хокбўслиқи шарафиға восил бўлди.

Яна улким, рабиулаввал ойининг ўн тўққизида панжшанба куни Бухоро элчисига суддаи хилофат мулозимларидин фаҳму фатонат асрорининг соҳиб вуқуфи Оллоберди сўфи масҳўб бўлуб, муҳаббатнома била Бухороға ирсол қилинди.

**ХУДОЕРБИЙ ВА МИРМУҲАММАДХОН ВА  
АБДУЛЛОХОННИНГ  
ДАШТИ ҚИПЧОҚ СОРИ ЖАЛОДАТ МАРКАБИН СУРГОНИ...**

Чун ҳазрати хидеви комкори душманшикор умаройи муборазатшиор зумрасидин Худоеърбий ва Мирмуҳаммадхон ва Абдуллахонни ўзлариға мутааллиқ навкарлари, яъни кўклен ва жамшиди ва ато черики била Русия

куфрасининг гўшмоли ва қазоқия фасадасининг дастбурди учун Дашти Қипчоқ сувбиға номзад қилдилар.

Чун маъмур бўлгон сипаҳдорлар мазкур бўлгон афвожи жаррор била фармони вожибиллизъон мужибича рабиулаввал ойининг ўн тўққузиди панжшанба куни азимат якронин миниб мақсад тарафиға гармжавлон бўлдилар. Дарёйи Жайхунни Қипчоқ фурзасидин кечиб, бир неча кун масофат қатъида мусораат кўргузуб, ғоятсиз мароҳил ва ниҳоятсиз манозил тай қилгондан сўнг дарёйи Сайхунким, Сир дарёсиға машҳурдир, ворид бўлдилар. Ондин жалодати тамом била дабур хайлидек убур қилиб ўрус қалъасининг атрофу жавонибин поймоли чаповул қилиб, қазақ сарқашларининг аҳшому амволиға татовул қўлин узатдилар. Инод аҳлидин беҳисоб кишини шамшири буррон ишорати била адам водийсиға гуризон қилиб, кўп кишини асирлик қайдиға чекдилар ва ниҳоятсиз амвол ва ашё ғанимат тариқаси била дасти тасарруфлариға киргузуб муовадат тарафиға суръат қадамин қўйдилар; Манозили касира қатъидин сўнг жумодил-аввал ойининг учиди жумъа куни атабаи аъло мулозамати шарафиға восил бўлуб, сарупойи шоҳона инъомидин сарафрозлиғ топиб, коми дилни ҳосил қилдилар.

### **ТАКА ҲАРОМИЛАРИНИНГ ХИВАҚ МУЗОФОТИ КҰМУРЧИЛАРИДИН БИР ГУРУҲНИ ҚАТЛҒА ЕТКУРУБ АСБОБУ ЖИҲОТИН ОЛҒОНИ...**

Чун тарокима тавойифидин така халқиким.., бовужуди ул тойифанинг борча машоҳир ва маорифу кадхудолари ҳазрати хидеви комкорнинг остони сипеҳрмадорий хирожгузорлиғи ва жонсифорлиғида собитқадам ва росихдам бўлуб туруб экан, Охал музофотида тахминан икки юз чоғлиқ арзол ва авбош қароқчилик тариқаси била бир-бириға бош қўшуб мамолики маҳрусса самтиға юз қўйдилар. Мазкур ойнинг йигирмасида жумъа куни... ҳазрати Маҳмуд ато мақбараи мутабаррикасининг жанубий тарафидағи қум ичида ямут кўмирчилари устидин дохил бўлуб, қирқ чоғлиқ бегуноҳ фуқарони қатлға еткуруб, борча асбобу беҳисоб тевани наҳбу ғорат қилиб, суръати тамом ва таъжили молакалом била барқу бод ёнглиғ фирор бодиясиға изтирор қадамин урдилар.

Чун бу хабари ваҳшатасар ҳазрати подшоҳи баҳру барнинг сомияи саодатпарварига масмуъ бўлди, ложа-рам, мавқифи жоҳу жалолдин фармони лозимулимтисол иззи судур топтиким, ямутия сипоҳининг мутаҳаввур йигитлари жамъ бўлуб, жалодати тамом била ул ҳароми-ларни таоқиб қилиб, жазосига еткургайлар.

Чун ямутия жамоасиким, аввалдин худ ул фасодпеша ва инодандеша тойифанинг хунрезлиги нашъасининг хумори ва субҳу шом ул хумор раъшасининг ҳамёзадори эрдилар, фармони вожибулимтинон муждасин истимоъ қилғоч, ташнаи нимрамақ оби ҳайвонға, балки мурдаи садсола нўшдоруи жонға етушгондек, беҳжат узра беҳжат ва мусаррат узра масаррат изҳор қилиб, дарҳол беш юз чоғлик жалодатшиор ва кийнагузор отлиғ жамъ бўлуб, мазкур ойнинг йигирма иккисида якшанба куни истеъжолни тамом била қароқчилар ақабидин озим ва масофатнавардлик русумиға жозим бўлдилар. Урта қудуқ йўлидин қатъи манозил қилиб, балойи мубрам ва қазойи мўҳкам ёнлиғ Охал музофотида така тавойифининг букри отлиғ тийрасининг ўбаси устидин дохил бўлуб, синони жонситон ва шамшири хунфишон дамин муонидлар қонидин сероб ва ул ҳаволи туфроғин ҳамул қон ранги жўшешидин ёқутноб қилдилар. Бирор лаҳзада тамарруд аҳлидин тахминан икки юз чоғлиқ кишини мақтул ва қирқ нафарни маъсур қилиб, олти миш нафар барда зукуран ва уносан ва олти минг чоғлиғ тева ва ўзга асбобу ашёдин ниҳоятсиз ғанимат ҳийтайи тасарруфлариға киргузуб, солиман ва ғониман мурожаат бодпосин суръат байдосиға сурдилар. Ва сабо хайлидек саҳро сатҳин ва қум ақабаларин манзил-баманзил қатъ ва тай қилиб, рабиуссоний ойининг ўнида хилофат мулозаматиға етиб, навозишоти хисравона ва мароҳими подшоҳонадан мумтозлиғ ва сарафрозлиғ топдилар.

Маълум бўлсинким, бу воқеадан сўнг така тавойифининг барча машоҳир ва маорифи қилғон гуноҳларидин истиғфор кўргузуб иккисори тамом ва эътизори локалом била суддаи олий туфроқиға убудият жабҳасин суртуб, мазкур бўлғон оломонға тушган асирларин илтимос қилиб олдилар ва аларда ямут жамоасининг ҳам асири бўлса келтуруб беруб, мақзиюл-маром ва шодкомлиғ била қайтдилар.

## ҲАЗРАТ АЪЛО ҲОҚОНИ МАЪДАЛАТНИШОННИНГ ФУҚАРО ВА РАОЕ АРЗИ АҲВОЛИНИНГ ИСТИФСОРИ УЧУН ШИКОР БАҲОНАСИ БИЛА РУКУБ ҚИЛГОНИ ВА ҚУНҒИРОТ НАВОҲИСИДИН МУРОЖААТ ҚИЛИБ ХИЛОФАТ ҚАРОРГОҲИГА КЕЛГОНИ

Чун ҳазрати хилофат мартабатнинг ҳиммати олий наҳмати ва ройи оламоройи ҳамиша адолат ва назфат умури-нинг ижросига масруфу маъруф эрди. Суннати сунния ва одати олияси ул эрдиким, узоқроқ мамлакатлардоғи фуқаро ва раоёнинг остони олийга ета олмоғон ожизу заиф, бемору наҳифларига мурувват ва тараҳҳум кўргузуб, баъзи авқотда шикору сайд андозлиғ тариқаси била рукуб қилиб, бева ва бечораларнинг сарвақтига етиб, арзи аҳволин тафтиш ва истифсор қилиб, адолат қаюиди ва шариат маросими била додига етушур эрдилар. Чун бу маврудда доғи ул тариқай ҳасанани замири шарофаттавъамига мусаммам қилиб, рабиулаввал ойининг тўққузида жумъа куни намози жумъа адосидин сўнг доруссалтанаи Хивақ...дин кавкабаи тамом била рукуб қилиб, ҳар работи ишратафзо ва ҳар боғи дилкушосида бир кеча ё икки кеча беҳжат ва масаррат соғаридин айшу ишрат бодасин нўш этиб, ва додхоҳ аҳлининг додига камо ҳаққуҳу етиб, бешинчи куниким сешанба эрди, шавкати подшоҳона ва савлати хисравона била Қипчоқ қалъасига ворид бўлуб, боргоҳи иқбол ва сародиқоти ижлолғаким, дарё маъбариди барпо қилилмиш эрди, шарафи нузулидин сарафрозлиғ еткурдилар. Чаҳоршанба куни дарёдин гардунмисол сафиналар ва ҳилолҳайъат заврақлар била убур қилиб, ўрдуйи аъло ва хайёми ишрат афзони барпой қилдуруб, базморойлиғ ва қадаҳпаймойлиғ маросими била нишот оҳангин туздилар. Ҳамул мавзеи фарҳатнишонда уч кеча таваққуф қилиб, таваққуф муддатида рикоби ҳумоюнидоғи борча сипоҳ аҳлига озуқу от еми улоштуруб, марҳамати подшоҳонадин баҳрамандлиғ боғишлади. Шанба куни мазкур манзилдин дабдабаи тамом била кўчуб, манзил-баманзил дарё соҳилидоғи таажжубнамо бешаларни сайру томоша қилиб, уч манзилда душанба куни Кўкузак наҳрининг канорин мухайями хайёми давлат ва мазраби боргоҳи шавкат қилиб, нузули ижлол буюрдилар. Тонгласи сешанба куни мазкур

наҳрдин кема била ўтуб, наҳрнинг ғарбий жонибида бир қолин тугойға тушуб, оромгузин бўдилар. Чаҳоршанба куни ондин кўчуб шикорандозлиғ тариқаси била қароқалпоқия тавойифи орасин кезиб ва ҳар кеча бир турлук беша ичра ўрдуи гихонпўйни тушуруб, ҳар кун фуқаро ва ажзанинг арзи аҳволин шарти адолат била сўруб, ва ҳар лаҳза шикор аснофиға қўли солмоқ йўсини била қирон солиб, ва ўз дилхоҳича айшу тараб кайфиятидин баҳраи тамом олиб, дарёдин муз усти била кечиб, тўққуз кун муддатидаким, мазкур бўлгон ойнинг салхи ва панжшанба куни эрди, қўнгирот диёриға дохил бўлуб, ўзининг работи фойизил-нишотиғаким, рифъат ва матонатда фалак ҳисориға даъвойи мусовот урор эрди, файзу назоҳатда беҳишт гулзориға гуногун таъну маломат еткурор эрди, нузули ижлс кўргузуб, шарафи вусулидин онинг зурваи ифтихорин сипеҳр ҳисори қўнгурасидин ошурдилар ва ғубори қудумидин онинг дийдаи интизориға сурмаи сулаймоний еткурдилар. Ул мақоми саодат илтизомда икки кеча маснадоройи таваққуф ва қадаҳпаймойи талаттуф бўлуб, фуқаро ва раоё арзи аҳволин тафтиш ва истифсор қилурға иштиғол кўргузди...

Душанба куни қўнгирот ҳаволидин мурожаат якронин гармжавлон қилиб Ямон орна саққосиға файзи нузулидин сероблиғ еткурдилар. Сешанба куни ондин азиматнамо бўлуб, Ойўли гузаргоҳидаким, суйи етти ердин йўл ясаб, етти шубба бўлуб оқар эрди, баъзи шуббанинг арзи икки таноб ва баъзининг эни бир таноб эрди, даргоҳи олампа ноҳ мулозимларидин Вайсбойким, қўнгирот ҳукумати мансабиға мансуб эрди, фармони вожибулизъон мужиби била ҳамул шуббаларға истеҳкоми локалом ва эҳтимоми тамом била — ҳаддин афзун яғочлар сарф қилиб, ондоқ метин жисрлар ва ҳасин кўпруклар тузмиш эрдиким, рубъи маскун ва жаҳони буқаламунда ҳечким онинг мислидин нишон бермайдур, балким ҳеч офариданинг хаёлиға кирмайдур.

Ул ҳазрат ҳамул кўпрукларни тамоша қилиб ўтуб, қир этокида кирёси гардунасос қуббасин хуршид мамос қилдуруб, беҳжату истироҳат масканин нишиман қилдилар.

Чаҳоршанба куни ондин шавкати шоҳона ва ҳашамати хисравона била кўчуб, Ойбукур қирин яқолоб файзи нузулидин мароҳили хористонин ғайрати гулистон ва шарафи вусулидин манозили шабистонин рашки жинон



қилиб бешинчи куниким, якшанба эрди, Кўҳна Урганча ворид бўлуб, ўзининг работи дилкушосига нузул кўргузуб, нишот мажлисин тузди. Онда икки кеча адолат маснадин нишиман қилиб, фуқаро ва раоё арзи ҳолин сўрмоқға иштиғол кўргуздилар... Сешанба куни мазкур маконидин кўчуб, азимат бодпосин жавлонға солиб, ҳар манзилда ўзларининг қасри мусаффо ва боғи дилоросига тушуб, баъзида икки оқшом сарироройи таваққуф бўлуб, бешинчи куниким, шанба эрди... ҳазрат исми Маҳмуд ота...нинг равзаи шарофатнишон зиёрати шарафига мушарраф бўлуб, ул ҳазратнинг жавори фойизиланворидағи ҳавлийи саодатосорига тушуб, бир оқшом иқоматгузин бўлдилар.

Тонгласи якшанба куни рабиуссоний ойининг ўн етти-сида ондин руқуб қилиб, кавкабаи шоҳона ва дабдабаи жамшидона била дорилморан Хивақға дохил бўлуб, арикаи иззатда мақом ва сарири салтанатда ором тутдилар.

Мазкур ойнинг авойилида Бухоро элчисиким, Раҳматуллоҳ қарокўзга ҳамроҳ бўлуб келиб, шаҳарда тамкин кўргузуб эрди, амир Насруллонинг йиборган мусодақатномасин назари анвар мутолаасига нуввоби манзалатмаоб васотати била етқуруб, навозиши подшоҳона ва авотифи бекаронадин хурсандлиғлар ва аржумандлиғлар топти.

## **БАЪЗИ ВОҚЕОТ ЗИКРИКИМ, ҲАЗРАТИ АЪЛО ХОҚОНИЙ ҚУНҒИРОТДИН МУРОЖААТ ҚИЛИБ, АВРАНГИ ХИЛОФАТДА ИҚОМАТ КЎРГУЗГОНДИН СУНГ ВУҚУЪҒА ЕТДИ**

Ул жумладин улким, Хўқанд вилоятининг элчисиким, ихлос ва эътиқод изҳори учун атабаи аъло мулозиматиға келиб, меҳмонхонаи иззатда иқоматгузин эрди, рабиуссоний ойининг авохирода ул ҳазрат даргоҳи олийшон мулозимларидин асолатнишон Юсуфбекни онга ҳамроҳ қилиб, муҳаббатнома била Хўқанд вилоятиға ирсол қилдилар.

Яна улким, жумодилаввал, ойининг авойилида Амон фаррожнинг бошин кесиб келтирдилар. Бу мақол табайюни улким, Охал такаси авбошларидин Амон фаррож отлиғ ҳаромиким, баъзи бебоку қаллош йигитни ўзига ёр қилиб, ўз эли кадхудоларининг панду насиҳатлариға қулоқ солмай, балки зажру манъларин назариға илмай, ҳамиша саффоқлик ва ҳаромиликни пеша қилиб, гоҳо қаттоилтариқлиғ тариқаси била мусулмонларнинг амволиға ғорат

еткурур эрди, ва гоҳо қароқчилик йўсини била мамолики маҳрусанинг ўтунчи ва кўмурчиси ва гоҳо ўзга мамлакатларнинг фуқаро ва раоёсига дохил ва музоҳим бўлур эрди. Ложарам ҳазрати аъло хоқонийнинг фармони қазожараёни мужиби била Хоразм музофотида мутаваттин бўлуб ўлтургон така муборизларидин уч нафар таҳаввуриор йигитким шижоат ва жалодатда Рустаму Исфандиёрни эътибори назарига бир ғуборча илмас эрдилар, ғайрат тамом била озим бўлуб, Охал диёрига бордилар. Иттифоқо Амон фаррож қароқчилик учун тоғистон орасига кетиб, кўп молу ашё торож қилиб, қойтиб эрди. Ул ёр мувофиқ ҳамул мудбари фосиқнинг истиқболига чиқтилар. Ва фурсат топиб қазойи мубрамдек онинг сарвақтига етиб, тийғи тез зарби била шўрангиз бошин кесиб, барқи хотифдек муовадат амрида суръат кўргузуб, остони олий мулозаматиға еттилар ва инояти подшоҳонадин навозишлар кўруб, нуқуди бешумор ва ҳилоъи зарнигор инъомидин мумтозлиғ ва сарафрозлиғ топтилар.

Яна улким, мазкур бўлгон ойнинг еттисида жумъа куни Бухоро элчисига яна Раҳматуллобой қарокўз элчилик тариқаси била масҳуб бўлуб, Бухороға ирсол қилилди.

Яна улким, жумодуссоний ойнинг авоситида сорик тавойфининг борча ақобиру аолийси Марв қалъасидағи баъзи тўблару шамхоллар ва подшоҳлиққа лойиқ туҳфоту пешкашлар била келиб, изҳори сидқу ихлос қилиб, остонбўслиғ шарафин топтилар. Хирожу закотларин ўзлари йиғноб келтуруб бермоқчи бўлуб, рухсат олуб, ражаб ойининг мунтасифида ўз юртларига мурожаат қилдилар.

Яна улким, шаъбон ойининг ўн сегизидида душанба куни ҳазрати хидеви комкори гардунвиқор баъзи масолиҳи мулкия жиҳатидин аркони давлат ва аёни ҳазрат саромадларидин содиқдаму ихлоставъам Хожаш маҳрам ва Отаниёз маҳрамни элчи қилиб, Ўрус вилоятиға ирсол эттилар.

Яна улким, мазкур бўлгон ойнинг йигирма тўртида, душанба куни Абдуллахожа нақибни барас касали сабабидин нақобат мансабидин маъзул қилиб, онинг амакиси Исохожаниким, фазилатосор ва тақвошиор ва парҳезкор киши эрди, нақобат мансабиға мансуб қилиб, ўз ақрону ашбоҳи орасида мумтозу сарафроз эттилар.

Яна улким, рамазон ойининг ўнида якшанба куни Раҳматулло қарокўз Бухоро воллийси амир Насруллонинг онга қўшгон элчиси Ражаббек мирохур била келиб, остонбўслиғ шарафиға мушарраф бўлуб, онинг сидқу ихлос

юзидин йиборган муҳаббатномасин назари кимиёасари мутолаасиға еткурдилар.

Яна улким, шаввол ойининг олтисида жумъа куни Бухоро элчисиға яна Раҳматулло қарокўзни қўшуб, муволафатнома бериб Бухоро сувбиға ирсол қилдилар...

Яна улким, ҳамул ойининг сегизиди Марвдин сорик қадхудолари итоат ва инқиёд тариқаси била келиб, атабаи аъло хокбўслиқи шарафиға истисъод топдилар.

Яна улким, зулқаъда ойининг ғуррасида Йўлўтан солурининг машоҳиру маорифидин икки юз отлиғ Чоржўй устидин озим бўлуб, дарё канори била келиб, убудият бошин хилофат остонасиға қўюб, салтанати жанобийнинг мулозимлариға лойиқ туҳфа ва пешкашлар ўткардилар.

Яна улким, мазкур ойининг ўн олтисида жумъа куни даргоҳи олампаноҳ мулозимларидин Бобо маҳрамни сорик ақобириға қўшуб Марвға йибордилар, токим, ул жамоанинг итоату ихлос бобиди тақдир қилгон сўзларининг сидқу кизбин маълум қилғойлар.

Яна улким, зулҳижжа ойининг иккисида панжшанба куни остони фалақошиён мулозимларидин Юсуфбекким, сафорат тариқаси била Хўқанд вилоятиға ирсол қилилиб эрди, андоғким юқорида мазкур бўлди. Хўқанд мамлакатининг подшоҳининг қўшгон элчиси Баҳодир додхоҳ била келиб, онинг йиборгон муҳаббатномасин атабаи фалакмартаба мулозимлариға еткурдилар.

Яна улким, мазкур ойининг ўнида жумъа куниким, ийди қурбон эрди, солур қадхудоларининг ўз хоҳиши била суддаи хилофат мулозимларидин Муҳаммадаминбекни оларға масҳуб қилиб, ўз юртлариға йиборилди.

Яна улким, мазкур ойининг ўн учиди душанба куни Раҳматулло қарокўз била Бухоро ҳокими амир Насруллонинг элчиси Ибодулла қаровулбеги онинг йиборган мусодақатномасин келтуруб, нуввоби давлатинтисобнинг назари кимиёасари мутолаасиға еткурдилар.

Яна улким, ҳамул йил Хонабод музофотидин Қаттиғоқор ориқнинг оёқидағи ва Споҳи ёфининг оёқида Монгир мавзеидағи дилкушо боғлар ва мусаффо қасрлар ҳазрати аъло хоқонийнинг меъмори илтифотидин бино топти.

Яна улким, ҳамул йил ул ҳазратнинг давлати файзидин Қандим қалъа ва Вос мавзеидағи бўз ерларға сув бориб, ҳар қайсида беҳиштосо боғу хушҳаво кўшк бино топиб, кўп ерлар маъмур ва ободон бўлуб, вилоятнинг аксар ғаллалари ҳамул ерлардин ҳосил бўлур.

## ҲАЗРАТИ АЪЛО ҲОҚОНИ ГАРДУНТАВОННИНГ ЖУЛУСИ ҲУМОЮНИЙИНИНГ ВАҚОЕЪИ КАСИРУЛБАДОЕЪИ. УЛ ЖУМЛАДИН УЛ ҲАЗРАТНИНГ ҒАЗОТ ИРОДАСИ БИЛА ДАВЛАТ ЯКРОНИН ХУРОСОН ЖОНИБИГА СУРМАКИ...

Чун Марв диёридин сориқ ва солур табоқотининг ма-шоҳиру маорифи итоат ва инқиёд русумин изҳор қилиб, пешкашу тансуқоти била остони фалақосор мулозаматиға келиб, хокбўслиғ шарафига мушарраф бўлдилар, ва ҳазрати аъло хоқоннинг самъи ҳумоюниға еткурдиларким, агар кавкабаи воло Хуросон сувбиға ғазот нийяти била азиматнамо бўлуб, биз жамоанинг қилоъу билодимизға дахл ва таарруз еткурмасалар, хирожу закотимизни жамъ этиб ва борча лашкару туҳфотимизни муҳайё ва омода қилиб, ўрдуйи гихонпўйға мулҳақ бўлуб, атабаи аъло хизмати шарафига фойиз бўлғумиздур. Ва ҳар навъи амрга маъмур бўлсоқ, они жону дил била қилғумиздур. Ул ҳазратнинг хотири хатиринда аввалдин худ ғазот нийяти мусаммим эрди. Оларнинг ул сўзидин бу ният мажзум ва мусаммим бўлуб, сориқ кадхудолариға жаноби давлатинтисоб мулозимларидин Бобомахрамни ва солур ақобириға Муҳаммадаминбекни қўшуб, Марв жонибиға ирсол қилдилар. Андоғким, юқорида мазкур бўлди ва андин сўнг сафар яроғининг таҳиясиға илтифот партавин солуб, лашкар ижтимоъи учун мамолики маҳрусанинг атрофу акнофиға соҳиби салобат тавочилар буюрдилар. Ва оз фурсатда сафар саранжоми эҳтимом ва лашкар эҳтимоми саранжом топти.

Қўй йили хуршиди тобоннинг жалодатиқтирон шаҳсувори ақрабнинг ўн иккинчи даражасида гармжавлон эрди. Санаи ҳижрия минг икки юз олтмиш бешда, зулҳижжа ойининг ўн еттисида жумъа кунини намози жумъа адосидин сўнгким, борча авқоту жамеъи соотнинг латифу шарифроқи эрди, Хуросон вилоятининг азимати ва ғазот-усавваботининг нияти била давлат кумайтиға руқуб қилиб, дорулхилофаи Хивақ... дин шавкати тамом ва савлати молакалом била озим бўлуб, ўрдуйи маймун ва пешхонаи ҳумоюнғаким, Қароқўл канорида муҳайё ва барпо бўлмиш эрди, нузули шарофатвусули давлатидин сарафрозлиғ еткурдилар. Ва тонгласиким, шанба эрди, пешин чоғи кўчуб, сипоҳи бешумор ва аскари нусратосор била Ҳафтреғи Хоразмнинг фалакнамудор ақабаларининг қатъиға озим бўлуб, шабгир била тўрт манзилда душанба кунини Соғча қудуқининг ҳаволисига ворид бўлуб, сипоҳи зафарпаноҳға

лашкаргоҳ қилиб, файзи қудумидин сероблиғ еткурдилар. Ва ул мавзеъда ҳамул кун корогоҳ ва соҳиб интибоҳ саркардалардин Раҳмутулло ясовулбоши ва Яъқуббойни ямут ва ямроли черики била муқаддиматулжайш қилиб, илгари йибордилар. Ва сешанба куни ўрдуи ҳумоюнни Согча атрофидин кўчуруб ва шабгир била йўл юруб, икки манзилда чаҳоршанба куни Хонқудуқи атрофин асокири нусратасарга мустақар қилиб, нузул эттилар. Ва панжшанба куни ҳамул мавзеъдин кўчиб шабгир била қатъи масофат этиб, беш манзилда сешанба куни Чарла қудуқининг бошига етиб, ўрдуи аълоға мустақар ва асокири зафармаосирга муаскар қилдилар. Ва ҳамул манзилда якшанба куни кавкабаи воло азиматининг эъломи учун сориқ тойифасиға бир киши ва солур жамосиға бир киши ва Охал такасиға бир киши ирсол қилдилар. Ва ҳамул мавзеъда уч кеча истироҳат кўргузуб, сешанба куни шавкатмаоб ва шижоат интисоб саркардалардин Худоёрбий ва Тағой миробни кўклон ва қародошлу черики била мавкиби ҳумоюннинг кунчиқар тарафининг қаровуллиқиға номзад қилдилар. Ва Саййидназарбий ва Маҳмудниёз ясовулбошини тоза қўнгирут ва машриқ лашкари била кунботар жонибнинг ҳиросатиға буюрдилар. Ва Муҳаммадмурод маҳрамни човдар аскари била лашкар соқасининг муҳофазатиға таъйин эттилар. Ва ул ҳазратнинг ўзлари ҳамул кун издиҳоми маҳшарнизом била кўчуб икки кеча шабгир қилиб, беш манзилда, панжшанба куниким, зулҳижжа ойининг салхи эрди, Харжиҳоз қудуқининг ҳаволиси эъломи нусратфаржомға маскан ва сипоҳи қиёматиздиҳомға нишиман бўлди. Ва сўнги кунким, жумъа эрди, муҳаррам ойининг ҳилоли шўхлар қошидек намоён бўлуб, ул ҳазратнинг зафарнишон туғининг дурахшон маҳчасиға қомати наҳиф била таъзим русумин, тузди. Ва санаи қамарияи ҳижрия минг икки юз олтмиш олтиға интиқол кўргузди. Ва ул қудуқ бошида баъзи издин келатургон лашкария аснофининг ижтимоъи учун олти кеча таваққуф қилиб, муҳаррам ойининг олтисида чаҳоршанба куни даргоҳи фалакиштибоҳ мулозимларидин Бекиш халифани истимолатнома била сафорат йўсинида Дарижиз ҳокими Сулаймонхонға ирсол қилдилар. Ҳамул кун мазкур бўлгон мавзеъдин лашкари қиёматҳайбат била наҳзат кўргузуб, икки манзилда панжшанба куни Мусо қудуқи атрофиға ворид бўлдилар. Ва ҳамул кун Тажан такасининг ақобиру аолийсиким, абаанғанжада ихлосу эътиқод тариқида собитқадам ва росих-

дам эрдилар, тансуқот ва туҳфоти била келиб, остонбўслиғ шарафиға истисъод топиб, жонсипор хизматларнинг силкига мунъақид бўлдилар. Ва жумъа куни кавкабаи воло мазкур манзилдин ҳаракатнамо бўлуб, икки манзилда шанба куни Тажан дарёсининг канориға етиб, ҳамул дарёнинг шимолия соҳили хайёми нусратфаржомға мухайям ва сипоҳи зафарилтизомға маскан бўлди. Ҳамул кун Бекиш халифа Дарижиздин келиб, Сулаймонхоннинг йиборган пешкашу туҳфасин ихлосномаси била суддаи хилофат мулозимларининг олдиға еткурди. Ва ҳазрати аъло хоқоний ул маконда икки кеча мутамаккин бўлуб, душанба куни ўрдуйи ҳумоюн ва мовкиби маҳшарнамун била наҳзат кўргузуб, мазкур бўлгон дарёнинг бандидин убур қилиб, жанубий канордағи бешани асокири анжум шуморға муаскар қилдилар. Ва боргоҳ сипеҳриштибоҳнинг қуббаи дурашонин хуршиди жаҳонтобнинг қамаи тобонидин ўткардилар. Ва ул ҳазратнинг ўзлари умарову кубаро ва махсус мулозимлари била ҳамул беша ичра шикорандозликға иштигол кўргузди... Сайдандозлиғ маросимидин сўнг шикоргоҳдин мурожаат қилиб, муаскари саодат асарға қудуми шарофатлузум вусулидин сарбаландлиғ еткурдилар. Ва сўнги кун ким сешанба эрди, Давлатмурод иноқ бошлиқ Тажан такасининг кадхудолари зиёфат ва меҳмондорлиғ расми била кўп қўй ва кўп жувори келтурдилар. Фармони вожибилизъон мужиби била остони давлатпосбон мулозимларининг саромади, вазири осафсийяр Муҳаммад Яъқуб меҳтар ҳамул қўй ва жуворини умарову кубаро ва сипаҳдорларға алоқадру мартабахум тақсим қилиб берди.

Ҳамул атрофнинг деҳқон ва савдогарлари ғаллаю қўй ва қаромолу ўзга тузлук ашё ва амволни атрофу жавонбдин ўрдуйи шарофотиштимолға келтуруб, бозор қилиб байъу шаро русумин ошкор эттилар. Лашкар аҳлининг баъзиси озуқ ва от еми ва ўзга асбобдин ҳар не каму кости бўлса сотғун олиб, борча муҳиммотин мухайё ва саранжом қилдилар.

Ҳамул мавзеъда сегиз кун таваққуф воқеъ бўлди. Таваққуф айёмида Сарахс такасининг баъзи кадхудоси келиб, остони сипеҳрнишон тақбилиға мушарраф бўлдилар. Марвдин Абдураҳмон халифанинг ўғли Раҳмонберди махзум сориқдин юз чоғлиғ отлиғ била Бобо маҳрамға ҳамроҳлиғ кўргузуб, келиб матраси муалло хокбўслиғидин сарафрозлиғ топтилар. Муҳаммадаминбек доғи солур халқидин қочиб, оларға қўшулуб келди.

Бу ижмол тафсили улким, чун солур тавойифининг баъзи кадхудолари хилофат остонининг мулозаматиға етиб, итоату эътиқод русумин изҳор этиб, даргоҳи давлатпаноҳ худдомидин Муҳаммадаминбекни ўзлари била олиб кетмиш эрдилар, ондоқким, собиқан мазкур бўлди. Вақтиким, Йўлўтан қалъасигақим, ўз ватанлари эрди, бордилар ва солур халқининг бир тоифаси ологға Муҳаммадаминбекни олиб боргон жиҳатдин эътироз кўргуздилар, балким Муҳаммадаминбекни ўлтурмак учун жидду жаҳд маросимин туздилар, ва беки мазкурнинг устида икки тоифа талаш ва савош амриға қиём кўргузуб, икки уч киши қатлға етди. Муҳаммадаминбекни олиб боргон жамоа бир неча кун соқлаб, бир тун кеча қоронғусида қалъадин чиқариб йибордилар. Ва ул жонин ғанимат билиб, Ниёзмухаммадбойнинг қалъасиға суръат била азимат қилиб, сориқ тоифасиға пешвоси Абдурахмон халифанинг қошиға келди. Халифа они Бобо маҳрам ва Раҳмонберди махзумға қўшуб ўрдуи ҳумоюнға йиборди. Ва ул даргоҳи фалакиштибоқ мулозаматиға келиб, ҳарнақим кўрмиш ва билмиш эрди, баён қилди. Ҳазрати хидеви комкори душманшикор камоли тамкину виқордин ул бадқирдор муфсидлар борасида ҳеч сўз демай, таваққуф айёмининг сегизлончи куниқим сешанба эрди, ҳамул мавзёдин кавкабан жамшидона ва афвожи зафарнишона била кўчиб, орада бир кўнуб, чаҳоршанба куни Маҳна суйининг канориға нузули баҳоридин фирдавс гулзоридек тароват ва саршорлиғ бағишлади ва панжшанба куни ондин азимат ашҳабиға руқуб қилиб, Чичон суйининг қироғин ўрдуи гихонпўйға мақар ва маскан қилдилар. Ҳамул кун Оҳал такасининг аёну ашрофи етти юз отлиғ навкар ва даргоҳи олампаноҳ остонасиға лойиқ пешкашу туҳфалар била келиб, атабабўслиғ давлатиға фойиз бўлдилар. Кавкабан воло ҳамул манзилда икки кеча мутамаққин бўлуб, шанба куни кўчуб, аъломи зафарфаржомни жилвагар ва суфуфи нусратвуқуфни қоз қаноти ёнглиғ баробар қилиб, мулукона қонун била наҳзат оҳангин тузуб, икки кун масофатнавардликда азимат кўргузуб, якшанба куни Сарахс қалъасининг жанубий тарафида Тажан дарёсининг канорин мазраби боргоҳи иқбол ва мақарри сипоҳи зафармаол қилиб, нузули ижлол кўргуздилар. Ул манзилда икки кеча истироҳатға мойил бўлуб, сешанба куни ондин кўчуб, боғ этокида Қизил қиё дарбандининг оғзиға етиб, мазкур бўлгон дарёнинг қироғин лашкари нусратасарға муаскар қи-

либ, манзилгузин бўлдилар. Ул манзилда икки кеча ором тутуб, боргоҳи фалак аҳтишомга умаройи эзомнинг дурандиш ва маслаҳаткишларин ундаб, кавкабаи волонинг тоғ дарбандиға кирмаки ва ё ўзга тарафга азимат қилмоғи бобида... мажлисоройи машварат ва машъалаафрўзи маслаҳат бўлдилар. Машварат аҳлининг борчаси иттифоқ била масомеъи аълоға еткурдиларким, тоғ ичига кирмак маслаҳатдин йироқ ва басиратдин узоқдур. Нединким қиш фасли ва ҳаво беътидоллиғининг вақтидур. Қор касрати ва ёмғир шиддати ва полчиғ ва фarti ва йўл танглиғи жиҳатидин ўрдуйи ҳумоюн ва сипоҳи маҳшарнамуннинг даралардин убури қилмоқи ва жулголардин мурури этмаки мумтанеъ ва мутааззирдур. Ва яна солур халқи фасод ва исён русумин тузмишлар. Ва сориқ ва Сарахс такаси доғи тадбиру тазвир юзидин бир навъи модоро қилладурлар. Оларнинг мадоросидин доғи иноду туғён осори... зоҳир ва ошкородур. Эмди бу ёнглиғ бадкеш жамоаға дахл қилмай тоғистон ичига кирмак ҳикмат ва маслаҳат эрматур. Машварат аҳлининг баъзиси деди: бу бадкирдор ва тамаррудосор муфсидларнинг устиға лашкари жаррор ва сипоҳи кийнагузор била бориб, муҳосара амриға иштиғол кўргузуб, ўз ҳисорларин ўзига сияҳчол ёнглиғ тангу тор қилмоқ керакдур. Ва баъзи деди: туркмония жамоасининг молин олғон жонин олғондин ёмонроқдур. Борча фасод ва инод аҳлининг жамеъи амволу мавошиси Фанди ва Морчоқ ҳаволисида жамъ эрмиш, нединким, сипоҳи зафарпаноҳнинг зарар ва осибидин қўрқуб ҳамул жонибға йибормишлар. Агар кавкабаи ҳумоюн ҳамул тарафга ҳаракатнамун бўлса, ансаб ва авло кўрунадур. Лашкар аҳлининг беҳбуди доғи ондадур.

Ҳазрати хидеви комкорнинг ройи шарофатосорлариға сўнғги сўз маъқул ва мақбул тушуб, Фанди жониби азиматин ихтиёр қилдилар. Ва мазкур бўлгон манзилда Охал ва Тажан ва Сарахс такасининг аёёну ашрофиға ҳилоъи хуршидшиоъ бахшиши била сарафрозлиғ еткуруб, ўз юртлариға қайтмоқ рухсатин бердилар.

Панжшанба кун мазкур мавзеъ, яъни Қизилқиедин издиҳоми тамом ва асокири нусратфаржом била кўчуб, Фанди жонибиға азимат бодпосин суруб, кечроқ бир мавзеъға тушуб, қадамлари файзидин ул мавзеъға беҳишт бўстонидек назҳат ва тароват еткурдилар. Ҳамул кеча Сориқ отличларининг сиёқидин ношойиста ҳаракатлар мушоҳада қилиб, остони олийшон мулозимлари фармони вожибиллизъон



мужиби била Раҳмонберди махзум бошлиқ барчасининг оту яроғларин олиб, ўзларин тутсоғ қилиб, муътаמיד кишиларга топширдилар. Тонгласи жумъа куни ондин кўчуб, бир манзиллик йўл юриб яна бир мавзеъга тушдилар. Ва ҳамул кеча ямут ва човдар ва кўклон ва борча тарокима тавойфин муфсидлар амволининг ғорату торожи учун илгари йибордилар. Аксари ўзбакия йигитлари доғи оларга қўшилиб жамъияти азим зоҳир бўлди. Уч бўлак бўлуб, ҳар бўлак бир тарафга илғор қилиб, шанба куни чошгоҳда бағий ва фасод аҳлининг амволига етиб, чаповул ва татовул қўлин ҳар жонибга узотиб, ҳаддин нори ва қиёсдин тошқори молу мавоши ва асбобу ҳавоши дасти тасарруфларига киргузуб, ямут ва човдар ва баъзи ўзбак оломони ғанойим амволин суруб, Фанди қалъасининг ёвуқида Мури суйининг кўпригинким, Марв дарёси била қўшилғон ернинг юқорисида воқеъдур, миод қилмиш эрдилар, жамъ қилиб, кавкабаи ҳумоюннинг вусулига мунтазир бўлуб ўлтурдилар.

Тонгласи якшанба куни пешиндин сўнг солур ва сориқ ва Сарахс такасининг борча отлиғлари жамъ бўлуб, иттифоқ била илғор, қилиб, хабарсиз оларнинг устига қуюлуб, андак чашмзаҳм воқеъ бўлди. Оломоннинг аксарининг оти эгарсиз ҳар ким бир тарафда ўлжаларининг ҳиросатиға иштиғол кўргузур эрдилар. Бу воқеадин огоҳ бўлуб, саросималиғ била етларин миниб, муҳориба майдонида муқовамат кўргуза олмай, фирор амрин ихтиёр этдилар ва саҳар ҳангомида ўрдуйи аълоға етдилар. Олордин икки юз чоғлиғ киши аҳли фасод қилчининг зарбидин мақтул бўлдилар. Ҳарнаким кўрдилар, беҳазму беэҳтиётлиғ шаоматидин кўрдилар...

Ҳамул кун талош ва фархош ҳангомида муҳолифлардин доғи юз чоғлиғ киши тийғи тез захмидин қатлаға етиб, кавкабаи воло салобатидин ваҳмнок бўлуб, ҳамул мавзеъда тавоққуф қила олмай, суръати тамом била ҳазимат бодиясиға юз қўйдилар. Аммо Мирмуҳаммадхон ва Бекиш халифа бошлиғ жамшидий ва али эли ва баъзи ўзбакия тавойфидин гуруҳи анбуҳ Марвчоқнинг юқорисидин дохил бўлуб Мури суйининг канорин поймоли чаповул қилиб, кўп тева ва қўй ва ўзга амволу мавоший дасти тасарруфларига киргуздиларким, ақл муҳосиби онинг ҳисобидин ожиз келди. Бу ёнглиғ ғанойими фаровон била Мури кўпругининг юқорисиға етиб нузул этдилар.

Ҳазрати аъло хоқоний кавкабаи воло ва дабдабаи ҳайратафзо била сафар ойининг тўртида душанба куни ҳамул мавзеъга ворид бўлуб, кирёси баландасос қуббасин гардун мумос қилдуруб, баҳори нузулидин ул маконга таровати беқиёс еткурдилар. Ул мавзеъда икки кеча истироҳат кўргузуб, умаройи эзомнинг таваллоси ва уманойи киромнинг илтижоси била чаҳоршанба куни азимат якронин мурожаат тариқида фармжавлон қилиб, Хоразм вилояти азмининг нийяти била тўрт кун қатъи масофат этиб, шанба куни Қозуқлибандгаким, Йўлўтан ёфининг саққосидур, ворид бўлуб, нузули ижлол кўргуздилар. Якшанба куни ҳамул мавзеъда тавваққуф қилиб, муфсидлар изрори учун бандни буздилар ва душанба куни Марв дарёсини ҳамул мавзеъдин кечиб, шимолия қироғин муаскар қилдилар. Сешанба куни ондин озим бўлуб, дарё канорида бир ерда манзил қилиб, чаҳоршанба куни Банди Султондин ўтуб тушдилар. Панжшанба куни кўчуб, кавкабаи ҳумоюн қир йўли била Байрамалихоннинг қалъаси жонибиға ҳаракат кўргузди. Йўл асносида солур ва сориг ва Сарахс такасидин ўн минг чоғлиқ отлиқ Йўлўтан қалъасиға жамъ бўлуб, дарёдин ўтуб, сипоҳи нусратпаноҳнинг ҳировулининг олдиға чиқиб, муҳораба қонунин соз ва муқотала оҳангин оғоз қилдилар. Лашкари зафарпарвар муборизлари доғи барқу бод ёнглиғ ул фитна ва фасод аҳлиға от солиб ҳамла еткурдилар ва муҳораба ва музораба маъракасин қиздурдилар...

Чун ул ҳангомда ҳазрати хидеви комкори душманшикор сипоҳи анжумшумор ва кавкабаи саодатосор била суфуфи нусратвуқуфни ораста ва жувонғор ва буронғорни шижоатшиор баҳодирларнинг вужуди била пийроста қилиб, кейинроқ келур эрдилар. Бу воқеадин огоҳлиғ топиб, таъжили тамом била набардгоҳ тарафиға озим бўлдилар. Байт:

Сипоҳ аҳли таъжил ила қўзғолиб,  
Ғубор остида чарх авжи қолиб.

Чун тамарруд ва инод аҳли кавкабаи зафарнишоннинг олар қасдиға балойи ногоҳон ёнглиғ мутаважжих бўлгонин мушоҳада қилдилар, фирору ҳазимат умурин муғтанамот жумласидин санаб, тоби муқовамат келтира олмай, муҳораба майдонидин рўйгардон бўлдилар. Жалодатнишон муборизлар муҳолифларнинг изидин саромат якронин суруб, сайфу синон зарби била кўп кишининг бошин мазаллат

туфроқиға тушуруб, жонларин охират уқубатгоҳиға равон қилдилар. Фасод аҳли ҳазимат амрида суръат кўргузуб, ўзларин дарёга урдилар ва сув мавжида ғарқ бўлуб, жонин жаҳаннам ўтиға еткурдилар. Қолғони машаққати татом ва суубати молакалом била ўлум ҳолида дарёдин ўтуб, камоли жаҳолат ва ғоят залолатдин ҳамул канорда силк жамъиятиға инъиқод бериб, саф тузуб, ғавго ва алоло кўргуздилар. Ул аснода фармони қазожараён мужиби била тўпхонаи ҳумоюн саркорлари тўбандозлиғ русумиға қиём кўргузуб, шиҳобнамудор ўқларни ул иблискирдор муфсидларнинг устиға ёғдуруб... аксар аъдонинг вужуди хирманин фано елига совурдилар ва бинойи истиқоматиға тафрика ўтин урдилар. Ҳамул урушда исён ва туғён аҳлидин қирқ чоғлиғ киши нуки синон ва тийғи буррон била қатлағ етти ва икки юздин кўпроқ қиёдин учуб ва сувға ғарқ бўлуб ва тўбу тўфанг ўқи тегиб мафқуду нобуд бўлди. Аммо лашкари зафарпарвардин ҳеч кишининг ғавҳари зотиға хато етмади. Магар беш-олти кишиға енгил захм етиб, ул доғи ул ҳазратнинг инъоми марҳамидин илтиём топти.

Ҳамул кун сафар ойининг ўн учи эрди. Ҳазрати аъло хоқоний муфсидларнинг шикасту ҳазиматидин сўнг ул мавзеъдин инонтоб бўлуб, ўрдуйи ҳумоюнғаким, Йўлўтан қалъасининг орқа, кун ботар тарафида ёрим манзиллик ерга тушиб эрди, нузул қилиб оромгузин бўлдилар. Тонгласи жумъа кунин ондин кўчуб Байрамалихоннинг қалъасидин ўтуб, қибла тарафида бир ёфнинг канорин мазраби боргоҳи иқбол ва мавзеъи сародиқоти ижлол қилиб, қудуми файзиштимол вусулидин фидавсмисол эттилар. Шанба кунин ҳамул мавзеъдин кўчмай, караму инъом саририда ором тутуб, бош кесгану захмдор бўлғону оти ўлган баҳодирларни панжаи аҳсонидин қуёш масаллик зарпошлиғ қилиб, ғани ва дунёдин мустағни эттилар.

Ҳамул кун чўл тадорики учун мунодий била лашкария аҳлиға сув олдируб, ҳамул кеча солим ва ғоним мурожаат қилғонининг эъломи учун атабаи сипеҳрмартаба мулозимларидин фатонатнишон, диroyат иқтирон, фаҳму донишвазифа Амон халифа ва Қутлуқмурод сардор бошлиғ ўн икки кишини чопар қилиб Хоразми фирдавс базм жонибиға ирсол қилдилар.

Тонгласи сафар ойининг ўн олтисида якшанба кунин Байрамалихоннинг қалъасидин ўрдуйи гихонпўй ва мавкиби жаҳонжўйни кўчуруб, Кушмон майдони устидин ази-

мат якронин қум пушталарининг қатъиға суруб, олтиламчи куниким, жумъа эрди, Тахт қудуқининг ҳаволисига ворид бўлуб, лашкаргоҳ қилдилар. Ондин шанба куни кўчуб, икки манзилда якшанба куни Жайхун дарёсининг соҳилига етиб, Қабоқли бешасиға баҳори вусулидин жаннат гулзоридек назоҳат ва тароват еткурдилар. Душанба куни Қабоқлидин кўчуб, дарё қирғоғи била озим бўлуб, олти манзилда шанба куни Садвар туғойининг ошоқиға нузул эттилар.

Якшанба куни ҳамул мавзеъда умаройи эзом ва кубаройи зул-эҳтиром, балки жамеъи хосу авомни зиёфатхонаи эҳсониға ундоб, сури азим ва жашни фахим мураттиб қилдурдиларким, жаҳон абносининг кўзи онинг мислин мушоҳада қилмамиш эрди. Ул тўйда от чоптуруб, оти ўтгон сойсларга бойроқ баҳонаси била маблағи вофиринъом қилиб, шодкомлиғ еткурдилар. Ҳамул кун ул манзилдин кўчуб Бешяғоч бешасиға нузул эттилар. Душанба куни ондин бодпойи бодияпаймоға рукуб қилиб, шарафи вусули била Хазорасб ҳисорининг кўнгураи ифтихорин фалаки даввор зурвасидин ошурдилар. Сешанба куни ондин наҳзат кўргузуб, Ёнгиориқ мавзеъидаги работи фойизилнишотийға файзи қудумидин сарбаландлиғ еткурдилар. Чаҳоршанба куни рабиулаввал ойининг учида ул манзилдин кўчуб, дабдабаи подшоҳона ва кавкабаи хисравона била доруссалтанаи Хивақға дохил бўлуб, хилофат маснадида ором туттилар ва партави дийдор била шаҳар аҳлининг дийдаи интизорларин ёруттилар...

## **БАЪЗИ ВАҚОЕЪ ЗИКРИКИМ, ҲАЗРАТИ ХИДЕВИ КОМКОР МАЗКУР БУЛҒОН САФАРДИН МУРОЖААТ ҚИЛИБ, МУСТАҚАРРИ САЛТАНАТДА ОРОМ ТУТҒОНДИН СУНГ ВУҚУЪҒА ЕТДИ**

Ул жумладин улким, ҳазрати аъло хоқони мамоликситон мазкур бўлғон сафарға рукуб қилмасдин бурун Бухоро волийси амир Насруллонинг элчиси Ибодулла қаровулбеги муҳаббат ва видод тариқаси била келиб, шаҳарда мутамаккин эрди. Рабиулаввал ойининг ўн бирида панжшанба куни онга мурожаат рухсатин бериб яна Раҳматулло қароқўзни сафорат расми била қўшуб Бухороға ирсол қилдилар.

Яна улким, мазкур ойининг ўн учида сешанба куни Хўқанд вилоятининг элчиси Баҳодир додхоҳға даргоҳи олам-

паноҳ мулозимларидин котли Отабекни муҳаббатнома билан элчи қилиб қўшиб, Хўқанд мамлакатига йибордилар.

Яна улким, рабиуссоний ойининг ўн сегизда жумъа кечаси манқит улусининг саромад ва мунтахаби Бегмонбий марази табиий биладан тангри таоло раҳматининг жаворига интиқол қилди. Ҳазрати шаҳриёри қарамшиорнинг илтифоти шоҳонаси онинг иниси Бобо удайчининг ҳолига шомил бўлуб, бийлик мансаби билан ақрону ашбоҳи орасида сарафрозлиғ топди. Онинг иниси Тожимуродбек удайчилик амали билан мумтоз бўлди.

Яна улким, ҳазрати аъло хоқон... ҳар йилдаги дастур билан рабиуссоний ойининг ўн тўққизда шанба куни доруссалтанан Хивақ... дин рукуб қилиб, сайр асносида... Кўҳна Урганчга ворид бўлуб, онинг қибласидаги Кўҳна дарёким, Шорқировақга мавсумдур, эҳтимоми тамом билан банд қилдурдилар. Токим, анинг аёқидан ямурт жамоасининг баъзи авбошу ҳароми жамъ бўлиб, қароқчилик амрига қиём ва иқдом кўргузмиш эрдилар, аларга сув етмай жамъиятлари паришонлиғ топгай. Банд итмомидин сўнг ул ҳаволидаги дилкушо манзиллар ва фараҳафзо боғларин сайру тамошо қилиб ва раоё додин эшитмақда адлу дод қилмоқ додин бериб, мурожаат кўргузуб, жумодулаввал ойининг ўн олтисида панжшанба куни хилофат маснадиға келиб тамкину истироҳат маросимин туздилар.

Яна улким, фармони вожибулизъон мужиби билан олийжоҳ ва фалақдастгоҳ саркардалардин Худоёрбий ва Бекиш ҳалифа, Тағой миробнинг иниси Авазмуродбек ўзларининг навкарлари кўкдон ва алиёли ва қародошлу тавойифи билан Тажанда илғор ётмоқ учун ҳамул йил жумодуссоний ойининг тўққизда, душанба куни Хуросон жонибиға озим бўлдилар.

Яна улким, даргоҳи олампаноҳ мулозимларидин Раҳматулло қароқўзким, ҳукми олий мужиби билан элчи йўсуналиғ Бухороға бормуш, андоқким юқорида мазкур бўлди, амир Насруллонинг қўшғон элчиси Азизхожан судур билан жумодуссоний ойининг йигирма учидан, якшанба куни остонбўслиғ шарафиға мушарраф бўлди.

Яна улким, ражаб ойининг олтисида жумъа куни ишорати аъло мужиби билан жалодатоҳанг сарҳанглардин Мирмуҳаммадхон жамшидий ва онинг иниси Абдуллахон бекларбеги ва Юсуфжон маҳрам жамшидий ва ато ва ямроли тавойифи билан Тажан такасининг мадади учун Худоёрбий ва Бекиш халифанин изидан равон бўлдилар.

Яна улким, шеъбон ойининг ўн бирида панжшанба куни амир Насруллонинг баъзи ношойиста афъоли жиҳатидин онинг элчисига элчи қўшмай рухсат берилди.

Яна улким, ражаб ойининг авоситида ямутия тавойифидин уч юз чоғлиқ отлиғ ҳазрати аъло хоқонийнинг рухсати била сориқ муфсидларининг Бухорога бориб кела тургон карвони қасдиға Рафатак йўли жонибиға озим бўлуб, ҳамул йўлда бироз корвонға учраб, ғорат қилдилар. Ва ҳамул корвоннинг солиғи била Чоржўйнинг юқорисида бир работда сориқ қароқчиларидин ўттиз отлиғнинг устиға қазойи осмоний ёнглиғ тўкулуб, борчасин қатлаға еткуруб, икковин тирик тутуб, солим ва ғоним мурожаат қилиб, шаъбон ойининг авоситида атабаи фалакмартаба мулозиматиға етиб, инояти хисравонадин сарафрозлиғ топдилар. Яна улким, остони олийшоннинг иззатнишон мулозимларидин Отаниёзбекким, Хўқанд элчисига элчилик тариқасида масҳуб бўлуб ҳамул вилоятға бормуш эрди, андоғким юқорида таҳрир топди, шаъбон ойининг йиғирма еттисида якшанба куни Хўқанд волийсининг қўшгон элчиси Бекмуҳаммадбий била даргоҳи фалакиштибоҳ мулозиматиға етиб, ҳазрати аъло ҳоқонийнинг мулоқоти шарафиға фойиз бўлди.

Яна улким, рамозон ойининг ўн еттисида, жумъа куни иззатнишон саркардалардин Шоҳмурод иноқ ва Саййидназарбий ва Эрнийёз маҳрамким, ул овонда сақар тоифасининг саркардалиги била сарафрозлиғ топмиш эрди, ўзларига мугааллиқ навкарлари била Тажанга бориб, илғор ёторға маъмур бўлдилар.

Яна улким, хилофат мажлиси махсусларидин ихлосу эътиқодтавъам Хожаш маҳрам ва Отаниёз маҳрамким, баъзи умури мулкия жиҳатидин элчилик йўсунида Ўрус вилоятиға бормиш эрдилар, ондоғким собиқан гузориш топти, шаввол ойининг ўн бешида панжшанба куни Ўрус подшоҳининг йиборган мактуб ва туҳфаларин келтуруб, назари аъло пешгоҳига еткурдилар.

Яна улким, ҳамул йил мазкур бўлгон ойининг салхида жалодатмаоб умародин Тағой мироб вафот топди. Онинг ўғли Абдуқодирбек бовужуди ёшлиғ ҳазрати аъло хоқони карамнишоннинг илтифотидин отаси мансабиға мансуб бўлди. Ва қародошлу халқиғаким, мазкур миробнинг навқари эрди, Давлатёрбек бинни Аллашбийни саркарда қилиб, қаробош туғ берилди. Зулқайда ойининг иккисида якшанба куни Дусимбий ҳақ раҳматиға борди.

Яна улким, ҳазрати аъло ҳоқоний ҳар йилдағи дастур маъҳуд била дорилхилофа остониға ета олмоғудек ожизу заиф ва мискину фуқароларнинг аҳволин сўруб, додиға етмак ва мароҳими подшоҳона била кўнгилларин олмоқ учун мазкур ойнинг ўнида, душанба куни доруссалтанаи Хивақдин Кўҳна Урганч азимати била рукуб қилиб, мамолики маҳрусани сайр этиб, зулҳижжа ойининг иккисида душанба куни қайтиб шаҳарга келиб, хилофот маснадида ором туттилар.

Яна улким, остони давлатошиён мулозимларидин Қутбиддинхожа шайхулислом ва Шукрулло ақо рисолат тариқаси била Румға халифанинг олдиға кетмиш эрдилар, ондоқким собиқан мазкур бўлди, йўл асносида Қутбиддинхожа вафот топиб, Шукрулло ақо халифанинг нома ва савғосин ҳамул йил зулқаъда ойининг авоситида мавқифи хилофатға еткурди.

Яна улким, зулқаъда ойининг ўн тўртида, жумъа куни фармони вожибилизъом мужиби била Саййидмаҳмуд тўра ва Саййидназарбек ва Саййидахмад тўра сегиз минг нафар навкар била сориқ муфсидларининг даст бурди учун Марв жонибиға озим бўлдилар.

## **ҲАЗРАТИ СУЛТОНИ ГИТИСИТОННИНГ ЖУЛУСИ ҲУМОЮНИНИНГ ОЛТИНЧИ ЙИЛИНИНГ ВАҚОЕЪИ КАСИРАЛБАДОЕЪИ**

Ул жумладин улким, Хўқанд вилояти волийсининг элчиси Бекмуҳаммадбийким, остонбўслиғ шарафиға ихтисос топмиш эрди, андоқким юқорида мазкур бўлди, анга амри олий мужиби била атабаи сипеҳрмартаба ходимларидин Раҳматулло қарокўзни элчилик тариқаси била масҳуб бўлуб, сана минг икки юз олтмиш еттида, муҳаррам ойининг авойилида мурожаат рухсати берилди.

Яна улким, ҳамул ойининг авоситида фармони давлатнишон мужиби била Тажанда илғор ётгон саркардалардин Бекиш халифа, Юсуфжон маҳрам навкарлари била қайтиб келдилар.

Ҳамул ошонда Бекиш халифа яна бир тоифа лашкар била Тажанга ирсол қилилди.

Яна улким, ҳамул ойининг авохирида даргоҳи олампаҳоқнинг ихлосшиор ва ақидатосор мулозимларидин давлату иқболтавҳам Атонийез маҳрам Эрон мамоликининг олийжоҳ, фалакдастгоҳ волийси Муҳаммадшоҳ қочорнинг му-

ҳаббату видод изҳори учун остонбўслиққа йиборгон элчисига амри олий мужибби била элчи йўсунлуқ ҳамроҳ бўлуб, Тeҳрон вилояти жонибиға азимат кўргузди.

Яна улким, мазкур ойнинг, яъни муҳаррам ул-аҳромнинг йигирма еттисида, душанба куни ҳазрати аъло ҳоқоний саҳро сайри ва шикор сайди иродаси била давлат тавсаниға рукуб қилиб, кавкабаи подшоҳона била азимат оҳангин туздилар. Ва қипчоқ маъбарига етиб, дарёи Омуядин фалак ҳайъат кемалар била уBUR кўргуздилар. Ондин Товқаро тенгизининг атрофиға бориб, Бўричи қири ва Турнатотири навоҳисиғача ободон қушлаб, девчангол итолгуларни пари мисол оҳуларга солиб, сайидандозлиғ тамошосидин баҳраи тамом олиб, инбисоти молокалом била мурожаат кўргуздилар... Рабиулаввал ойнинг ғуррасида, жумъа куни дорилхилофаи Хивақға келиб, хилофат тахтада истироҳат кўргуздилар. Бу сафарнинг муддати ўттиз икки кун эрди.

#### **АМИРУЛУМАРО, МАРЖАЪУЛКУБАРО ШАҲЗОДА САЙИИДМАҲМУД ТУРАНИНГ МАРВ ҚАСДИГА ОЗИМ БУЛУБ, ТАЖАНГА БОРҒОНИ ВА ОНДА БИР НЕЧА МУДДАТ ТАВАҚҚУФ ҚИЛИБ, АЗИМАТ ИНОНИН МУРОЖААТ ТАРИҚИГА ҚАЙТАРҒОНИ**

Ҳазрати аъло ҳокони гардун тавон сориқ муфсидларининг танбеҳу гўшмоли учун олиймакон шаҳзодалар ва шижоатнишон озодалардин шаҳзода Саййидмаҳмуд тўра ва шаҳзода Саййидахмад тўра валадони мағфиратнишон Муҳаммадраҳим Баҳодирхон ва Саййидназарбек халафи рашиди Муҳаммадназар иноқни номзод қилдилар. Соҳиби шавкат умаро ва саркардалардин олийниҳод Тўрамурод оталиқ ва Авазбек ибни Солиҳ оталиқ ва Давлатёрбек ва Раҳматулло ясовулбоши ва Муҳаммадмурод маҳрам ва ғайру ҳумни сегиз минг чоғлиғ лашкария била оларнинг хизматиға буюрдилар. Олар фармони вожибилizъон мужибби била санаи минг икки юз олтиш олтида зулқайда ойнинг ўн тўртида, жумъа куни рукуб қилиб мақсад жонибиға азимат кўргуздилар. Ондоғким юқорида мазкур бўлди, Реги Хоразмни Согча ва Чорла ва Харжиҳоз қудуқлари йўли била қатъ қилиб, чун Мусо отлиғ қудуқнинг ҳаволисига етдилар, ҳазрати аъло ҳоқонийнинг фармони олийшони муқтазоси била Тажанда илғор ётгон саркардаларни Муҳаммадхон жамшидий бошлиғ навкарлари



била талаб қилиб киши йибордилар, токим, оларнинг ҳамроҳлиги била Марв жонибиға юриш қилғойлар. Олар хизматға келиб, машварат маросимин тақдимға еткуруб, маслаҳатни онда кўрдиларким, Марв азиматин тарк қилиб, борча Тажанга бориб, онда таваққуф этгайлар. Нединким сориқ муфсидлари қилгон исёнларидин эътироз кўргузуб, суддан сипеҳрмадор хизматиға келмақни ваъда қилмиш эрдилар. Бу жиҳатдин Саййидмаҳмуд тўра умаройи эзонинг иттифоқи била азимат инонин Тажан жонибиға маътуф этиб, онда оромгузин бўлуб бир неча муддат таваққуф қилди. Таваққуф айёмида ул атрофдағи қилоъу билод улусининг ақобири келиб, тансуқоту пешкаши била итоату инқиёд изҳор қилдилар. Ул жумладин Марвда мутамаккин бўлуб ўлтурғон сориқнинг баъзи кадхудолари ва Йўлўтанда ўлтурумли солур саркардалари ва Сарахсда маскан тутгон таканинг Урозёғли бошлиғ бир неча сарварлари подшоҳлиқға лойиқ туҳфа ва ҳадялар била Саййидмаҳмуд тўранинг хизматиға тазарруъ ва зорлиғлар била келиб, жаройими қадима ва асоийми жадидақидин истиғфор кўргузуб, илтимос қилдиларким, ул жаноб озорға шафёъ бўлуб, ҳазрати аъло ҳоқонийдин оларнинг гуноҳин тилағай. Ул жаноб оларнинг мултамасин қабул этиб, Тажанда сарҳанглардин Бекиш халифани баъзи лашкар била қуюб, мазкур бўлгон сардорларни ўзига ҳамроҳ қилиб, умаройи эзом била Тажандин чиқиб, Хоразм сувбиға озим бўлди. Ва санаи минг икки юз олтмиш еттида, сафар ойининг еттисида, шанба куни Хивақ шаҳриға етти.

Ул ошонда ҳазрати аъло ҳоқоний Товқаро тенгизининг ҳаволисиди шикорандозлиғ тамошасиға машғул эрдилар. Ул ҳазратнинг фармони олийси мужибни била Саййидмаҳмуд тўра ва борча сархайллар ул ҳазратнинг хизматиға борурға тасдеъ чекмай, ҳар ким ўз манзилида истиқомат ва истироҳат кўргуздилар. Ҳазрати аъло ҳоқоний шикоргоҳдин муовадат қилиб, мустақарри хилофатда оромгузин бўлгондин сўнг Саййидмаҳмуд тўра бошлиғ борча умаро ва сипаҳдорларға барқрафтор тўпчоқлар ва гавҳарнигор пичоқлар ва заррин хилъатлар инъоми била мумтозлиғ ва сарафрозлиғ еткурдилар.

Яна улким, ҳамул йил рабиуссоний ойининг авойилида Саййидмаҳмуд тўра била келгон така ва сориқ ақобириға Урозёғли бошлиғ мурожаат рухсати берилди, токим Са-рахс такаси ва Марв сориқининг итоат ва инқиёд мақомиға келур ва келмасин маълум қилиб хабар келтургайлар.

Яна улким, мазкур ойнинг йигирма бирида ҳазрати аъло ҳоқоний ҳар йилдаги дастури маъҳуд била фуқаро ва ажазанинг арзин сўруб, мамолик авзоъидин хабардор бўлмоқ учун Кўҳна Урганч сувбиға озим бўлдилар. Ҳар кун бир мақоми дилкушо ва ҳар тун бир манзили хушсафода айшу истироҳатға машғул бўлуб ва додхоҳ арзин эшитмакда доду адл додин бериб, Кўҳна Урганч ва Хонобод атрофидаги беҳиштнишон боғлар ва олийшон қасрларниким, ул ҳазратнинг илтифоти меъморидин маъмур бўлуб, макрамати жўйборидин райёнлиғ топмиш эрди, сайру тамошо қилиб мурожаат кўргуздилар. Йигирма беш кун муддатида жумодулаввал ойнинг йигирма бирида панжшанба кун келиб, хилофат саририда мутамаккин бўлдилар.

Яна улким, жумодуссоний ойнинг авоситида Урозёғли бошлиғ така ва сориқ кадхудолари келиб, ўз эллариинг итоату инқиёд амрида тааллул кўргузгонин мусомели аълоға еткурдилар, токим кавкабаи волонинг Марв жонибиға ҳаракатнамо бўлуриға сабаб бўлди.

### **КАВКАБАИ ВОЛОНИНГ ТҮРТУНЧИ НАВБАТ ХУРОСОН СУВБИҒА ҲАРАКАТНАМО БУЛУБ, МАРВ ДИЕРИҒА ШУРУ ФАВҒО СОЛМОҚИ...**

Чун тарокима тавойифидин сориқ тоифасиким борча туркмения ақвоми орасида зоти шарорати била мовсуф ва сифоти разолати била маъруфдур, неча навбат остони давлатошиён хокбўслиғиға кишилар йибориб, итоат ва инқиёд ваъдасин қилиб, шарорати жибилий муқтазосидин яна қилғон ваъдалариға шикаст еткуруб, иноду фасод маслакида сулук кўргуздилар ва тамарруд қонуни била исён оҳангин туздилар. Ҳазрати аъло ҳоқони жаҳонситон ул залолат ва шақоватнишонларнинг танбеҳу гўшмолин замири саодатишtimoға мусаммин ва мажзум қилиб тўнгуз йили санаи минг икки юз олтмиш еттида, жавзонинг етти си ва ражаб ойнинг йигирма еттисида чаҳоршанба кун и ўз нафси нафиси била давлат якрониға рукуб қилиб, Хивақ доруссалтанасидин кавкабаи тамом била чиқиб, лашкари жаррор ва асокири бешумор била мақсад жонибиға наҳзат кўргуздилар. Дарёи Жайхун қироғи била тоғу ҳамунни қатъ этиб, манозил мафориқиға қудуми файзидин сарбаландлиғ ва мароҳил машориқиға офтоби ҳузуридин аржумандлиғ еткуруб, ўн олти кун муддатида Қабоқли бешасиға ворид бўлуб, нузули ижлол кўргуздилар. Ул

мавзеъдин Хафтреги Хоразм қатъиға озим ва Тахт ва Ериҳожиди қудуқлари устидин шабгир била манозил таййиға жозим бўлуб, сегиз кун муддатида шанба куни қиёматасар лашкар била Марв дарёси канориға ворид бўлуб, нусратпарвар аламларнинг дурахшон маҳчасин хуршиди тобон қуббасиға баробар қилдилар.

Сориқ муфсидлари бу воқеадин огоҳлиғ топиб, шер шукуҳидин тилку гуруҳи қочиб иниға киргандек қалъа дарвозасин масдуду мадрус қилиб, эҳтимоми тамом била таҳассун амриға қиём кўргуздилар. Чун қалъа девори Искандар саддидек мустаҳкам ва баланд ва атрофи хандақи чуқурликда муҳит монанд эрди, ул ҳазрат бу жиҳатдин дарё мавжлиқ фавжларға қалъа устиға ҳужум қилурға рухсат бермай, изроран лилмуфсидин дарёнинг шимолий ва жанубий жавонибида ва қалъа атрофида муҳосара амри била ўтгуз тўрт кун муддатиғача таваққуф қилиб, борча мазраалар экинларин поймол ва нобуд қилдуруб, муфсидларнинг димоғлари тануридин ҳасрат дудин фалак овжиға еткурдилар.

## МУҲОСАРА АИЕМИДА ЗУҲУРҒА ЕТКОН ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ

Ул жумладин улким, солур тоифасиким Йўлўтан қалъасида мутаваттин эрдилар, пешкашу тансуқоти била остонбўслиғ шарафиға етиб, убудият манглайин инқиёду итоат туфроқиға қўйдилар. Ул ҳазрат жибилий карам ва зотий мурувват муқтазоси била ул жамоанинг итоату бандалигин қабул қилиб, борча амволу экинларин горат ва поймол қилдурмай, ўзларига боғишлаб, борчасиға заррин сарупойлар кийдируб, хушҳоллиқ била ўз ватанлариға қайтардилар.

Яна улким, ул ҳазратнинг вожибилизъон фармонлари мужиби била гардунтавон саркардалардин Худоёрбий ва Бекиш халифаким, кўклон ва алиэли тавойифи била бурунроқ илғор йўсунида бориб, Тажанда таваққуф қилмиш эрдилар, андоғким юқорида мазкур бўлди, ўзларининг навқарияси ва Тажан такасининг лашқариясидин минг чоғлиғ отлиғ била сипехрнишон остоннинг мулозаматиға етиб, хисравона навозишлардин сарафрозлиғ топдилар.

Яна улким, ул ошонда Сарахс такасининг баъзи саркашлари итоат қилодасиға мутақаллид бўлмоқдин ибо ва имтино кўргузур эрдилар, иттифоқо Эрон ҳокими Му-

ҳаммадшоҳ баъзи хусумат жиҳатидин ул аснода ул жамоанинг истеъсоли қасди била шавкатосор саркардалариндин Солор отлиғ бир саркардасин қочор тоифасидин беҳаду бешумор черик ва улуғ тўпхона била ирсол қилмиш эрди. Солор ўз подшоҳининг фармони била сел ёнлиғ тоғдин эток сори равон бўлуб, Сарахс қалъасининг устига келиб, така муҳолифларин қоттиғ муҳосараға тутти. Така халқи муҳосара шиддатиға тоқат қила олмай, ложарам ул жамоанинг кадхудолари бу олампаҳоқ даргоҳнинг остонбўслиқиға мушарраф бўлуб, итоату инкисор тариқаси била арз қилдиларким, биз халқ борча нопи-сандида афъолимиздин нодиму пушаймондурмиз. Энди хисравона иноятингиздин умидвор бўлуб, илтимос кўргузурумизким, бу бойири хизматкорларингизнинг аҳволиға тараҳҳум қилиб, қизилбош авбошларининг тааддиси қўлиға асиру дастгир бўлмасдин бурун ҳимоят ва имдод кўргузуб, ул балойи мубрам чанголидин халос қилсангиз. Токим борчамиз қайси мавзеъда ўлтурмоқ буюрсангиз, ўлтуруб, давлатингиз паноҳида осудахотир бўлуб, ҳар турлук хизматға амр қилсангиз жону дил била тақдимға еткурурмиз. Ва то ўлгунча ул хизмат қабулин ўзларинизға вожибу лозим билурмиз.

Ул ҳазрат камоли мурувватдин ул жамоанинг илтимосин мабул тутуб, шавкатнишон саркардалардин Худоеъбий ва Мирмуҳаммадхон ва Абдуллахон бекларбегини кўклон ва жамшидий ва ато ва яроли лашкарияси била ул тоифанинг имдоду муҳофазати учун Сарахс қалъасиға йибордилар. Ихлосшиор сардорлардин Бекиш халифани Солорға элчи қилиб, мундоқ пайғом йибордиларким, бу абадмуддат давлат била Эрон давлатининг муҳаббат ва ошнолиғи биниси қадимдин мушайяд ва мустаҳкамдур. Сарахс ўлкасида ўлтургон така жамоаси доғи қадимий хизматкор ва жонсипор навкаримиздурлар. Ул жамоа борча журму исёнларидин тавба ва истиғфор қилиб, эътизори тамом ва инкисори молакалом била ўзларин ҳимоятимиз дориламониға етқурдилар. Эмди Солор икки давлат ошнолиқин риоя қилиб, ул жамоанинг муҳосарасидин қўл кўтарсун ва азимат инонин келган йўли била мурожаат жонибиға қойтарсун.

Бекиш халифа бу пайғомни етқургач, Солор пайғам мактубин таъзими тамом била қабул кўзига суртуб, Сарахс қалъасин устидин кўчуб, Эрон жонибиға равона бўлди. Бекиш халифа фармони ҳумоюн мужиби била така

халқининг мададиға боргон мазкур саркардаларға қўшулди.

Ҳазрати аъло хоқоний Марв қалъасининг атрофидаги мазрааларда ўттуз тўрт кун муддатиғача нусратмаол лашкарни экин поймолиға буюриб, муфсидларнинг умидлари хирманиға маҳрумлиғ барқин уриб, донаи ҳасратидин сийналарига буғдойдек чоклик еткургандин сўнг Марв мамлакатидин Хоразм вилояти сори мурожаат инонин маътуф этиб, рамазон ойининг йигирма еттисида жумъа кун Чилбурж қалъаси устидин қумға кириб, олтилончи куниким, чаҳоршанба эрди, Ому дарёсининг канорига етиб, Қабоқли бешасига нузул эттилар. Ондин дарё соҳили била манзил-баманзил азимат кўргузуб, шаввол ойининг ўнида панжшанба кун Хивақ доруссалтанасига ҳумоюни нузуллари била зебу оройиш еткурдилар. Бу сафарнинг муддати олмиш икки кун эрди. Ҳамул ҳолға муқорин фармони олийшон мужиби била ҳамул сафарда Сарахсга йиборилгон саркардаларким. Худоеърбий ва Мирмуҳаммадхон ва Абдуллахон бегларбеги ва Бекиш халифа эрдилар, така улуснинг аҳволиға низом бергандин сўнг Сарахсдин қойтиб, Бекиш халифа ўзининг навқари била Тажанда қолиб, ўзгаси остони сипехрнишон мулозаматиға еттилар.

Баъзи воқеот зикриким, ул ҳазрат мазкур сафардин қойтиб, салтанат саририда мутамаккин бўлғонидин сўнг зуҳурға етди. Ул жумладин улким, юқорида мазкур бўлмиш эрдиким, олампахоқ даргоҳнинг садоқатогоҳ ходимларидин Отаниёз маҳрам Эрон мамлакатига ва Раҳматулло қароқўз Хўқанд вилоятиға ҳамул вилоятлар подшоҳларининг ихлоснома била бу давлат остониға йиборгон элчилариға элчи йўсунлиғ ҳамроҳ бўлуб, бормиш эрдилар. Ҳамул подшоҳларнинг муҳаббат изҳори учун қўшгон элчилари била мурожаат қилиб, ҳазрати аъло хоқоний Марв сафариға озим бўлғонидин сўнг дорилхлофаи Хивақға келиб, таваққуф кўргузмуш эрдилар. Ул ҳазрат шаввол ойининг авоситида мазкур вилоятлардин келган элчиларнинг ҳумоюн мажлисиға ундоб, подшоҳона навозишлар била сарбаланд қилдилар.

Яна улким, зулқаръда ойининг ўн бешиде панжшанба кун Эрон подшоҳи Муҳаммадшоҳнинг йиборгон элчисига атабан фалакмартаба мулозимларидин донишу ихлосорой Муҳаммадшарифбойни элчилик тариқаси била ҳамроҳ қилиб, муҳаббатнома била Эрон мамлакатига ирсол

эттилар. Ва ондин бир неча кун сўнг Хўқанд подшоҳининг элчисига Отаниёзбекни сафорат расми била қўшуб, Хўқанд вилоятига йибордилар.

## **ҲАЗРАТ АЪЛО ҲОҚОНИЙНИНГ ҲУМОЮН ЖУЛУСЛАРИНИНГ ЕТТИЛОНЧИ ЙИЛИНИНГ ВОҚЕЛАРИ БАЕНИ**

Ул жумладин улким, фақирким баъзи касал сабабиндин ул ҳазратнинг ҳумоюни мавкиблари била юруб, сафар қилмоқдин маъзур эрдим. Бу жиҳатдин подшоҳона дилдорлиғлар била илтифот кўргузуб ўз илтимосим мужиби била сафардин маоф тутуб, санаи минг икки юз олмиш сегизда, тўнгуз йили муҳаррам ойининг ўн тўққизида жумъа кечаси амакизодам Муҳаммад Каримбекни ўрнумга мироблиқ мансабиға мансуб этиб, сарафрозлиғ ва комёблиғ еткурдилар... Яна улким ҳамул рабиулаввал ойининг ўн тўққизида душанба куни суддаи хилофат мулозимларидин садоқату фатонаторо Шукрулла ақони баъзи мулкия муҳиммоти жиҳатидин элчи қилиб Ўрус вилоятиға ирсол этдилар.

Яна улким, мазкур ойнинг йигирма тўққизида чаҳоршанба куни шижоатшиор саркардалардин Худоёрбийни кўклон гуруҳи била Тажанга бориб, илғор ёторға буюрдилар. Абдуллахон бегларбегини ўз навқари била Бодғис музофотидағи жамшидий халқининг орасиға бориб, ул тоифанинг аҳволиға низом бермак учун номзод қилдилар.

Яна улким, рабиуссоний ойининг авоситида Тажанда илғор ётгон саркардалардин Бекиш халифа марази табиий била вафот топти ва онинг туғин ва навқаринким, алиэли тоифаси эрди, шовкатмадор беклардин Олошбийнинг шижоатосор ўғли Оллоёрбекка бериб, саркардалиқ мансаби била ашбоҳу ақрони орасида мумтозу сарафроз қилдилар.

Яна улким, қазақ тўраларидин Ҳалоку тўроким, баъзи ношойишта афъолу ҳаракати жиҳатидин уч йилдин бери аҳлу аёлу атбоъи била Хивақ шаҳрида тутсоқда эрди, ҳамул йил мазкур ойнинг авоситида ниғаҳбонларнинг мусоҳалақорилиғидан борча аёлу авлодин ташлаб қочиб Дашти Қипчоқда қазақ улусининг орасиға борди...

Яна улким, ражаб ойининг йигирма еттисида якшанба куни Муҳаммадшарифбой Эрон подшоҳи Муҳаммадшоҳнинг олдидин муовадат қилиб, юборгон ҳадяларин назари анвар пешгоҳидин ўткорди.

## КАВКАБАИ ҲУМОЮННИНГ БЕШИНЧИ МАРТАБА ХУРОСОН ЖОНИЕБИГА ГАРМЖАВЛОН БУЛҒОНИ...

Чун мавкиби воло ҳар йил Марв жонибиға рояторо бўлуб, ул вилоятға қиёмат ёнлиғ шўру ғавғолар солур эрди. Сориқ муфсидларининг изрори учун борча мазореъу киштзорин марокиб поймоли қилиб, жамеъи амволу ашёсин тасарруф илкига олур эрди. Ҳамул дастур била бу йил, яъни сичқон йили санаи ҳижрий минг икки юз олмиш сегизда ражаб ойининг йигирма еттисида ҳазрати аъло хоқоний дабдабаи кайёний ва кавкабаи сулаймоний била доруссалтанай Хивақ...дин Марв азиматининг нияти била наҳзат кумайтиға рукуб қилиб, зафароят роятларни ҳаракатга киргуздилар ва нусратфаржом сипоҳ била дарёйи Омуя соҳилидин манозил қатъиға иқдом кўргуздилар ва шаъбон ойининг ўн учида, душанба куни Қабоқди тўғойиға еттилар. Ул мавзеъда икки кеча таваққуф эттилар. Мазкур ойининг ўн бешида чаҳоршанба куни қум пушталари Қатъиға азимат якронин суруб, Тахт ва Ёриҳожиди қудуқлари устиди масофатнавардлик русумин зуҳурға еткуруб, шаъбон ойининг йигирма иккисида чаҳоршанба кунини фатҳу иқбол ҳаминонлиғи била Марв сўйининг канориға ворид бўлуб, сориқ муфсидларининг изрори учун мазореъу киштзорлар экинларин поймолу дастфарсуд қилмоқ учун анжумшумор ва маҳшаросор афвожға рухсат бериб, қалъа атрофини ойланиб, ҳар кун бир мазраа ичида нусратҳаво боргоҳнинг хуршиджало қуббаларин фалакфарсо қилиб, қирқ тўрт кун муддатиғача ул ҳаволида экин поймолиға иштиғол кўргуздилар ва қалъа аҳлининг донан хаёлидин умидлари риштасин уздилар. Ва муҳосара тангносида ҳоллариға тийралик ва очлик ғалабасидин кўзлариға хиралиқ еткурдилар.

Муҳосара айёмида вуқуъға етгон воқеалар зикри. Ул жумладин улким, муҳосара шиддатиға тоқат келтураолмай, сориқ тавойифидин олоша тийрасининг сардори Тангрибердибек ўз инисин олампаҳоқ даргоҳнинг остонбўслиқиға йибориб, итоат ва инқиёд қабулин изҳор қилиб, илтимос кўргуздиким, агар бу шармисор қулларининг

гуноҳин афу қилиб бандпарварлик юзидин олоша тоифасининг зироатгоҳин селасар лашкарнинг ғорату торожи офатидин амон тутсалар, иншоолло ўз элимиз била ўзга сориқдин айрилиб қалъадин чиқиб, ўзимизнинг экинимиз устига бориб, Искандар саддидек бир мустаҳкам хандақ қазиб қалъа била мухолафат оҳангин тузгумиздур ва ул давлат ҳавоҳоҳлиқида мардона хизматлар кўргузгумиздир. Ҳазрати аъло хоқони жибиллийи ҳамият ва азизийи мурувват муқтазосидин онинг мултамасин қабул қилиб, мазкур бўлгон жамоанинг мазрааларин ҳумоюн мавкибга поймолу нобуд қилдурмай, ўзларига бағишлаб, хушҳоҳлиқ ва хушнудлиғ еткурдилар.

Яна улким, Сарахс такасининг машоҳиру маорифи ва Йўлўтан солурининг аолию ақобири подшоҳона пешкашлар била фалакиштибоҳ даргоҳнинг атабабўслиқи шарафига мушарраф бўлуб, хизматқорлиғ ва ихлосшиорлиқ лавозимин тақдимга еткуруб, кўп ғалла ва ўзга асбобу ашё келтуруб, ўрдуи аъло ичида бозор қилиб, байъу шароъ амрига машғул бўлдилар.

Яна улким, гардунтавон ва шижоатнишон саркардалардин Мирмуҳаммадхон ва Худоёрбий ва Давлатёрбек ва Эрнийез маҳрамким, жамшидий ва кўклон ва қародошлу ва сақар лашкари била бурунроқ Тажанга бориб, амри олий мужиби била таваққуф қилмиш эрдилар, ўз навкарлари ва Тажан такасининг сардору сарварлари била фалакрифъат даргоҳнинг мулозаматиға келиб, хисравона навозишлар била сарафрозлиғ топдилар.

Яна улким, сориқ муфсидларидин кўп отлиғ фурсат топиб иттифоқ била қалъадин чиқиб, ўрдуи ҳумоюннинг баъзи ўтчи ва ўтунчисига дахл кўргузди. Филҳол Фармони лозимилитисол мужиби била шавкатнишон саркардалардин Мирмуҳаммадхон жамшидия гуруҳи била ул қони тўлгон тийрабахтларнинг таоқибига озим бўлуб, то қалъага киргунча кўп кишини обдор тиглар ва хунхор найзалар зарби била афтону хезон адам ҳисориға равон қилиб, ғоятсиз бош кесиб, ниҳоятсиз ўлжа олдилар ва ул ҳазратнинг подшоҳона карамлари жомахонасидин заррин хилъатлар кийиб, хисравона иноятлари хазонасидин тахминдин зиёда нақдлар олиб, муддаолари киссасин лабрез қилдилар.

Яна улким, Хирот улусидин ҳазора тоифасиким, бироз муддатдин бери баъзи номаъқул сабаблар била бу худодод давлатнинг нисбатидида иноду адоват пайдо қилмиш



эрди. Бу жиҳатдин ул тоифанинг шижоатшиор баҳодирларидин тўрт юз чоғлиқ отлиғ кўмак учун сориқ муфсидларининг орасиға келиб, ул жамоанинг аксар авбошу арзолининг иттифоқи била беваҳму бемаҳобо қалъадин чиқиб, ҳумоюн мавкибидин ямутия тоифасининг қаровуллариғаким, ўрдуи гихонпўйнинг қалъа жонибида баъзи ўтунчи ва ўтчилар ниғаҳбонлиқиға машғул эрдилар, беҳавфу беибо келиб дастбурд еткуруб, муҳораба маъракасин туздилар. Икки тарафдин қилчу найза истеъмолиға иштиғол кўргуздилар.

Бу хабар атабаи давлатасар нуввобининг қулоқлариға етиб, фармони олий содир бўлдиким, ҳумоюн муаскардин бироз лашкар чиқиб, ул зиёдасар муфсидларнинг устиға жалодат таковарин сургайлар ва жонситон тийғлар дамидин сарафшонлиғ қилиб, амаллари жазосиға еткургайлар.

Чун шижоатшиор ва жалодатосор баҳодирларким, кўп муддатдин бери уруш маъракаси ҳавасининг беороми ва хасм қони бодасининг ташнакоми эрдилар, бу мужданинг фараҳбахш саҳбоси сомеъалари қадаҳин лабрез қилғоч, барқхез отларға сувор бўлуб, корзор маъракасиға мастонавор қадам қўйдилар ва мухалифлар гуруҳиким, майдондорлиғ лофин урар эрдилар, номусу ор юзидин андак карру фар қилиб, охируламр нусратасар лашкарнинг ҳамалоти сарсариға тоқат қила олмай, пашша хайлидек гуризон ва ўз бахтлари ёнлиғ масоф майдонидин рўйгардон бўлдилар. Зафарнишон баҳодирлар таоқуб амрида гармжавлон бўлуб, буррон тийғлар зарби била сарафшонлиқға иштиғол кўргуздилар ва аёдо гуруҳидин кўп кишини бесару бежон ва ул водийда қон сайлин ҳар тарафға равон қилдилар. Кўп кишини асирлик қайдига чекиб, фатҳу нусрат била даргоҳи олий мулозаматиға келдилар...

Ул маъракада жалодат ва муборазат русумин изҳор қилиб, иш кўргузгон баҳодирлар ҳолиға ул ҳазратнинг илтифоту иноятлари шомил бўлуб, ҳисобсиз нуқудлар бахшиши била ўз ақрону ҳамгунларининг орасида сарбаландлик ва аржумандлик топиб, дунёдин мустағний бўлдилар.

Сориқ халқи бу воқеадин сўнг қалъадин бош чиқара олмай таҳассун зиндонидида манзилгузин ва нокомлиғ маҳбасида гўшанишин бўлуб, қалъа дарвозаларин ўз иқболлари эшигидек масдуду мадрус қилиб, милтуқ оғзидин ўзга оғиздан дам чиқормадилар.

Ҳазрат аъло хоқоний қирқ тўрт кун муддатиғача экин горатиға машғул бўлуб, ҳеч бир мазраада зирот нишонин

қолмогондин сўнг Марвдин Хоразм сори мурожаат қилурға рағбат кўргузуб, шижоатшиор ва муборазатосор саркардалардин шершикор ва ҳизабрқирдор Оллоёрбекни алиэли лашкари била Тажан такасининг сардорларига қўшуб, илғор ёторға Тажан сувбиға ирсол эттилар.

Шаввол ойининг бешида панжшанба куни азиматлари инонини Хоразм жонибиға маътуф этиб, Ериҳожии ва Тахт қудуқлари устидин шабгир била манозилу мароҳилни қатъ эттилар ва етти кун муддатида чаҳоршанба куни қум қатъидин фориг бўлуб, Омуя канорида Қабоқли бешасиға еттилар. Ондин кўчуб дарё канори била манзил-баманзил озим бўлуб, Судук мавзеиға етгонда борча умарову кубаро ва сипаҳдорлару хизматкорларға карамлари панжасн била беҳадду бешумор дирҳаму динор инъом қилиб, умудлари киссасин гиронбор қилдилар. Учтўпа манзилида борча аолий ва асофилға подшоҳона тўй бериб, шаввол ойининг ўн сегизиди чаҳоршанба куни Хивақ дорилмулқа ворид бўлуб, нузуллари файзидин жаннат бўстонидек зебу зийнат еткурдилар. Бу муборак сафарнинг муддати саксон бир кун эрди.

Ул воқеалар зикриким, кавкабаи воло Марв диёридин мурожаат қилиб, Хоразм ҳисорида мутамаккин бўлгондин сўнг вуқуьға етти. Ул жумладин улким, Отаниёзбекким фармони вожибилизъон мужиби била Хўқанд вилоятиға элчи бўлуб кетмиш эрди, ондоғким юқорида мазкур бўлди, Хўқанд подшоҳининг муҳаббат изҳори учун қўшуб йиборгон элчиси била кавкабаи ҳумоюн Марв диёрида эрконда Хивақ ҳисориға келиб, таваққуф қилмиш эрди. Шаввол ойининг йигирма бирида жумъа куни ул ҳазратнинг муборак кўрунушларига мушарраф бўлуб, келтургон нома ва пешкашу туҳфаларин назари анвар мутолаасиға еткурди.

Яна улким, ҳазрати аъло ҳоқоний Марвдин қайтурда атабаи аъло мулозимларидин Муҳаммадпаноҳ юзбошиниким, Паноҳгул лақаби била машҳурдур, ямут ва ямроли баҳодирларидин икки юз чоғлиғ кишиға бош қилиб Рафатак йўлиға йибормиш эрдилар, токим сориқдин Бухоро вилоятиға боратургон ва ё келатургон корвон учраса горат қилғойлар. Мазкур юзбоши ҳукми олий мужиби била бориб Рафатак йўлида сориқнинг Бухородин Марвға қайтиб боратургон кўп корвониға учраб, кўп кишини қатлаға еткуруб ва баъзисин асиру дастгир қилиб, ҳаддин афзун ва қиёсдин берун амволу ашё тасарруфлари ҳайтасиға

киргизуб, фатҳу фирузмандлик била қойтиб, шаввол ойининг йигирма тўртида сешанба куни фалакиштибоҳ даргоҳнинг мулозаматиға етиб, мароҳими хисравонаға ихтисос топиб, тилло пичоқлар ва заррин хилъатлар бахшишидин баҳраманд ва аржуманд бўлдилар.

Яна улким, шаввал ойининг йигирма олтисида панжшанба кечаси шаҳзодаи олийшон Саййидахмадтўра халафи рашиди султони мағфиратнишон Муҳаммадраҳим Баҳодирхон, наввараоллоҳу марқадҳу марази табиий била вафот топти. Ва онинг таъзиясида жаҳон халойиқи баданлариға мотам либосин тортди...

### **ОЛИЙШОН АМИРЛАР ВА ГАРДУНТАВОН САРКАРДАЛАРНИНГ...**

### **МАРВ ЧАПОВУЛИҒА ОЗИМ БУЛУБ, СОРИҚ МУФСИДЛАРИНИНГ АМВОЛУ МАВОШИСИН ҒОРАТ ВА ТОРОЖ ҚИЛҒОНЛАРИ...**

Ҳамул йил яъни сичқон йили санаи ҳижрий минг доғи икки юз олтмиш сегизда зулҳижжа ойининг ўн еттисида жумъа куни ҳазрати аъло ҳоқоний сориқ муфсидларининг изрори учун шавкатмадор умаро ва фалакиқтидор саркардалардин Тўрамурод оталиқ ва Саййидназарбий ва Раҳматулло ясовулбоши ва Муҳаммадмурод маҳрам ва Давлатёрбекни ямут ва човдар ва яроли ва тозақўнгирот ва қародошлу черики била Марв чоповулиға йибордилар. Ҳамул кун Мирмуҳаммадхон ва Эрнийез маҳрамни жамшидий ва сақар лашқари била Тажанда илғор ёторға номзад қилдилар. Ул ҳазратнинг ўзлари мазкур ойнинг йигирма иккисида, чаҳоршанба куни шикорандозлиғ иродаси била дорилхилофай Хивақдин давлат ашҳабиға рукуб қилиб, сайдгоҳ жонибиға кавкабаи подшоҳона била озим бўлдилар. Омуйа соҳилида Учтўпа отлиғ мавзеёға ворид бўлгон аснода Марв қалъасидағи сориқнинг орасиға мухолифат тушуб, Тангрибердибек бошлиғ олоша тийраси бошқа сориқлар била икки мартаба урушуб, қатиг шикаст берган хабари ҳазрати аъло ҳоқонийнинг ҳумоюн сомеъалариға етти.

Бу ижмол тафсили улким, ушбу йил ул ҳазрат кавкабаи воло била Марв вилоятиға бориб, қалъа муҳосарасиға иштиғол кўргузган ошонда сориқ тавойифидин олаша тоифасининг сардори Тангрибердибек ўзининг биродарин ўз тарафидин жаҳонпаноҳ даргоҳнинг хокбўслиқиға йибориб, итоат ва инқиёд ваъдасин қилиб, илтимос кўргузмиш эр-

диким, агар ул ҳазрат фуқаропарварлик ва шафқатгустарлик юзидин тараҳҳум кўргузуб, олаша жамоасининг мазрааси экинин мавкиби ҳумоюнға поймолу ғорат қилдурмай, ўзлариға бағишласалар, элу уругимиз била қалъадин чиқиб, маҳкам хандақ қозиб, буржу борулар бино қилиб, аҳлу аелимиз била кириб ўлтурғумуздур. Муфсидлар шаънида мухолафат қалқонин юзумизга тутуб, ул давлат душманларининг бўйниға адоват қиличин ургумиздур.

Ул ҳазрат онинг мултамасин мабзул тутуб, ҳамул жамоанинг экиниға ғорат селин еткурмамиш эрдилар, ондоқким юқорида баён килкининг рақамзадаси бўлди. Кавкабаи воло Марв ҳисори устидин кўчуб, Хоразм диёриға мурожаат кўргузгондин сўнг Тангрибердибек зироатгоҳи устиға бориб ғалларин йиғнамоқ баҳонаси била ўз элин кўчуруб, қалъадин чиқди ва ўзи мазраасиға боруб, қалъанинг кунботар жонибида тахминан уч фарсахлиғ ерда хандақ қазиб зироатгоҳи ғалласин жамъ этарға машғул бўлди. Ул ошонда Сарахс такасининг ихлос ва итоаткеш тоифаларидин кўп уйлук ва қалъа аҳлидин доғи баъзи жамоа кўчуб келиб, онга қўшулдилар ва Хандақни мустаҳкам қилиб, иттифоқ била қалъа аҳлининг мухолафат ва адоватиға муҳайё ва омода бўлдилар.

Абдурахмон халифаким, сориқ гумроҳларининг сархалқаси эрди, Хандақ аҳлин кўчуруб, қалъаға киргузмак учун таҳдид ва тахвиғ юзидин неча мартаба киши йиборди. Аммо хандақ улусининг кадхудолари онинг сийнаи муддаосиға дасти рад уруб, ибo ва имтино маросимин тақдимға еткурдилар. Охируламр қалъа аҳли ҳужуми тамом била Хандақ улусининг устиға келиб, савош ва талош туғин жилваға киргуздилар. Хандақ аҳлининг далирона ҳамлалариға тоқат қила олмай, масоғ майдонидин рўйгардон бўлуб, ҳазимат кўргуздилар. Жалодатшиор баҳодирлар буррон тиглар зарби била сарафшонлиғ қилиб, кўп кишини қатлға еткуруб, ниҳоятсиз асбоб ва яроғға мутасарриф бўлдилар. Муфсидлар шикасти фоҳиш топиб, ғоятсиз расволиғ ва юзқаролиғ била қалъаға боргондин сўнг янгидин от ва яроғу асбоб истикмолиға иштиғол кўргузуб, Абдурахмон халифа бошлиғ борча фасод ва инод аҳли хуморшиканлик таманносида тўбхона ва замбуракхона ва истеъдоди тамом ва издиҳоми молакалом била қалъадин чиқиб, Хандақ аҳлининг устиға келиб тўб ва замбурак ва шамхол оғзининг шуълаангизлиги била шарорат ўтин тез қилиб, уруш маъракасин қиздурдилар.

Хандақ аҳлининг муборизлари доғи муҳориба майдониға таҳоввур якронин сурдилар ва икки тарафдин ситезу овиз тариқаси била уруш амриға иқдом кўргузуб, то тўрт кун муддатигача муқотала ва муҳораба ўти фалак авжига шуъла чекар эрди.

Чун ул овонда рустамсавлат ва исфандиёр шавкат саркардалардин таҳоввур ва шижоатосор Оллоёрбек алиэли навкари била Тажанда илғор йўсини била орамгузин эрди, сориқ муфсидларининг Хандақ аҳлининг устига аввалги мартаба келгонидин хабар топиб, Хандақ улусиға мадад бермак учун ўз навкари била озим бўлмиш эрди. Иттифоқо, урушнинг тўртинчи куни корзору гирудор ҳангомасида дўстларға муждаи жон ва душманларға балойи ногаҳондек синонлар ламъасин барқафшон қилиб, масоф маъракасиға дохил бўлди. Фасод аҳли бу ҳолдин огоҳлиғ топгач шум кўнгиллариға ниҳоятсиз рўйбу ҳарос муставлий бўлуб, муқобала майдонида тура олмай... уруш майдонидин ўзларининг баргашта бахтларидек рўйгардон бўлуб, борча тўпхонаву замбаракхона ва жамеъи асбобу яроғ ва амволу ашёсин ташлаб, таъжили тамом била ҳазимат маркабин оворалиғ водийсиға сурдилар. Оллоёрбек ўз навкари ва хандақ аҳлининг диловарлари била сарафшон тийғлар ва жонситон синонларға илик уруб, то қалъаға киргунча қовуб, муфсифлардин ҳисобсиз кишини ҳаёт маркабидин тушуриб, мамот сарманзилиға еткурдилар ва кўп кишини дастгир қилиб, асирлик занжириға чекдилар. Борча тўпхона ва асбобу яроғ ва амволу улоғлариға мутасарриф бўлуб, иқбол таъйидотидин ниҳоятсиз хуррамлиғ ва хушҳоллиғ топдилар. Бу ёнглиғ фатҳу зафар топгонлари эъломи учун фалакиштибоҳ даргоҳнинг хизматиға чопор йибордилар. Йиборгон чопарлари дарёйн Ому канорида Учтўпа мавзеида шикор асносида ҳамул фатҳу ферузмандлик хабарин ул ҳазратнинг арзиға еткуруб, заррин хилъатлар инъомидин шодкомлиғ топдилар, ондоғким собиқан мазкур бўлди. Ондин сўнг ҳазрати аъло хоқоний дарё қироғида Бўрили бешасиға боргунча қушлаб, қайтиб Тевабўюн отлиғ мавзеиға келиб, дарёнинг шимойи тарафиға ўтдилар. Ва ул тарафдин шикорандозлиғ тариқаси била манзил-баманзил озим бўлуб, қипчоқ маъбарига етдилар. Ул маъбардин убур этиб, дарё ва саҳро сайрининг тамошоси била давлат маркабин суруб, Кўҳна Урганч тавобеъидин Хонобод мавзеидағи дилкушо ва беҳиштҳаво ҳавлилариға еткон аснода Марв чаповулиға

кетгон саркардалар зафару нусрат топиб ва ҳаддин афзун ғанимат била мулозиматға еттилар.

Бу ижмол тафсили улким, ҳазрати аъло ҳоқоний шикор сафарининг продасидин бурун умаройи эзом ва уманойи киромдин Тўрамурод оталиқ ва Саййидназарбий ва Раҳматулло ясовулбоши ва Муҳаммадмурод маҳрам ва Давлатёрбекни ўзларига тааллуқлик навкарлари била Марв чаповулиға йибормиш эрдилар, андоғким юқорида мазкур бўлди. Ҳамул мазкур бўлгон саркардалар фармони олий мужиби била озим бўлуб, Тахт ва Ёриҳожиди қудуқлари устидин суръат бодполарин суруб, санаи ҳижрий минг доғи икки юз олтмиш тўққузда, муҳаррам ойининг ўн сегизиди якшанба куниди тонг вақтида Байрамалихоннинг қалъасиди ёвуқиға етиб, мазкур бўлгон саркардалар иттифоқ била оломонға чаповул рухсатин бердилар. Оломон фавж-фавж бўлуб ҳар фавж бир тарафға балойи ногаҳоний ва қазойи осмоний ёнглиғ юз ўрдилар.

Иттифоқоти ҳасанадин улким, сорик муфсидлари бурунроқ оломоннинг Марв чаповулиға озим бўлуб, овозасин эшитиб атрофу жавонибдағи амволу мавошисин дарёнинг жанубий тарафиди қалъанинг атрофиға келтуруб қабомиш эрдилар. Бир неча муддат ўтгондин сўнг оломоннинг азимати хабарин ёлгон хаёл этиб, ҳамул кун иттифоқ ила борча қўю тева галаларин дарёнинг шимолий жонибиға ўткориб, ҳеч хавфу хавотирсиз чарогоҳларға йибормиш эрдиларким, оломон атрофу жавонибдин гуруҳ-гуруҳ галалар ва рамалар орасиға дохил бўлуб, борча шубону ниғақ-бонларни ўлтуруб... тахминан қирқ минг чоғлиқ тева ва саксон минг чоғлиқ қўй ва ўзга навъ молу ашёдин доғи кўп ўлжа ва ғанимат тасарруфлари илкига тушуруб, Хоразм жонибиға сурдилар. Муфсидлар қалъадин бош чиқармоқға ярамай, оломон солим ва ғоним мурожаат қилиб, ер юзига сифмагудек ғанойим била омону эсон Хоразм музофотиға дохил бўлдилар.

Сафар ойининг ўнида, якшанба куниди борча саркарда ва сипаҳдорлар Кўҳна Урганч тавобеъидин Хонобод мавзеъиди ҳазрати аъло ҳоқонийнинг муборак мулоқотлари шарафиға мушарраф бўлуб, гавҳарнигор ханжарлар ва зарринтор хилъатлар ва эток-эток сийму зарлар инъоми билан ўзга умаро ва сархайллар орасиди қуёшдек мумтозлик ва сарафрозлик топдилар.

Ул ҳазрат Кўҳна Урганч ҳаволасиди ўзларининг ҳуюмон илтифотлари меъморларидин бино топгон борча

хушсафо ҳавлилар ва дилкушо боғларин сайру томоша қилиб, шикорандозлиғ тамошосидин доғи андозасиз баҳраманд бўлуб, мурожаат ашҳобин суруб, рабиулаввал ойининг тўртида чаҳоршанба куни фараҳу шодлиғ била до-руссалтанай Хивақға ворид бўлуб, салтанат саририга ўзга ёнлиғ зийнат еткурдилар. Бу сафарнинг муддати етмиш бир кун эрди.

## ҲАЗРАТИ АЪЛО ҲОҚОНИЙНИНГ САОДАТНИШОН ЖУЛУСЛАРИНИНГ СЕГИЗЛОНЧИ ЙИЛИДА ВУҚУЪГА ЕТКОН ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ

Ул жумладин улким, фалакништибоҳ даргоҳнинг дониш иктиноҳ мулозимларидин Шукрулло ақоқим, фармони лозимилизъон мужиби била Ўрус элчилигига кетмиш эрди, ондоққим собиқан мастур бўлди, рабиулаввал ойининг етисинда шанба куни Ўрусдан келиб, келтургон туҳфа ва ҳадяларин назари анвар пешгоҳидин ўткарди...

Яна улким, ул ҳазрат рабиуссоний ойининг тўртида жумъа куни шавкатосор умародин Худоёрбий ва Шоҳмурод иноқни кўклон тоифасининг лашкари била Мавр дий-рида Хандақ мавзёидаги илғор йўсунида таваққуф кўр-гузгон саркардаларнинг кўмаки учун ирсол эттилар.

Оллоёрбекким устамона шижоатлар изҳор қилиб сорик муфсидларининг шикаст топиб ҳазимат кўргузмоқига са-баб бўлмиш эрди, ул ҳазрат онинг ул хизматининг баро-баридида подшоҳона иноят қилиб, анга оталиқлиғ мансабин арзоний тутуб, ҳамул мансаб ёрлиғин тилло пичоқ ва зар-рин хилъат ва вофир нуқудлар била Худоёрбий ва Шоҳ-мардон иноқға топшуруб, Хандақ сори йибордилар.

Яна улким, мазкур ойнинг ўн учидида якшанба куни Хў-қанд элчисига яна Отаниёзбекни сафорат расми била қў-шуб, Хўқанд юртига йибордилар.

Яна улким, мазкур ойнинг ўн тўққизидида шанба куни атабаи аъло мулозимларининг саромад ва акобиридин мулла Иброҳим девонбегини элчи қилиб баъзи мулкия умури жиҳатидин Бухоро вилоятига ирсол эттилар.

Яна улким, ўтгон ой, яъни рабиуссоний ойининг аво-йлидида ямут ва ямроли ва човдар ва ўзга туркмония ва ўзбакция тавойифининг талабгор йигитларидин беш юз чоғлиғ киши иттифоқ қилиб, жаноби салтанатмаобдин рухсат олиб, чаповул нияти била Марв сори азимат кўр-гузмиш эрдилар. Ҳамул оломон Тахт ва Ёриҳожиди қудуқ-

ларининг устидин кўп манозил ва мароҳил қатъ этиб, Марв дарёсининг кўҳна банди Банди Султоннинг ёвуқида сориқ муфсидларининг қўйларининг галаси теваларининг рамасига дохил бўлуб, кўп қўй ва тева тасарруфлари ҳайтасига киюрдилар. Йўл юрордин ожиз келгон учун қўйларни ташлаб, теваларни сурдилар. Чўфонлар тилидин Рафатак йўлининг юқорисидаги йўлда сориқ карвони бор эконин маълум қилиб, ҳамул йўлга азимат маркабин суруб, суръат қамчисин урдилар. Бир қудуқ бишида ҳам Бухородин Марвга ғалла келтира тургон ва ҳам Марвдин Бухорога нафис матолар олиб борадургон кўп карвонлар устига ўзларин балойи ногаҳонийдек еткурдилар. Ўн бир кишини асир қилиб, эллик чоқлиғ кишини ўлтурдилар ва минг чоғлиқ тева ва ниҳоятсиз амтиаву ақмиша ва ғоясиз асбобу ғалла ва ўн беш чоғлиқ чўри ва туғма ғанимат ва ўлжа йўсинида тасарруфлари илкига тушурдилар ва шоду хандонлиғ била мурожаат жодасига шитоб ва суръат яронин сурдилар. Жумодилаввал ойининг тўртида, шанба кунни атабаи осмон мартаба хизматиға етиб мароҳими хисравонадин навозишлар кўруб, заррин хилъатлар ва ададсиз нуқудлар бахшишидин сарафрозлиғ топдилар.

Яна улким, фармони вожибиллизъон мужиби била Хандақ мавзеида илғор ётгон саркардалардин сидқу ихлоставъам Эрнийёз маҳрам ўзига тааллуқ топгон навкар била мурожаат қилиб, жумодилаввал ойининг ўн бирида шанба кунни осгон давлатошиён мулозаматиға етиб, навозиши хисравонадин баҳрамандлиғ топти.

Яна улким, мазкур ойнинг ўн тўртида сешанба кечаси давлат аркони ва ҳазрат аёнидин вазоратпаноҳ садоратдастгоҳ Абдулла қўшбеги жаҳони фонийдин риҳлат кўргузуб, подшоҳи ҳақиқий раҳматининг жаворида қарор тутди.

Яна улким, неча йилдин бери Хўқанд вилоятининг волийси Худоёрхоннинг баъзи умаро ва аҳолиси Худоёрхоннинг илкидин ҳукумат ихтиёрин олиб ҳар бири ўз ройича ҳукмронлиғ суруб, атрофу жавонибга зулму таадди қўлин узотиб, ҳамул вилоятга кўп футур ва вайронлиғ еткурмуш эрдилар. Худоёрхонда маҳзи хонлиғ отидин ўзга нима йўқ эрди. Ушбу йил Худоёрхон бахту иқбол бозусининг қувати била сиёсат тигин суруб, борча фасод ва инод аҳлиға камоянбағли гўшмол бериб, жазосига еткурди ва мамлакатнинг ихтиёри зимомин иқтидори кафига олиб, истиқлол тариқаси била ҳукмронлиғ маснадида ўлтурди. Бу беҳжатасар хабарнинг эълони учун ўз давлатхоҳларидин бир



муътабар кишини элчи қилиб, ихлос ва эътиқоднома ва туҳфа ва ҳадялар била суддаи хилофот хокбўслиқига ирсол этди. Ҳамул элчи мазкур ойнинг ўн тўртида, сешанба кунни дорилхилофаи Хивақга ворид бўлуб, остонбўслик шарафига етди.

Яна улким, ҳамул йил яъни сана минг икки юз олтмиш тўққузда сичқон йили ҳутда жумодилаввал ойининг йигирма еттисида сешанба кунни ҳазрати аъло хоқоннинг фармони вожибулизъонлари мужиби била олий миқдор саркардалардин Маҳмудниёз ясовулбоши ва Давлатёрбек тарокима тавойифидин машриқ ва қародошлу черики била Марв музофотидин Қароёф бўйида хандақ қазиб, қўрғон игириб, бу давлат ҳимоятин ўзларига офият фаноҳи билиб, мутобаат кўргузуб ўлтургон элот орасидаги Муҳаммадхон бошлиғ баъзи саркарда ва лашкариянинг имдоди ва муфсидлар гўшмоли учун илғор ёторга озим бўлдилар.

Яна улким, Хўқанд вилоятининг шавкатмадор волийси Худоёрхоннинг ихлоснома била йиборган элчисиким, бурунроқ даргоҳи гардун иштибоҳ мулозамати шарафин топиб, таваққуф қилмиш эрди, жумодиссоний ойининг сегизиди, жумъа кунни остони олийшоннинг садоқатнишон мулозимларидин Шукрулла ақо фармони лозимилимтинон мужиби била мазкур элчига сафорат тариқаси била ҳамроҳлиғ кўргузуб, Хўқанд жонибиға равон бўлди.

Яна улким, даргоҳи давлатпаноҳнинг муътамад унилайҳ давлатхоҳларидин мулло Иброҳим девонбегиким, амир Насруллонинг муволафат ва якжиҳатлик изҳори учун йиборгон элчисига элчилик тариқаси била ҳамроҳ бўлуб, Бухороға бормиш эрди, ондоқким юқорида мазкур бўлди. Амир Насрулло онинг шаънида икром ва эҳтиром шартин бажо келтуруб, ўзининг давлати аъёнидин Тўхтамиш тўқсобани сафорат расми била анга қўшиб, атабаи аъло мулозимлариға лойиқ туҳфа ва ҳадялар била... Хоразм сари ирсол қилди. Ҳамул элчи мазкур ойнинг сегизиди жумъа кунни остони давлатпосбон мулозаматиға мушарраф бўлуб, муҳаббатнома била келтургон туҳфаларин назари кимиёасар мутолаасиға еткуруб, хисравона навозишлардин сафрозлиғ топти.

Яна улким, ражаб ойининг иккилончи куниким, якшанба эрди, ҳазрати аъло хоқон остони сипеҳрнишон ходимларидин ихлос ва эътиқодорой Муҳаммадшарифбойни мазкур элчига қўшуб мазкур подшоҳга муносиб туҳфа ва муҳаббатнома била Бухоро сувбиға ирсол эттилар.

Яна улким, ҳазрати аъло хоқони кишварситон сориқ муфсидларининг танбеҳ ва гўшмолин замири мунирида мусаммим ва Мавр сафари иродатин ўз нафси нафиси била мажаззим қилиб, ўз азиматларидин ўн кун бурун, мазкур ойнинг ўн сегизиди сешанба куни нусраттавъам ва шавкатҳамдам саркардалардин Саййидназарбий ва Муҳаммадмурод маҳрамни туркмониядин тоза қўнғирот ва човдар тавойифининг лашкари била Марвда Қароёф канорида Хандақ мавзеидаги илғор ётгон сипоҳ ва сипоҳдорлар қошига Соғча қудуқи устидин йибордилар, токим муҳолифларга гўшмол ва дастбурд еткурмакда аларга мадад еткургайлар.

### **МАВКИБИ ҲУМОЮННИНГ ОЛТИНЧИ КАРАТ СОРИҚ МУФСИДЛАРИНИНГ ҚАСДИ БИЛА ХУРОСОН ЖОНИБИГА ҚУЗҒОЛҒОНИ...**

Мушкинрақам қаламнинг хушхиром чобуксувори қиссагузорлиғ майдонида мундоқ жалодатшиорлиқ қилурким, Марв диёрида мутаваттин бўлуб ўлтургон сориқ муфсидлариким, кўп йилдин бери ҳазрати аъло хоқони мамоликситоннинг фармони вожибилизъонлари рибқасидин итоат ва инқиёд рақабасин тўлғоб, тамарруд ва инод бобида илхоҳ ва исрор кўргузур эрдилар. Ул ҳазрат доғи ҳар йил ул фасодпеша ва инодандеша жамоанинг изрор ва инкисори учун мўру малахдек ҳаддин афзун ва қиёсдин берун черик била Марв вилоятига бориб, эккон экинларин поймол ва нобуд қилиб, умидлари мазраасин иқболлари гулшанининг баргидек қурутуб, муовадат қилур эрдилар. Аммо бу йил Қароёфдоғи илғор ётгон лашкар аҳлининг пайдарпай қалъа аҳлига чаповул уруб, кўп дастбурдлар еткургон жиҳатдин ул тоғийлар тарфатулайни фароғ топа олмай ва ҳеч ерда экин экорга журъат қилолмай, ҳамиша таҳассун кўргузуб, ғоясиз машаққат ва ниҳоясиз усрат била зиндагонлиғ қилур эрдилар. Ҳазрати аъло хоқоннинг замири саодатнишонлариға ул хизлон бодияси саргардонларининг тасхир ва истесоли ва дағдағаси мусаммим бўлуб, сиғир йили санан минг икки юз олтиш тўққузда, ражаб ойнанинг йиғирма сегизиди жумъа куни Хивақ доруссалтанасидин қиёматасар лашкар била давлат ва иқболнинг зафарпайкар таковариға рукуб қилиб, эъломи нусратпарвар маҳчасин меҳри анвардек жилвага кургузуб, давлат ва саодат ҳаминонлиғи била мақсад тариқи азима-

тин туздилар. Ҳазорасб устидин ва дарё қирғоғидин озим бўлуб, нузуллари ройиҳасидин манозил машомин муаттар ва вусуллари файзидин мароҳил фазосин жаннатасар қилиб, Қабоқли бешасиғаким, Тахт йўлининг оғзидур, давлат ва иқбол била ворид бўлуб, икки кун таваққуф кўргуздилар. Шаъбон ойининг ўн еттисида чаҳоршанба куни Кабоқлидин издиҳоми тамом била кўчуб, Ҳафтреги Хоразм ақабалари қатъиға саъй ва эҳтимом якронин сурдилар. Тахт ва Ёриҳожиди қудуқлари ҳаволасиға вурудлари чашмасоридин сероблиғ ва саршорлиғ еткурдилар. Эҳтимоми тамом била қум пушталари қатъин итмомға еткуруб, шаъбон ойининг йигирма олтисида Марв диёриға чиқиб. Марв дарёсининг канорин нусратасар лашкарга муаскар ва саодатпарвар ўрдуға мустақар қилдилар. Муфсидлар изрори учун ҳамул дарёнинг шимолий савоҳилин бир неча кун асокири нусратмаосирға поймоли татовул қилдурдилар. Ул ошонда Йўлўтан қалъасида маскан тутғон солур жамоасининг машоҳиру маорифи пешкашу тансуқоти била остонбўслиғ саодатиға истисъод топиб, хизматкорлиғ ва жонсипорлиғ даъвосида ихлосу эътиқодларин изҳор қилиб. мароҳими хисравонадин сарафрозлиғ топдилар. Ҳазрати аъло хоқон мамоликситон дарёнинг шимолий жонибин сипоҳи зафарнишон марокибиға поймол қилдурғондин сўн жанубий тарафиға ўрдуйи ҳумоюн ва мавкиби маҳшарнамун била бир муносиб маъбардин убуру қилиб, сориқ қалъасининг жанубий тарафида муаскар ва боргоҳи зафарпаноҳ қуббасин фалак ҳисори зурвасиға баробар қилдилар. Ҳамул кун Қароёф канорида Хандақ мавзеида илғор ётғон саркардалар, яъни Мирмуҳаммадхон ва Оллоёр оталиқ ва Худоёрбий ва Шоҳмурод иноқ ва Саййидназарбий ва Давлатёрбек ва Маҳмудниёз ясовулбоши ўзларининг хизматидағи навқарлари била даргоҳи олий мулозаматиға етиб, подшоҳона отифатлар била андозасиз беҳжату мусаррат ҳосил қилдилар. Бу ҳолға муқорин Ҳирот ҳокимидин элчи келиб, онинг илтимоси била Ҳиротдин ғалла келтурмак учун кўп тева йиборилди.

Бу ижмол тафсили улким, бурунғи замонларда афғония тавойифининг абдолия тоифасидин Шоҳ Комрон бинни Маҳмудшоҳ абаанганжада Ҳирот мамлакатида подшоҳлиғ тахтида ўлтуруб, шавкату савлат била ҳукумат сурар эрди. Аммо бағоят сустрой ва бепарво киши эрди. Бу жиҳатдин ўзининг вазири Ермуҳаммадхон они ғофил топиб, ўлтурди ва онинг ўрниға салтанат маснадида ўлтурди. Ул доғи бир

неча йил ҳукумат сурғондин сўнг адам кишвариға юз берди. Ул фавт бўлгондин сўнг онинг ўғли Саййидмуҳаммадхон Ҳирот мамоликига соҳибихтиёр бўлуб, иқтидори тамом била ҳукмронлиғ қилур эрди. Токим ҳазрати аъло ҳоқони жаҳонситоннинг Марв диёриға ворид бўлгонларининг овозасин эшитиб, ул ҳазратнинг муҳаббат ва ҳимоятлари этокиға ихлос ва эътиқод иликин урмоқни давлати узмо ва саодати қурбо билиб, ўзининг бир муътабар кишисин сафорат расми била бир мактуб топшуруб, даргоҳи олампаноҳ мулозимларининг хизматиға ирсол этти. Мактуб мазмуни бу эрдиким: «Остони олийшон саркорлариға хотирнишон бўлсунким, биз доғи ул остони давлатбунённинг жонсипор хизматгузори ва ихлоскеши хайрандешидурмиз. Эмди орзу ва илтимос улким, хоҳ лашкар ва хоҳ ғалла ва хоҳ ўзга асбобдин ҳар нечаким даркор бўлса бу жонибға киши йбориб олдурсунлар. Мундоқ илтифот била бу ихлоскеш хизматкорнинг ифтихори бошин гардун ҳисори зурвасидин ошурсинлар. Агарчандики ул давлатхона саркорларининг ҳеч нимаға эҳтиёжи йўқдур, аммо ул остон мулозимлариға иртибот нисбатин топмоқ дўсту душман орасида бу ақидаткешға фахру фаҳомат мужиби бўлғусидур».

Ложарам фармони олийшон мужиби била давлати абадмуддат аминлари онинг сийнаи илтимосиға дасти рад урмай, ҳар ўн ва ўнбеш навкардин бир тева ва бир киши олиб ғалла келтурмак учун Ниёзмухаммад юзбошини аларға бош қилдилар. Мирмуҳаммадхон жамшидийни доғи лашкариядин бир тоифа била ҳамул жамъ бўлгон теваларға қўшуб, Ҳирот жонибиға ирсол қилдилар, токим Мирмуҳаммадхон Бодғис музофотиға етгондин сўнг Ниёзмухаммад юзбоши била ҳамул теваларни Ҳирот қалъасиға йбориб, ўзи ўз биродари Абдуллахон бекларбегининг кўмакигаким, уч йилдин бери фармони қазожараён мужиби била ул ҳаволидағи жамшидия тоифасининг орасиға бориб, ҳазора жамоаси билаким, бу давлат нисбатида адоват расмин зоҳир қилур эрдилар, ҳамиша савош ва талош кўргузур эрди, бориб анга имдод ва муованат еткургой. Мирмуҳаммадхон фармони олий мужиби била ҳамул жамъ бўлгон теваларға ҳамроҳ бўлуб, азимат кўргузди ва Бодғис тавобеъиға етгондин сўнг мазкур бўлгон теваларни Ҳирот қалъасиға узотиб, ўзи Абдуллахон бекларбегининг қошиға борди. Ҳирот ҳокими Саййидмуҳаммадхон боргон теваларға ғалла бериб, Ниёзмухаммад юзбошини эъзози тамом ва икромии молакалом била қайтарди. Тевалар қирқ беш

кун мударатида қайтиб келиб, ўрдуи ҳумоюнға мулҳақ бўлдилар. Аммо Мирмуҳаммадхон Абдуллахон бекларбегига қўшулуб, иттифоқ била ҳазора урушиға иқдом кўргузуб, кўб муҳорибот ва муқотилот амрин зуҳурға еткуруб, охируламр фатҳу зафар дастёрлиғи била душман гуруҳиға голиб бўлуб, мағлубу мустаъсал қилди. Ул жамоанинг ҳокими Каримдодхон бошлиғ беҳисоб кишининг ташна жониға хунафшон тийғлар ва жонситон синонлар суйин ичируб, афтонун хезон адам зиндониға еткурди. Мундоғ фатҳу зафар муждасин остони давлатнишон мулозимлариға йибориб, ўзи ул атрофдағи баъзи муҳиммот истикмоли учун таваққуф кўргузди. Байт:

Улуғға кичикким адоват этар,  
Ҳамул феъли-ўқ ўз бошиға етар.

Алқисса, ҳазрати аъло хоқони давлатпосбон сориқ қалъасининг жанубий жонибиға лашкаргоҳ қилиб ва муаскар атрофиға эҳтимоми тамом била матин ва мустаҳкам қўрғон игириб, муфсидлар ҳисорининг ёвуқида саркўб ва ҳавола кўтариб, тўбандозлиғ расми била муҳосара амриға иқдом кўргуздилар. Муҳосара айёмида ҳар кун шужаъойи номдор ва қуталойи кийнагузор қаровуллик расми била қалъа атрофиға бориб, ўз ҳаддидин тажовуз қилиб, қалъадин чиқғон сориқ муборизлариға шери гуррон ёнлиғ ҳамлалар еткуруб, кўб муфсидни тийғи буррон зарби била ҳаёт маркаби мамот тупроқиға тушурур эрдилар. Ва бемуҳобо ҳамлалар салобатидин... шердин қочгон эшакдек аъдо гуруҳиға хазимат еткуруб, ҳисор тангносиға қобор эрдилар. Қодирандоз тўпчилар доғи саркўб ўстидин тўбандозлиғ амриға иштиғол кўргузуб, ўтлиғ гулулаларнинг мутавотир ва мутаоқиб нузулидин қалъа ичидағи шайтанатасар мухолифлар бошиға офат шиҳобин ёғдурур... эрдилар. Ул ўт дудининг лаҳза-лаҳза фалакфарсо суудидин ҳисор аҳлининг рўзгорин тийра қилиб... қиёмат кунин намоён этар эрдилар. Ҳар кун умаройи эзом сипоҳи нусратфаржом била муҳосара амриға иқдом кўргузуб, қалъанинг атрофу жавонибин нигомиш қилиб, мухолифларни қалъадин бош чиқорурға қўймас эрдилар, токим бир кун умаройи шижатшиордин Оллоёр оталиқға ўқ тегиб, жинон гулзориға равон бўлди.

Бу воқеа баёни улким, муҳосора овонида рамазон ойининг йигирма тўққузида чаҳоршанба кун муаскари ҳумоюндин Оллоёр оталиқ бошлиғ баъзи саркардалар бир

жамоа лашкар била қаровуллиқ йўсинида чиқиб, қалъа ёвуқиға бориб муҳосара амриға машғул эрдилар. Кун пешин бўлгондин сўнг оддин тушуб, бепарволиғ била бир мавзёда ўлтурмиш эрдилар. Сориқнинг баъзи таҳовурпарвар баҳодирлари қалъа устидин оларнинг бепарво ва фароғат ўлтиргонин мушоҳада қилиб, фурсатни ғанимат билиб, бир кўб отлиғ ва пиёда мерган била баъзи кўҳна ёфлар ва жарларнинг ичидин келиб, оларни ғофил топиб, фидойивор ҳамла еткурдилар. Сипоҳи нусратпаноҳ доғи чусту чобуклик била отланиб, жанги мағлуба воқеъ бўлди. Коризор ҳангомаси қизигон ҳангомда мухолифлар жонибидин отилгон бир ўқ келиб Оллоёр оталиқнинг мақталиға тегиб оддин йиқилди ва ҳамул захмнинг шиддатидин беҳишти анбарсиришда маскан қилди. Ҳамон аснода муаскари давлатасардин бир гуруҳ нусратпарвар баҳодир оларнинг мададиға етиб, душман тоифасин мунҳазам қилдилар, ва қалъа остиғача қовиб, кўп кишини мақтул ва маъсур қилиб фатҳу зафар била муовадат эттилар.

Бу воқеа вуқуъидин сўнг ҳазрати аъло ҳоқонийнинг ноираи ғазоби иштиёол топиб, муҳосара амриға ондоқ иштиғол кўргуздиларким, қалъа аҳли ҳеч тарафдин бош чиқараолмай, қаҳат ва галла балосиға андоқ мубтало бўлдиларким, дона ҳасратидин бугдай ёнлиғ сийнаи пуркийналарин ғусса тирноғи била чок этиб, очлиғ шиддатидин мошдек кўзлари кўкориб, нон йўқлиғидин жонлариға етиб ҳалок бўлуруға ёвуқ еттилар. Чун мазкур бўлгон муаскарда ўрдуйи ҳумоюннинг таваққуфи муддати эллик беш кунга етти, издиҳом сабабидин ниҳоятсиз уфунат ва бадбўйлиғ пайдо этти. Бу жиҳатдин ҳамул сангардин қўш тозаламоқ учун ўрдуйи саодатасарни кўчуруб, қалъанинг ғарбий жонибин муаскар қилдилар. Лашкаргоҳ атрофиға қалъа солиб, эҳтимоми тамом ва жаҳди молакалом била душман ҳисори муҳосарасиға қиём кўргузуб, атрофу жавонибдин ғалла ва ун ва озук келур йўлларни билкул масдуд ва мадрус қилдилар, токим мутаҳассинлардин ҳар кун неча гуруҳ очлиғ шиддатиға тоқат қила олмай, ўзларин қалъадин ташлаб чиқиб, муаскари муаллоға келиб мароҳими хисравона хонидин неъмат алвон била баҳраманд бўлу эрдилар. Ёвуқ эрдиким, қалъа аҳлининг барчаси бўйинлариға тийғу кафан осиб, қалъадин чиқиб, убудият монглайин ҳазрати аъло ҳоқонийнинг даргоҳи жаҳонпаноҳи тупроғиға қўйғойлар. Аммо тақдири илоҳий ул мутамарридлар тасхириға тааллуқ тутмамиш эрдиким, ул ошонда Эрон ва Хуросон

нинг аксар билодида вабо ва тоун иллоти шиюъ топиб, кўб халойиқнинг умри хирманин фано барқига кўйдурди. Ул касал муаскари ҳумоюн ичида доғи воқеъ бўлуб, лашкариядин кўб кишини ҳаёт маркабидин тушурди ва бир нечасин беморлиғ бистариға еткурди, андоқким қалъа атрофин мухосара қилғудек қувват қолмади. Ложарам ҳазрати аъло хоқоннинг замири саодатнишонлари ул вилоятда таваққуф қилмоқни бефойда кўруб, сўнгги сангарда ўн етти кун мутамаккин бўлгондин сўнг... Хоразми эрамбазм жонибиға мурожаат қилмоқни маслаҳат кўруб, ҳамул макондин ўрдуи ҳумоюнни кўчуруб, муовадат майдониға азимат якронин суруб, икки манзилда Қароёф бўйида Хандақ мавзеиға етиб нузул эттилар. Ҳамул мавзеда баъзи муҳаммот интизоми учун тўрт кун таваққуф қилдилар...

Ҳазрати аъло хоқоний тўрт кундин сўнг Маҳдиқулибек сарҳангни сарбоз тоифасининг ёрими била Хандақ аҳлининг орасида мадад учун таваққуф қилурға номзад қилиб ва Мирмуҳаммадхонға доғи Бодғисдин қайтиб келиб Хандақда мутамаккин бўлсин, деб пайғом йибориб, ўзлари доғи мазкур мавзедин ўрдуи ҳумоюн била кўчуб, тўрт манзил юруб, Марв суйининг аёқидин борча лашкарияға чўл тадорики учун сув олдируб, Мусо ва Харжиҳоз ва Чарла қудуқларининг усти била тўғри йўлдин озим бўлуб, зулҳижжа ойининг учида, сешанба куни давлат ва иқбол била доруссалтанаи Хивақға дохил бўлуб, жамеъи Хоразм мамолики фуқаро ва раоёсининг дийдаи интизорларин ҳузурлари нуридин равшан ва дили беқарорларин вусуллари файзидин гулшан қилдилар. Ва бу сафарнинг мударати юз йигирма тўрт кунга имтидод топти.

Баъзи воқеот зикриким, ҳазрати аъло хоқоний мазкур сафардин келиб мустақарри хилофатда мутамаккин бўлгондин сўнг вуқуъға етти. Ул жумладин улким даргоҳи олампаноҳнинг муътамидунилайҳ мулозимларидин Муҳаммад Шарифбойким Бухоро элчисиға элчи йўсуналиғ ҳамроҳ бўлуб Бухороға бормиш эрди, андоқким юқорида мазкур бўлди. Ҳазрати аъло хоқоний мазкур сафарда эрконда амир Насруллонинг онга қўшгон муволафатнома била йиборгон элчиси Сафарбек мирохур онга ҳамроҳ келиб, Хивақ шаҳрида таваққуф кўргузмиш эрди. Ҳазрати аъло хоқоний мазкур сафардин келиб, икки кун оромгузин бўлгондин сўнг они ҳумоюн мажлислари духулиға рухсат бериб, навозиши подшоҳонадин баҳравор ва алтафи хисравонадин беҳжатасар қилдилар.

Яна улким, зулҳижжа ойнинг ўнунчи кечасиким, қурбон ийди оқшоми эрди, мазкур бўлгон сафарда вабо касалидин вафот топгон уламодин қози Муҳаммадкарим эшоннинг ўрнига домла Юсуф Охунд Бекободийким, замон уламосининг мушорунилайҳ ва ангуштнамоси эрди, қозикаскарлик мансаби била сарбаланд қилдилар. Ҳамул сафарда мафқуд бўлгон умародин Саййид Исохожа нақибнинг ўрнига онинг ақосининг ўғли Саййид Исмоилхожанинг ифтихори бошин нақобат мансабининг музайян амомаси била фалакфарсой қилдилар. Оллоёр оталиқнинг ўрнига ўзининг иниси Давлатёрбекнинг қобилияти қоматиға оталиқлиг мансабининг зебо хилъати била зебу зийнат еткурдилар.

Яна улким, мазкур ойнинг ўн олтисида душанба куни умаройи олий жоҳдин Юсуф иноқни баъзи номуважжаҳ афъоли ва сустлиғу бепарволиғи жиҳатидин иноқлик мансабидин маъзул этиб, онинг ақрабосидин Искандарбекниким, хизматкорлиғ румузининг хабардори эрди, иноқият мансабининг бахшишидин шавкатмадор ва фалакмиқдор қилдилар. Ҳамул кун Абдулқодир миробни доғи ёшлиғ сабабидин мансабдин азл этиб, онинг ақрабосидин Авазмуродбекниким, юзбошилиғ амали била мумтоз эрди, мироблиғ мансабин карам қилиб, сарафроз эттилар.

Яна улким, мазкур ойнинг йигирмасида жумъа куни Бухоро элчиси Сафарбек мирохурға атабаи аъло мулозимлари саромадидин Мулла Иброҳим девонбегини сафорат тариқаси била қўшуб, муҳаббатнома била Бухоро жонибиға ирсол эттилар.

## МАДРАСАИ МУАЛЛО БИНОСИНИНГ ИТМОМИ ВА УЛ ХАЙРЛИ ҲАМТО ИМОРАТИНИНГ ИХТИТОМИ

Фатонат ва диroyат аҳлининг хуршид танвир замирлариға равшан ва ҳувайдодурким, ҳамвора ҳазрати аъло хоқон... Хивақ шаҳри аркининг жанубий тарафида бир мадрасаи олий иморатиға уч йилдин бери илтифот партавин солиб, ушбу йил итмомға еткурдиларким, ҳеч киши рубъи маскунда онинг мислидин нишон бермайдур. Балким онинг суврати нақши ҳеч хаёлнинг ойнахонасиға кирмайдур... Ул мадраса пешгоҳида бир минораи олий бино қилдурдиларким, сутун ёнлиғ гардун айвониға ҳамсар, балки кайвон сақафиға баробар эрди. Бовужуди ончи рифъат бошдин аёқи қошикорлиғ ва неча алвон ранг била хушнигорлиғ эрди. Ондок зебу такаллуф била иморат қилидиким,



бино қилғон устодиға Боний ва Монийнинг руҳлари таҳсину офарин қилди... Ҳазрати аъло хоқони саховатнишон ҳиммати зотий ва қарами жибилий муқтазосидин ўзларининг амлоки холисалариндин неча мавзеъда ҳамул мадраса учун ул миқдор ер вақф эттиларким, ҳосил бўлғон ғалла-лари мадраса сукконининг маишатиға ҳар навъи харажот қилса етар эрди, балки ортар эрди. Ул мадрасанинг бино-сига замон фузалоси ва даврон шуароси ғарро таърихлар назм силкига чекиб, ул ҳазратнинг алтофи хисравонасидин баҳраманд бўлдилар...

## ҲАЗРАТИ АЪЛО ХОҚОНИ КИШВАРСИТОННИНГ ЖУЛУСИ ҲУМОЮНИНИНГ СЕГИЗИНЧИ ЙИЛИНИНГ ВАҚОЕЪИ

Ул жумладин улким, сиғир йили таърихи ҳижрий минг икки юз етмишда, муҳаррам ойининг авойида ямутия ва ўзбакия тавойифидин бир жамоа иттифоқ била ҳазрати хидеви комкори душманшикордин рухсат олиб, Рафатак йўлининг чаповулиға озим бўлдилар. Масофоти баъида ва манозили мутааддида қатъидин сўнг Рафатак йўлиға етиб, сориқ муфсидларининг Марвдин чиқиб, авқотгузорлиғ учун Лубоб сори боратурғон баъзи кўчу савдогарига ба-лойи ногаҳоний ёнлиғ дохил бўлуб, кўп кишини қатлга еткуруб, ҳаддин афзун ўлжа ва асир била қайтиб, мазкур ойнинг авохирида жаноби олий мулозаматиға етиб, илти-фоти хисравонаға ихтисос топдилар.

Яна улким, мазкур ойнинг йигирма еттисида якшанба куни ҳазрати аъло хоқони гитиситон доруссалтанаи Хивақ-дин сайру шикор иродаси била давлат якрониға рукуб қилиб, Ҳазорасб қалъасининг устидин озим бўлуб, Ому дарёсининг соҳилиға етилар ва нузуллари файзидин ҳам-ул дарё қироғин ҳавзи кавсар каноридек тароватнок этти-лар. Дарёнинг жанубий тарафида ҳар кун бир манзиллик йўл кунчиқор жонибға юруб, жалодатшиор итолгулар била барқрафтор оҳуларни сайд этиб, Бўрили мавзеъиғаким Уч ўчоқға муқобил эрди, етилар ва вусуллари шарафидин ҳамул мавзеъни борча манзиллардин мумтоз эттилар. Ҳа-мул мавзеъдин ҳилолсурат заврақлар ва фалак ҳайъат ке-малар била Омуя суйиндин убур қилиб шимолия жонибида шикорандозлиғ расми била дарё қироғидин кун ботар тарафға манзил-баманзил ҳаракат кўргуздилар. Шўраҳон ориқининг саққоси ва Мискин Саййид алайҳур раҳманинғ мақбарай мутабаррикаси жавориға еткон чоғда Бухоро

волийси амир Насруллонинг мулла Иброҳим девонбегига қўшуб йиборган элчисиким, Усти қалъасининг ҳокими Ниёзбек тўқсобаи қипчоқ эрди, ўрдуи аълога ворид бўлуб, мазкур амирнинг йиборгон остони олийшон мулозимлариға муносиб туҳфа ва ҳадяларин ихлос ва эътиқоднома била назари анвар пешгоҳиға еткуруб, авотифи хисравонадин баҳравар бўлди. Ул ҳазрат анга Хивақ шаҳриға бориб, таваққуф қилурға рухсат бериб, ёниға киши қўшуб йибордилар ва ўзлари бир неча кун ул атрофда сайдандозлиғ тамошасидин баҳраи тамом ва беҳжати локалом ҳосил қилгондин сўнг Урганч тўшидин мурожаат қилиб, рабиулаввал ойининг учинчи кечасиким, якшанба ақшоми эрди, дорилхилофани Хиваққа ворид бўлуб, салтанат саририда давлат ва саодат била ором туттилар...

Яна улким, ҳазрати аъло хоқони кишварситон Марв диёридин Хоразм сори муовадат қилур чоғда сарбоз тавойифининг сарҳангларидин Маҳдиқулибек жамшидийнинг ўзига мутааллиқ навқари била Хандақ мавзеидағи элтининг ҳиросати учун таъйин қилиб қўймиш эрди, токим ақоси Мирмуҳаммадхон Бодғис музофотидағи жамшидия тавойифининг аҳволи интизоми ва ул ҳаволи муҳиммотининг саранжомидин фориг бўлуб, Марв вилоятиға келиб Хандақ аҳлининг орасида мутамаккин бўлгондин сўнг ул ўз навқари била ул диёрдин қайтиб, Хоразм сари мутаважжиҳ бўлғой, андоқким юқорида мазкур бўлди. Чун Мирмуҳаммадхон мазкур бўлгон ойда Марвға ворид бўлуб, Хандақ улусининг орасида макон тутти. Маҳдиқулибек сарҳанг фармони лозимулизъон мужиби била ул диёрдин муовадат кўргузуб, рабиулаввал ойининг сегизида жумъа куни остонбўслиғ шарафиға мушарраф бўлуб, борча навқари била сарупойи подшоҳона ва инъомоти мулукона била мумтозлиғ ва сарафрозлиғ топти.

Яна улким, мазкур ойнинг тўққузида якшанба куни Маймана ҳокимининг элчиси келиб итоат ва инқиёд амрида ихлос ва эътиқодин изҳор қилди.

Бу ижмол тафсили улким, чун олийшон ва гардунтавон саркардалардин Мирмуҳаммадхон фармони қазожараён иқтизосиға амал қилиб, бир жамоа лашкар била Бодғис ҳаволисидидағи жамшидия орасида иниси Абдуллахон бекларбегининг кўмакиға борди. Ва иттифоқ била ҳазора душманларининг урушиға иқдом кўргузуб, ул тоифанинг ҳокими Каримдод хонни кўп киши била қатлаға еткуруб, бир неча қалъани мусаххар қилди, андоқким собиқан мазкур

бўлди. Маймана ҳокими Ҳукуматхон чун кўрдиким, бу давлати рўз афзун душманлари манқуб ва мустаъсал бўлуб, Ҳирот бошлиғ ул атрофдағи қилоъ ва билод улуси итоат ва инқиёд камарин ихлос ва эътиқод белига боғлаб, хизматкорлиғ ва жонсипорлиғ русумининг изҳорида росихдам ва собитқадамдурлар, ўз ҳолига яраша Мирмуҳаммадхон ва Абдуллахон бегларбегига мадад ва муованат еткуруб, ўзининг иниси Шодмонхонни элчи қилиб, ихлос ва хизматкорлиғига мушъир бир мактуб топшуруб, даргоҳи олампаноҳ хокбўслиғига ирсол қилиб эрдиким, мазкур ойнинг тўққизида якшанба куни келиб, остони фалакнишон тақбили шарафига фойиз бўлуб, ақосининг йиборгон ихлосномасин жаноби давлатинтисоб нуввобининг саодатмаоб назарлариға еткуруб, авотифи хисравона ва мароҳими подшоҳонаға ихтисос топти...

Яна улким, рабиуссоний ойнинг тўртида сешанба куни ҳазрати аъло хоқони муалломаконнинг фармони лозимунтинонлари муқтазоси била олийшон саркардалардин Юсуф дастурхончи ва Эрнийез маҳрам ва Муҳаммадпаноҳ маҳрам ва Мулломуҳаммад тарокима тавойифидин ямроли ва алиэли ва сақар ва аробачи ва ғайриҳумнинг навқаридин икки минг чоғлиғ отлиғ била Марв тавобеидин Хандақ мавзеъидағи элот орасида Мирмуҳаммадхоннинг муованатиға илғор йўсунлиғ озим бўлдилар.

Яна улким, мазкур ойнинг ўн тўртида жумъа куни Бухоро элчиси Ниёзбек тўқсобағаким, амир Насруллонинг муволафат мусодақатномасин лойиқ туҳфалар била келтуруб эрди, андоғким собиқан мазкур бўлди, даргоҳи гардуништибоҳ аминларидин Муҳаммадамин юзбошини муҳаббатнома била сафорат учун қўшуб, Бухоро сувбиға ирсол эттилар.

Яна улким, мазкур ойнинг ўн бешинчи ақшомиким, шанба кечаси эрди, фазилатнишон диroyат иқтирон қози Юсуф эшонниким, қозии аскарлик мансабиға мансуб эрди, Хивақ дорулқазосида қозикалонлиқ маҳкамасида маснаднишин қилиб, борча уламо орасида мумтозлиғ еткурдилар. Ва онинг ўрниға Раҳмонберди раисниким, эҳтисоб мансаби онга мутааллиқ эрди, ул мансабдин чиқариб, қозии аскарлик мансаби била мартабасиға тараққий бериб сарафроз қилдилар. Онинг ўрниға жамшидий домла Холназарни Хивақ шаҳриға маа тавобеъ вал-лавоҳиқ раиси бил истиқлол қилиб, эҳтисоб умурин онинг ройи диroyатинтисобиға тафвиз этиб, авотифи хисравонадин комёб қилдилар.

Яна улким, мазкур бўлгон кечада қўнғирот улуси табақотидин умбой дудмонининг олийшон ва шавкатнишон бекларидин Муҳаммадкаримбек ибни Юсуфбекким, давлат арконининг рукни аъзами ва ҳазрат аъёнининг афзалу акрами ва ҳазрати аъло хоқонийнинг муқаррибу маҳрами ва қадимий давлатхоҳларнинг фойиқи ва олий мансабларнинг лойиқи эрди, лиҳазо ул ҳазрат онинг нисбатида подшоҳона отифатлар зуҳурға еткуруб, вазорат хилъатин қобилияти қоматиға кийдуруб, қўшбегилик хитоби била ўзининг ақрону ашбоҳи орасида офтоб ёнглиғ сарбаланд ва комёб қилиб, салтанат ва мамлакат муҳҳомининг интизом ва саранжоми умурин онинг ройи оламоройиға топшурдилар...

Яна улким, мазкур ойнинг ўн сегизиди сешанба кунини қочор тоифасидин Исмоилхон сартиб бир гуруҳи анбуҳ беш юз сарбоз ва беш тўб била сориқ кўмаки учун Марв қалъасиға келгон хабари келди. Бу воқеа кайфияти андоқ эрдиким, чун Қароёф канорида Хандақ мавзеидағи қалъа солиб ўлтурғон элот орасида илғор тариқаси била навбат-банавбат бориб, таваққуф кўргузгон шижоатнишон сипоҳу саркардаларнинг пайдар-пай еткургон чаповул ва дастбурди сабабидин бир неча йилдин бери сориқ муфсидлари фориғонлиқ била экин экаолмай ва атрофу жавонибдин бежавотир галла келтураолмай, ҳоллариға ниҳоятсиз танглик етушти. Охируламр камоли жаҳолат ва ғояти шақоватдин бу давлати абадмуддат итоатидинким, дунё ва охираат саодатининг сармойеси эрди, билқулл юз эвуруб икки жаҳон юзқаролиқин бўюнлариға кўториб, ул тоифанинг ақобиру иозимидин кўп киши иттифоқ била кўп пешкаш ва тухфалар олиб, истимдод тариқаси била Машҳад вилоятининг ҳокими Муҳаммадвалихоннинг олдиғаким, жамеъи Эрон заминининг нофизиулфармон подшоси Насриддиншоҳ бинни Муҳаммадшоҳнинг гумоштаси эрди, бордилар. Онинг ишорати била ул жамоанинг аксари Машҳаддин чиқиб, Теҳронда Насриддиншоҳнинг хизматиға бориб, таксири тамом ва тазарруъи молакалом била онинг олдида итоат ва инқиёд русумин тузуб, истиғоса ва истижоша кўргуздилар ва шийи шум русумиға мутобаат қилиб хизлони абадий ва хусрони сармадийға гирифтор бўлдилар. Насриддиншоҳ ул рўсиёҳларнинг илтижо ва илтимосин мабзул тутуб, муътабар саркардаларидин Исмоилхон сартибни кўп черик била оларға қўшти ва борча Хуросон билонининг лашкарин доғи олар имдодиға номзад қилди. Онинг фармони била Машҳад ҳокими Муҳаммадвалихон

Хуросон черикин йиғноб беш юз сарбоз ва беш тўп била Марв вилоятига муфсидлар имдоди учун йиборди. Ул лашкарнинг Марв қалъасига келиб дохил бўлгон хабари ҳазрати аъло хоқонийнинг ҳумоюн самъларига масмуъ бўлуб, мазкур ойнинг ўн сегизда сешанба куни умаройи эзомдин Шохмурод иноқ ва Давлатёр оталиқ ва Саййидназарбий ва Муҳаммадмурод маҳрамни човдир ва тоза қўнгирут ва қародошлу тавойифининг черики била Хандақ мавзеидаги илғор ётқон лашкариянинг имдоди учун ирсол эттилар.

Яна улким, мазкур ойнинг йигирма бирида жумъа куни қизилбош аскарлари бадмаош сориқнинг лашкари била Хандақ аҳлининг қасдига юриш қилғони ва ул жамоа бир неча кун Хандақ устида уруш қилиб, баҳодирларнинг шерона ҳамлалари салобатиға тобу тоқат келтураолмай, ҳазимат тариқаси била бир неча фарсах масофат кейин сайр қилгонининг хабари остони олий мулозимларига келди.

Бу воқеанинг баёни андоғ эрдиким, чун қизилбош черики ниҳоятсиз мусаллаҳ ва мукамал бўлуб Хуросондин Марв диёрида сориқ қалъасига келди, бир неча кун осудалиғ топгондин сўнг жамеъи сориқ жамоасин пиёда ва сувора ўзларига ҳамроҳ қилиб, тўбу тўпхона била Хандақ жонибиға озим бўлдилар. Қизилқум отлиғ мавзеъга келиб тушган аснода Хандақ аҳли хабар топиб, жалодатшиор баҳодирлардин тахминан беш юз отлиғ иттифоқ била чиқиб, ўзларин барқ ёнглиғ душман кўшунининг хошокига еткурдилар ва қирқ нафардин зиёдароқ қизилбошни асирлик қайдиға чекиб, эллик чоғлиқ теvasин кўп амволу ашё била ўлжа қилиб солим ва ғоним мурожаат қилдилар. Ондин сўнг қочор лашкари ҳайъати ижтимоъ била Хандақ қалъаси устига келиб, сангар қилиб ҳар кун тўпандозлиғ ва оташбозлиғ маросимиға иқдом кўргузуб, муҳораба ва мужодала ҳангомасин қиздурдилар. Хандақ аҳлининг дағи жонбоз ва сарандоз баҳодирлари масоф майдониға мутаҳаввурона қадам қўюб, ҳар кун ул миқдор жаҳду кўшиш кўргуздиларким, мухалифлардин беҳисоб кишининг ҳаёти риштасин тийғи тез ва синони хунрез зарби била уздилар... Аъдодин ададсиз кишини охираат уқубатгоҳиға еткурдилар. Аъдойи гуризпой шужаъойи жалодатнамоийнинг далирона ҳамалоти ва шерона садамотиға тоби мақовамат келтуролмай, сегиз кун муддатидин сўнг баъзи эҳмолу асқолу амволин тошлаб кўчдилар ва тахминан тўрт фарсахлиқ йироқ ва сориқ қалъасига ёвуқроқ бориб, бир мавзеъда сангар қилиб мутаммаккин бўлдилар.

Маълум бўлсинким, ҳамул ошонда олтимиш тевалиғ қизилбош корвон Машҳаддин Бухороға бориб, ниҳоятсиз гаронбаҳо амтиа ва ақмиша олиб қайтиб Марв қалъасига келиб, шижоатшиор баҳодирларнинг дастбурдидин хавотир тортиб қалъадин чиқа олмай таваққуф қилмиш эрдилар. Қизилбош лашкари ул қалъага келиб сориқ жамоаси била Хандақ аҳлининг устига юргондин сўнг бежавотир қалъадин чиқиб, борча молу матолари била Машҳад жонибиға озим бўлдилар. Иттифоқо ул аснода Хандақ аҳлидин икки юз чоғлиқ отлиғ ул атрофда бориб, нигомиш қилур эрдилар. Ҳамул корвон қалъадин тахминан бир фарсахлиқ йироқ чиқгон чоғда кўзлари тушуб, от солиб қазойи осмоний ёнлиғ ул карвоннинг сарвақтиға етиб, борча амволу ашёсин ўлжа қилиб, тасарруфлари ҳайтасига киргуздилар. Савдодин суд қилгон карвондек ўз ватангоҳиға мурожаат кўргуздилар. Хандақ қалъасига келгондин сўнг ғанимат амволин тақсим қилдиларким, ҳар кишига уч юз тиллолиқ қимматбаҳо мато ва қумош етушубдур.

Яна улким, даргоҳи фалак иштибоҳ мулозимларидин Отаниёзбек ва Шукрулла ақоким, Хўқанд вилоятидин келгон элчиларга элчилик тариқаси била масҳуб бўлуб, Хўқанд вилоятиға бормиш эрдилар, ондоғким юқорида мазкур бўлди. Ул вилоятда кўп муддатлар таваққуф қилиб, рабиуссоний ойининг йигирма бешида сешанба куни Хўқанд элчиси била келиб, мулозамат шарафиға фойиз бўлдилар. Таваққуфларига сабаб ул эрдиким, олар Хўқанд вилоятиға боргондин сўнг ўрус лашкари ғалабаи тамом била ҳужум этиб бориб, ул вилоят тавобеъидин Оқмасжид қалъасин зўрдастлик била мусаххар қилиб, онда маскан қилди. Бу жиҳатдин ул вилоят волийси Худоёрхон элчиларга мурожаат рухсатин бера олмади, токим йўл асносида куффор лашкеридин оларға осибе етмагай ва сўнгроқ ўрус лашкари мудофааси учун Оқмасжид жонибиға кўп черик йиборди. Ондин сўнг ҳамул элчиларга ўзининг мўътабар кишиларидин Муҳаммадкарим баҳодирбошини сафорат расми била қўшуб, куффор урушида бу давлати абадмуддатдин истимдод ва истижоша кўргузуб, инкисори тамом била Хоразми жаннатбазм жонибиға ирсол этмиш эрдиким, мазкур ойнинг йигирма бешида сешанба куни келиб бисотбўслиғ саодатиға мушарраф бўлуб Худоёрхоннинг ихлос била йиборгон мактуб ва сипоришларин назари анвар мутолаасига еткуруб мароҳими хисравонадин ҳурсанд ва баҳравар бўлди.

Яна улким, мазкур ойнинг йигирма сегизда жумъа куни олийшон ва шижоатнишон саркардалардин ихлос ва эътиқодпаноҳ Раҳматулло ясовулбошини туркмониядин ямут сипоҳи била Марвда Хандақ мавзеидағи лашкариянинг мадади учун номзад қилдилар.

Яна улким, жумодулаввал ойнинг ўн учиди жумъа куни умаройи эзомдин уйғур халқининг сарвари Одинабой оталиқ марази табийи била вафот топиб, илтифоти подшоҳона онинг ўғли Бобониёзбекнинг ҳолиға шомил бўлуб, отаси ўрниға оталиқлиқ мансабида ўлтурди ва ул илтифот била ифтихори бошин фалак авжиға еткурди.

Яна улким, мазкур ойнинг ўн бешида якшанба куни Марв диёриға сориқ мадади учун келган қизилбош лашкарининг ўз аҳволи суубатин тақдир қилиб Машҳад ҳокими Муҳаммадвалихонға йиборган хати Хандақ аҳли баҳодирларининг қўлиға тушуб, даргоҳи олампаноҳ мулозимларининг назари анвари мутолаасиға етти.

Бу воқеа асли андоқ эрдиким, чун Хандақ қалъасидағи жамеъ бўлгон оломон гуруҳ-гуруҳ бўлуб, ҳар гуруҳ қизилбош лашкарининг сингарига неча мартаба чаповул уруб, кўп кишини тийғи тез ва синони хунрез зарби била охират уқубатгоҳиға еткуруб, ниҳоятсиз кишини асирлик қайдиға чектилар. Ҳаддан афзун теваву хачир ва асбобу ашёсин ўлжа қилиб, амволу мавошисин атрофу жавонибға чиқорға қўймадилар. Бу жиҳатдин ҳоллариға ғоятсиз танглик етиб, озук жиҳатидин доғи кўп танқислиқ чекдилар. Охируламр суубат ва машаққатға чидаёлмай, иттифоқ била Машҳад ҳокими Муҳаммадвалихонға бу мазмун била хат ёздиларким: «Бизларнинг Марв диёрида таваққуф қилурға ва ўзбак сипоҳи била муқобил бўлурға ҳеч қуввату қудратимиз йўқтур. Агар, қайтсун, деб рухсат берса қайтурмиз. Ва агар, турсун, деса бизларға кўмак ва озук йиборсун». Бу хатни тўрт-беш мўътаמיד кишиға топшуруб, Машҳад жонибиға ирсол қилмиш эрдиларким, Хандақ улусининг чобукдаст баҳодирлари йўл асносида ул руқъа ҳомилларни тутуб, саркардалари қошиға келтурдилар. Саркардалар ҳамул хатни остони олийшон мулозимлариға ирсол қилмиш эрдиларким, мазкур бўлгон кунда келиб, назари анвар мутолаасиға етти.

Яна улким, мазкур ойнинг авоситида фармони олийшон мужиби била тўпчибоши Отаниёзбой бинни Вайсбой бир тўб ва бир фавж шамхолчи навқари била Қароёфдоғи умаро ва лашкариянинг мадади учун озим бўлдилар.

Яна улким, ҳамул йил, яъни сигир йили ҳутнинг авохирида жумодуссонийнинг ўн еттисида панжшанба куни Бухоро элчиси Хабибуллахожаи уроқ ҳазрати аъло хоқонийнинг ул вилоятга йиборгон элчиси Муҳаммадамин юзбоши била даргоҳи олампаҳо ҳокбўслиқига етиб, амир Насруллонинг йиборгон муволифатнома ва туҳафу тансуқотин назари анвар мутолаасига еткуруб, хисравона навозишлар била сарафроз бўлди.

Яна улким, қипчоқ умаросидин Хўжаниёзбийким Дашти Қипчоқда Қувонг наҳрининг канорида бир қалъа бино қилиб, бу давлати абадмуддат қуввати била ул қалъада мутамаккин бўлуб, неча йилдин бери қазоқия улусининг орасида наёбат тариқаси била ходим бўлуб, ул ҳаволи элотининг забтига машғул эрди. Ражаб ойининг авоситида марази табиий била вафот топти. Онинг биродари Бобониёзбек онинг жасадин Хоразмга йибориб, ўзи ақосининг ўрнида ҳамул атроф улусининг муҳофазати учун қолди.

Яна улким, мазкур ойнинг авохирида қиёт умаросидин Худоёрбий кўклон лашкари била Қораёфдоғи черик мадади учун номзад бўлди. Майманадин келгон элчи Шодмонхонга доғи мурожаат рухсатин бериб, ўз юртига йиборилди.

Яна улким, шаъбон ойининг бешида чаҳоршанба куни Бухоро элчиси Хабибулло хожага муовадат рухсатин бериб, қипчоқ ақобиридин нодираи офоқ Яхшимуҳаммад доруғани элчилик расми била онга қўшуб, муҳаббат ва иттиҳодмандлик мазмунига мушъир бир мактуб топшуруб, Бухоро волийси амир Насруллонинг олдига ирсол эттилар.

## **ҚОЧОР ЛАШКАРИНИНГ ФИРОР ҚИЛҒОНИ ВА МАРВ ҚАЛЪАСИНИНГ МУСАҲХАР БУЛҒОНИ**

Чун Эрон подшоҳи Насриддин шоҳнинг фармони била Эрон ва Хуросондин кўп лашкар жамъ бўлуб, ул лашкарга мўътабар саркардалардин Исмоилхон сартиб бош бўлуб, улуғ тўпхона била сориқ халқининг мадади учун Марвда сориқ қалъасига келиб, ондин издиҳоми тамом била Қароёф устига озим бўлуб, ул мавзеънинг бир тарафида сангар қилиб, бир неча кун муҳораба амрига қиём кўргузди. Аммо ҳеч иш бошқара олмади, балки сипоҳи нусратпаҳодин кўб зўрдастлик ва дастбурдлар кўруб, изтирори тамом била кўчуб, сориқ қалъасининг ёвуқиға бориб, эҳтимом била сангар қозиб, онда тўрт ой мутаҳассин бўлдилар. Ислом лашкарининг баҳодирлари ҳар кун пайдарпай чапо-



вуллар уруб, кўп кишини куффор сипоҳидин қатилу асир ва ниҳоятсиз амволу мавошисин ўлжа ва дастгир эттилар. Атрофу жавонибдин ғалла ва озук кела тургон йўлларни доғи мазбут ва масдуд қилдилар. Ложарам, куффор лашкари сипоҳи жаррорнинг дастбурди шиканжасидин ва очлиғ ғалабасидин жонларидин тўйдилар ва мутафарриқ бўлуб қочмоқға кўнгул қўйдилар.

Иттифоқо, ҳамул овонда шаъбон ойининг учинчи кечасиким, душанба оқшоми эрди, қочор лашкарининг саркардаси Исмоилхон сартиб бир муҳим учун ўзининг сангаридин чиқиб, сориқ қалъасига кирди. Ҳамул кеча қочория лашкари қаҳат балосининг шиддатиға чидай олмай изтирори тамом била сангардин кўчуб, фирор тариқиға истеъжол қадамин қўйдилар. Тонг вақти сориқ халқи бу ҳолдин огоҳлиғ топиб, ҳайрону саросима бўлдилар. Охир давлат мулҳимининг ишорати била ўз ҳолларининг ислоҳи учун Исмоилхон сартибни қалъанинг ичидаги борча қизилбош била тутдилар ва оларни ўз гуноҳларининг афвиға васила қилиб, таъжил била қалъадин чиқиб Қароёф жонибиға равон бўлдилар. Мирмуҳаммадхон бошлиғ борча умаро ва саркардалар доғи ҳамул воқеадин хабардор бўлуб қалъа тарафиға озим эрдилар. Сориқлар йўл асносида оларға мулоқот қилиб, ажзу инкисор ва тазарруёу зорлиғ юзин умаро олдида хорлиғ туфроқиға қўюб, бошларин саркардаларнинг отлари аёқиға ташладилар ва хижолатмандлик била изтиғфор ва эътизорға тил очиб, Исмоилхон сартибни борча қизилбош асирлари била оларнинг назариға еткуруб, гуноҳлари афвиға васила қилдилар. Мирмуҳаммадхон бошлиғ борча саркардалар оларнинг гуноҳин ўтуб, мултамасин мабзул туттилар ва оларни қизилбош асирлари била Қароёфға йибориб, қалъа ичидаги қолгон сориқни уй ва асбоби била кўчуруб, Қароёфға элтарға киши таъйин эттилар ва ўзлари лашкар афвожин мукамал ва мусаллаҳ қилиб, фирор кўргузгон қочор лашкарининг таоқуб нигормишиға жалодат якронин гармжавлон қилдилар. Оламоннинг олди Фанди ҳаволисида аъдойи гуризпой изидин етиб, манзил-баманзил савошу талош қилиб, куффори фужжордин кўп кишини қатил ва асир эттилар. Чаманбид отлиғ мавзеъға етгонда дастбурди азим еткуруб, беш юз кишини асорат қайдиға чекиб, ниҳоятсиз амволу асбоб ғанимат олдилар. Ондин сўнг шиан шания мутафарриқ ва паришон бўлуб, ҳар гуруҳ бир тарафға кетиб, мафқуд ва нобуд бўлдилар. Умаройи эзом асокири

Нусратанжом била солим ва гоним мурожаат қилдилар ва шоду хуррамлиғ била Марвга келиб, сориқ тавойифининг аҳволи интизомига иштигол кўргузуб, бу воқеаи беҳжатасар муждасин даргоҳи олампаноҳ мулозимларига ирсол қилдилар. Тўпчибоши Отаниёзбойга ўзига мутааллиқ навкари ва тўплари била Исмоилхон сартиб бошлиқ қочор асирларин топшуруб, даргоҳи олий остонбўслиқиға йибордилар. Олар рамазон ойининг еттисида, шанба куни Хоразми жаннатбазм диёриға ворид бўлуб, атабабўслиғ шарафиға фойиз бўлдилар ва навозиши хисравонадин сарафрозлиғ топдилар. Фармони олий мужиби била Исмоилхон сартибни ҳибсда сақладилар...

Яна улким, мазкур бўлгон рамазоннинг ўн тўртида жумъа куни ҳазрати аъло хоқоннинг олийшон фармони муқтазоси била Марв диёридағи умаро ва саркардалардин Саййидназарбий ва Раҳматулло ясовулбоши ва Муҳаммадмурод маҳрам ва Юсуф дастурхончи ўзларига мутааллиқ лашкар била остони сипеҳрнишон тақбилиға истисъод топиб, навозишоти хисравона ва хилоъи мулукона инъомидин баҳраманд ва аржуманд бўлдилар.

Яна улким, Хўқанд вилоятининг волийси Худоёрхоннинг йиборгон элчиси Муҳаммадкарим баҳодир бошиғаким, юқорида онинг на муддао била келгани мазкур бўлмиш эрди, даргоҳи олампаноҳнинг мўътабар ва садоқатасар мулозимларидин сиёдатнишон, иззатмакон Қубодхонхожани онинг муддаоси жавобиға мушъир бир мактуб била элчи йўсулук масҳуб қилиб, шаввол ойининг гуррасида, душанба куни Хўқанд жонибиға ирсол этдилар.

Яна улким, шаввол ойининг тўққузиде сешанба куни Марв вилоятидоғи илғор ётгон умародин Мирмуҳаммадхон ва Худоёрбий ул вилоятнинг забту интизоми учун онда мутамаккин бўлуб, Шоҳмурод иноқ ва Давлатёр оталиқ ва Эрнийез маҳрам борча сориг ва така тавойифининг ақобиру маорифин ўзлари била ҳамроҳ келтуруб, остони давлатошиён хокбўслиқиға еткурдилар. Ҳазрати аъло хоқоний сориқ ва така кадхудоларига навозишлар кўргузуб, масрур ва хушҳол қилдилар ва умароға заррин зин ва тилло лижомлиғ отлар ва зардўзу қийматандуз сарупойлар инъоми била сарбаландлик ва аржумандлик еткурдилар.

Яна улким, ул ҳазрат Мирмуҳаммадхоннинг биродари Маҳдиқулибек сарҳанғни Марвга Мирмуҳаммадхоннинг олдиға йибормиш эрдилар токим ул вилоят забти учун таваққуф қилиб, ақоси атабаи сипеҳрмартаба мулозаматиға

келгай. Мирмухаммадхон ва Худоёрбий фармони олийшон етгач, остони давлатнишон хизмати учун азимат камарин боғлаб, Марвдин Хоразм жонибиға озим бўлдилар. Зулҳижжа ойининг ўнида якшанба куниким, ийди қурбон эрди, бисотбўслиқ давлатиға фойиз бўлуб, ул ҳазратнинг ҳузурри комилуссурурлари партавидин кўзларига нур ва кўнгилларига беҳжату сурур ҳосил қилдилар ва ул ҳазратнинг илтифоту иноётидин тилла гажимлик отлар ва гиронбаҳо хилъату камарлар ва ўзга навъ инъомоти подшоҳонадин мумтозлиғ ва сарафрозлиғ топтилар.

Яна улким, мазкур ойнинг тўққузида ийди қурбон кечасида Яхшимухаммад доруғаким, Бухоро элчиси Хабибулло хожаға элчилик тариқаси била ҳамроҳ бўлуб Бухороға бормиш эрди, андоғким юқорида мазкур бўлди, амир Насруллонинг иттиҳодмандлик изҳори учун қўшуб йиборган элчиси манқит Тўхтамиш тўқсоба била келиб, бисотбўслиқ шарафиға фойиз бўлуб, хисравона навозишларға ихтисос топтилар.

## **ҲАЗРАТИ АЪЛО ҲОҚОНИЙНИНГ ҲУМОЮН ЖУЛУСИНИНГ ТУҚҚИЗИНЧИ ЙИЛИНИНГ ВОҚЕОТИ**

Ул жумладин улким, ул ҳазрат борс йили муҳаррам ойининг еттисида жумъа куни сайру шикор иродаси била Хивақ доруссалтанасидин рукуб қилиб, Ҳазорасб қалъасининг тўшидин Жайҳундин убур эттилар ва дарёнинг ул тарафидаги бешаларда шикорандозлик амриға иштигол кўргуздилар. Ҳамул тариқа била манзил-баманзил ошоқ тарафға ҳаракат қилиб, Шайх Жалилатонинг тоғидоғи Қисноқ мавзевидин махсус мулозиму аркони давлат била ҳилолсурат ва барқсуръат заврақларға миниб, сув юзидин сойир бўлдилар. Жайҳундин Лавзон наҳриға кириб, яғоч маркабларни сув сатҳиға суруб, Кўҳна Урганчга вусуллари фойзидин тоза тароватлар еткурдилар ва ул ҳаволийдоғи фуқароу раоё ва ажзаву ажузаларнинг арзи аҳволин истифсор қилиб, доди адлға машғул бўлдилар ва золимларнинг зулму тааддиси илкин мазлумларнинг рўзгори этокидин кўтоҳ қилдилар. Ул диёрда даргоҳи давлатпаноҳ мулозимларидин Муҳаммадшарифбойға қаробош тўғ бериб, бир фавж лашкар била Дашти Қипчоқ жонибиға ирсол қилдилар, токим Товқаро тенгизининг атрофу жавонибидоғи қазақ тавойифидин закот олғай ва андин ўтуб Эрдор йўлидин ўтгон қорвоннинг закотин олиб, ул

атрофдоғи баъзи саркашу бебош жамоага гўшмоли азим еткургай.

Ул ҳазрат ул атрофдағи ўзларининг ҳиммати меъморидин маъмур бўлгон ҳавли ва боғларин сайру тамошо қилиб ва сайдандозлиғ умуридин баҳраманд ва беҳжатпайванд бўлгондин сўнг ул ҳаволидин мурожаат қилиб, эллик икки кун муддатида, сафар ойининг йигирма сегизидида якшанба куни салтанат сарирининг оромгоҳиға келиб, хилофат маснадида мутамаккин бўлдилар.

Яна улким, мазкур бўлгон муҳаррам ойининг йигирма еттисида ул ҳазрат умаройи эзому сархайли киромдин Мирмуҳаммадхон ва Худоёрбий ва Саййидназарбий ва Авазмурод мироб ва Абдулла юзбоши ва Муҳаммадназар юзбоши ва Бобобек ва Эрнафас юзбоши ва Муҳаммадпаноҳ юзбоши ва Саййидмуҳаммадхожа ва Паҳлавонниёзбой ва ғайриҳумни ўзларига мутааллиқ лашкарлари била Марвға йибордилар, токим така ва сориқ жамоасининг забту насақиға қиём кўргузгайлар.

Яна улким, ул ҳазрат рабиулаввал ойининг еттисида сешанба куни Бухоро волийси амир Насруллонинг йиборгон элчиси Тўхтамиш тўқсобаға мурожаат рухсатин бердилар ва даргоҳи олампаноҳнинг муътамадунналайҳ мулозимларидин сидқу ихлосорой Набибойни сафорат расми била онга қўшуб ирсол этдилар...

## **ҲАЗРАТИ АЪЛО ҲОҚОНИЙНИНГ ЕТТИНЧИ НАВБАТ МАРВ ДИЕРИҒА АЗИМАТ МАРКАБИН СУРГОНИ...**

Ҳазрати аъло ҳоқони мамоликситон Марв диёридағи сориқ ва така элотининг ер ва сув жиҳатидин бир-бири билан кашмакаши риштасиға инқитоъ еткурмак ва адолат қонуни била ул тавойиф муҳиммотиға интизом бермак ва ул ҳаволидағи баъзи саркашлик кўргузгон жамоани улуғ дастбурду гўшмол била итоат ва инқиёд ҳийтасиға киргузмакни хотири ашрафиға мужаззам ва замири алтафиға мусаммам қилиб, лашкар тартиби ва сафар асбобининг таҳиясидин сўнг санаи минг икки юз етмиш бирда борс йили, қуёш шоҳсуворининг сайри жади буржининг олтинчи даражасиға етмиш эрди, рабиуссоний ойининг еттисида чаҳоршанба куни ҳамул азимат рукубиға таъйин топти. Ҳамул кун ул ҳазрат фазлу фатонаторо Шукрулло ақони ўзларининг тарафидин ҳаж фарзи адоси учунким, ислом аҳлининг бўюнлариға лозим бўлгон беш фарзнинг бири-

дур, кўп туҳфа ва ҳадялар била байтуллоҳ зиёратига номзад қилиб, Рум элчилигига доғи таъйин этиб, ихлоснома била ҳамул мақсад азмининг рухсатин бердилар. Ҳамул кун олийшон саркардалардин Муҳаммадмурод маҳрамни човдар лашкари била Охал жонибиға йибордилар, токим ул ҳаволидаги така тавойифининг авзоу аҳволиға забту низом бериб, ул элнинг борча навқарин олиб, ҳазрати аъло хоқоний Марвға дохил бўлгондин сўнг остони фалакнишон мулозаматиға етгай. Ул ҳазрат ҳамул кун умаройи эзомдин Шоҳмурод иноқ ва Давлатёр оталиқ Раҳматулло ясовулбоши ва яна бир неча умарони жамеъи тарокима тавойифининг лашкари била Соғча йўлидин Марвға йибордилар. Ул ҳазратнинг ўзлари доғи ҳамул кун пешиндин сўнг борча ўзбак ва вилоят чериги била доруссалтанай Хивақдин рукуб қилиб, дабдабаи подшоҳона ва кавкабаи хисравона била азимат якронин мақсад тарафиға сурдилар ва дилкушо ҳавлиларининг ҳар бирида бир кеча ва икки кеча таваққуф қилиб, айшу ишрат базмининг хушгувор саҳбосидин сархуш ва саршор бўлуб Ҳазорасб қалъасининг интизори оғушиға вусуллари шоҳидининг духулидин зебу оройиш етқурдилар. Ондин давлат ва иқбол била наҳзат кўргузуб, Жайхун дарёсининг канори била ҳар кун оз-оз масофат қатъ этиб, дарё соҳилидоғи бешаларда ва қирларда тазарву товушқон, жайрону қулон шикориға иштиғол кўргуздилар, токим баъзи сўнгроқ чиқгон лашкария изидин келиб фароғат била мавкаби ҳумоюнға қўшулгойлар. Бу тариқа манзил-баманзил кўчуб, йигирма икки кун муддатида Қабоқли тўғойиға вусул соясин солиб, беш кун таваққуф кўргуздилар. Таваққуф айёмида фармони қазо жараён содир бўлдиким, мажмуъи лашкариянинг ҳар бири ҳамул йўлда фаросихи тузмак учун Дояхотун иморатидин беш хишт кўтаргайлар. Лашкария аснофи фармон мужиби била беш кун муддатида мазкур иморатдин муқаррар бўлгон хиштларни олиб келтуруб, йўл азмиға муҳайё ва омода бўлдилар. Ҳазрати аъло хоқоний чўл тадбирики учун лашкар аҳлиға сув олдуруб, жумодилаввал ойининг учида, душанба куни қум пушталарининг қатъиға озим бўлдилар. Амри олий мужиби била массохлар ва муҳосиблар фарсоҳ масофатин ўлчаб ва ҳисоб қилиб, икки фарсахнинг орасида аломат учун кўп ўтунлар жамъ этиб ўкуб, ҳар аломатнинг устиға мазкур бўлгон хиштлардин кўп хиштни тў-бўту териб, баланд минора кўтардилар ва бу тариқа била қатъи масофат қилиб, ўн кун муддатида

мазкур ойнинг ўн учиди чаҳоршанба куни издиҳоми тамом била Марв суйининг канорига етиб, нузул эттилар. Йўл асносида Бобониёз оталиғнинг ёшлиқи ва ҳавсаласи камлиги жиҳатидин туғин олиб, шамхолчи лашкарининг саркардаси Муҳаммадамин юзбошига бериб, қадр у иззати аламин сипеҳр ҳисори зурвасидин ўткардилар. Ондин кўчуб, дарё қироғи била азимат маркабин суруб, уч манзилда Қароёф мавзеида сориқ ва така элатининг орасига бориб, дарёнинг шимолия канорин асокири гардунмаосирга муаскар қилиб, боргоҳи гардуништибоҳ қуббасин меҳру моҳ зурвасидин ўткардилар. Така ва сориқ жамоаси ўз қудратларига лойиқ пешкаш ва тансуқот остони олий мулозимларининг назарига еткуруб, июноти подшоҳонадин фохир хилъатлар ва вофир инъомлар олиб, маҳзуз ва баҳраманд бўлдилар.

Бурунроқ ул ҳазратнинг азимати овозасин эшитиб, Ҳирот волийси Саййидмуҳаммадхоннинг элчиси хисравона пешкаш ва туҳфалар била келиб, ул диёрда мутаваққиф бўлмиш эрди, ҳамул кун аркони давлат воситаси била бисотбўслиғ давлатига фойиз бўлуб, ҳадя ва туҳфа ва ихлосномасин назари анвар мутолаасига еткуруб, илтифоти подшоҳонадин хушҳоллиғ топти. Ул ҳазрат ҳамул манзилда ўн кун мутамаккин бўлуб, ул вилоят халқининг аҳволига марҳамат партавин солиб, доду адлга иштиғол кўргуздилар. Ҳамул манзилда Ҳирот элчисига мурожаат рухсатин бериб, сидқосор мулозимлардин Юсуф дастурхончини сафорат расми била онга қўшуб, июнотинома била Ҳирот жонибиға ирсол эттилар. Ўн кундин сўнг ҳамул манзилдин кўчуб, дарёдин убур этиб, жанубий канорига нузул этиб, сипоҳи нусратпаноҳга маскан ва оромгоҳ қилдилар. Ул манзилда доғи ўн кун таваққуф қилиб, таваққуф айёмида ул мамлакат умурининг саранжоми ва раъият масолиҳининг аҳтимомиға сайъи машкур била машғул бўлдилар. Ул ҳазратнинг илтифоти баҳорининг саҳоби рашаҳотидин ул диёр улусининг орзу ва омоли маърааси сарсабзу шодоб бўлуб, муроду мақсад ҳусулидин баҳрамандлик ва комёблиғ топиб, дуойи давлатига ихлос била иштиғол кўргуздилар. Ҳамул манзилда Сарахс такасининг кадхудолари кўп туҳфа ва пешкаш била остонбўслиғ шарафига мушарраф бўлуб, итоат ва хизматкорлиғ русумин изҳор қилдилар. Фармони вожибиллизъон содир бўлдиким, ул жамоа борча ёлу аҳшоми била Сарахсдин кўчуб келиб Марв диёрида мутамаккин ва мутаваққиф бўлғайлар. Олар

ул боьда номасмуь узрларга тил очиб, номаъкул баҳона-ларга илик уруб, ул амрдин иьо ва имтиноь кўргуздилар. Ул ҳазрат оларнинг узрларин қабул қилмай ва келтургон пешкашларин доғи олмай, хоҳ-нохоҳ кўчуб келсунлар, деб итоб била қайтардилар. Сидқосор хизматкорлардин Холназар баҳодир ва Бекмурод такани оларга ҳамроҳ қилиб, йибордилар, то олар била Сарахсга бориб, така халқининг на хаёлда эрконин билиб ва кўчуб келурин ва келмасин маълум қилиб келгайлар. Олар фармони мужиби била бориб, Сарахс улусин мажмуъи ҳукми олий имтисолидин қабул бўйини тўлаб, фасоду инод камарин саъй ва ижтиҳод белига мустаҳкам боғлагонларин авзоъу аҳвол, афъолу ақволидин бир алония мушоҳада қилдилар ва қайтиб келиб ҳар на кўрган ва билганларин бетағйиру табдил ул ҳазратнинг ҳумоюн самъига еткурдилар.

Ҳамул мавзеъда таваққуф асносида Қандаҳор ҳокими Дўстмуҳаммадхоннинг элчиси келиб, онинг ихлосномасин ирсол қилгон бир кўҳдайъат ва гардунсалобат фил ва ўзга пешкашу тухфалар била даргоҳи жаҳонпаноҳ бандаларининг арзига еткуруб, инояти подшоҳонадин масрур ва маъруз бўлди.

### **ҲАЗРАТИ АЪЛО ҲОҚОНИЙНИНГ ИРОДАИ СУБҲОНИЙ БИЛА САРАХС ЖОНИБИГА НАҲЗАТ ҚИЛГОНИ ВА ТАҚДИРИ ЯЗДОНИЙ БИЛА ШАҲОДАТ ДАРАЖАСИГА ФОЙИЗ БУЛГОНИ**

Бу ҳайратафзо воқеанинг нигорандаси ва бу иьратнамо қиссанинг гузорандаси, аъни қалами мушкинрақам бу саҳифа майдониға бу навъ қадам кўярким, чун ҳазрати аъло ҳоқонийнинг Сарахсга йиборгон кишилари Холназар баҳодир ва Бекмурод така қайтиб келиб, ул тоифанинг фасоду исён, тамарруду ҳазёнларин тақрир қилиб, амри олий қабулидин иьо ва истибъод кўргузгонларин маъруз эттилар. Ул жамоанинг иноду нофармонлиқи сарсаридин ул ҳазратнинг қаҳру ғазаби ўти илтиҳоб топиб, ул муфсидларнинг истесоли азмин жазм қилиб, лашкарияға муноди қилдурдиларким Сарахс сафарининг асбобу олотин муҳайё ва омода қилғойлар ва аксари умаро ул ҳазратни ул юруш таркига далолат ва тарғиб қилиб, тавалло кўргуздилар. Аммо ҳамияти подшоҳона ул ҳазратни қўймадиким, ул бесабот тойифанинг ондоқ инод ва густохлиқиға таҳаммул қилғой. Бу жиҳатдин умаронинг тавалло ва илтижоси маъ-

бул бўлмай, давлат арконидин Маҳмудниёз ясовулбошини ўзига мутааллиқ лашкари била Қароёфда таваққуф қилурга таъйин эттилар. Ул манзилда ул ҳазрат ўн кун мутамаккин бўлгондин сўнг, жумодуссоний ойининг олтисида чаҳоршанба кун и ўрдуи ҳумоюн била кўчуб Сарахс жонибиға озим бўлдилар. Ва қатъи манозил қилиб, бешинчи куниким, якшанба эрди, Сарахс юртиға ворид бўлуб, қалъанинг шарқий жонибида Тажан дарёсининг шарқий канориға нузул қилиб, боргоҳи сипеҳриштибоҳ манжуқин зурваи Айюқдин ошурдилар. Лашкаргоҳ атрофиға хандақ қазиб эҳтиёт маросимин зуҳурға еткурдилар. Сарахс қалъа си бағоят матину мустаҳкам эрди. Така муфсидлари қалъа истехкомиға орқа бериб дарвазани боғлаб, мутаҳассин бўлуб, муҳораба амриға бел боғладилар. Сўнгги кунким, якшанба эрди, ул ҳазрат қалъаға дахл қилмай, сангарда таваққуф кўргуздилар ва сешанба кун и ул ҳазратнинг ўзи барча лашкария ва тўпхона била қалъа устиға бориб, оташин гулулаларнинг шиҳобосо нузулидин ҳисор аҳлининг жамъиятлари хирманиға бало барқин ёғдуруб, кўпракининг қийналиғ кўкракин ранжу инод ўтиға куйдурдилар. Кечрак қалъа устидин мурожаат қилиб, ҳумоюн муаскарга нузул эттилар. Ҳамул кун шижоатшиор саркардалардин Давлатёр оталиғ ва Эрниёз маҳрамнинг минг отлиғға бош бўлуб, фармон мужиби била тоғ ичидаги қизилбош чаповулиға озим бўлдилар. Чаҳоршанба кун и муаскарда таваққуф воқеъ бўлди. Панжшанба кун и ҳазрати аъло хоқонийнинг ўзи қалъа муҳосараси учун рукуб қилиб, издиҳоми тамом била орқа, кунчиқор тарафидин бориб, сурон солиб, тўбандозлик ва оташбозлиқ умуриға иштиғол кўргуздилар. Мирмуҳаммад бошлиғ бир неча саркарда ва сипаҳдорни лашкари жаррордин гуруҳи анбуҳ ва икки тўб била қалъанинг кунботар жонибиға буюрдилар. Маъмурлар фармони қазожараён мужиби била ўз булжориға бориб, сурон солиб, тўп отмоғға машғул бўлдилар. Чун қалъа аҳли икки тарафдин ўзларин ўтлуғ гулулаларнинг мутаवотир ва мутаоқиб нузулининг жонсўзлиқ ва вайронкорлиқидин бало барқига муҳриқ ва меҳнат ўтиға сўзон топтилар. Ўзларининг мўътабар ва мўътақид эшонларидин Саййидахмад эшонни андак фароғат топиб, ўз аҳволарига низом бермак учун ҳийла юзидин ҳазрати аъло хоқонийнинг олдиға йибордилар. Ул дагоҳи олампаноҳ хокбўслиқиға етиб, изтирор ва зорлиғ била арз қилдиким, ҳазрат агар бу сипоҳи маҳшарасарни бу меҳнатзадаларнинг устидин қайтариб,



муҳосара таркин тутуб, муаскари зафарпарварга муовадат қилсалар, ҳисор аҳди итоат ва инқиёд тариқаси била чиқиб остонбўслиқга бориб, бандалик туфроқиға йиқилғойлар. Ул ҳазрат ул тоифанинг ваъдаси бесаботлигин ва фириб юзидин эрконин билиб, эшоннинг илтимосин рад қилиб муҳосарани тарк тутмай, баҳодирлар сурон солиб, тўпандозлиғ умуриға қиём кўргуздилар. Эшон бенайли мақсуд қалъаға қайтти. Эшон боргондин сўнг қалъа улуси мусолаҳадин маъюс бўлуб, борча улуғу кичик ва аёлу атфол ўлумларин бўюнлариға олиб, иттифоқ била қалъадин чиқиб, издиҳоми тамом ва ижтиҳоди молокалом била пиёда ва сувора Мирмуҳаммадхоннинг лашкари сафиға сурдилар ва ўлганиға боқмай ўзларин бемуҳобо тўбларнинг устиға еткурдилар. Бу тараф сипоҳи доғи ҳамла қилиб, қоттиғ уруш воқеъ бўлуб, ул майдонда кон сели ҳар тарафга равон ва ўлук баданлар ўкулгон ҳайъатидин улуғ тоғлар намоён бўлди. Назм:

Ики соридин тортилиб тийғи кийн,  
 Бирн бирининг қатлин айлаб камин.  
 Қиличлар дами ул сифат тўкти қон,  
 Ки бир лаҳзада бўлди дарё равон.

Бирор лаҳза қитол ва жидол ўти иштиёол топиб, икки тарафдин кўп кишининг ҳаёти хирманин куйдургондин сўнг бу тараф сипоҳи уруш амрида мусоҳала ва сустлиқ кўргузуб, шикаст бу жонибға воқеъ бўлди. Муфсидлар галабаи тамом била тўбларни ҳийтаи тасарруфиға киргуздилар. Ул урушда икки тарафдин кўп киши мақтул ва мажруҳ бўлди. Бу тарафдин тўпчи Салмонбек ва Муҳаммадназар юзбоши ва сарбоз жамоасидин кўп киши қатлға еттилар. Саркардалардин Мирмуҳаммадхон захмдор бўлди. Лашкария ҳазимат топиб, кечроқ сангарга келди. Ҳазрат аъло хоқоний доғи кечгача сипоҳи нусратпаноҳға сурон солдуруб, тўпандозлиғ қилдуруб, ўрдуйи ҳумоюнға муражаат қилдилар.

Сўнгги кунким, жумъа эрди, ул ҳазрат ўрдуйи аълода таваққуф кўргуздилар. Ҳамул кун мазкур бўлгон эшон қалъадин чиқиб келиб, муфсидларнинг тарафидин илтимос қилдиларким, бизларга фурсат бериб, устимиздин кўчуб Қароёфға қайтсангиз, тушгон асирларни ва тўбларни чиқориб берурмиз. Ул ҳазрат онинг жавобида дедиким, закотларин ва оқ уйлукларин дағи чиқориб берсунлар. Ондин сўнг қайтармиз. Эшон ул ишни уҳдасиға кўтаролмай ва

ул сўзни қабул қилмай қалъага қайтти. Ҳамул кун кеч така ақобирининг саромади Ковшутхон яна даргоҳи олам-паноҳга киши йибориб илтимос қилдиким, вазири осаф-сийяр Муҳаммад Яъқуб меҳтар қалъага ёвуқ келсун, то-ким ман доғи қалъадин чиқиб бир-биримизга рўбарў бў-луб, ҳарнаким вақт маслаҳати ва кўнгул муддаосидур, ростлиғ била биров-бировга ойтишиб, сўзни бир ерга қа-рор берали. Ул ҳазрат онинг мултамасин мабзул тутуб, тонгласи шанба сабоҳи Муҳаммад Яъқуб меҳтарни йибор-дилар. Меҳтар фармон мужиби била қалъа ёвуқиға бир кол канориға борди. Қалъадин Ковшутхон доғи чиқиб, колнинг ул тарафиға келди ва дедиким, биз жамоа қадим-дан ҳазрати аъло хоқонийнинг навқаридурмиз. Ҳеч вақт ул ҳазратнинг ройидин тахаллуф кўргузмасмиз. Аммо ҳоло қизил бош қўлида оқ уйлукмиз ва онинг тасаллутидин хавфимиз бордур. Энди ул ҳазрат бу маҳсур ва маҳбус бўлгон тоифага тараҳҳум кўргузуб, қалъа муҳосарасин тарк этиб, мурожаат қилсалар тушгон тўбларни ва закотимизни муддаоларича берурмиз. Меҳтар ақо деди: «Оқ уйлук бер-санг ва бозор берсанг илтимосингни қабул қилурмиз». Ил-ло фало Ковшутхон оқ уйлук ва бозор бермакни қабул қилмай, баъзи ҳазён ва бемаъни сўзларни айтиб қайтиб қалъага кирди. Меҳтар ақо ўрдуга келиб, эшитгон сўзлар-ни ул ҳазратнинг муборак ҳузурида тақрир берди.

Ҳамул кун қалъа муҳосарасиға чиқмай, ўрдуйи ҳумоюн-да таваққуф кўргуздилар. Яқшанба кунни умародин Давлат-ёр оталиқ ва Эрннёз маҳрамким, минг отлиғ била қизил-бош чаповулиға кетмиш эрдилар, тоғ ичига кириб Оқдар-банд ва Муздурон ва Қизилқиё жулқолариға чаповул уруб, ўттуз асир тушуруб ва эллик сурук қўй суруб, муасқари ҳумоюнға келтурдилар. Лашқари ферузийасар қалъа муҳо-сарасиға машгул бўлиб, муфсидлар аҳволиға танглик ет-курур эрдилар. Ун тўрт кундин сўнг шанба кунни ҳамул сангардин юрт тозаламоқ учун ўрдуйи аълони кўчуруб қалъанинг кунчиқор орқасиға тушуриб ҳазм ва эҳтиёт риоясин маръи тутуб, ҳумоюн муасқарнинг атрофиға хан-дақ қазиб, истехком бердилар ва эҳтимоми тамом била муҳосара амриға иқдом кўргуздилар. Ҳамул муасқарда сегиз кунни муддати таваққуф воқеъ бўлгондин сўнг жумо-дуссоний ойининг йигирма сегизида шанба кунни Маймана ҳокими Ҳукуматхоннинг ўғли муносиб пешкаш ва туҳфа-лар билан келиб, бисотбўслиғ давлатиға мушарраф бўлуб, мароҳими хисравонадин комёблиғ топти.

Ҳамул кун Юсуф дастурхончиким, Ҳирот элчилигига кетмиш эрди, ондоқким собиқан мазкур бўлди, Ҳирот ҳоқими Саййидмуҳаммадхоннинг элчиси била ва Абдуллахон бекларбеги ўз навқаридин уч юз отлиғ била остонбўслиғ шарафига етиб, лойиқ пешкашлар ва фойиқ ҳадялар ва туҳфалар ўтқориб, инояти подшоҳона ва илтифоти мулуқонадин хурсанд ва баҳраманд бўлдилар. Яқшанба кун Муҳаммадкарим қўшбеги қаровул йўсуналуқ бир фавж лашкар била қалъа ёвуқиға бормиш эрди, қалъадин кўб отлиғ чиқиб, оларға муқобил бўлуб, икки тараф муборизлари бир-бирига ҳамла қилиб уруш солдилар. Бу хабар ҳазрати аъло хоқонийнинг ҳумоюн самъига етиб, ўз нафси нафиси била руқуб қилиб, издиҳоми тамом била қалъа устига бордилар. Икки жонибдин баҳодирлар сурон солиб, қаттиқ уруш воқеъ бўлди. Ул урушда лашкари зафар асардин бешолти нафар қатлға етти. Муфсидлар гуруҳидин ҳисобсиз киши баҳодирларнинг интиқоми ҳусомидин мақтул бўлуб, адам уқубатгоҳин мақом қилдилар. Ҳазрати аъло хоқоний ҳисор аҳлининг бошиға тўбу шамхол ўқларидин балову ано барқин ёғдуруб, намозшомга қарийб мурожаат инонин лашкаргоҳ жонибиға маъруф этиб, боргоҳи олампаҳоҳда оромгузин бўлдилар. Сўнгги кунким, ражаб ойининг гурраси ва душанба кун эрди, ул ҳазратнинг ўзи яна қалъа муҳосараси учун руқуб қилиб, издиҳоми тамом била озим бўлдилар ва қалъанинғ ёвуқиға бориб, кунчиқор жонибида саф тузуб, муборизлар сурон солиб тўбандозлиғ русуми била муфсидларға дилсўзлиқ ва жонгудозлиғ етқурдилар. Шижоатпарвар баҳодирларнинг ҳамолоти садамасидин ёвуқ эрдиким, қалъа мусаххар бўлғой, аммо лашкария тавоёйифи мусоҳала ва сустлиқ кўргуздилар. Ҳамул кун сипоҳ доғи бағоят оз эрди. Нединким ул ҳазрат лашкаргоҳдин кечроқ отланмиш эрдилар. Лашкарнинг кўпраки ҳожат зарури учун атрофу жавонибга мутафарриқ бўлмиш эрдилар. Қалъа аҳлиға қизилбошдин кўп отлиғ келиб, мадад учун муфсидларға қўшулмиш эрди. Қалъанинғ ичидаги барча улуғу кичик, эру хотун иттифоқ била ўлумга кўнгул қўюб, пиёда ва сувора қалъадин чиқиб, ҳайъати ижтимоъ била фидойивор ҳамлалар қилиб, ўзларин лашкари нусратасар сафиға етқурдилар. Тангри таоло тақдири била лашкарнинг буронғори шикаст топиб, ҳазимат тариқасига юз урдилар. Ул ҳол мушоҳадасидин сафнинг қалбгоҳи доғи бузулиб, барча лашкария уруш майдонидин рўйгардон ва мутафарриқ ва паришон бўлдилар. Фармон мужиби била

умаро ва саркардалар лашкарни янгиндин қайтарурға ҳар неча ким жаҳду кўшиш кўргуздилар, аммо фойда қилмади. Ҳазрати аъло хоқоний бир тўпанинг устида тоғдек ором тутмиш эрди. Аксар шаҳзодалар ва амирлар ва давлат аркони қочгон черикни қойтарурға маъмур бўлмиш эрдилар. Ул ҳазратнинг хизматида киши бағоят оз эрди. Ул ҳолда муфсидлар фурсат топиб, ҳужуми тамом ва ғавғойи ом била ул ҳазратнинг қасдиға юз қўйдилар. Ул ҳазрат камоли мардлик ва мардоналикдин ул мавзеъдин фирор кўргузмакни ўзига нангу ор билиб, бир неча жонбоз мулозимлар била тўфангандозлиғға машғул бўлуб, жаҳди тамом била муҳораба ва мудофаа кўргузуб, ўқ захми била мухолифларидин кўп кишини ҳалок қилиб, фасод аҳлининг шаррин ўзидин дафъ этар эрди. Ногоҳ тақдири илоҳий била қазо шастидин бир ўқ ул ҳазратнинг муборак баданиға-ким, насим эҳтизози ва гул масосидин ранжу озор этар эрди, коргар тегиб оддин йиқилди. Ул чоғда муфсидлар издиҳоми тамом била ул ҳазратнинг устиға тўкулуб, тиг тортиб, қилдилар ҳарнаким қилдилар...

Ул воқеаи ҳойилада олийшон шаҳзодалардин Мусо тўра ибни амири равшанзамир Раҳмонқули иноқ ва умаройи эзомдин саййидус-содот Авазхожа шайхулислом ва уламоий киромдин Раҳмонберди қози ва саркардалардин Эрнийез маҳрам ва махуслардин Абдулла маҳрам ва Ҳирот элчиси қатлға еттилар. Олиймакон беклардин Муҳаммадниёзбек валади рашид Муҳаммадназариноқ ва ихлоснишон уламодин домулла Холназарраис ва гардунтавон саркардалардин Давлатёр оталиқ ва шижоатиқтирон хизматкорлардин Муҳаммад маҳрам ва Хизр эшик оқоси захмдор бўлдилар.

Бу воқеа пешиндин сўнгроқ воқеъ бўлди. Хони жаннатмаконнинг шаҳодат топғонидин сўнг борча сипоҳ қойтиб, сангарга келиб жамъ бўлдилар. Ҳамул лаҳзада аркони давлат ва аъни ҳазрат ва шаҳзодаларнинг иттифоқи била олиҳазрат... хони олимакон... Саййид Абдулла Муҳаммад Баҳодирхон, халафи рашиди амири кабир Қутлуқмурод иноқ... салтанат тожин давлатлиғ бошиға урди... Ҳамул кеча ул муаскарда оромгузин бўлуб, тонгласи сешанба сабоҳи ўрдуйи ҳумоюн била кўчуб, лашкар аснофиға истимолат била қавидиллик еткуруб, мурожаат йўлиға давлат била юз уруб, Қароёфға бориб, Ёриҳожиди қудуқи устидин Хоразм жонибиға азимат маркабин сурди. Ул воқеаи ҳайратангиз ва ҳодисаи кулфатомуз вуқуъидин беш-олти кун сўнг Охал такасидин бир жамоақим, хизматкорлиғ

ва ҳавоҳоқлиғ жодасин маслук тутар эрдилар, пешбинлик юзидин ихлосмандлик аён қилиб, изҳори хизмат қилмоқ учун подшоҳи саъид шаҳиднинг ва шаҳзодан мағфури марҳум Мусо тўранинғ ҳумоюн жасадларин қатлгоҳларида музаллат туфроғидин олиб, иззат маҳфасиға солдилар. Абдулла маҳрам ва Эрнийез маҳрамнинг доғи ўлукларин теваларга юклаб, суръати тамом била Сарахсдин Хоразм жонибиға таважжуҳ кўргуздилар. Марв суйидин ёзи қудуқи устидин азимат оҳангин туздилар. Ражаб ойининг йигирмасида, сешанба кечаси Хивақ музофотиға дохил бўлдилар. Баъзи аркони давлат юз гаму малолат била истиқболға чиқиб подшоҳона эъвозу икром била ҳамул кеча Гандумкон ҳавлиғаким, ирс тариқаси била Мусо тўраға махсус эрди, келтурдилар. Тонгласи сешанба сабоҳи Хивақ шаҳрининг борча уламову кубаро ва машойиҳу маориф ва аърофу ашрафи ва жамеъ шаҳзодаву бекзода ва улугу кичик Гандумкон ҳавлиға жамъ бўлуб, подшоҳона таъзият маросими тақдимидин сўнғ шоҳ ва шаҳзоданинғ мағрифатмаоб ва раҳмат интисоб наъшларин сидқу ихлос эғниға таъзими тамом ва такрими молокалом била кўтариб, афғону зорлиғ нолаву беқарорлиғни афлок қуббасидан ўтқариб, файзу футуҳнишон қабргоҳлари жонибиға равон бўлдилар...

Бу англиғ издиҳому беқарорлиғ ва гавғову сўгворлиғ била Хивақ шаҳрининг орқа жонибида зубдатулавлиё, қудватулатқие ҳазрати саййиди Аълоаддин хўжа алайҳираҳманинғ жавори файзосорида Иморат мавзеъидаким, абсанған жада хони, мағфиратпаноҳнинг марқаду қабргоҳидур, элтиб дафн қилдилар. Жамеъи халойиқ энгинлариға мотам палосин солиб, афғону зорлиғ, нолаву беқарорлиғ била таъзият маросимиға қиём кўргуздилар. Ул ҳазратнинг муддати умри ўттуз етти йил ва айёмн салтанати тўққуз йилу қирқ етти кун эрди. Абдулла тўра отлиғ бир саодатманд шаҳзода ул ҳазратдин ёдгор қолди...

**ҲАЗРАТИ ХИДЕВИ КОМКОРИ АДОЛАТШИОР САЪИД  
АБДУЛЛА БАҲОДИРХОННИНГ ҚАДАМИ МАЙМУНИ ВА  
ФАРҚИ ҲУМОЮНИ ШАРОФАТИДИН САЛТАНАТ  
ТАХТИНИНГ РИФЪАТУ САРБАЛАНДЛИК ВА ХИЛОФАТ  
ТОЖИНИНГ ИЗЗАТУ АРЖУМАНДЛИК ТОПҒОНИ**

Сухансозлик мизморининг чобукқадам шаҳсувори ва қиссапардозлик бойдосининг жалодаттавъам хушрафтори,

аъни қалами анбарин рақам сўз маснадиға жулус қилиб, варақ саририға мундоқ қўёрким: чун Сарахс қалъасининг муҳосараси ҳангомида... шаҳид саъид Муҳаммадамин Баҳодирхонинг воқеъаи ҳойила ва ҳодисаи нозиласи вуқуъ топди. Барча шаҳзодалар ва умаро ва лашкария мунҳазам бўлуб, ниҳоятсиз паришонхоллиқ ва ғоятсиз тангдиллик ва саросималик била қайтиб сангарга келдилар. Така муфсидлари ул ҳол мушоҳадасидин қавидил ва далир бўлуб, издиҳоми тамом била лашкарнинг ақабидин сангарга ёвуқ келиб, муҳораба дағдағаси била саф туздилар. Ложарам, борча шаҳзодаву бекзода ва умарову кубаро сангар дарвозасининг оғзида лашкар суфуфин ораста қилиб, тўбандозлиғ била аъдо мудрофаасиға иштиғол кўргуздилар. Ул ҳол асносида вазири сойибтадбир Муҳаммад Яъқуб меҳтар ва амири равшанзамир Мирмуҳаммадхон ва яна баъзи аркони давлат иқболу саодат мулҳимининг ишорати, фатҳу нусрат қойидининг далолати била ҳазрати хидеви комкор... султони олийшон... Саййид Абдулла Муҳаммад Баҳодирхон... ни масоф маъракасидин чиқориб, сангар ичига киргузуб, боргоҳи жаҳонпаноҳға тушурдилар. Содоти ёзомдин Саййид Исмоилхожа нақиб, умаройи киромдин Мирмуҳаммадхон ва Муҳаммад Яъқуб меҳтар бошлиқ баъзи аркони давлат иттифоқ била салтанат тожин ул ҳазратнинг саодатлиғ бошиға қўймоқ била сарбаланд ва хилофат тахтин шарофатлиғ аёқиға еткурмак била аржуманд қилмоқни тилаб илтижо ва тавалло кўргуздилар. Аммо ул ҳазратнинг олий ҳиммати бу фоний оламнинг жоҳу давлати ва ҳукумату салтанатиға илтифот қилмас эрди. Онинг идбору иқболин эътибор назариға илмас эрди... Охируламр ул ҳазрат зарурат юзидин вақт муқтазоси била аркони давлат илтимосин қабул қилиб, ўттиз сегиз ёшида салтанат кулоҳин ҳумоюн бошиға кийиб, хилофат саририға муборак аёқин еткурди... Бу воқеа борс йилининг авохирида, наврўздин икки кун бурун сана минг икки юз етмиш бирда, ражаб ойининг ғуррасида душанба кун воқеъ бўлди... Ул ҳазрат ҳамул соат лашкар аснофи ва сипоҳ анвоннинг ҳаросон ва паришон кўнгилларининг қуввату итминони учун боргоҳи давлатпаноҳдин иқбол самандиға рукуб қилиб, қуёш ёнглиғ ҳузури нуридин сангар аҳлининг тийра кўзлариға равшанлиғ ва вайрон кўнгилларига гулшанлиғ еткурди. Фатҳу нусрат ҳаминонлиғи била наҳзат кўргузуб, сангар дарвозасидаги лашкар сафигаким, барча шаҳзодаву бекзодалар ва умарову саркардалар тўб отиб, муҳолиф-

ларнинг мудофаа ва муҳорабасиға машғул эрдилар, аркони давлат била бориб, тоғдек тамкин била ором тутди. Ҳумоюн талъати нуридин ҳамул мавзеъдағи жамоанинг умидлари кўзин ёритди. Жамеъи шаҳзодалар ва амирлар ва сипаҳдорлар, балки аснофи лашкария сидқи дил била таҳниятгўйлик ва муборакбодлиқ маросимин тақдимға еткурдилар. Ва қуввати тамом ва истизҳори молокалом била аъдо муҳорабасиға иқдом кўргуздилар. Бу ҳол мушоҳадасидин ва ул ҳазратнинг муборак қадами юмнидин муфсидларнинг кўнгуллариға руъбу ҳарос муставли бўлуб, ҳазимат топиб, қалъасиға кириб, мутаҳассин бўлдилар. Ул ҳазрат давлату нусрат била мурожаат қилиб, ҳумоюн нузули файзидин боргоҳи давлатпарварни хулди барин қасридек тароватасар ва саодатгустар қилди. Муаскари зафарпарварнинг атрофу жавонибиға қаровул ва ҳировул ва талоядорларни буюриб, ҳамул кеча эҳтимоми тамом била посдорлиқ вазойифин зуҳурга еткуруб, салтанат маснадида оромгузин бўлди.

### **ПОДШОҲИ МАҒРИФАТНИШОН ШАҲИДИ САЪИД САИИД ҚУТЛУҚ МУРОД БАҲОДИРХОННИНГ ХОНЛИҒ ТАХТИҒА ДАВЛАТЛИҒ АЕКҲИН ЕТКУРГОНИ...**

Хомаи афсонасоз варақ маснадиға жулус қилиб, бунавъ ҳикояттирозлиғ қилурким, чун Яккадинг мавзеъида Абдуллахон марҳумий тарокима муфсидларидин шикаст топиб, воқеаи ҳойила юз кўргузди, ҳар ким ҳар тарафға ўз бошин қутқормоқ учун фирор оҳангин туздилар. Қутлуқмуродхони жаннатмакон доғи бовужуди оғир захми бор эди, бир неча мулозимининг ҳамроҳлиғи била қочиб, ул маҳлакадин омон чиқиб, қоронғу кечанинг ичида йўлга тушуб, захм озори жиҳатидин оҳиста-оҳиста қатъи масофат қилиб, бир кеча ва бир кундуз муддатида душанба кечаси, хуфтан чоғи давлат ва иқбол била шаҳарга келиб, жамоли қуёшининг партавидин ҳамул тийра тунни ийд субҳидек равшан ва висоли баҳорининг файзидин фироқ хори била афғор бўлғон кўнгулларни гулшан қилди... Тонгласи душанба куниким, қуёшининг зарринкулоҳ шаҳриёри фалакнинг ферузагун маснадида шавкати тамом била қарор тутти ва ёруғ талъати партавидин жаҳоннинг тийра айвонин ёрутти, вазири неку сийяр Муҳаммад Яъқуб меҳтар бошлиғ аркони давлат ва аъени ҳазрат ва жамеъи Хивак шаҳрининг уламову кубаро ва сулаҳову умаро ва ашрофу

аъроф ва шаҳзодау озодалари замон муқтазоси била замон халқининг маслаҳати учун иттифоқ қилиб, Қутлуқмуродхони жаннатмаконни ўзининг уйидин дорилхилофага ундоб келтуруб, хонлиғ тахтига миндурдилар. Ва салтанат тожининг рифъати бошин онинг давлатлиғ фарқиға қўймоқ била сипеҳри барин авжидин ошурдилар... Бу воқеаи нишот афзо санаи ҳижрия минг икки юз етмиш бирда, зулҳижжа ойининг йигирмасида, товушқон йили аҳсани авқот ва асъади соатда воқеъ бўлди. Ул ошонда хони жаннатмакон ўн етти ёшида эрди...

### **БАЪЗИ ВОҚЕОТ ЗИКРИКИМ, ЖАННАТМАКОН ҚУТЛУҚМУРОДХОН САЛТАНАТ САРИРИҒА ЖУЛУС ҚИЛГОНДИН СЎНГ ЗУҲУРҒА ЕТТИ**

Ул жумладин улким, ул ҳазрат аркони давлат маслаҳати била муборак жулусининг бешинчи кунидаким, зулҳижжа ойининг йигирма еттиси ва жумъа куни эрди, фуқаро ва раоё осудалиғи учун ...Ибодулла эшонни элчи қилиб тарокима муфсидлариға истимолатнома йиборди. Тоқим икки тарафдин мувофақат йўли очилиб, мухолафат тариқи масдуд бўлғой ва мамолики Хоразм улуси ташвишу паршонҳоллиғ дағдағасидин қутулғой. Сўнги кунким, мазкур ойининг йигирма сегизи, душанба куни эрди, ул ҳазрат инояти хисравонаға махсус тутуб, амири кабири жаннатсарир шаҳзода Раҳмонбердибийнинг халафи рашиди Элтузарбекка иноқлик ва Оллоберди тўранинг фарзанди аржуманди Раҳимбердибекка бийлик мансаби олийларин арзоний тутуб, қобилиятлари қоматин подшоҳона хилъатлар била музайян қилиб, шодкомлиғлар еткурди.

Яна улким, чун санаи минг икки юз етмиш иккига тахвил топти, муҳаррам ойининг иккисида, панжшанба куни Ибодулла эшон ямўт орасидин келиб, Абдуллахони марҳумийнинг ҳодисасида гирифтор бўлгон асирлардин бериб йиборгон қирқ-эллик нафар асиони бир неча узромуз сўзлари била арзға еткурди. Хони жаннатмакон тонгласи, мазкур ойининг учида, жумъа куни яна Ибодулла эшонни Яқуббек ибни Фозилбек била ямўтга элчи қилиб, ямўтнинг бир неча нафас асирин бериб, мулоиматасар сўзлар билан ирсол қилди. Аммо ямўт муфсидлари жибилий шақоват ва зотий шарорат муқтазоси била мазкур бўлгон элчиларға ниҳоятсиз ҳақоратлар еткуруб, номаъқул ва хушунатомиз сўзлар айтиб, кўп изо



ва озор бериб қайтардилар. Ондин сўнг аксари ямут Хонобод қалъаси атрофин маскан қилиб, неча муддатлар ул қалъани қатиг муҳосара қилдилар. Борча тарокима муфсидлари гуруҳ-гуруҳ бўлуб, ҳар гуруҳ мамолики маҳрусанинг бир тарафидин чаповул уруб, фуқаро ва раёнининг аёлу атфол ва ашёу амволига таарруз ва татовул қўлин узотиб, кўп дастбурд еткурдилар. Ул жумладин ул ошонда Хивақ музофотидин баъзи кентларга неча мартаба чаповул маркабин суруб, халойиқнинг уй ва элларига ғорату торож селобин еткурдилар. Мусулмонларнинг қонин тўкуб, кўп аёлу атфолин асир қилиб, беҳисоб амволу мавоши ва асбобу ҳавошисин тасарруфлари илкига киргузуб, ўзларининг йиғноқиға сурдилар...

Яна улким, хони жаннатмакон ул тоифан залолатнишоннинг тааррузи қўлин фуқаро амволидин кўтоҳ қилмоқ учун мазкур ой, яъни муҳаррам ойининг тўртида шанба куни умаройи эзом ва кубаройи соҳиббэхтишомдин Боғибек бекларбегини бир жамоа шужаёйи номдор ва сипоҳи нусратшиор била ямут мудофаасига буюрди. Ул фармон мужиби била Қиличчиёзбой қалъасига бориб, қалъанинг атрофин муаскар қилиб, тарокима муфсидларининг чаповулчи оломанига садди роҳ бўлди. Мазкур ойнинг ўнида жумъа куни ҳукми олий муқтазоси била Раҳимберди бий ва Ҳакимниёз оталиқ ва Хоса қушбеги ва Худойбергонбий лашкариядин бир гуруҳи анбуҳнинг ҳамроҳлиги била Тошҳавзга бориб, таваққуф кўргузуб, ямут тоғийларининг мудофаасига машғул бўлдилар.

Яна улким, ул ошонда Хивақ шаҳрининг ақобиру лашкариясидин бир жамоа отлиғ қаровул йўсунлуқ чиқиб, Ғозиобод қалъасидин илгари ўтган чоғда ямут чаповулчисидин бир улуғ гуруҳга учраб, муҳораба қилиб, озлиқ жиҳатидин босилдилар. Хожамуродбий ва Хожаниёз доруға бошлиғ бир неча киши шаҳодат даражасига етиб, ўзгаси Ғозиобод ҳисорига келдилар.

Яна улким, ул ҳолга муқорин Охал такасидин кўп отлиғ ва Восда ўлтурумли така орасига келдилар ва Восдин хони жаннатмаконнинг остони олийси мулозаматиға етиб бир муътабар саркарда талаб қилдилар, токим ямут тоғийлари била муҳораба ва муқотала қилиб, хизматкорлиқ ва жонсипорлиқда ихлосу эътиқодларин изҳор этгайлар. Хони мағфиратнишон инояти хисравонадин оларға баҳрамандлиғ еткуруб, сафар ойининг иккисиди шанба куни умаройи соҳиббэхтишомдин ягонаи аҳли офоқ Шоҳму-

род иноқни оларга қўшуб, хазинаи омирадан нуқуди вофира онга бериб, Восға йиборди, токим хизмат қилиб, иш кўргузгон баҳодирларга инъом қилиб, шодкомлиғ еткургай.

Маълум бўлсунким, хони мағфурий бурунроқ ямут халқининг даргоҳи олампаҳо хизматидин бўйин тўлғоб, иноду исъён, фасоду туғён турғузгонин эълон қилиб, навкар талаби била Охал ва Тажан ва Марвда мутамаккин бўлуб ўлтургон така ва сориқ ва солур улусиға пайғом йибормиш эрди. Фармон мужиби била мазкур бўлгон тоифалардин уч тўрт ой муддатигача ҳар кун гуруҳ-гуруҳ лашкар келиб, остони давлатнишон хокбўслиқи шарафин топар эдилар ва рухсат билан Восға бориб, жамъ бўлуб, ямутнинг молу мавошисин чопар эдилар.

Яна улким, даргоҳи олампаҳо мулозимлариндин Абдурахмон сарҳанг ва Қорли юзбошиким, Абдуллахони марҳумий Сарахсдин қайтарда фармон мужиби била бири Ҳирот элчиси, бири Маймана элчисига элчилик тариқаси била ҳамроҳ бўлуб мазкур вилоятларга кетмиш эдилар, сафар ойининг учиди якшанба кун қайтиб келиб, атабаи аъло хизмати шарафиға фойиз бўлдилар.

Яна улким, ул овонда муфсидлардин човдар ақобирининг баъзиси ва жамшидий Маҳдиқулибек ва ямроли Авазмухаммад вакил ўз элотининг қадхудолари била остони олийшон хизматиға келиб, зоҳиран изҳори итоат ва инқиёд қилдилар. Хони жаннатмакон замон муқтазоси била... оларнинг рамида кўнгулларин ром ва суст эътиқодларига истеҳком бермак учун илтифоти подшоҳонаға махсус тутуб, заррин хилъатлар кийдуруб, хазинаи эҳсонидин нуқуди фаровон инъом қилиб, рухсат бериб ўзларининг маъво ва маконларига равон этти. Ул кўрнамак муфсидлар ўз юртларига боргонидин сўнг, камоли шарорат ва ғояти шақоватдин оқибатбинлик кўзин бу давлати абадмуддат ҳуқуқидин юмуб, ҳар бири бир навъ фиқу фасод илтизомиға камар боғлаб, фуқаро ва раоё амволиға таадди ва татовул қўлин узоттилар. Андоқким, човдар муфсидлари Хоразм корвониким, ҳақиқатда ганжи равон, балки ҳусули баҳру кон ва нуқуди хазойини жаҳон, онинг адно маҳмалида маҳмул эрди, Урус вилоятида савдосин бутқориб, Кўҳна Урганчга келиб, ондин фалакмисол кемаларга юкланиб, ул овонда сув юзидин Хивақ жонибиға равон бўлмиш эдилар. Лавзон наҳрининг саққосиға ёвуқ етган чоғда чаповул уруб, борча амволу ашени дасти тасарруфиға киргузуб, тақсим қилиб нобуд эттилар. Атрофидаги элот

ва фуқарога доғи кун-бакун таарруз ва таадди қўлин узот-тилар. Ямроли тоифаси доғи Ҳилолий қалъасининг атрофига чаповул уруб, кун-кундин зиёдароқ шўру шарр тургуздилар. Жамшидий доғи ўз ҳисоридаким, Қуба тоғининг жанубий тарафида ўзларининг ватан тутуб ўлтурғон ерида истеҳкоми тамом била бино қилмиш эрдилар, қаболиб, зоҳиран итоат сўзини орага солиб, ботинан зўр ва зиёдалиғ илкин раоё амволининг иттилофига очтилар...

Яна улким, ҳамул овонда фармони олийшон мужиби била Боғибек бекларбегим, қиличннйёзбой қалъасин сипоҳи нусратпаноҳга лашкаргоҳ қилиб, таваққуф кўргузмиш эрди, атрофидаги черик била Тошҳовузга келиб, Раҳимбердийнинг муаскарига кириб, мутаваққиф бўлди.

Яна улким, мулла Иброҳим девонбегим, Абдуллахони марҳумий они Бухоро элчиси Тўхтамиш тўқсобага қўшуб, сафорат расми била Бухорога йибормиш эрди, ҳамул овонда Бухоро волийси амир Насрулло бир муътабар мулозимин элчилик йўсуни била онга масҳуб қилиб Хоразмга ирсол этмиш эрди. Йўл асносида ҳамул элчи вафот топти ва мулла Иброҳим девонбеги онинг хизматкорлари била амирнинг йиборган хат ва тухфаларин сафар ойининг сегизида жумъа куни остони олийшон мулозимларининг назарига еткурди.

Яна улким Вос мавзеида беҳисоб ва беқиёс така ва сориқ лашкари жамъ бўлуб, ҳар кун ямут йиғноқининг атрофу жавонибидин гуруҳ-гуруҳ ва тоифа-тоифа чаповул уруб, қўп кишисин ўлтурур эрдилар ва ўтлоқга чиқгон амволу мавошисин ўлжа қилиб сурор эрдилар. Бу жиҳатдин ямут тоғийлари ниҳоятсиз танг бўлдилар. Охируламр узоқ ва ёвуқдаги улуғ ва кичиги йиғнолиб, машварат қилиб иттифоқ била ул ишга қарор бердиларким, улуғ қўшин била бориб, така халқига зўрдастлик кўргузуб, йиғноқин бузуб, орадин кўтаргайлар. Бу сўз муқаррар бўлгондин сўнг жамеъи отлиғлари муҳораба ва муқотала асбобин муҳайё ва омода қилиб, ямроли ва човдар ва ўзга тароқима тавойифининг муфсидлари ҳам йиғнолиб, тўбу тўпхонани доғи олиб, сафар ойининг йигирма бирида, панжшанба куни такаббури тамом ва тажаббури молакалом била Восга келиб, така халқи сангарининг ёвуқиға эҳмолу асқол ва хайёму фартоллари била қўшунларин тушурдилар. Борча отлиғлари издиҳоми тамом била така сингарин муҳосара қилиб, тўпандозлиғ ва найзабозлиғ била муҳораба кўргузуб, таканинг мудофаа учун чиққон отлиғларин қовуб, сангар-

га қабодилар ва ёвуқ эрдиким, атрофу жавонибдин ҳайъати ижтимоъ била сангарга тўкулуб, дастбурди азим зухурга еткургайлар. Така жамоаси чун кўрдиларким, андак эҳмол қилиб, сустлиқ кўргузсалар, ую эл ва аёлу атфоллари душман қўлига ўлжа ва асир бўлгусидур. Ложарам, борча иттифоқ била ўлумга рози бўлуб ва тангри таоло нусратиға орқа бериб, қизу жавонигача қўллариға ҳарба олиб, жалодати тамом ва шижоати молокалом била сангардин чиқиб, ямут сафиға юз қўйдилар. Ямут баҳодирлари доғи оларға муқобил бўлуб, уруш бозори гарм ва таҳовурнишон йигитлар тийғу синон истеъмолида беозарм бўлдилар. Маснавий:

Чиқиб ҳар тараф гурдлар тунду тез,  
Солиб наърадин даҳр аро рустахез.

Шижоат самандини ҳар ён суруб,  
Бири бириға тийғи буррон суруб.

Бири бирининг қасд этиб жониға  
Ки фарқ айлағай ер юзин қониға.

Қилиб бир-бири қатлиға бийғлар,  
Чекилди чунон найзаву тийғлар.

Ки мақтул ўлуб ҳар тараф бешумор,  
Ниҳоятдин афзун ўлуб захмдор.

Бўлуб қойим ул навъ расми набард,  
Ки тутти фалак жавфини тийра гард.

Чиқиб кўкка ондоқ «ҳайё-ҳу!» уни,  
Ки гўё зуҳур этти маҳшар кунни.

Бу урушда бирор лаҳза нангу номус юзидин карру фар кўргузгондин сўнг ямут ва човдар ва ямроли ва ўзга тарокима муфсидлари така тавойифининг рустамшижоат ва Ифандиёржалодат баҳодирларининг сарсарсифат ҳамла-лариға тоби муковамат келтура олмай, пашша гуруҳидек ҳамул маъракадин рўй гардон бўлуб, ҳазимат майдониға юз урдилар; борча тўбу тўпхона ва қўшу қўлонг ва хўр-жину тубра ва жамеъи асбобу олотин тошлаб, камоли хавфдин ҳеч нимага боқмай, истеъжоли тамом била суръат маркабин оворалиғ даштиға сурдилар. Така муборизлари ҳайъати ижтимоъ била алар ақабидин жалодат отиға махмиз бериб, тийғи тез ва синони хунрез ҳавола қилиб, са-

рафшонлиғ ва жонситонлиғ расмида Сому Наримон ва Баҳроми хуношомни ҳайронлиғ мақомига еткурдилар; то йиғноқиға борғунча қовуб, мурожаат якронин ўзларининг сангари жонибиға сурдилар. Тарокима тоғийларининг борча асбобу хайём ва оту яроғ тўбларин ҳайтаи тасарруфиға киюрдилар. Ондоқ фатҳи азимға даст топғонларининг нишоннаси учун адув хайлининг лош-лош бўлғон баъзи ажсомидин икки юз чоғлиғ бош кесиб, остони давлатнишон ходимларининг назариға еткурдилар ва илтифоти подшоҳонадин сарупойи фохир ва нуқуди вофир била баҳрамандлиғ топиб, ҳаддин афзун навозишлар кўрдилар.

Яна улким, хони жаннатмакон сафар ойининг йигирма олтисида сешанба куни аъламул-уламо, афзалул-фузало, маржаълухалойиқ Абдураззоқ охунд муфтини Абдуллахони марҳумийнинг воқеаи шаҳодатининг эълони ва ўзининг муборак жулусининг пайғоми учун элчи қилиб Бухоро подшоҳи амир Насруллонинг олдиға йиборди.

Яна улким, рабиулаввал ойининг иккисида якшанба куни Исломхожа шайхулисломким, неча муддатдин бери қарилиғ жиҳатидин хизмат қилурға қудрати етмай гўшагирлик ихтиёр этмиш эрди, они ул амрдин маъзур тутуб, камоли карамдин онинг ўрниға ўғли Фозилхожаға шайхулисломлиғ мансаби олийсин арзоний тутди. Фақирким тўрт йилдин бери касал шиддати ва ожизлиқ суъубатидин мироблиғ мансабин тарк қилиб, ўрнимға ўзимнинг қариброқ қариндошларимдин марҳумий Муҳаммадкаримбек хамул мансабға мансуб эрди. Ул доғи мағфиратнишон Саййид Абдулло Баҳодирхоннинг воқеаи ҳойиласида ямут муфсидларининг тийғи суйидин шаҳодат шарбатин ичмиш эрди. Фақирни илтифоти подшоҳонаға махсус тутуб, бовужуди ожизлиғ яна мироблиғ мансаби аржуманди била қавий ва баҳраманд қилиб ақрону ашбоҳим орасида гардундек сарафрозлиғ ва қуёш ёнлиғ мумтозлиғ еткурди... Хошамуродбий ва Хожиниёз доруғаким, Ғозиобод қалъасининг атрофида қаровуллиқда ямут тоғийларидин бир жамоаға учраб, оларнинг зарби тийғидин даражаи шаҳодатға етмиш эрдилар. Бирининг ўрниға ўғли Бобобекни бий ва бирининг ўрниға ақронидин Одамбекни доруға қилиб инояти подшоҳонадин оларнинг фахру фахоматлари бошин фалак фарқидин ошурди.

Яна улким, мазкур ойининг учида душанба куни хони жаннатмакон қўнгирот Қутлуқмуродбийниким, бурунроқ баъзи умури мулкий жиҳатдин уй ва атбоъи била қўнги-

ротдин кўчуб келиб, Хивақ шаҳрида мутамаккин бўлмиш эрди, аркони давлат ақобиридин Вайснийёзбой била буюрди, токим Тошҳавузга бориб, ондин Раҳимберди бийни ўзларига ҳамроҳ қилиб, онинг мулозаматида орол ва қорақалпоқ лашкари била Кўҳна Урганча борғайлар. Онда тафаққуф кўргузуб, тарокима тоғийларига гўшмолу дастбурд еткургайлар. Олар фармон мужиби била Тошҳавуздin Раҳимбердибийни ўзларига ҳамроҳ қилиб, Хўжаэлига еткон чоғда қорақалпоқ бийларининг ёв бўлгон хабарин эшитиб, иқомат рахтин Хўжаэли қалъасига ташлаб, таваққуф кўргуздилар, токим у бедавлат жоҳилларнинг иши на ерга оид бўлғой.

Бу ижмол тафсили улким, қароқалпоқ қўнғиротининг қўлдовли уруқидин Эрназарбий ким, жаҳолатда гули биёбонийдин ажҳал ва касофатда сибоъи зоррадин акмал эрди, ямут муфсидларининг инод ва фасод жодасига қадам қўйгонин кўруб, камоли нодонликдин ирқи шаковати ҳаракатга кириб, ўзи ёнглиғ яна бир неча муфсиднинг иттифоки била бир неча қароқалпоқия улусин озғуруб ўзларига ёр ва муовин ва мададкор қилдилар. Бу давлати рўзафзун мутобаати жодасидин итоат қадамин тортиб мухолафат ёқосидин тамарруд ва инод бошин чиқордилар ва шайтон игвоси ва нафси аммора тақозоси била савдойи хом ва халёли нофаржомга димоғлари кохида йўл бериб қазақ тўраларидин Зорлиқ тўраниким, ўз уйида ўлтуруб бечоралиғ била авқотгузорликка қонеъ эрди, кўб игво била ўзларининг орасида хон кўтариб, иноду истибдод ливосин бар алония барпо қилдилар. Ҳар тарафга киши йибориб қароқалпоқ тавойифининг орасига кўп булғоқ солдилар. Ҳар тарафга чаповул уруб, кема била келатургон савдогарлар матоиға татовул қўлин еткурурб, баъзи фуқаронинг доғи амволу мавошисин олдилар. Ямут била бориш-келиш қилиб, оларни ўзларига муъин ва мададкор билдилар. Бу воқеа вуқуьидин сўнг Қутлуқмуродбий қароқалпоқ бийлариким, Раҳимбердибийнинг хизматида Хўжаэли қалъасида жамъ бўлмиш эрдилар, атрофдағи черик била ўзларининг қилоъ ва элоти тарафиға қайтиб, қурон-қурон бўлиб қаболиб, қуронлари ҳиросатиға машғул бўлдилар.

Яна улким, қўнғирот бекзодаларидин аркони давлат орасида мумтоз Отаниёзбекким Абдуллахони марҳумийнинг фармони била Хўқанд вилоятидин келган элчига сафорат тариқаси била қўшулуб мазкур вилоятға кетмиш эрди, бу овонда, яъни рабиулаввал ойининг бешида, ча-

ҳоршанба куни мазкур вилоятнинг волийси Худоёрхоннинг қўшуб йиборган элчиси Қулмуҳаммадбий била остони олий мулозаматиға етиб, хони мазкурнинг йиборган тансуқот ва муволафатномасин назари анвар пешгоҳиға еткурди.

Яна улким, умаройи эзом ва кубаройи фиҳом зумрасидин Саййидназарбий ва Ибодулла иноқ ва Маҳмудниёз ясовулбоши ва Муҳаммадамин юзбоши ва яна бир неча юзбошилар Гурлон лашкари била неча муддатдин бери Хонобод қалъасининг забту муҳофазатиға машғул эрдилар ва кўп айёмдин бери ямут тоғийлари тўпандозлиғ ва найзабозлиғ била қоттиқ муҳосараға тутуб, атрофу жавонибиға сув йибориб, борча йўлларни мадрус ва масдуд қилмиш эрдилар. Муҳосара муддати ҳам ниҳоятсиз имтидод топмиш эрди ва лашкарияға вафо қилғудек озиқ ва от еми ул қалъада қолмамиш эрди. Бу жиҳатдин борча саркардаларнинг иттифоқи била Муҳаммадамин юзбоши ва ўзга фуқаро ҳамул қалъада қолиб, бошқа умаро ва лашкария қойтиб, Восда така орасиға келдилар ва амри олий мужиби била мазкур саркардалардин Маҳмудниёз ясовулбоши Ҳилолий қалъасининг ҳиросатиға келиб, ўзгаси Восдин озим бўлуб, рабиулазвал ойининг ўн еттисида, душанба куни жаноби хилофатмаоб мулозиматиға келиб, мароҳими хисравонадин комиёблиғ топдилар. Ҳамул ошон умаройи рафетьқадр зумрасидин Яхшимуҳаммад доруғаким, Восда баъзи умури мулкия жиҳатидин мутамаккин эрди, ул доғи ҳукми олийшон мужиби била келиб, остони сипеҳрнишон хизматиға мушарраф бўлуб, инояти мулуконадин баҳраманд бўлди.

Яна улким, мазкур ойнинг ўн тўртида жумъа куни давлат арконидин мулла Иброҳим девонбеги фармони олий мужиби била Фитнақ ва Хазорасп ва Бешариқ лашкарин олиб, Тошҳавузда Боғибек бекларбегининг муаскариға бориб қўшулди. Ондин сўнг амри олий муқтазоси била Боғибек бекларбеги ва Мулла Иброҳим девонбеги ва ўзга умаро ва лашкария Тошҳавуздин Ҳилолий қалъагиға бориб тааваққуф кўргуздилар, токим ямут ва ямроли ва ўзга тарокиманинғ ҳароми ва чаповулчи отлиқлари ул атрофға келса танбиҳу гўшмол бергайлар. Ул лашкар орасидаги саркардалардин Ҳакимниёз оталиқ ва Худойберганбий ишорати олий мужиби била қайтиб келиб, даргоҳи фалакиштибоҳ хизматида мутамаккин бўлдилар.

Яна улким, уламоий эзомдин мақбули халойиқ Абдураззоқ охунд муфтиким, бурунроқ элчилик тариқаси била

Бухоро вилоятига кетмиш эрди, андоқким юқорида мастур бўлди, Бухоро подшоҳи амир Насрулло камоли шамотат ва беҳурматликдин ул азизулқадрнинг мартабасига лойиқ, таъзим ва меҳмондорлиғ расмин тақдимға еткурмади ва хони марҳумий Абдуллахоннинг вафоти фотиҳахонлики ва хони жаннатмаконнинг жулуси муборакбодлиғи учун ҳеч киши қўшмай муфтии мазкурни танҳо қойтарди. Ул жаноб рабиулаввал ойининг йигирма учиди, якшанба куни даргоҳи олампаҳоқ хизматиға мушарраф бўлуб, амири мазкурнинг зоҳир қилғон афъолу ақволин масомеъи аълоға еткурди.

Яна улким, ул ошонда... Хожа Аҳмад эшонким, умуман жамеъи тарокиманинғ, хусусан ямут ва човдарнинг мўътақид ва муқтадоси, муршиду раҳнамоси эрди, камоли диндорлиғдин мусулмонлиқ шаройитин маръий тутуб, аҳли инод ва арбоби фасодға туғён ва исён қилмоқдин монёъ бўлуб, кўрнамаклик шаомати ва оқибати фахоматидин таҳдиду тахвиф кўргузди. Оларнинг нописандида афъолидин танбиҳу сарзаниш бошин ҳаракатға киргузуб, мушфиқона насиҳатлар қилмоқда илхоҳ ва муболаға русумин тузди, балки мутамарридларға қотиг итобу хитоб қилиб, ўлганларининг жанозасига бормади ва ўзгаларни доғи бормоқдин манъ қилди. Тоғийлар ул жанобнинг мундоқ ақволу афъолидин навъи мутаассир бўлуб, ул жанобнинг шафоати этокига надомат ва пушаймонлиғ илкин урдилар ва ажзу инкисор тилин бу нуктаға эвурдиларким, агар сиз хилофат мавқифиға бориб бизларнинг журму гуноҳимизға шафеъ бўлуб, борчамизнинг қилғон исёну нуқсонимизни атабаи аъло мулозимларидин тиласангиз, бизлар даргоҳи олампаҳоқ хокбўслиқиға ихлос қадами била бориб, убудият бошин итоат тупроқиға қўярмиз ва исён дуди била қарорғон юзимизға тавба ва истеғфор гулгунаси била қизиллиқ еткурормиз. Эшони мазкур аларнинг илтимосин қабул қилиб, даргоҳи жаҳонпаҳоқ зиёратига келиб, ихлос тили била дуойи ижобатнишон маросимин тақдимға еткургондин сўнг... сулҳ сўзин ароға солиб, ямут муфсидларининг журму гуноҳларин тилади. Хони жаннатмакон мазкур эшоннинг шаънида таъзим ва табжил шароитин бажо келтуруб, борча тарокима мужримларининг саҳифаи жаройимига афву игмоз рақамин чекиб, борча гуноҳларин эшонга бағишлади, Муфсидларнинг қасоватпарвар хотираларининг орому итминони учун кароматнишон обидлар ва вилоятиқтирон зоҳидлар саромадидин Умар эшон ва Ибодулла эшон ва Соат эшон ва Муҳаммадкарим эшонни Хожааҳмад эшонга қўшуб,



иноят ва истимолатнома топшуруб, рабиуссоний ойининг иккисида, сешанба куни фасод ва инод аҳли жонибига ирсол қилди, токим муассир насиҳатлар била оларни итоат ва инқиёд жодасига киргузгайлар ва мавъаза суҳони била тийра табиатлари аёқидин тажаббур ва тамарруд занжинин узгайлар.

Яна улким, аркони давлат сарварларидин ихлос ва эътиқодтавъм Яъқуб маҳрамким, кўп муддатдин бери Ҳилолий қалъасининг забту ҳиросатига машғул эрди, фармони олий мужиби била рабиуссоний ойининг авойида мурожаат қилиб, остони сипеҳрнишон мулозаматига мушарраф бўлди. Мазкур ойнинг тўртида панжшанба куни жамшидия ва ўзбакия лашкари қароқалпоқ муфсидларига шикаст бериб, кўб бош ва ўлжа ва асир олгон хабари даргоҳи олампаҳоқ мулозимларига келди.

Бу мужмал муфассали улким, ул ошонда қароқалпоқ авбошларидин икки минг чоғлиқ отлиғ бош қўшуб, иттифоқ била келиб Шўраҳон атрофига ва дарёнинг шимолия жонибидаги ўзга элотга чаповул уруб, кўп молу мавоши сурмиш эрдилар. Хони жаннатмакон ул воқеани эшитиб Маҳдиқулибек бошлиқ жамшидий, лашкарин ва монқит ва қипчоқ ва ул атрофдаги элот оломонин олар таоқибига буюрмиш эрди. Мазкур бўлгон оломон фармони вожиблизъон мужиби била дарёдин ўтуб, сайр амрида суръат кўргузуб, қароқалпоқ тоғайлари ақабидин илғор қилдилар. Тонг вақтида ҳазрат сарвари авлиё шайх Жалил ота тоғийнинг орқасида ул тийрабахт ва пешонасахт муфсидларнинг изидин етиб, балойи ногаҳоний ва қазойи осмоний ёнглиғ устига тўкулуб, синони жонситон ва шамшири хунафшон ишорати била аъдойи гаронжондин ададсиз кишини адам дашти сари равон эттилар ва ҳамул майдоннинг бошдин аёқин қизил қон рангидин гулистон қилдилар. Ул жамоаи тоғийдин оз киши қилич дамидин қутулуб, ул маҳлакадин юз минг ранжу машаққат била чиқиб, ҳар тарафга юз уруб мафқуд ва нобуд бўлдилар. Сипоҳи нусратнишон ададсиз бош кесиб, ҳадсиз асиру ўлжага мутасарриф бўлуб, солиму ғоним мурожаат қилдилар. Мазкур ойнинг сегизиди, душанба кунин Маҳдиқулибек бошлиқ борча оломон остони давлатпосбон мулозамати шарафига истисъод топдилар. Ва инояти подшоҳонадин хилоъи тиллодўз ва камари дилафрўз бахшиши била сарафроз бўлуб, заррин лижомлиғ отлар миниб, тахминдин зиёда нақдлар инъоми била мумтозлиғ топдилар.

Яна улким, мазкур ойнинг олтисида, шанба куні хони жаннатмакон қорақалпоқ муфсидларининг таъдибу гўшмоли учун атабаи фалакмартаба мулозимларидин ихлос ва эътиқодтаввам Яъқуб маҳрам ва Худойберган ўрусни ўзбакиядин бир гуруҳ била ва баъзи сорик ва кўклон лашкари билаким, ул ошонда даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозаматида эрдилар, буюрди. Олар фармони лозимулиқбол имтисоли била озим бўлуб, дарёдин қипчоқ маъбаридин убул этиллар ва суръати тамом била қатъи манозил қилиб, Оқёрма арнасининг канорида Қўчқорота отлиқ бузрукворнинг файзиосор жаворига етиллар. Ул атрофдаги қарақалпоқ муфсидларининг элотиға чаповул бодпосин суруб, қатлу торож ишига илик урдилар. Борча муфсидлар ую элин ташлаб сарсар олдин қочқон пашша гуруҳидек ихтифо гўшасида пинҳон бўлуб, жонин омон қутқардилар. Оломон ниҳоятсиз аёлу атфолин асирлик қайдиға чекиб, ғоятсиз асбобу қаромолин ўлжа қилиб, улуғ фатҳу нусрат била муовадат қилдилар. Мазкур ойнинг ўн тўртида якшанба куні асирларин келтуруб, илтифоти хисравонадин шодкомлиғ топдилар. Худойберган ўруским ҳамул сафар ғанойимининг хумсий ва ондин улуғ ғадр воқеъ бўлмиш эрди, итоб ва хитоби подшоҳонадин мутаваҳҳим бўлуб қочиб, Қиличниеъбойда жамшидия орасиға омон тилаб борди.

Яна улким, олийшон саркардаларидин Муҳаммадамин юзбошиким, кўп муддатдин бери жаҳди тамом ва ғайрати молакалом била Хонобод қалъасининг забтиға машғул эрди, мазкур ой, яъни рабиуссоний ойининг авойилида марази табиий била вафот топиб, ул қалъанинг ичидаги таҳассун кўргузгон элот ҳар тарафга мутафарриқ ва паршон бўлдилар. Ул ошонда жамшидий Маҳдиқулибекким, қарақалпоқ асирларин келтириб шаҳарда таваққуф кўргузмиш эрди, ҳамул вифоқ пардасин нифоқи чеҳрасиға рўнамо қилиб, хийла юзидин ақоси Мирмуҳаммад хонға ош бермакни баҳона қилиб, ақосининг хотину фарзандлари ва молу ашъесиким, Хивақ шаҳрида мутамаккин эрдилар, аларни Қиличниеъбой қалъасининг тавобеъидаги ўзининг бино қилгон қалъасиға олиб бормоқни илтимос қилиб, кўб илхоқ муболағалар била рухсат тилади. Хони жаннатмакон камоли карамдин онинг сийнаи илтижосиға дасти рад урмай ижозат берди. Маҳдиқулибек ақосининг борча мутаалиқоту асбоб ва олотин Хивақ шаҳридин Қиличниеъбой қалъасин жонибиға кўчуруб йибориб, ўзи бир оз навқари била шаҳарда таваққуф кўргузди...

Яна улким, мазкур ой, яъни рабиуссоний ойнинг йигирма бешида чаҳоршанба куни ямут ва ямролининг баъзи кадхудолари остонбўслиққа келдилар.

Бу ижмол тафсили улким, хони жаннатмакон аҳли зуҳд ва тақво зумрасидин каромат ва иродатнишон Умар эшон ва Ибодулла эшон ва Соат эшон ва Муҳаммадкарим эшонни ямутдин элчи йўсуналиғ келгон Хўжааҳмад эшонга қўшуб истимолатнома била йибормиш эрди, андоғким юқорида мазкур бўлди. Мазкур бўлгон эшонлар фармони олий мужибн била озим бўлдилар ва Ҳилолий қалъасига етганда мулла Иброҳим девонбеғиким, онда мутафаққиғ эрди, ҳукми олий муқтазоси била оларга қўшулди ва иттифоқ била аҳли шиқоқ ва арбоби нифоқнинг орасига бориб, халлоқи кирдикор қазаби ва расули мухтор қаҳри ва оқибат вайронлиғи ва охират расволиғидин муболаға ва илҳоқ била таҳдиду тахвиф кўргуздилар ва гавҳарбор тилларин нофеъ насихатлар ва судманд пандларга очтилар ва ҳар бирининг олдида алоҳида дуржи даҳонларидин мавъаза дурларин сочтилар... Мунча била ҳам ул шақоватнишон муфсидларнинг баъзисининг кўнгуллари қасовати ва зотлари шарорати заррача кам бўлмади. Аммо бир неча тоифанинг замирларигакам бурундин бу давлати абадмуддат муҳаббати жойгир эди. Ҳамул сўзлар таъсир қилиб, оларнинг борча машоҳиру маориф ва акобиру аолийси гуруҳи анбуҳ била иттифоқ кўргузуб, мазкур эшонларнинг ҳамроҳлиғи била суддаи хилофот жонибиға озим бўлдилар ва мазкур бўлгон ойнинг йигирма бешида мазкур бўлгон кунда остонбўслиғ давлатига фойиз бўлуб, ниҳоятсиз эътизор ва ғоятсиз инкисор била ажзу шикастлик юзин убудият ва бандалик тупроқиға қўйдилар ва қилгон гуноҳлари учун истиғфор кўргузуб, афву бахшиш талаб қилдилар. Хони жаннатмакон, камоли карамдин, оларнинг исёнлари номасиға афву нисён зилолидин шусту шўй бериб, мароҳими хисравонаға махсус қилди ва илтифоти подшоҳонадин оларнинг ҳар бири кимхо ва қимматбаҳо хилъатлар кийиб, муродлари этокин ва муддаолари киссасин ком ва мақсудлари нуқудидин мамлу ва лабрез топтилар. Ул ҳазратнинг ом марҳаматидин ўз юртлариға кўчуб келмақ рухсатин ҳам ҳосил қилдилар. Бу ёнглиғ меҳрибонлиғ кўргондин сўнг камоли шодкомлиғдин остони олийшон хизматида яхши отлиғ йигитларидин бир жамоани қўуб, ўзгаси Муҳаммадкарим эшонни талаб олиб, ўзларига ҳамроҳ қилиб муовадат эттилар, токим бориб уй ва элларин бу тарафга кўчур-

гайлар. Қолгон муфсидларни доғи итоат ва инқиёд жодасига киргузуб, даргоҳи олий хокбўслиқи шарафига еткургайлар. Ҳамул ошонда хони жаннатмакон келгон ямуларнинг кадхудолари била така халқин яроштуруб, така ва сориқнинг яхши отлиғларидин бир гуруҳини даргоҳи олий мулозаматида сақлаб ўзгасига юртларига кетарга рухсат берди.

## **МАҲДИҚУЛИБЕК ЖАМШИДИЙНИНГ МАҲФИИ АДОВАТИН ОШКОР ЭТИБ ҲИЙЛА БИЛА ҚИЛИЧНИЁЗБОЙ ВА ХИТОЙ ҚУРҒОНЛАРИН ОЛҒОНИ...**

Қалами ҳикоятрақам якрони саҳифа фазосида бу ёнглик жавлон қилурким, чун ул тангри таоло раҳматининг нумиди, яъни Маҳдиқулибек жамшидий юз навъ афсуну дамдама била хони жаннатмакондин рухсат олиб ақоси Мирмуҳаммадхоннинг аёлу атфол ва ашёу амволин Хивақ шаҳридин кўчуруб, Қиличниёзбой жонибиға йиборди. Ўзи доғи бир неча кундин сўнг рабиуссоний ойининг йигирма учиди душанба кунни кечаси камоли нахват ва шақоват муқтазоси била ким хабосати асар зотида миҳаммар эрди, рухсат олмай шаҳардин мутааризона чиқиб, Қиличниёзбойда ўз йиғноқиға борди. Бовужудиким Хуросон ҳудудида қадимий юртида ўлтиргон аснода ўзининг бадсийрат ва хубс тийнатлиғидин емакига бир бармоқ қатиг нон ва киймакига бир йиртиқ иштон топмас эрди, Раҳимқулихони марҳумий отаси Оллоқулихони мағфурийнинг замони майманатнишониди марҳамат ва шафқат юзидин они борча элоти била Хуросондин Хоразм вилоятиға кўчуруб келтурди ва ўзининг хоҳлагон еридинким, Қиличниёзбой тавобеъидин эрди, маъво ва сакано ва ер берди. Ул бедавлатларга Раҳимқулихон ва Муҳаммадаминхон ул миқдор марҳамат кўргузуб, бахшишу ато қилдиларким, давлат ва сарватда ягонани офоқ ва оту яроғ бобида олам аҳли орасида тоқ бўлдилар. Хусусан, Маҳдиқулибекким, умаройи олиймиқдор онинг эътибор ва иқтидорига ғайрат кўргузуб, ҳасад ер эрдилар. Ул кўрнамак мундоқ давлати узамонинг шукрин билмай ва валинеъматлари хонадони ҳуқуқин риоя қилмай... тугёну фасод, исёну инод аламин бар алония кўтарди ва жумодилаввал ойининг панжшанба кунни баъзи ямут ва ямроли ва човдар муфсидларининг иттифоқи билаким, онинг йиғноқида эрдилар, ҳужуми тамом ва издиҳоми молакалом била келиб, Қиличниёзбой қалъасинким, борча улуси бу воқеадин

хабарсиз амну фароғат била бозор савдосин қилиб, байъу шаро амрига машғул эрдилар, бир тарафдин ғавго ва алоло била кириб, қалъани мусаххар қилди ва ҳамул қалъадағи ҳарна бор оту яроғ ва асбобу амвол ва ғаллаларни олиб, дасти тасарруфига киргузди ва жамеъи акобиру кадхудоларин ую эли била ўз қалъасига кўчурди ва ўзидин бир неча кишини ҳамул қалъа забтига таъйин этиб, издиҳоми тамом била Хитой устига борди ва онинг қалъасин доғи ҳамул тариқа била олиб, усулига ҳамул муомалани қилди. Андин муовадат қилиб, монқит қалъаси устига борди ва ул жамоага ҳаддин афзун таҳдиду тахвиф ва ваъдаи байд кўргузуб, бир неча оқ уйлук олди. Бу хабари ваҳшатасар мазкур ойнинг тўртида, жумъа куни хони жаннатмаконнинг самъи ҳумоюнига етиб, ҳамул кун аркони давлат акобириндин Маҳмудниёз ясовулбошини даргоҳи алампаноҳ мулозаматидағи ўзбек ва ямут ва човдар ва давлатхоҳларидин бир жамоа била ул кўрнамак муфсиднинг мудофаасига номзад қилди. Мазкур ясовулбоши фармони қазожараён мужиби била ҳамулкун намозшом ҳангомида ул тоғийнинг қасдига озим бўлуб, якшанба кечаси бориб, Қиличниёзбой қалъасига кирди ва Маҳдиқулибекнинг муҳофазат учун қўйғон кишиларин тутиб банд қилди. Маҳдиқулибек бу хабарни эшитиб, жамеъи отлиғ ва пиёдасин суруб, душанба кечаси ғалабайи тамом била келиб, атрофу жавонибдин ҳужум кўргузуб, қаҳран ва қасдан қалъага кириб, мусаххар қилди. Маҳмудниёз ясовулбоши бир неча отлиғ била ул бало вартасидин захмдор бўлуб чиқиб, фирор дастёрлиғи била амон қутулди. Маҳдиқулибек ҳамул қалъанинг фуқаро ва раоёсидин кўб кишига шаҳодат шарбатин ичуруб қолгонин горату торож қилиб, кўчуруб қалъага вайронлиғ еткурди.

Яна улким, хони жаннатмакон ҳамул воқеани эшитиб жумодилаввал ойининг сегизида, сешанба куни умаройи эзом ва уманойи киромдин Шоҳмурод иноқни бир гуруҳ лашкари била Тошҳавуз ҳисорининг муҳофазатига йиборди. Яъқуб маҳрам ва Оллоберди оталиқни бир жамоа сорик ва така лашкари била Гурлон қалъасига ирсол этти, токим ҳамул қалъанинг ҳиросатига иқдом кўргузгайлар. Ҳамул ошонда Восда ўлтурумли такалар ямутдин мутаваҳҳим бўлуб аёлу атфол ва ашёу амволи била Охал жонибиға кўчдилар.

Яна улким, мазкур ойнинг ўн бирида жумъа куни умаройи киром ва узамойи фуххом зумрасидин Раҳимбердий ва Вайсниёзбойким, фармони олий мужиби била бир

неча муддатдин бери Хўжаэли қалъасида мутамаккин эрдилар, замирлариға ваҳму ҳарос муставли бўлуб қайтиб келдилар. Келмаклари сабаби ул эрдиким, ул тарафдин Зорлиқхон қароқалпоқия муфсидларидин тахминан минг отлиғ била ямут орасиға бормиш эрди, токим иттифоқ била мамоликки маҳрусанинг атрофу жавонибидин шўру ғавго турғузғойлар. Бу тарафдин жамшидия тоғийлари доғи мухолафат ва инод ливосин жилвагар қилиб, адоват ва фасод майдонида жалодат якронин суруб, кўб шўру шарр пайдо қилди. Бу жиҳатдин Раҳимбердибийнинг қуввати воҳимаси музоаф ва мутазойид бўлуб, Хўжаэли қалъасидин чиқиб Хивақ шаҳриға азми била бел боғлади. Хўжаэли ҳокими Муртазобий ва ўзга ақобиру кадхудолар ҳар нечаким онинг ҳамул бежо ишиға монёъ бўлдилар, ҳеч фойда қилмади. Охируламр Вайсниёзбой ва мулозамати-доғи лашкариянинг ҳамроҳлиғи била Хўжаэлидин чиқиб, дарёнинг шимолий жонибидин истеъжоли тамом била озим бўлуб Гурлон маъбаридин убур этиб, даргоҳи олий мулозаматиға етти ва номаъқул узрин тақрир этти ва хони жаннатмакондин итобомиз жавоб эшитти.

Ҳамул айёмда ямут халқи Зорлиқхоннинг ҳавсаласи киссасин иқтидор нақдидин холи кўруб, атрофидағи лашкарининг улоғу яроғ ва асбобу ашёсин ғорату торож қилдилар. Аксар қароқалпоқ яёқ ва пиёда қочиб, ҳар тарафга мутафарриқ бўлдилар. Зорлиқхон бир неча тоғийлар била қочиб, ямут муфсидларининг сардафтари шақоватнишон Отамуродхонға бориб, амон тиладилар. Отамуродхон бир неча кундин сўнг оларни ҳам қароқалпоқ оросиға йиборди.

Яна улким, Муҳаммадкарим эшонким, мутобаат кўргузгон ямутлардин бир гуруҳга ҳамроҳ бўлуб, мухолафат ва асобатқадам тургон муфсидларни тариқи мустақимға далолат қилиб, атабаи осмоншавкат хокбўслиқиға келтирмак учун кетмиш эрди. Оларнинг ҳар бири бир баҳонаға мутамаккин бўлуб, бир жамоа мувофақат қадамин мусодақат тариқиға қўюб, эшонға ҳамроҳ бўлуб, мазкур оининг авоситида келиб остонбўслиқ давлатиға етдилар. Икки кундин сўнг хони жаннатмакон яна Муҳаммадкарим эшонни ҳамул келгон ямутнинг кадхудолари била ямут орасиға йиборди, токим муфсидларнинг қолгон кадхудоларин доғи ваъзу насиҳат била мувофақат жодасиға киргузгайлар ва даргоҳи олампаҳоқ мулозаматиға келтуруб, сулҳ ва мувосо русумин тузгайлар.

# „ГУЛШАНИ ДАВЛАТ“ ДАН





## САЙИДНАЗАРБЕКНИНГ ЯМРОЛИ ОРАСИДИН ЧИҚИБ ОСТОНИ ОЛИЙ ЖАБҲАСОЛИҚИГА КЕЛГОНИ...

Бу воқеа баёни улким, ҳазрати соҳибқирони Сулаймон маконнинг амзодаси залолатпарвар, шақоватасар Саййидназарбек валади нохалафи амири мағфиратсарир Муҳаммадназар иноқ толеъи забун ва бахти номаймун далолати била ул ҳазратнинг муборак жулуси ҳангомида фирор тариқин ихтиёр қилиб, тарокима муфсидларидин ямроли халқининг орасиға бормиш эрди, андоғким онинг воқеаси тафсилан юқорида мазкур бўлди, неча муддатдин бери ҳамул тоифа орасида ҳеч ишга иқдом кўргуза олмай, ноком, камоли хорлиғ ва безътиборлиғ била рузгор ўтқарур эрди... Ложарам мундоғ ҳаётдин мамотни фойиқ ва бу янглиғ вужуддин адамни собиқ билиб фосиди хаёл ва савдоён муҳолиға тушуб, замири касофат тахмириға муқаррар қилдиким, мақру ҳийла тариқаси била салтанат қасри остонасиға ажзу масканат юзин урғой. Яъни навъи қилиб ул ҳазратнинг муборак ҳузуриға ўзин етқурғой ва фурсат топиб, фидойивор бир ҳаракати қабиҳ зуҳурға етқурғой ва бу ботил андишада ямроли муфсидларининг сардори Авазмуҳаммад Вакилни ўзига ёр ва ҳамдастон қилди. Ва иккови иттифоқ била шаъбон ойининг авоситида остони давлатпосбон мулозимлариға киши йибормиш эрдиларким, «Биз гумроҳлар то бу вақтгача ул давлати рўзафзун нисбатида зуҳурға етқургон ниҳоятсиз журму исёнимиздин нодим ва пушаймондурмиз. Эмди таҳқиқ билибдурмизким, ул даргоҳи олампаноҳ давлатхоҳлиқидин ўзга ҳеч ерда пушту паноҳу оромгоҳимиз йўқтур ва ул атабаи фалак мартабанинг кимиеасар туфроқиға юз урмоқ қаро манглаймизнинг мақсуди ва ул остони сипеҳр нишоннинг сурмагустар губорин кўзга етқурмақ тийра мардумагимизнинг беҳбудидир. Агар бизларнинг гуноҳларимизни афв қилиб, банданавозлиқ юзидин иноятнома топшуруб, ул зубдаи арбоби тариқат, қудваи асқоби ҳақиқат олийшон, муалло-

макон Муҳаммадкарим эшонни бу рӯсиёҳларнинг сарвақтига йиборсалар ва ул жаноб гуноҳларимизга шафёъ бўлса, то онинг шафоати этокига истиғфор ва ҳимояти урватулвусқосига эътироз қўлин маҳкам уруб, ҳидояти далолати била даргоҳи сипеҳр мартабат мулозиматиға етиб, убудият юзин ажзу масканат туфроқиға суртуб, ҳамул ишдин дунё ва охират обрўсин кўз тутғумиздур». Ҳазрати соҳибқирони хуршид макнат камоли карам ва мурувват муқтазоси билаким, тийнати малик сийратида жибилийдур, оларнинг илтимосин мақбул ва илтижосин мабзул тутуб, Муҳаммадкарим эшонни истимолатномаи саодатнишон била йибормиш эрди. Эшон бориб ул ҳазратнинг номаи номий ва каломи киромийсин оларға афву карам муждаси била еткургондин сўнг беки мазкурнинг ўғли Абдурахимбек ва Авазмухаммад Вакил ўз ниятларининг қабоҳати ва хаёлларининг шиноати жиҳатидин мутаваҳҳим бўлуб, ҳар қойси бир номаъқул узрни баҳона қилиб, эшоннинг ҳамроҳлигининг тахаллуф кўргуздилар. Аммо Саййидназарбек тақдири илоҳий инонкашлиги била эшонға рафиқ тариқ бўлуб, шаъбон ойининг йигирма бешида жумъа куни доруссалтанаи ҳумоюн даргоҳиғаким, жаҳон мужримларининг бўсагоҳидур, йилон янглиғ ичин адоват ва шарорат заҳри била тўла ва тошиға мулоямат ва хокисорлиқ зевари била оро бериб етди. Ҳазрати соҳибқирони халойиқ посбоннинг замири каромат нишонигаким, ойнаи жаҳоннамои гайбий ва мазҳари сафооройи лорайбийдур, беки мазкурнинг тийра кўнглидаги нияти фосид ва ҳаёли қосидларининг сурати жилва қилиб ва илҳоми карами илоҳий била онинг не муддао ва не Таманнода келгонин билиб, мажлиси ҳумоюн ва боргоҳ маймун духулиға йўл бермади. Онга бир жой тавйин этиб муҳофазатиға муаккиллар қўйди... Икки кундин сўнг Саййидназарбекнинг ўғли Абдурахимбекка даргоҳи олампаноҳ мулозиматиға етушсунким, борча гуноҳлари маъзур бўлди, деган мазмун била отаси тилидан хат ва ул ҳазрат карамидин иноятнома қилиб яна мазкур бўлгон Муҳаммадкарим эшон била ирсол қилилди. Аммо Абдурахимбек Авазмухаммад Вакилнинг машварати била атабаи сипеҳррифъат хизматиға келмакни камоли адоват ва ғояти шарорат жиҳатидин маслаҳат кўрмай, мазкур эшонни хиффат ва ҳақорат била танҳо қайтардилар... Саййидназарбек ҳамул ошонда бир неча кун ҳокими одил ҳукми била қилгон амаллари жазосиға мубтало, яъни касали шадид ва марази сақил ғалабаси била ниҳоятсиз заиф ва бе-

наво бўлуб, рамазон ойининг авоситида ёмонроқ ҳол била охираат оламиға интиқол этти.

Яна улким, рамазон ойининг етисиди, якшанба куни умаройи олийсифот ва ақобири қўнғирот зумрасидин... Муҳаммадкарим мироб вафот топиб, онинг ўрниға амзодаси Султонмуродбек бинни Нуриллабекнинг аҳволиға инояти подшоҳона шомил бўлуб мироблиғ мансаби киромийси бахшиши била шодкомлиғ ва комёблиғ топти.

Яна улким, Муҳаммадризобекким, бурунроқ човдар кадхудолари била ҳамроҳ бориб, ул жамоа орасида таваққуф кўргузмиш эрди, андоқким юқорида мастур бўлди, ул оворда Кўҳна Урганчда ўлтурғон човдар мутамарридлари ақобиридан Карной юзбошининг хотириға толеъи ҳумоюн асаридин бу давлати рўзафзун хизматининг муҳаббати жойғир бўлуб, ўзга муфсидларидин айрилиб саодати зотий қойидининг даллати била Кўкчакка мавзеидаки ўлтурғон эл човдарнинг орасида Муҳаммадризобекнинг хизматиға келмиш эрди. То беки мазкурнинг мулозаматида ҳамроҳ келиб, остонбўслиғ давлатиға етгай. Бу оворда Муҳаммадризобек онинг ва ўзга човдар кадхудоларининг ҳамроҳлиғи била даргоҳи гардуништибоҳ тавофи шарафиға мушарраф бўлуб, мароҳими бекаронаға ихтисос топдилар.

Яна улким, рамазон ойининг ўн учида, сешанба куни ҳазрати соҳибқирони мамоликситон лутф ва эҳсон юзидин умаройи олийшон зумрасидин қиёт иозимининг ихлосмаоби Авазмурод миробни Бухоро элчилигига таъйин этиб, муборак жулусининг ахбори ва фалак гардиши тақозасидин баъзи воқеъ бўлғон воқеоти азим ва ҳудус топғон ходисоти сахим изҳори учун муволафатномаи номий ва муҳаббатномаи киромий топшуруб, Бухоро волийси амир Насруллонинг олдиға ирсол қилди. Бу оворда фармони лозимлимтипон мужиби била така ва сориқ лашқари Хуросон ҳудудидин Хоразм вилояти жонибиға хизмат қилмоқ учун равон бўлуб, кун-бакун гуруҳ-гуруҳ атабан гардун мартаба мулозаматиға ета бошладилар.

## **ЯМУТ МУФСИДЛАРИНИНГ ХИВАҚ МУЗОФОТИН ЧОПМОҚ УЧУН ШАРОРАТ МАРКАБИН ДАЛИРОНА СУРҒОНИ...**

Хоман воқеатироз бу навъ қиссапардозлиқ қилурким, чун ҳазрати соҳибқирони исқандарнишон таъйинди илоҳий ва тавфиқи номутаноҳий била салтанат тахтиға давлатлиғ

қудуми вусулидин зебу зийнат еткурди, камоли караму дилнавозлиғ ва ғояти шияму корсозлиқ тақозоси билаким, ул ҳазратнинг зоти саодаторосида қуёш партавидек равшан ва ҳувайдодир, умуман жамеъи тарокима тавойифида, хусусан, ямут ва ямроли муфсидларига карратан маррот бу мазмун била ғоят ва истимолатномалар юбордиким: «Эй тарокима гуруҳи, сизлар қадимул хизматликда бу давлати лозимилнусратға тери била кўнглок, балки гўшт била сўнгок ёнглиғ соҳиби қарибу қарибун нисбатдурсизлар. Ўтган айёмда ҳар турлук воқеотким, афлок гардиши таасироти ва анжум равиши тақаллиботидин вуқуъға етти, барчаси ўтти. Эмди бетаҳоши ва беибо остони сипеҳросо хизматиға келиб, фасоду инодғаким, мундин бурун иқдом кўргузур эрдингиз, қўюнлар ва инояти хисравонамиз хонининг турлук неъматларидин улчаким комингиздур, тўйинглар. Аммо ул тавойифи шароратшиорким, шавқовати абадий ва ғабовати сармадий хасоратиға гирифтор эрдилар».

Ул ҳазратнинг марҳаматомиз ва мурувватангиз сўзларинким, ҳақиқатда оёти давлат ва аломати саодати эрди, қабул ва изъон қулоқи била эшитмай бағи ва туғён майдониға фисқу исён қадамин қўйдилар. Ул жамоанинг лисус ва ҳаромиларидин кўб отлиғ жамъ бўлуб, иттифоқ била неча мартаба Хивақ музофотиға ва Урганч ва Гурлон тавобеъотиға чаповул уруб, саҳронишин ва канорагузин фуқародин кўп аёлу атфол ва асбобу амвол асиру ўлжа қилиб, суръати тамом била фирорий бўлдилар. Нигомишиға маъмур бўлгон асокири нусратмаосирнинг тийғи интиқомидин тақдири яздон била амон қутулдилар. Ул куфршиор ва хуккирдор тоифанинг најосатхор оғизлари мусулмонлар молин емакдин маза олиб, яна ўлжа олмоқ ва фуқаро аҳволиға паришонлиғ солмоқ орзуси била минг беш юз чоғлиқ отлиғ жамъ бўлуб, рамазон ойининг авохириди Хивақ тавобеъиға чаповул урмоқ қасди бирла озим бўлдилар. Ул муфсидлар азиматидин садоқат ва жалодаттавъам Муҳаммад Яъқуб маҳрамким Ҳилолий қўргонининг ҳиросат ва нигоҳбонлиқиға машғул эрди, хабардор бўлуб, бир суръат нишон қосид йиборди, токим, остони олийшон мулозимлариға муфсидлар азиматин эълон қилгой. Ўзи ҳам мулозиматидағи лашқари бирла отланиб, оларнинг изидин таоқиб амриға иқдом кўргузди. Онинг хабари рамазон ойининг йигирма еттисиди жумъа куни ҳазрати соҳибқирон гитиситоннинг самийайи майманатнишонига масмуъ бўлуб,

мавқифи жоҳу жалолдин фармони лозимилитисол содир бўлдиким, аркони давлат ва умаройи зийшавкат зумрасидин Вайсниёзбой ва Раҳматулла ясовулбоши ва қиёт Муҳаммадёрбий бош бўлуб, Хивақ музофотининг баъзи лашкарияси ва хизмат талаби била келгон Карной юзбоши бошлиғ човдар кадхудолари ва Марвдин келгон така муборизлари била ямут муфсидларининг истиқболига чиқиб, гўшмол, балки эъдом истесолига жалодат ва муборазат била иштиғол кўргуздилар. Маъмурлар амри олий муқтазоси била мазкур ойнинг йигирма сегизида, шанба куни чоштгоҳ даргоҳи фалак иштибоҳдин озим бўлуб, кечрак Ғозибод қалъасига бордилар. Муфсидлар доғи ҳамул ҳаволига ёвуқ келмиш эрди. Намозшом ҳангомидин сўнг икки тарафнинг қаровуллари бир-бирин узоқдин кўруб, муфсидлар бу тарафга кела олмай орқа жонибга юз урдилар. Бу тараф қаровуллари оларни юқориға, яъни мадриқ сувбига кетди фаҳм этиб, сипоҳи зафарпаноҳ саркардаларига хабар еткурдилар. Саркардалар ҳамул кеча иттифоқ била илғор қилиб Қўшкўприк қалъасига етдилар. Онда душман лашкаридин асар топмай Чуқурқум устидин Шоҳобод сувбига илғор этдилар. Тонгласи якшанба куни чошт вақти Шоҳобод қалъасига ёвуқ етгон ҳолда хабар еттиким, ямут муфсидлари Чигатой аёқидин дохил бўлуб, чаповул уруб, дастбурд еткурубдур. Дарҳол сипоҳи нусрат иштимол суръату истеъжол била Чигатой сори илғор қилдилар. Иттифоқо ямут Чигатойга чаповул урғон чоғда Яъқуб маҳрамким, лашкари жаррор била ямут ақабидин илғор қилиб келур эрди, андоқким юқорида ишорат қилилди, давлат илҳоми била ҳозир бўлуб, бир тарафдин ҳайъати ижтимоъ била ямут устига от солдилар. Ҳазрати соҳибқироннинг давлати қоҳираси қуввати била уч-тўрт кишисин ўлтуруб, ўлжа қилгон фуқаро амволин кўлидин олдилар. Сипоҳи нусратпаноҳнинг ҳамалоти сарсарсифотиға муқовамат қила олмай, ямут гуруҳи пашша хайлининг суфуфи бешукуҳидек рўйгардон ва гуризон бўлдилар. Иттифоқо Маноқ ёфиким бағоят ариз ва амиқ эрди, икки лашкар орасида ҳосила бўлуб муфсидлар жалодатпарвар баҳодирларнинг интиқоми сарпанжасидин қутулуб, узоқда бир қум устига чиқиб таваққуф қилдилар. Ҳамул аснода Раҳматулла ясовулбоши ва Вайсниёзбой бошлиғ Хивақ черики била маъмур бўлгон саркардалар издиҳоми тамом била Яъқуб маҳрамнинг оломониға етиб қўшилдилар. Ямут муфсидлари оларнинг қаросин узоқдин мушоҳада қилиб, азимат кўр-

гузмакни ўз ҳоллариға маслаҳат билиб, бўлак-бўлак бўлуб, ҳар тарафга бўтрашиб мафқуду нобуд бўлдилар. Сипоҳи зафарпарвар мазкур ёфдин ўта олмай, кўп муддатлар ёф каноридин юруб, кечроқ бир кўпрук топиб ўтдилар. Аммо ямутлар камоли суръат била ҳазимат кўргузуб, мафқудул-асар бўлмиш эрдилар. Таоқиб кўргузуб илғор қилмоқда ҳеч фойда мутараттиб эрмас эрди. Бу жиҳатдин саркардалар ҳамул мавзеъда мутаваққиф бўлуб, иттифоқ била аҳли шақоқ изидин бир неча қаровул йибориб, ҳар нечаким нигомиш қилдилар, ямутдин ҳеч хабар ва асар топмадилар. Ложарам машварат қилиб, борчанинг маслаҳати била мазкур бўлгон саркардалар сипоҳи зафарпаноҳ била Хивақ жонибиға мурожаат кўргуздилар. Яъқуб маҳрам ўз мулозаматидағи черик била Хилолийға муовадат қилди.

Аммо ямут муфсидлари қочиб борурда изида қовғунчи йўқлиғин билгандин сўнг, Тошхавуз музофотидин Қориқишлоқ мавзеъида ўлтургон баъзи саҳронишин фуқарони чопиб, бир неча асир дастгир қилгон аснода Қазоқбой эшонким, бурунроқ ямутнинг чаповулға кетгон хабарин эшитиб игдар ва човдардин бир гуруҳ лашкар била отланиб, нигомишға машғул эрди. Иттифоқо Қориқишлоқда муфсидларга учраб, кўшиши тамом била муҳораба амрига иждом кўргузди. Муфсидлар анга муқобил бўлаолмай, муовадат қонуни била фирор оҳангин тузди.

Яъқуб маҳрам Хилолийға боргондин сўнг ҳамул воқеадин хабар топиб, мулозаматидағи човдар ва ўзбакдин бир жамоаға Дўстниёз маҳрам бинни Қорли юзбошиниким бағоят шижоатлиғ ва ғайратлиғ йигит эрди, бош қилиб муфсидлар таоқибига ирсол этти. Ул азимат ишида сарсар янглиғ суръат кўргузуб, шаввал ойининг гурраси ва рамазон ийди ва сешанба кунни туш вақтидаким, муфсидлар. Кўкча мавзеъидин бир фарсахлиқ илгарироқ ўтуб, бир жойға тушуб фориг ва бепарвой ётмиш эрдилар, оларнинг устига балойи ногаҳоний ва қазойи осмоний янглиғ тўкулуб, қатлу кушиш амрида ниҳоятсиз жаҳду кушиш кургуздилар. Муфсидлар дарҳол жон ҳавлидин камоли истеъжол била ҳазимат маркабиға сувора бўлуб, дастгир қилгон барча асирларни ташлаб, фирор этмакда сарсардек шитоб расмин изҳор қилдилар. Лашкари жаррор жалодати тамом била тийғи интиқомға қўл уруб, муфсидлардин ўн тўрт кишини ўлтуруб бошин олдилар. Ўзгаси фирор дастёрлиқи била ўзларин ул маҳлакадин йироқ солдилар. Сипоҳи нусратпаноҳ ул мавзеъдин шоду хандонлиғ била мурожаат

йўлига равон бўлуб, манозили мутааддид қатъидин сўнг шаввол ойининг иккисида чаҳоршанба куни даргоҳи олам-паноҳ тақбили саодатига истисъод топиб Дўстниёз маҳрам бошлиғ барчаси сарупойи шоҳона ва инояти хисравонадин сарафрозлиғ ва хизмат аҳли орасида қуёшдек мумтозлиқ топилар.

### **ЯМУТ МУФСИДЛАРИНИНГ ХИВАҚ МУЗОФОТИН ЧОПМОҚ УЧУН ЯНА ИЗДИҲОМИ ТАМОМ БИЛА АЗИМАТ ЭТГЕНИ...**

Чун ямутия тавойифининг орасида ғалла камлиги жиҳатидин навъе қахат балоси шоеъ ва барчасининг палид нафслариға жўъ ибтилоси воқеъ бўлди. Мамолики маҳфузанинги мазореъидоғи экилган бугдойлар пишиб ўрулди. Ҳар мазраада бугдой хирмонлари фалак хирмони ёнлиғ ўкулди. Ул фасодойин ва инодкамин жамоа димоғи накбатфаржомлари матбаҳида тамаъ ўтуни ёқиб савдойи хом таомин мундоғ пишурдиларким, издиҳоми тамом ва ғалабаи молокалом била келиб, қути доямут учун мамолики маҳрус хирманлари бугдойидин бир нима ола олғойлар ва ё ўз кўнгуллари хирмониға ҳасад ўти тушгондек камоли шарорат шарридин ҳар хирманға ўт солғойлар. Ложарам бу хаёли фосид ва таманнойи косид била ул шақоватойин муфсидлардин уч мингдин зиёдароқ отлиғ иттифоқ била Хивақ музофоти чаповули учун таважжуҳ юзин урдилар ва заллат маркабин жаҳолат жодасиға сурдилар. Бу воқеа хабари шаввол ойининг йигирма бешиде жумъа куни атабаи давлатпарвар мулозимларининг сомиъан саодатасарлариға етиб, мавқифи салтанатдин ҳукми қазокирдор бу ёнлиғ иззи исдор топтиким, давлат арконининг сарафрозиди Маҳмудниёз ясовулбоши бош бўлуб, хизмат учун келган така ва сориқ лашкаридин бир гуруҳ ва остони давлатпосбон мулозимларидин бир жамоа ва орол ва қароқалпоқ тавойифининг борча бий ва юзбошилариким, Эрназарбийининг қалъасин фатҳ қилиб, даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозиматиға келиб, ҳануз ўз юртлариға муовадат қилмамиш эрдилар, иттифоқ била ямут муфсидларининг истиқболиға чиқиб, ул жамоан бадфаржомнинг қитолу жидолиға иқдом кўргузгайлар ва фуқарову раоё амволиға душман дастбурдидин ҳиросат ва муҳофазат русумин тузгайлар. Маъмурлар фармони вожибилимтинон муқтазоси била мазкур бўлгон кун намозшом ҳангомидин сўнг отланиб, гуруҳ-гуруҳ шаҳардин

чиқиб мақсад жонибига жалодати тамом била хиром кўргуздилар. Тонгласиким, шанба куни эрди, намози бомдод вақтида Шайх қалъасидин ўтуб, Ғозиобод қалъасининг жанубий жонибидаги Зейкашга ёвуқ еткон ҳангомда душман черики саводин узоқдин кўрдиларким, бир ерда таваққуф кўргузуб, Ғозиобод ва Ўзбакёф ва Бурлоқ ва ул атрофдоғи ўзга қалъалар устига гуруҳ-гуруҳ лашкарни чаповулга йибормишлар.

Чун хуршиди жаҳонгард чобуксувори сипеҳр арсаида шиёои тийғи ламъасин намудор қилди ва зиё лашкари суфуфиға тасвия ва таъбия русумин изҳор этти, икки фирқа бир-бирига мулоқи бўлуб, ўзларин асбобин асбоби ҳарб ва олоти зарб била мукамал ва мусаллаҳ қилиб, ҳар тарафдин черик ясовиға оро бериб, буронғор ва жувонғориға жалодатшиор муборизларнинг маҳобатосор вужудлари била зебу зийнат еткурдилар. Чун икки лашкар сафлари бир-бирига муқобил бўлуб, масоф маъракаси орасталиғ топти, икки тараф баҳодирлари жалодат якронин муҳораба майдониға сурдилар ва бир-бирининг қасдида синони жонситон ва шамшири хунафшон ва тўфанги раъднишон истеъмолиға илик урдилар ва далирона ҳамлалар била муҳораба ва муқотала маъракасин рустамона қурдилар. Савош ва талош русумида Рустам ва Исфандиёр руҳиға ниҳоятсиз ҳайронлиғ ва саросималиғ еткурдилар. Маснавий:

Набард аҳли ҳар ён суруб рахши тез,  
Ситез ила зоҳир қилиб рустахез.  
Хиром айлабон арса ичра далер  
Чекиб наъра ондоқки гурранда шер.  
Отиб чувлакк бирла баъзи тўфанг,  
Уруб сийнаи хасмини бедираиғ.  
Олиб кийи ила қўлга баъзи синон,  
Адусиға зоҳир қилиб қасди жон.  
Ҳавола қилиб баъзи шамшири тез,  
Қилиб душмани пайкарин рез-рез.  
Уруб баъзи қаҳр ила гурзи гарон,  
Йиқиб хасмининг бошиға осмон.  
Бу ёнглиғ бўлуб икки лашкар қарин,  
Бирин-бирига кўргузуб қаҳру кин.  
Ғаҳи бу анга еткуруб зўрдаст,  
Бериб ҳамла бирла сафиға шикаст.  
Ғоҳи ул мунга ҳамлалар еткуруб,  
Жидду жаҳд бирла кейинрак суруб.



Гаҳи бу онга кўргузуб рустахез,  
 Гаҳи ул мунга зоҳир айлаб ситез.  
 Сурон ила солдилар икки сипоҳ,  
 Ки бўлди аён даҳр ила ҳашроҳ.  
 Саросар тутуб ер юзини думон,  
 Кўрунмай жаҳон аҳлига осмон.  
 Чиқиб кўкка ер, гард андозасиз,  
 Ер олтию афлок бўлди сегиз.  
 Тутуб авж қон мавжи гардунгача,  
 Олиб ер юзин тоғу ҳомунгача.  
 Савош икки ён бемадоро тутуб,  
 Қиёмат куни ошкоро бўлуб.  
 Гаҳи бу топиб дасту фатҳу зафар,  
 Гаҳи ул бўлуб зўру нусратасар.

Бу ёнглиғ жанги мағлуба муддати бомдод намози ҳангомидин офтоби жаҳонтоб сайри пешин мақомига етгунча имтидод топиб, сипоҳи нусратпаноҳ муборизлари, хусусан така ва қароқалпоқ баҳодирлари шерона талошлар ва рустамона савошлар зуҳурга еткуруб, мутаоқиб ҳамлалар билан неча мартаба аъдо суфуфиға тазалзул ва бинойи истиқоматиға таҳалхул бериб, илгари сурдилар. Ёвуқ эрдиким муфсидлар шикаст топиб, хазимат майдониға азимат якронин сургайлар. Аммо ул ҳолда муфсидларнинг атрофу жавонибға чоповул учун кетгон оглиғлари ҳар тарафдин гуруҳ-гуруҳ келиб, оларға қўшулуб, бунёди истиқоматлари истеҳком топиб, бағоят қавидил ва мустазҳар бўлдилар ва ҳайъати ижтимоъ биладан от солиб, ҳамалоти мутаоқиб билан борча бирдин лашкари зафарпарвар устига тўкулдилар. Сипоҳи нусратпаноҳ озлиқ жиҳатидин андак кейинроқ қўзғолиб, Шайх қалъасининг атрофида таваққуф қилиб, тоғдек тамкин ва сабот кўргуздилар ва мутаҳоввирона ҳамлалар билан муҳораба ва муқотала русумин туздилар. Пешин чоғи муфсидлар муҳораба амридин илик тортиб, муқотала майдонидин оёқ чекдилар ва бир фарсахлиқ масофат илгари бориб, бир мавзеъға нузул этиб истироҳат қилдилар. Ҳамул кеча шабгир қилиб, истеъжолни тамом билан ўз ўбалари жоннибига юз урдилар.

Маҳмудниёз ясовулбоши доғи ҳамул ақшом сипоҳи давлатпаноҳ билан музаффар ва мансурға мурожаат қилиб, остони саодатнишон мулозаматиға етти. Мазкур бўлгон урушда бу тараф муборизларидин тахминан ўн чоғлик

киши шаҳодат даражасига етти. Тоифан қалпоқдин рус-тамшижоат ва миррихсалобат, таҳоввур аҳлининг қўлдоши Ражаб юзбоши бошлиқ икки-уч киши захмдор бўлдилар ва инъоми подшоҳона шифохонасидин илтиём марҳамин топиб, шодкомлиғ ҳосил қилдилар. Ул орол қунгироти ако-биридин Қутлуқмуродбий тақдир сарпанжасига асир бўлди. Аммо ямут муфсидларидин йигирмадан зиёдароқ киши баҳодирларнинг буррон тийғлари ҳайъатининг ишорати била адам уқубатгоҳи сори равон бўлдилар ва беш-ўн чоғлиқ кишиси оғир захм кўтардилар. Олар доғи сўнгроқ ҳамул захм заҳматидин охират кулфатхонасига бордилар.

Муҳаммад Яъқуб маҳрамким, муфсидларнинг Хивақ сори озим бўлгонин эшитиб, Ҳилолийдин бир гуруҳи анбуҳ била отланиб, илғор қилмиш эрди, ҳамул кун кечрак Ғозиобод қалъасига келди ва тонгласи ямутнинг муовадат қилгонин таҳқиқ билгондин сўнг қайтиб яна Ҳилолийга борди.

Яна улким шаввол ойининг йигирма тўққизда, сешанба куни ҳазрати соҳибқирони гитиситон борча қўнғирот ва қароқалпоқ тавоифининг бий ва юзбоши ва қадхудо-лариға илтифоти хисравонадин сарафрозлиғ еткуруб, ўз юртлариға мурожаат қилмоқ рухсатин берди ва буюрдиким, жамеъи орол ва қароқалпоқ черикин йиғноб, зулқаъда ойининг авохирида ямут муфсидларининг қасди била Кўҳна Урганчга етушгайлар. Олар фармони лозимулизъонни дилу жон била қабул қилиб, юртлари жонибиға шоду хандонлиғ била равон бўлдилар.

Яна улким, Гандумкон мавзеидағи боғи дилкушо ва ҳавлийи пурсафоким, ҳазрати соҳибқирони иқболпосбоннинг бузруквор отаси жаннатмакон Абулғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхоннинг меъмори илтифоти била маъмур бўлмиш эрди ва ул ҳазрат фавтидин сўнг ҳамул боғ ва ҳавли валади аршади амири кабир Раҳмонқули иноқға ва ондин сўнг онинг фарзанди аржуманди Мусотўрага мерос қолмиш эрди. Мусотўра вафот топиб, ондин ҳеч фарзанд қолмади. Бу овонда ҳазрати соҳибқирони мамоликситон ҳамул боғи жаннатнишон ва ҳавлийи майманатмаконни атрофидағи назоҳат иқтирон мазраалари била батариқан ирсий мулки холис қилиб, қабзаи ихтиёриға олди ва ҳийтан иқтидорига солди...

Яна улким, зулқаъда ойининг сегизда, панжшанба куни фармони лозимулимтинон мужиби била аркони давлат аёнидин саркардаи олийшон Маҳмудниёз ясовулбоши

қароқалпоқ лашкарин жамъ этиб, Кўҳна Урганчга еткурмак учун озим бўлди. Қароқалпоқия аросиға бориб, ул ақидатасар элнинг борча навкарин йиғноб, Хўжаэлига бориб, кўб муддат таваққуф кўргузди, токим мавқифи иззу иқболдин на ёнглиғ ҳукми саодатмаол содир бўлғай. Муҳаррам ойининг авоситида ишорати лозимулбашорат мужиби била қароқалпоқ черикининг кўпракин Тошҳавзда амирулумаро тўранинг хизматиға йибориб, ўзи мазкур элнинг баъзи навкари била Кўҳна Урганчга бориб мутаваққиф бўлди.

Яна улким, мазкур ой, яъни зулқаданинг ўн иккисида душанба куни ҳазрати соҳибқирони гитиситон ямуд кадхудоларининг илтимосиу истидоъси била аркони давлат ақобиридин умаройи эзом зумрасиға фойиқ заҳируддавла Муҳаммадсолиҳ оталиқ ва... Ибодулла эшонни элчи қилиб июнату истимолатнома била Отамуродхон бошлиғ ямуд саркашлари жонибига ирсол қилди. Маъмурлар фармон мужиби била ҳамул муфсидлар оросиға бориб, ҳазрати соҳибқирони комкорнинг июнатономаи саодатосорин еткуруб, каломи фасоҳат анжомлари якронин мавъаза ва насихат майдониға сурдилар. Аммо ул шақоватосор мутамарридларким, мувофақат тариқининг баргаштаси ва мухолафат водисининг саргаштаси эрдилар, шарорати зотий муқтазоси била ул носихи мушфиқларнинг насихатлари гушворасин қабул қулоқиға солмай ва хирад аҳлиға маъқул тушкудек жавоб топширолмай, ҳар уруғдин бир неча киши қўшуб, номасмуъ узрлар билан қайтардилар. Мазкур элчилар мазбур ойнинг йиғирма еттисида, сешанба куни остони сипеҳрнишон мулозаматиға етиб, аҳли фасод ва арбоби иноддин кўргон афъолу эшитгон ақволни мавқифи арзға еткурдилар.

Яна улким, умаройи садоқатинтисобдин Авазмурод миробким, қиёт дудмонининг иззатмаоби эрди, илтифоти подшоҳонадин Бухоро элчилигига номзад бўлмиш эрди, андоқким юқорида баён килкининг рақамзадаси бўлди, қатъи мунозил ва таййи мароҳилдин сўнг Бухоро шаҳриға дохил бўлуб, бир неча кун таваққуф кўргузди. Нединким, Бухоро волийси амир Насруллоға Шаҳрисабз улуси неча йилдин бери мухолафат ва адоват кўргузуб, инқиёд ва итоат доирасиға мувофақат ва мутобаат қадамин қўймас эрдилар. Амири мазкур ҳар йил карратан маррот олар қасдиға лашкар чекиб, муҳоработи бисёр ва муқоталоти бешумор зуҳурға еткурур эрди. Ул ошонда доғи ҳамул дас-

тур била Шаҳрисабз устига бориб, ғалабаи тамом била мусаххар қилиб, дасти тасарруфига киргузуб, ҳамул диёр маҳомининг саранжомига машғул эрди. Чун Авазмурод миробнинг сафорат расми била Бухорога ворид бўлуб, онда таваққуф кўргузгонин эшитти, киши йибориб, Шаҳрисабзга талаб қилиб, подшоҳона лутфу навозишлар кўргузуб, онинг борасида таъзим ва такрим шароитин бажо келтурди. Бир неча кундин сўнг иззати тамом била мурожаат рухсатин берди ва ўзининг муътаמידунилайҳ умаросидин Иброҳимбий юзни элчилик тариқаси била онга масхуб қилиб, ихлос ва ақидат юзидин муҳаббат ва муволафатнома ирсол қилди. Олар масофати баъидани тийғу суръат била қатъ этиб Бухорога еттилар. Ондин азимат якронин наҳзат майдониға суруб, манозили мутанаввиа қатъидин сўнг зулқаъда ойининг ўн етгисида, якшанба куни атабаи аъло хокбўслиқи саодатиға фойиз бўлуб, амир Насруллонинг йиборган туҳфоту мактуботин назарин анвар мутолаасиға еткурдилар. Илтифоги подшоҳона Иброҳимбийнинг холиға шомил бўлуб, элчихонаи мусаффога тушурулди ва ўз тақозосидин зиёдроқ вазойиф ва таҳойиф онга марсум бўлди. Йигирма олти кун муддати икки эосидин сўнг зулҳижжа ойининг ўн бешида шанба куни ҳилоъи подшоҳона ва навозиши хисравона била онга мурожаат рухсатин бериб, Кот ақобиридин Отаниёзбек қўнғиротниким, арқони давлат иозимидин эрди, элчилик расми била қўшуб, муволафатномаи номий ва савғоти киромий топшуруб, Бухоро сувбиға ирсол қилди.

Яна улким, зулҳижжа ойининг йигирма тўққизиди, шанба куни ямут жамоасининг мутобаат доирасиға итоат қадамин қўйгон тавойифининг илтимоси била баъзи шароратпеша ва залолатандеша ҳаромиларининг итминон хотири учун истимолатнома топшуруб, вилоятпаноҳ, ҳақиқатогоҳ, кароматнишон Ибодулла эшонни ямут орасиға йиборилди. Сўнгги кунким, якшанба эрди, санаи ҳижрий минг икки юз етмиш учга интиқол этиб, муҳаррам ойининг ҳилоли шўхлар қошининг хаёлидек ҳайъати марғуб била жилвагар бўлди. Ҳамул ойининг ўн бирида чаҳоршанба куни ямут ва ямроли тавойифидин Бобобаҳши ва Оллоқули вакил ва Отаниёзхон бошлиғ бир жамоа кадхудолариким, моддаи фасод ва хаамири мойий инод эрдилар, журму исёнларидин нодим ва пушаймон бўлуб, Ибодулла эшоннинг шафоати домониға даст истемон уруб, қўнғирот умаросининг иззат ва шавкатниҳоди Қутлуқмуродбийниким,

бир неча муддатдин бери ул жамоанинг қўлида асири сарпанжан тақдир эрди, ўзлари била ҳамроҳ келтуруб, атабан давлатпарварнинг кимйёасар туфроқиға изтирори тамом била ажзу инкисор бошин уруб, жаройими қадима ва авоспми жадидаларидин тавба ва истиғфор кўргузуб, изҳори эътизор қилдилар. Ҳазрати соҳибқирони гитиситон камоли карамдин... ул тоифанинг тавба ва истиғфорин қабул қилиб, жаройиди исёнлариға афву эҳсон рақамин чекти ва иғминони хотирлари учун нуқуди фаровон ато қилиб, мурассаъ камарлик муламмаъ хилъатлар кийдурди ва навозиши мулукона била борчасининг рамида замирлариға кому ором еткурди. Олар ўз нисбатида ул ҳазратниғ эҳсону иноятин комилу шомил топиб, мазкур ойнинг ўн учиди жумъа куни рухсат олиб, баъзи қолғон саркашларни остонбўслиқ шарафиға еткурмак учун мазкур эшонни ўзлариға ҳамроҳ қилиб, муовадат эттилар ва ямут орасиға бориб, ҳазрати соҳибқирони гитистондин кўрган марҳамат ва эҳсонларин аҳли инодға бир-бир баён қилиб, мухолафат шаоматидин таҳзир ва мувофақат саодатиға тарғиб кўргузуб, мусолаҳа жодасиға далолат қилмоқда, саъийи машкур ва қўшеши ғайри маҳсур русумни туздилар. Борча инод ва инқиёд аҳли истихора ва истишорадин сўнг иттифоқ била ўз маслаҳатларин мусолаҳа ва мутобаат қилмоқда кўруб, Абдуллахоннинг воқеаи ҳойиласидағи қолғон тўблар ва туғлар ва баъзи асбобни йиғноб, ҳар урудин бир неча муътабар кишиларга топшируб, мазкур эшонға қўшуб, инкисори тамом ва эътизори молакалом била остони давлатпосбон зиёратиға равон қилдилар. Олар моҳи мазкурнинг йигирма олтисида панжшанба куни атабабўслиғ шарафиға истисъод топиб, илтифоти подшоҳона жомидин сармасти нашъаи мурод бўлдилар. Моҳи мазкурнинг йигирма тўққизида якшанба куни оларга мурожаат рухсатин бериб, яна машойихи эзомдин Ибодулла эшон ва Собир эшон ва Муҳаммадназарбек ибн Шохниёз оталиқни қўшуб йиборилди, токим ямут орасиға бориб, мусолаҳа биносиға аҳди паймон била истеҳком бериб, баъзи хизлон водийсининг саргашталарин роҳи ростға далолат қилиб, мувофақат доирасиға киргузгайлар. Олар фармони қазожараён мужибни била қатъи манозилдин сўнг ямут муфсидлари орасиға дохил бўлуб, сулҳ сўзин ораға солиб, мушфиқона насихатлар қилиб... худо ва расул ва подшоҳи иттипатиға тарғиб ва таҳрис кўргуздилар. Аммо муфсидларнинг мушаддад ва шақийроқлариким, олардин

улуғ гуноҳ вуқуъга етмиш эрди, ҳазрати соҳибқирони кишварситоннинг қаҳри сатвати ва ғазаби салобатиндин мутаваҳҳум бўлуб, остонбўслиқ саодатиға мушарраф бўлмоқдин ибо ва имтиноъ кўргузуб, мазкур бўлгон эшонларнинг ваъз ва насихатларигақим, ҳақиқатда сабаби иззати дунё ва шарафи охират эрди, камоли шақоватдин қабул қулоқиға олмай, номаъқул узрлар била қайтардилар.

**АМИРАЛУМАРО, МАРЖАЪАЛКУБАРО СИПАҲСОЛОРИ  
АЪЗАМ ШАҲЗОДА САЙИИДМУҲАММАД ТУРАНИНГ  
ДАБДАБАИ ТАМОМ БИЛА ТОШҲАВЗДИН НАҲЗАТ  
ҚИЛИБ, КАВКАБАИ МОЛОКАЛОМ БИЛА ҲИЛОЛИЙ  
ҚАЛЬАСИНИНГ ҲАВОЛИСИДА МУАСКАР ТУЗМАГИ...**

Бу муҳораба майдонининг мусолаҳақўши ва бу мухолафат уммонининг мувофақатжўши, аъни хомаи мушкиншамома бу ёнглиғ гармҳангома бўлурким, чун ямут муфсидлари камоли жаҳолат ва ғоятти залолат муқтазоси билаким, оларнинг зоти хабосатсимотида музмар ва тийнати касофатоётида мухаммирдур, итоат ва инқиёд қилодасиға мутақаллид бўлмоқдин ва атабаи осмонмартаба хокбўслиқиға келмақдин иблиси лани ёнглиғ або ва истикроҳ оятининг фаҳвоси била або ва истикбор кўргузуб, мусолаҳа иддаоси била боргон эшонларни бенайли мақсуд қайтардилар. Ложарам, ҳазрати соҳибқирони гардуни эҳтишом ул тоифайи накбатанжомнинг танбеҳу гўшмолин илтизом қилиб, тоқлари доирасин танг қилмоқ учун ўзининг биродари бузруквор ва ахавийи саодатосори... шоҳзода Саййидмаҳмуд тўрақим, тўрт ой муддатидин бери сипоҳи нусратпаноҳ била Тошҳавзда мутаваққиф бўлуб, мамолики маҳрусса ҳиросатиға машғул эрди, мавқифи жоҳу жалолдин ёрлиғи лозимулимтисол бу мазмун била ирсол қилилдики, Ҳилолий ҳаволисиға бориб, шарорат маол муонидларнинг таъдибу гўшмолиға иштиғол кўргузуб, аҳволиға танглик еткурсун. Агар муонидлар сидқу ихлос юзидин қилгон исёнларидин пушаймон бўлуб, инод майдонидин қайтиб инқиёд мақомиға келиб, сулҳ талаб қилса, дохили музоҳим бўлмай, мусолаҳа қилиб, ҳамул атрофининг маҳомиға интизом бериб, муружаат қилсун.

Чун амирулумаро бу ёрлиғи жаҳонматое мазмуниға иттилоъ топти, қабул кўзиға суртуб, дарҳол ёрлиғ мазмуниға имтисол кўргузуб, муҳаррам ойининг салхида

бетааллул ва бсиҳмол азимат самандиға рокиб бўлуб, наҳ-  
зат навосини жилваға киргузди ва сипоҳи маҳшар дастгоҳ  
ҳамроҳлиги билаким ҳаддин афзун ва қиёсдин берун эр-  
ди, раҳнавардлик расмин тузди. Маснавий:

Бўлуб рокиб амири чархисавлат,  
Ҳилолий сорига қилди азимат.  
Тузуб саф кейнида хайли сипоҳи,  
Тутуб афлоки жавфин гарди роҳи.  
Юруб аснофи лашкар фавж бар фавж,  
Вале ҳар фавж уруб дарё киби мавж.  
Шукуҳидин бўлуб афлок музтар,  
Вуруди бирла жисми хок музтар.  
Таку пўси солиб оламға ошуб,  
Ҳаё-ҳуси ети торамға ошуб.

Бу ёнглиғ жунуд бемар ва жууюши ҳайбатгустарни  
дарёйи мавжурдек масофат қатъида жўшу хурушға киргу-  
зуб, кавкабаи салобатасар ва дабдабаи маҳобатпарвар  
била Ҳилолий қалъасининг ҳаволисига ворид бўлуб, ҳу-  
зури қуёшидин ул қалъа аҳлининг бошлариға беҳжат ва  
сурур партавин солди. Ул ҳисори фалакмадорнинг ғарбий  
жонибида асокири зафаршиорнинг борча аснофу анвоига  
мақарру муаскар таъйин этиб, хиргоҳи фалакиштибоҳ ва  
хайёми сипеҳр эҳтишомнинг қубоби хуршидтоб ва шуму-  
си саодатмаънусин меҳри дурахшон қуббаси ва моҳитобон  
қамасидин ошурди ва нузули шарофатвусули файзидин  
ҳамул маконға жинон бўстонидек таровати тоза ва назора-  
ти беандоза еткурди. Лашкари зафарқарин аснофи доғи  
ул муаскарда манзилгузин бўлуб, анвоёи хаймаву хиргоҳ  
ва гуногун пешхонаву боргоҳ ва ранго-ранг саропардаву  
шамёна ҳайъатидин Чин шаҳри суратин намудор ва хул-  
диборин зийнатин ошкор килди. Маснавий:

Аён этти ҳамул фархунда мухайям,  
Вуфури ҳаймадин шаҳри муаззам.  
Ҳамул шаҳр ичра лашкарнинг ҳужуми,  
Фалак қўргонининг хайли нужуми.  
Адад ичра фузун саҳро қумидин,  
Демой саҳро қуми, кўк анжумидин.  
Тўлуб хайли сипаҳдин ул ҳаволи,  
Ки игна урғудек йўқ жойи холи.

Халойиқ издиҳомидин саросар,  
Ҳамул мавзеъда пайдо бўлди маҳшар.

Чун амирулумаро тўра бу ёнглиғ кавкабаи воло ва са-  
лобати ҳайратафзо била муаскари зафарфаржомга нузул  
этиб ором тутти ва лашкари нусрат асар зилзиласи олам-  
га сарто-сар этиб, сипоҳи жаррор ғулғуласи сипеҳри дав-  
вор ҳисори зурвасидин ўтти, ямут тоғийларининг доираи  
жавлонгоҳи танг бўлуб, марказдек муҳити мухотарада  
қолдилар... Лашкари жаррор ва сипоҳи бешуморнинг га-  
лабаи издиҳоми ва тийғи интиқомидин хотири кудуратма-  
осирлариға хавфу ҳарос ғолиб бўлуб, итоат ва инқиёд та-  
риқида сулук этмакдин ўзга чора топмадилар. Бир неча  
муддатдин бери жамеъи Хоразм мамоликида ғалла нар-  
хида гаронлиғ этиб, хусусан ул шароратшиор жамоанинг  
орасида маскани маълуф ва ватани маъруфларидин ай-  
рилиб, экин экаолмагон жиҳатдин қаҳат ва ғалло балоси  
истило топиб, мусғаба шиддатидин баъзининг руҳи қуши  
ажал маслаҳи ва адам матбахи сори чопиб... баъзиси ҳа-  
ром ва мурдор емакни ўзларига ҳалол билдилар... Чун ул  
жамоа кўрдиларким, бир тарафдин асокири нусратмаосир  
ҳужумининг ҳароси ва бир тарафдин қаҳат ва ғалла ҳу-  
мумининг истилоси оларни олти жиҳатдин қуршаб, нажот  
йўли мадрус ва ҳаёт қуши манхусдур. Ложарам, Бахши ва  
Вакил бошлиғ бир неча кадхудолариким, бу давлат шаъ-  
нида зоҳиран сидқу ихлосдин дам урар эрдилар, иттифоқ  
била инод аҳлининг орасида улуғ мажмаъ тузуб, Отаму-  
родхон ва Муҳаммадвали ва Билимверди инглисниким,  
шарорат ва талбисда иблисни эътибори назарига илмас  
эрдилар ва авбошу ҳаромиларға бош бўлуб неча муддат-  
дин бери муониду муозадат жодасидин асло тажовуз қил-  
мас эрдилар, таҳдид ва тахвиф юзидин иноду саркашлик-  
дин зажру манъ қилиб, итоат ва мутобаат сироти муста-  
қимиға далолат кўргузуб, маслаҳат тариқаси била деди-  
ларким: «Ниҳоятсиз лашкар бизнинг қасдимизга ҳаракат  
кўргузуб, кийну ғазаб майдониға қадам қуюбдурлар ва  
яна очлиқ ғалабасидин борча улус ҳалокат мақомиға этиб,  
жонларидин тўюбдурлар.

Эмди ҳазрати соҳибқироннинг фармони лозимилизъ-  
они мужиби била амал қилиб, итоат ва инқиёд василаси ва  
мадорову мувосо воситаси билан ўзимизнинг маскани маъ-  
луфимизга бориб, мамолнки маҳрусса бозорларидин ғал-  
ла сотғун олиб, садди рамақ қилмасак, борча ҳалокат



маъразиға етиб, ўғлону ушоқ мутафарриқ ва паришон ва оворалиқ даштида мафқуд ва саргардон бўлғусидурлар. Маслаҳат улким, ҳама иттифоқ била тийғ ва кафан буюнларимизға осиб сипаҳсолори аъзам амирулумаро тўранинг остони давлат ошиёни хокбўслиқиға бориб, итоат бошин убудият туфроқиға қўюб, асли ватанимизға кўчуб бормоқ рухсатин олғаймиз ва бу итоат шарофатидин ўзимизни ҳалокат ва залолат тангносидин тошқари солғаймиз. Бу маслаҳатдин ўзга нажот йўлин хаёлга келтурмак муҳол ва мумтанаъул аҳтимолдур. Эмди керакдурким, сизлар доғи бизлар била бориб, остонбўслиқ шарафиға етгайсиз ва ажзу инкисор била мутобаат ва убудият русумин ул жаноб мулозимлариға изҳор этгайсиз, токим бу васила била ўзларингизни залолат ва шақоват доирасидин тошқари чиқоргайсиз ва барча фуқаро ва бароёни доғи қаҳат ва жўъ ибтилосидин қутқоргайсиз. Назм:

Келинг, эмди тарки шарорат қилинг,  
Аволамр шаҳға итоат қилинг.  
Ки шоеъ бўлуб қаҳату усрат баса,  
Етушти халойиқға меҳнат баса.  
Улусни бу ғам қайдидин қутқоринг,  
Гулистони роҳат сори бошқоринг.  
Йўқ эрса ҳама икки оламаро,  
Бўлурсиз сарафкандаву юз қаро.

Чун итоат тариқида ихлос била истиқомат кўргузгон ямуг ка, худоларининг мундоқ насиҳатомиз ва ибратангиз сўзларини Отамуродхон ва Муҳаммадвали ва Билимвердинглис бошлиғ инод аҳлининг сардор ва саромадлари эшиттилар. Ул меҳрибон мушфиқларнинг бу янглиғ бегараз насиҳатларин ихлос ва эътиқод юзидин қабул эттилар ва залолат дойирасидин аёқ тортиб, ҳазрати соҳибқироннинг хизмат ва фармонбардорлиқи қилодасиға бўюн қўйдилар. Бу бобда сидқу ихлосларин аён қилмоқ учун борча иттифоқ била амирулумаронинг жаноби фалакфарсосиға ажзу инкисор юзидин аҳднома ёздилар. Бу мазмун била ким:

«Неча муддатдин бери биз рўсиёҳлар камоли жаҳолатдин қадамфарсойи жодаи инод ва саргаштаи водийи фасод бўлуб, ҳазрати соҳибқироннинг занжири итоатидинким, силсилаи давлатдур, гарданкашлик қилиб толеъи мушавваш шаоматидин улчаким жазо ва сазомиз эрди,

кўрдук. Эмди барча афъоли ношойиста ва аъмоли нобойистамиздин тавба қилиб, давлати абад муддат урватул-вусқосига чанги эътисом уруб, борча элу аҳшомимиз била аввалги масокину мавотинимизга кўчуб бориб, атабаи фалакмартаба мулозимларининг хизматкорлиғ ва жонсипорлиғларида то жон борица ихлос ва эътиқод русумин зуҳурга еткурурмиздур. Аммо ул жанобнинг мавкиби зафармаоб ва лашкари нусратинтисоби Ҳилолий мавзеида муҳайё ва омода бўлуб тургон ҳолда биз халқ аёлу атфол ва амвол била кўчуб, ул лашкар орасидин ўтмакка қўрқармиз. Эмди ул жанобдин илтимосимиз буким, бу меҳнатзадалар аҳволига раҳму шафқат кўргузуб мавкиби қиёматоташубни Ҳилолийдин Хивақ сори кўчуруб, фуқаро ва раоёга амният йўлин очсалар, токим борча элу аҳшом ва амволу ағномимиз била аввалги маскан ва мақомимизга кўчуб бориб, форигбол ва осудаҳол бўлуб, остони салтанатнишоннинг мулозимлари оллида убудият камарин боғлаб, бурунғидин зиёдароқ ихлос ва ақидат кўргузуб, ҳар турлук хизмат буюрсалар, жону дил била қабул қилиб, жонсипорлиғ ва хизматкорлиғ маросимин тақдимга еткурурмиз...»

Бу итоатнома биносин дуруст аҳду паймон била мушайид ва ғализ онту имон била муаккид қилиб, борча машоҳиру сардорлар бу нома зайлига отларин ёзиб, жамеи ақобиру мўҳрдорлар мўҳрларин босиб, Бобобахши бошлиғ баъзи ростгуптор ва дурусткирдор ва муътамадунилайҳ кадхудоларга топшуруб, камоли ажзу шикасталик била ирсол қилдилар. Мазкур кадхудолар иқбол қойи дининг раҳнамолиқи била амирулумаро Тўранинг жаноби давлатинтисоби хокбўслиқи шарафига истисъод топиб, ҳамул итоатномани таъзимин тамом ва такрими молокалом била ул жанобнинг назари анвари мутолаасига еткурдилар. Ул жаноб ўз мулозаматидағи борча умаро ва кубаронинг иттифоқи ва ҳазрати соҳибқироннинг фармони олийшони мужиби била ул жамоанинг инқиёду итоатин мақбул ва илтижоу илтимосин мабзул тутуб, келгон кадхудоларни тиллодўз хилъатлар бахшишидин баҳраманд қилиб, ҳамул итоатнома жавобида хушхўйлик ва мулойимгўйлик била ижобатнома битиб, ҳамул кадхудоларга топшуруб, навозишлар била ижобат бериб қайтарди.

Ул жанобнинг ўзи доғи ҳукми олий мужиби била Ҳилолийдин ўрдуйи ҳумоюнни кўчуруб, мурожаат тариқиға наҳзат маркабин сурди. Тошҳавзда манзилгузин бўлиб...

аснофи лашкарияға ўз масокину амокинига қайтмоғ рухсатин бериб, хушҳол ва масрур қилди. Ўзи умаройи эзом ва сипаҳдори киром ва махсус мулозимлар била озим бўлуб, рабиулаввал оининг учиди, жумъа куни доруссалтанаи Хиваққа келиб, ҳазрати соҳибқироннинг дийдори шарофатосори анворидин дийдаи интизорин равшан қилди. Ул ҳазрат камоли карамдин амируламаро Тўра бошлиғ барча умаро ва саркарда ва сипаҳдорни авотифи хисравонаға махсус тутуб, тавсани тўпчоқ ва тилло пичоқ ва хилъати заррин ва футай самин инъоми била хуршиди жаҳонтобдек сарафроз ва комёб қилди...

Чун амирулумаро Тўра ямут кадхудолари била мусолаҳа қилиб ва илтимосларин қабул этиб, Ҳилолийдин мурожаат қилди, ямут тавойифи ўлик баданларига жон муждасин ва хаста танларига руҳи равон навидин топғондек бағоят хуррам ва хушҳол бўлуб, борча иттифоқ била орзу ва омол юкин азимат маҳмилига боғладилар. Аммо аҳли туғён ва арбоби исён саромадларидин Отамуродхон ва Муҳаммадвали ва Билимверди инглизким, моддаи фасод, маншоъи инод эрдилар, ҳазрати соҳибқироннинг қаҳри ғазоби сатватидин замири хабосат тахмирларига ваҳму ҳарос истило топиб, ямут гуруҳи била кўчмай баъзи узрға мутамассик бўлуб, остони давлатпосбон мулозаматиға сўнгроқ келмакни ваъда қилиб, муфсидлардин бир гуруҳ билаким, ўзларининг ҳешу ақрабо ва мутобеълари эрди, Хонобод мавзеъидаким мутамаккин эрдилар, таваққуф кўргуздилар. Ўзга ямут тавойифи ондин кўчуб амволу мавоши ва асбобу ҳавоши ва эҳмолу асқол ва аёлу атфоли била келиб, Оқсарой ва Музкўмгон ва Бадркент ва Ёнгиёф ҳудудидаким, ўзларининг маскани аслийси эрди, ҳар ким ўз ерининг устида мутамаккин бўлди. Аммо қолғонлори доғи сўнгроқ ажзу инқисор била даргоҳи фалакмадор хокбўсликиға етиб ую эли била кўчуб келиб, қадимий ватанларида мутаваттин бўлдилар.

Ўзга тарокима тавойифи доғи ҳар қайси бир тарафга мутафарриқ бўлмиш эрдилар, жамъ бўлуб, ҳар тоифа ўзининг қадимий еру юртиға келиб мақом ва ором туттилар. Аммо кўклон тоифасининг кудуратнишон кўнгулларига рўйбу ҳарос муставли бўлуб, неча йилдин бери унс тутғон манзилу маконидин кўнгул кўтариб, кўргонга бормоқ нияти била борчаси Хоразм музофотидин кўчтилар. Ямроли тоифасидин Авазмұхаммад Вакил доғи сиёсати подшоҳонадин мутаваҳҳим бўлуб, ўзининг тавобеъ ва ақра-

босидин бир гуруҳ била кўчиб кўклонга қўшулди. Ва иттифоқ била азимат ишига жозим ва суръат амрига озим бўлдилар. Манозили мутакассира қатъ этиб, Хуросон худудига етконда Курдистон хонларидин Жаъфарқулихон-ким, ҳамул атроф хонларининг қудрат ва шавкатнишони эрди, кўклон ва Ямроли кўчин Доғистон ичида Қориқалъа отлиғ мавзеъга тушуруб ул мавзеъда аларга маъво ва сукно муқаррар қилди.

### ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОНИ ЖАМШИДНИШОННИНГ ҲУМОЮН ХОТИРИ ШОҲБОЗИН ШИКОР ҲАВОСИДА ПУРАФШОН ҚИЛҒОНИ...

Сухандонлиғ ҳавосининг шоҳбози баландпарвози ва нуктаронлиғ байдосининг шунқори барқтози, аъни хоман жалодатшиор маони сайдларин бу ёнглиғ шикор қилурким, ҳамул йил, яъни санаи минг икки юз етмиш тўртда, йилон йили ҳазрати соҳибқирон... Саййид Муҳаммад Баҳодирхон... шикор ҳавосида болафшон ва нишот фазосида гармжавлон қилмоқ тилаб, саҳро сайрин ва шикор азмин жазм этти. Назм:

Кўнгул, ўзни ишрат била шод тут,  
Кудуратни даврондин озод тут,  
Сукундин етушса қудурат санго,  
Эрур сайр қилмоқ зарурат санго.  
Етушгой санго шодлиғ сайрдин,  
Бори ғамдин озодлиғ сайрдин.  
Жаҳат будурур шоҳи ҳикматшиор,  
Қилур гаҳ гаҳи азм сайру шикор.  
Тиббият кушойишга восил бўлур,  
Басе тажруба боғи ҳосил бўлур.

Сафар асбоби таҳияси учун карам хазойини эшикларин очиб, базлу панжаси била ниҳоятсиз дунё ва дирам сочиб, борча умарову кубаро ва аъни ҳазрату аркони давлат ва жамеъи хадаму ҳашамни ўз мартабаларига лойиқ ва ўз даражаларига мувофиқ инъому эҳсон била хуррам ва шодмон қилди...

Чун сафар асбоби ва йўл яроғининг тажҳизу таҳиясинин фароғ ҳосил бўлди, ўзининг биродари аржуманди амирулумаро, аминулумано шоҳзодан шарифулвужуд Саййид Маҳмуд тўраин... доруссалтанаи Хивақ...да наёбат

маснадида мутамаккин қилиб, умаройн сидқосор ва худомойи ихлоскирдор зумрасидин Муҳаммад Солиҳ оталиқ ва Тўрамурод оталиқ ва вазири Осафсийяр Муҳаммадраҳим меҳтарни Арк дарвозасининг муҳофазатига муқаррар қилди.

Фақирғаким, бу ҳуруфи саодатвуқуф роқимидурман, касали зотий жиҳатидин неча йилдин бери отланиб сафар қилмоқдин маъзур эрдим, фориг ўлтирмоқ рухсатин бериб, нлтифоти подшоҳонадин ниҳоятсиз мубтаҳиж ва масрур этти...

Рабиуссоний ойининг ўн еттисида жумъа куни намози жумъа адосидин сўнгким, борча арбоби танжим ва асҳоби тақвим қавли била жамеъи соотнинг афзали ва борча авқотнинг акмали эрди, Жамшиди хуршид ёнглиғ абраши фалаквашга рукуб қилиб дабдабаи Каёний ва кавкабаи соҳибқироний била дорилхилофаи Хивақ...дин чиқиб, мақсад жонибиға озим бўлди...

Мундоқ издиҳоми қиёматнамо ва низоми ҳайратафзо била масофат қатъига наҳзат тавсанин суруб намозшом ҳангомидаким, хуршиди гардун хиромнинг хуношом Баҳроми мағриб манзилида мақом тутмиш эрди, Янгнориқ мавзеидағи ҳовлийи хушсафо ва қасри дилкушоғаким, мамлакаи подшоҳийға дохил эрди, нузул этиб, ҳумоюн қадмининг вусули шарафидин онинг кўнггураи ифтихорин сипеҳри даввор зурвасидин ошурди. Ҳамул ақшом ул работи лозимилинбисот ишратхонасида шоҳона айшу нишот базмин тузуб, мулукона тарабу истироҳат кўргузди. Тонгласи шанба куни чошт чоғи мазкур ҳавлидин давлат якронига рукуб қилиб, масофат қатъига озим бўлди. Йўл асносида Паҳлавон Кокилли така ҳаромиларидин тўққуз бош кесиб келтуруб, мавкиби ҳумоюннинг сумми сутуриға туҳфа қилди.

Бу ижмол тафсили улким, остони давлатпосбоннинг ихлосвожиб ҳожибларидин жалодатпаноҳ, шижоатиктиноҳ муборазатнишон Паҳлавон Кокилли фармони вожибилиминтинон мужиби била бир гуруҳ лашкарга бош бўлуб бир неча муддатдин бери ўтунчи ва кўмурчи ҳиросати учун қумға кириб Хуросон йўлларини муҳофазатига машғул эрди. Ногоҳ Хуросон такаси қароқчиларидин бир фавж отлиғ Хоразм музовоти кўмурчиларига чаповул урмоқ учун қазо қойиндининг иннокашлиги била беваҳму бетахоши равон эрдилар. сипоҳи жаррорға дучор бўлдилар. Оларни кўргач, Паҳлавон Кокилли қошидағи мулозим-

лари била от солиб, сайд қасдиға сунган қушдек ўзларин ул ажали етган ҳаромийларға еткуруб жалодати тамом била интиқом тийғин сурдилар. Қароқчилар оларнинг зарби дастиға тоқат қила олмай ҳазимат водисиға нақбат юзин урдилар. Баҳодирлар тийғи буррон чекиб, андоқ сарафшонлиғ ва жонситонлиғ қилдиларким, қум ичида қон селин равон этгилар ва ҳаромийлардин ҳеч киши қутулмай, борчаси тийғи тез ишорати била жаҳаннам сори кеттилар...

Баҳодирлар саёю кўшиш, қатлу кушиш амридин фориғ бўлгондин сўнг ондоқ фатҳу зафарлариға нишона учун ҳамул авбошлар лошидин тўқуз бош кесиб олиб, солим ва ғоним мурожаат қилдилар. Мазкур бўлгон кун, яъни ҳазрати соҳибқирони гардунтавон Ёнгли ориқ ҳавлидин отланиб, бироз масофат қатъ қилгон чоғда мулозаматга етиб, муфсидлардин олингон бошларни ва молларни ул ҳазрат арвиға еткуруб, Паҳлавон Кокилли бошлиғ борча баҳодирлар инъоми подшоҳона ва эҳсони мулуконадин баҳрамандлиғ ва хурсандлиғ топтилар. Ул ҳазрат ҳамул кун наҳзат маркабин суръатға киргузуб, пешин вақти Хитой мавзеёиға нузул этиб, пешин намозин ўқудилар ва ул мавзеёда вазири соҳибтадбир Муҳаммадраҳим меҳтаргаким, арк дарвозаси муҳофазати эҳтимоми ва баъзи муҳиммоти мулкий саранжомиға маъмур эрди, ҳукми олий ирсол эттиким, даргоҳи олампаноҳнинг ихлосфаржом ғуломларидин муборазатнишон Мирзахон маҳрамға бир ғуруҳ отлиғ қўшуб, Хуросон йўлининг муҳофазасиға йиборгай. Чун ҳамул фармони лозимулизъон мазмуни меҳтари мазкурға маълум бўлғоч, бир фавж лашкар муҳайё қилиб, Мирзахон маҳрамнинг мулозаматиға таъйин этиб, Соғча қудуқи жонибиға йиборди. Ул ҳазрат ҳамул мавзеёдин отланиб, ҳамул кун намоздигар вақтида Воснинг жанубий тарафидағи қум устидаким, кирёси гардунасос манжуқи амри олий мужиби била Айюқи мумос бўлмиш эрди, ҳумоюн қадами вусулидин онинг иззати бошин хуршид масос қилди. Тонгласи якшанба кунин ондин азимат якронин гармжавлон қилиб, дабдабан ҳайратафзо ва кавкабан бинтиҳо била туш вақтида Ҳазорасб қалъасиға дохил бўлди. Ул қалъанинг ҳукумати ҳазрати соҳибқироннинг инояти мулуконасидин шаҳзодан сидқинтимо, амирал умаро Саййид Маҳмуд тўранинг ройи олам аройиға муфавваз эрди. Ул ошонда ул жанобнинг тарафидин ақидат тазъам ғуломларининг неқфаржоми Муҳаммаднийёз девонбеги наё-

бат тариқаси била ҳукумат амрига мутасадди бўлуб, мамлакат маҳомининг саранжомига машғул эрди. Ҳазрати соҳибқирони муалломакон доралимора дарвозасидин мурур қилур чоғда девонбеғийи мазкур хазойини омира эшикларин очиб, ул ҳазратнинг давлатлиғ бошига андоқ зарпошлиғ қилиб, сочиғлар сочтиким, тамошо аҳли ҳайрон бўлуб, бошларидин ҳуши қочти...

Ул ҳазрат бу ёнлиғ шавкати подшоҳий ва савлати номутаноҳий била дораламора ишратхонасига нузул этиб, икки кеча таваққуф маснадида истироҳат қилди. Муҳаммаднийез девонбеғи ихлос камарин убудият белига боғлаб, муносиб хизматлар зуҳурига қиём кўргузуб, андоғ ғайри мукаррар зиёфатлар муҳайё қилдиким, лаззатлиғ тўйма ва узубатлиғ ашрубасин кўруб, малойикаи сойимдаҳр иштаҳоға келди...

Бу ёнлиғ подшоҳона зиёфат муддатининг инқизоси ва мундоқ жамшидона айшу-ишрат замонининг интиҳосидин сўнг мазкур ойнинг йигирма бирида сешанба куни чошт чоғидаким, ул ҳазрат ҳамул ишратхонадин наҳзат маркабиға рукуб қилмоқға муқтаво бўлмиш эрди... ул ҳазрат Муҳаммаднийез девонбеғининг мундоқ муносиб хизматлари борасида мароҳими хисравонадин маҳзуз ва баҳраманд қилиб, давлат самандига минди ва издиҳоми маҳшарнизом била Ҳазорасб қалъасидин чиқиб Жомли тўғойи сори хиром кўргузди. Ул тўғойда андак муддат қўшлаб, пешин вақтида дарёйи Жайхун қанориғаким, ўрдуий ҳумоюн онда тушуб, хаёми давлатфаржом ва хиргоҳи фалакиштибоҳ онда тугулуб эрди, подшоҳона шавкат била нузул этиб, қудуми файзийдин дарё канорин дилдорнинг шакарбор лабидин намудор қилди ва оломонға дарёдин убур қилмоқ рухсатин берди.

Борча лашкария ҳамул кун ва ҳамул кеча фалак мисол кемалар била амволу асқол ва асбобу қўшларин ул тарафға ўткардилар. Ул ҳазратнинг ўзи аркони давлат била ҳамул кеча бу тарафда бистароройи таваққуф бўлуб, тонгласи чаҳоршанба куни чоштгоҳда махсус мулозимлар била ҳилолвор заврақларға ва чархнамудор сафиналарға миниб, дарё сайриға равон бўлдилар.

Худо ҳифзи ноҳудосининг мадади била Омуюнинг ши-молий канориға чиқиб, саборафтор бодпоға рукуб қилиб, издиҳоми тамом била ҳамул ёвуқдоғи васиё бешага хиром кўргуздиким, Болтанийез тўғойиға машҳур эрди... Мазкур бешада боргоҳи иқбол ва саропардан ижлолни барпой

қилдуруб, ул ҳавлноқ бешада Чин шаҳри ҳайъатин наму-  
дор ва жаннат фазоси тароватин ошкор этти, нузули ҳумо-  
юнӣ вусулидин ҳиргоҳи фалак иштибоҳ бошин хуршиду  
моҳ авжидин ошурди. Ҳамул бешада икки кун таваққуф  
қилиб, шикорандозлиғ русумиға иқдом кўргузуб, қуш сол-  
моқ ва ов олмоқ қавоидида дақиқан номаръий қўймай, ан-  
воъи тамошо била хотири хатирининг шоҳбози баландпар-  
возин шикоривор овлади.

Жумъа сабоҳиким, хуршиди анварнинг зарринпар шаҳ-  
бози нужум сайдлари қасдиға парвоз қилди, ул ҳазрат  
гардунҳайъат ашҳабга рукуб қилиб, Тўнгўз Отови деган  
тўғой жонибиғаким дарё қирғоғида воқеъ эрди, наҳзат  
оҳангин тузди. Ул бешада доғи ҳамул кун кечгача шико-  
рандозлиғ тариқасиға эҳтимоми тамом била иқдом кўргуз-  
ди... Шикор тамошосидин баҳрабардор бўлгондин сўнг,  
ўрдуи ҳумоюн ва боргоҳи фалакнамунғаким, ишорати  
олий мужиби била Хўжа Ери отлиғ мавзеъда тушулуб,  
бир кеча ишрат бистарида ором ва роҳатгузин бўлди.

Шанба кунин ондин кўчуб сайдандозлиғ тариқаси била  
Шўраҳоннинг юқорисидағи анборхона ҳавилиға ворид  
бўлди. Чун Шўраҳон мавзеъи тавобеъи ва лавоҳиқи била  
ул ҳазратнинг биродари аржуманди жаноби иморатмаоб,  
амирулумаро тўрага инояти подшоҳонадин махсус эрди.  
Ул жанобнинг мўътамидун илайҳ ва мушорунилайҳ ва сид-  
қосор хизматкорларидин ихлоснамой Муҳаммад Яъқуб-  
бойким, ул жанобнинг илтифоти била Шўраҳоннинг жа-  
меъи мазруотиға мушарраф эрди. Ҳазрати соҳибқирони ком-  
корнинг якрони саборафтори аёқиға соғиғи ва исор йўсуни  
била кўб дирҳам ва диноҳ сочтиким, фалак хозини онинг  
тамошосиға нужумдин ҳайрат кўзларин очти... Ул ҳазрат  
мазкур ҳавлида ҳамул ақшом истироҳат маснадин мақом  
қилиб, ишрат жомидин ком олурға илтизом кўргузди. Ҳа-  
мул кеча Дўстниёз маҳрам така ҳаромилари таоқибидин  
қайтиб келди.

Бу воқеа баёни улким, ул ҳазрат Ҳазорасб қалъасиға  
давлат била нузул қилгон ақшоми Хуросон такасининг  
лусус ва ҳаромийларидин бир гуруҳ келиб фитнак таво-  
беъидин қумға кирган ўтунчиларға чаповул уруб, уч-тўрт  
кишини ва бир неча тева ва ёбу олиб кетган хабари ул  
ҳазратнинг ҳумоюн самъиға етиб, астони давлат посбон-  
нинг шижоатнишон мулозимларидин Дўстниёз маҳрамни  
бир фавж оломонға бош қилиб, олар таоқибига буюрмиш  
эрди. Мазкур маҳрам фармони олий мужиби била таоқиб



умурида барқу боддек суръат кўргузуб, кўб манзил ва масофат қатъидин сўнг, оларнинг изидин етти. Олар баҳодирларнинг қаросин узоқдин мушоҳада қилғоч, тийра замирларига рубъу ҳарос лашкарин истило топиб, ложарам ҳазимат тариқин ғанимат билиб барча олғон ғанойиму асирларни ташлаб, изтирори тамом била фирор кўргуздилар. Баҳодирларким, отлари бағоят тавсан эрди, ҳаромиларни қовмоқдин мутааззир бўлуб, борча амволу асирларни олиб мурожаат қилдилар ва етти кун муддатида келиб мазкур ҳавлида даргоҳи давлатпаноҳ мулозиматиға етиб, Дўстниёз маҳрам бошлиғ барча оломон илтифоти подшоҳонадин хуррам ва шодмон бўлдилар. Ва ул ҳазрат мазкур ҳавлида бир кеча мутамаккин бўлуб, тонгласи якшанба субҳидаким, хуршиди жаҳонтобнинг зарринбол итолкусин фалак миришикори кавокиб оҳуларига солди, ҳазрати соҳибқирони Жамшиднишон ҳамул ҳавлидин якрони барқжавлонға рукуб қилиб, ул ҳаволидаги васеъ дашту биёбондаким, шаҳлокўз оҳулар била машхун ва мамлу эрди. Назм:

Кийиклар ҳамул дашт аро сарбасар,  
Бўлуб сурати хўб ила жилвагар.

Узоқдин улусга намоён ўлуб,  
Тамошосида халқ ҳайрон ўлуб.

Шоҳи осмон қадри жамшидфар,  
Кийиб илкига баҳлаи сийму зар.

Суруб рахш ҳар ён, итолку солиб,  
Фалак шерин андоқки оҳу олиб.

Гаҳи сайд учун зоҳир айлаб шитоб,  
Гаҳи ўлтуруб сайд айлаб кабоб.

Очиб сайр аро дийдан эътибор,  
Тамошо қилиб санъати кирдикор.

Кўнгулни ҳақиқатга восил қилиб,  
Бақо сиррини жонға ҳосил қилиб.

Топиб сайр ила сайддин инбисот,  
Ададдин фузун ҳосил этти нишот.

Сайдандозлиғ тамошосидин андозасиз ком олғондин сўнг, мурожаат жодасига хиром кўргузуб, Шўрахондағи улуғ боғ ва ҳавлиғаким, назоҳатда жинон бўстонидин дилкушороқ ва вусъатда жаҳон айвонидин фусҳатафзороқ эрди, издиҳоми тамом ва эҳтишоми молокалом била ворид бўлди. Ул мавзеънинг мушрифиди Муҳаммад Яъқуббой ихлос панжаси била нуқуди вофир, уқуди жавоҳир ул ҳазрат бошига сочиғ расми била ул масобада сочтиким, тамошаси нақди учун Ҳотами Тойи руҳи ҳайрат харитаси оғзин очти... Ул мавзеъда борча қазоқия тавойифининг хонлари ва қалпоқия аснофининг бийлари ва Орол улусининг кадхудолари ва ямут ва човдар ва жамеъи тарокима ақвомининг сарвару сардорлари атрофу жавонибдин фавж-фавж ва гуруҳ-гуруҳ подшоҳона пешкашлар ва хисравона туҳфалар била келиб, остони фалақошиён хокбўслиқи саодатиға мушарраф бўлуб, навозиши мулуконадин сарафрозлиғ топдилар...

Ул ҳазрат ҳамул фирдавс назоҳат ҳавлида доғи бир ақшом бистароройи истироҳат ва қадаҳпаймойи айшу ишрат била бўлуб, тонгласи душанба куниди шавкати мулукона ва савлати жамшидона била бодипойи давлатға рукуб қилиб, издиҳоми маҳшарнизом била ажалчангол итолқуларни олиб, паритимсол ғизоллар сайди учун шикорандозлиғ расми била саҳро ва биёбон сори озим бўлди. Сайр асносида иқбол қаловузи ҳар тарафдин татовул қўлин узотиб, шўру ғавғо турғуза бошладилар. Бу воқеайи ваҳшатасар хабари ҳазрати хидеви комкор шикоргоҳдин маркази хилофат сори мувофадат кўргузгон аснода масомеъи аълоға етушти. Ямутнинг борча кадхудолариким, ҳазрати салтанатмаобнинг рикоби давлатинтисобида мулозим эрдилар. Ҳамул воқеа хабарин эшитгоч замири, касофат тахмирлариға рўъбу ҳарос муставли бўлуб, рухсатсиз мавкибни ҳумоюндин ойрилиб ўз ўбалари сори мутафарриғ бўлдилар. Бу жиҳатдин ул ҳазратнинг ғазаби тамури ҳаракатға кириб буюрди, то баъзи ямутларниким шаҳарда эрдилар, тутуб мағлул ва маҳбус этдилар. Ҳазрати аъло хоқоний шикордин қайтиб, салтанат тахтиға нузул қилғондин сўнг ямут тавойифининг авбошу арзолиға танбеҳу гўшмол еткурмакни хотири саодат тавъамиға мусаммим қилиб, борча қаламравдағи узоқ ва ёвуқ элотға миъод вақтин таъйин этиб, баҳромсавлат ясовуллар ва миррихҳайбат сурдовуллар ирсол қилди, токим «навкар ва ғайри навкар уруш асбобин ва юруш яроғин тузатиб, ҳар ўн киши бир аробаға

зоди роҳиласин юклаб, уч ойлиқ озуқи била пиёда ва су-  
вора остони давлатпосбон мулозаматиға етушсунлар». Ямуд тавойифи бу хабарни эшитгондин сўнг хавфнок ва ҳаросманд бўлуб, барчаси ватан ва масканларидин аёлу атфол, асбобу амволи била кўчуб, баъзиси ҳазрати қутбулавиё исми Маҳмуд атонинг жувориға ва кўпраки Азмахшар қалъасининг қибла кунчиқорида Вайроқли отлиғ мавзеъгаким, уч тарафи сув ва кунчиқор тарафида бир оз ери очуқ ва ниҳоятсиз мўҳкам жой эрди, жамъ бўлдилар. Ҳаромилари иттифоқ била гуруҳ-гуруҳ отланиб чаповул тариқаси билан саҳронишин фуқаронинг устига хабарсиз келиб, молу жонлариға азрору озорлар еткуруб, истеъжоли тамом била фирор кўргуздилар ва ҳар тарафдин раоё орасиға қўзғолон солмоқ расмин туздилар. Бу жиҳатдин лашкар аснофи ва навкар анвоёи жамъ бўлғунча фуқаро аҳволининг осойиши учун давлат аркони ва ҳазрат аёни саромадларидин салобат ва маҳобатпардоз Маҳмудниёз ясовулбошини даргоҳи фалакиштибоҳ мулозимларидин бир гуруҳи анбуҳ била жумодилаввал ойининг йигирма тўққизиди панжшанба куни ямуд ҳаромиларининг танбеҳу таъдиби учун қаровул йўсунлиғ Ғозиобод қалъасиға ирсол қилилди. Умаройи эзом ва сархайли зулэхтишом зумрасин қипчоқ дудмониға фойиқ Ҳакимниёз оталиқ ва қўнғирот хонадонининг сарбаланд ва мунтахаби Бобобек ибн Муҳаммадсолиҳ оталиқ ва Юсуфбийким бири қароқалпоқиядин ўн тўрт уруғ лашкариясининг саркардаси ва бири қароқалпоқиядин қўнғирот тийраси сипоҳининг сархайли ва бири орол қўнғироти жунудининг сипаҳдори эрди. Булар бурунроқ фармони олий мужиби била ўз лашкарларин йиғноб келтирмак учун кетмиш эрдилар. Учови доғи жамеъи қароқалпоқия ва қўнғиротия аскарин йиғноб келтуруб, жумодуссоний ойининг ўн сегизиди сешанба куни давлат қойидининг далолати била дарбори саодатмадор мулозаматиға борча бийлар ва юзбошиларнинг ҳамроҳлари била мушарраф бўлдилар. Фармони олийшон мужиби била мазкур саркардалар шаҳарда икки кун истироҳат кўргузгондин сўнг мазкур ойининг йигирмасида панжшанба куни борча мутобеъ ва лашкарлари била шаҳардин қаровул йўсунлуқ чиқиб Зай ҳудудида муаскар қилиб, атрофу жавонибнинг муҳофазату посдорлиқиға огоҳлиғ ва бедорлиқ била машғул бўлдилар. Мазкур ойининг йигирма иккисида шанба куни Бухоро элчиси Довудхожа мироҳўрбоши Раҳматулло қарокўз билаким, бурунроқ элчи бўлуб Бухорога бормиш

эрди, андоққим юқорида баён қилкининг рақамзадаси бўлди, амир Насруллонинг йиборгон туҳфа ва ҳадяларин келтуруб, ихлос ва эътиқодномасин русуми одобу икром била ҳазрати хидеви саодатпарварнинг мутолаайи давлатасарига еткурди. Мароҳими хисравона онинг ҳолига шомил бўлиб элчихонаи олийга туширилди ва ўз муддаосидин афзунроқ вазифа ва қўнуқ еткурулди. Ҳамул айёми фараҳфаржомда борча қаламрав йиғини атрофу жавонибдин фавж-фавж ва гуруҳ-гуруҳ атабаи гардун хизматиға келиб йиғила бошлади...

Аксар черик йиғилгондин сўнг ҳазрати хоқони нусрат фаржом рукуб қилмоқни илтизом этиб, ўзининг ақидатнизом ақоси амирулумаро умдатулкубаро... шаҳзода Саййидмаҳмудтўрани... наёбатга таъйин этти, токим шаҳарда таваққуф кўргузуб, фуқаронинг арзи ҳолин эшитиб адлу дод русумин тузгай ва аркони давлатдин Муҳаммадсолиҳ оталиқ ва Муҳаммадраҳим меҳтарни арк дарвозаси ҳиросатиға муқаррар қилди. Ул ҳазрат ўз нафси нафиси била мазкур бўлгон йил, яъни йилон йиликим... таърихи ҳижрий минг икки юз етмиш тўртда, ражаб ойининг иккисида душанба куниким... пешин намози адосидин сўнг давлат якронига рукуб қилиб, ҳазрат аёнининг ҳаминонлиғи била сидқ марқабин ихлос тариқиға суруб... Хонақаҳдин чиқиб азимат маркабиға рукуб қилди ва кавкабаи мулукона била доруссалтанани Хивақ шаҳридин наҳзат кўргузуб Рофанак қарясида Қутлуқмуродхони шаҳиди саъиднинг ҳовлисиғаким, Қосимақо кўлининг шарқий жонибида воқеъдур ва атрофи улуғ йиғин кунжойишиға лойиқ васеъ майдондур, ва фармони ҳумоюн мужиби била ўрдуйи аъло ва хаймаву хиргоҳ онда бориб барпо ва муҳайё қилилмиш эрди, нузули ижлоли била ул мазеънинг фарқи иқболин фалакфарсо қилди. Ул мавзеъда черик ижтимоъи учун уч кечаву уч кундуз таваққуф воқеъ бўлди. Ул манзилда ул ҳазрат истеъзомининг иккинчи куниким, сешанба эрди, ямут халқининг маҳзум ва муътақиди иззатнишон Сиддиқ эшон ямут тавойифининг Вакил ва Бахши бошлиғ борча акобиру ва кадхудолари тилидин журму исёнлари учун эътизор ва истиффорға муштамил ва жамеъи мўҳрдорларининг мўҳрлари била махтум бўлгон бир маъзиратнома келтуруб, жаноби салтанатмаоб мулозимлари воситаси била назари анвар мутолаасиға еткурди. Ҳазрати аъло хоқоний оларни сўзларин безътибор билиб илтифот қилмади. Аммо умаро ва аркони давлатнинг илҳожу муболағаси жиҳатидин

оларнинг гуноҳлари маъфу ва узрлари мақбул бўлмоқни бир неча шартлар била машварат этиб, ҳамул мазмун била бир ёрлиғ мазкур эшонга топшуруб, ҳамул кун рухсат бериб, ямут курониға йиборди... Таваққуф айёмида ҳазрати соҳибқирон қодирандоз тўпчиларни азмойиш ва имтиҳон қилмоқ учун раъдошуб ва душманкўб тўбларни нишонга отдуруб, ул тоифанинг саркардаси Бобо мингбоши икки мартаба нишона уруб ўн хизматқори била фохир хилъатлар кийиб вофир инъомлар олди. Ҳамул айёми саодатфаржомда ул ҳаволиға ул миқдор йиғин йиғнолдиким, фалак айвониға гулгула ва ёр арқониға зилзила солди. Назм:

Йиғилди йиғин беҳаду бешумор,  
Қиёмат бўлуб ҳар тараф ошқор.

Сунуфу асокир жаҳонни тутуб.  
Алоло етти осмонни тутуб.

Адад ичра саҳро қумидин фузун,  
Демой қумки, кўк анжумидин фузун.

Ҳазрати аъло хоқони нусратнишон черик аснофи ва лашқар анвоъи жамъ бўлгондин сўнг, мазкур ойнинг бешида панжшанба куни мазбур манзилдин ўрдуи аъло ва дабдабаи ҳайратиншо била кўчуб, эъломи зафарфаржомни ҳавоий наҳзат била шуққакушо қилиб, бодпойи азиматни мақсад жонибиға роҳпаймо қилди... Мундоқ дабдабаи дўстнавоз ва кавкабаи душмангудоз била Куюктом мавзеъиға ворид бўлуб, Элтузар иноқ ибни Раҳмонбердибийнинг ҳовлисиға файзи нузулу шарафи вусулидин жаннат қасридек назҳат ва зийнат етқурди.

Ҳамул кун ямут орасидин уч туғма қочиб келиб, ҳазрати исми Маҳмуд отанинг жаворида қаболгон ямутнинг ҳазрати соҳибқирони зафарнишоннинг лашқари бекарон била олар устига озим бўлгонин таҳқиқ билгондин сўнг хотири касофат маосирлариға рўйбу харос ғалаба қилиб, истеъжоли тамом била кўчуб, Вирокли мавзеъида қаболгон ямутнинг орасиға бориб қўшулгон хабарин етқурдилар. Даргоҳи олампаҳоқ мулозимлари фармони олий мужиби била ҳамул туғмаларни қайди риққияттин озод қилиб, кўп навозишлар кўргузуб, сарбози лашқарий зумрасиға дохил қилдилар. Ул ҳазрат ҳамул кеча Куюктом мавзеъида оромгузин бўлуб, тонгласи жумъа куни ондин кўчиб Ҳайробо

қалъасининг ғарбий жонибида Абдумуъмин Кошийнинг чорбоғин мухайями хайёми сипеҳрэхтишом ва мақарри эъломи зафарфаржом қилди. Ҳамул кун умаройи эзом ва сипаҳдори лозимулэхтиром зумрасидин Ҳакимниёз оталиқ ва Бобобек ва Қутлуқмуродбий ва Юсуфбий ким, борча қароқалпоқ ва қўнғирот лашкари била қаровул бўлуб Зай ҳудудида муаскар қилиб, таваққуф-кўргузмиш эрдилар, андоқким собиқан мазкур бўлди. Фармони лозимимтинон муқтазосича Қобилбий ва Соҳибназарбий бошлиқ жамеъи қўнғирот ва қароқалпоқ тавойифининг бийларию юзбошилари ва навкару лашкари била келиб ўрдуий ҳумоюнға мулҳақ бўлуб, даргоҳи сипеҳр мулозамати шарафига истисъод топдилар.

Оқ дарбандли халқининг сархайли Акбар юзбоши доғи ҳамул кун Зайдин ўз қалъасидағи навкари била келиб, мулозамат давлатига фойиз бўлди. Ҳамул кун умаройи шавкатмаоб ақобириндин Султон мироб лашкари қиёмат муруриға лойиқ ва аскар зафарпарвар убуриға мувофиқ ерлардин йўл ҳамвор қилмоқға номзад бўлди ва аркони давлат иозимидин Яхши Муҳаммад доруға ва Раҳматулло ясовулбоши ва Муҳаммадмурод маҳрам лашкаргоҳға муносиб жой кўруб келмакка маъмур бўлдилар. Олар ҳасабулҳукм истеъжол Тавсанин суръат водисиға суруб, Ғозиобод қалъаси тавобеъидин Кирпичли мавзеъин лойиқ кўруб, кечроқ қайтиб келиб арзға еткурдилар. Сўнгги куниким шанба эрди, ҳазрати аъло ҳоқоний ҳамул манзилдин издиҳоми маҳшар низом била хиром кўргузуб Кирпичлида Хўжаш маҳрамнинг работи фойизилнишотиға вусул соясин солиб, ҳамул мавзеъни асокири нусрат маосирға муаскар ва алвияи зафар таъбияға мустақарр қилиб, боргоҳи сипеҳриштибоҳ манжуқин қуббаи Айюқдин ўткорди.

Ҳамул манзилда хуршиди оламтоб шоҳидининг юзи нилгун саҳоб пардасида маҳжуб бўлуб, булут ушшоқи маҳжур кўзидек ашкрес ва ҳаво зоҳиди бедард кўнглидек камоли бурудатдин кофурпаз бўлди ва лой ва полчиғ касратидин мазкур манзилда тўрт кеча макнат ва таваққуф кўргузулди ва кавкабаи воло нузулининг сўнгги куниким якшанба эрди, фармони қазожараён муқтазоси била Ғозиободли Хўжаниёз ўғриким, таррорлиқда жамеъи айёрлардин мумтоз ва чобукликда барқу боддин сабуктоз эрди, яна икки чолок баҳодирнинг ҳамроҳлиғи била ямутдин тил тутмоқға пиёда озим бўлди ва исм Маҳмуд атонинг жаворида бир ҳавлиға кириб, онда икки оқшом камин қилиб,

учунчи куниким, сешанба эрди, икки муфсиди бадкирдорни ҳийла домиға гирифтор қилиб, бирин қатлга еткурди ва бирин тирик келтуруб авотифи хисравонадин ўз дилхоҳича инъом ва жулдулар олиб хушҳол ва шодком бўлди. Ҳазрати аъло хоқоний ҳамул ямутни ўз ҳузурига келтуруб ямут халқи аҳволидин истифоз қилди эрса, ул жавоби бо савобға тил очиб мундоқ тақаллум сурдиким, Атомуродхон Хонободдин икки юз отлиғ била келиб, борча ямутни ошоқға — ўз ўбасига кўчуруб олиб бормоқ учун кўб саъйу кушишлар кўргузди, аммо Хўжаниёз Вакил бошлиғ ул тоифанинг нисфи Атомуродхоннинг сўзига қулоқ солмай, давлат қойидининг делолати била итот қилодасига мутақаллид бўлуб, Хивақ жонибиға кўчмакни ўзларига маслаҳат кўрдилар. Ёрими ошоқға кетмакка майл ва рағбат кўргуздилар. Атомуродхон ямутнинг мажмуъин ошоқға кўчурмакда саъйи порасо ва жаҳди нуқсонафзосин ниҳоятсиз илҳожу муболағалар била ҳадди ифротға еткурди.

Ул чоғда яна Вакил дедиким, агар борча эл менинг сўзимни қабул этсалар, ҳазрати подшоҳи марҳаматнишоннинг Сиддиқ эшон била йиборган ёрлиғидоғи амру наҳийларин қабул этиб ва буюрган шартларин бажо келтуруб, яна мазкур эшонни остонбўслиқға йиборурман. Онинг изидин ул ҳазратнинг инояти урватулвусқосига дасти истемон уруб, борча эл била Хивақ сори кўчуб борурман. Йўқ эрса, ўз мутобецларим била кўчуб кўргон жойига кеторман. Ондин сўнг Атомуродхон ноилож бўлуб, эл орасига мухолафат солмоқ учун баъзи ямон ва қалтабонларни ўзига тобев ва муттафиқ қилиб, мунодий қилдурдиким, ҳар на отлиғ бўлса, муҳайё ва омода бўлсунлар, то эртонг ўзбак сипоҳининг лашкаргоҳига чаповул уруб дастбурд еткурурмиз.

Агар ҳамул сўз била отлонгон бўлса, ушбу кун, албатта келгусидур. Чун ул тил сўзин ҳануз тамом қилмамиш эрдиким, қаровуллар келиб, суддан хилофат мулозимларининг воситаси била мавқифи арзға еткурдиларким, узоқдин ямут лашкарининг қароси кўринадурким, бу тарафға келадур. Ул ҳолда ҳазрати хидеви беҳамолнинг хизматида муқарриби даргоҳ, Сипаҳбади шижоатдастгоҳ Раҳматулла ясовулбоши давлат ёнлиғ ҳозир эрди. Ул ҳазрат анго буюрдиким, баъзи саркардалар била мудофааға чиқиб, зиёда саркашлик қилиб, ўз ҳаддидан ташқари қадам қўюб келган муфсидларнинг жазосин канорида қўйғойлар ва ул фармони вожибулизъон муқтазосича баъзи саркарда ва

лашқарияни олиб издиҳоми тамом била зирғоми хун ошом-дек аъдойи касофатинтимои устига таважжуҳ бодпойин сургач, Атомуродхон бошлиғ борча тамарруд ва фасод аҳли сарсар хайли шукуҳидин пашша гуруҳи гуризон бўлгондек ҳазимат ва хизлон саҳросиға истеъжолни тамом била афтонун хезон суръат маркабин гармжавлон қилиб, ҳизби шайтондек сипоҳи нусрат нишоннинг кўзларидин ғойиб ва пинҳон бўлдилар.

Ул ҳангомда қуёш чобуксувори фалаки мийнофом арса-сидин мағриб мақомиға юз қўюб, намозшом вақти кирди ва қор кўб ёғгон жиҳатдин жамеъ офоқ ниҳоятсиз полчиғи бутроқ эрди. Муонидларни таоқиб қилмоқда доғи фойда камроқ эрди. Ложарам борча саркардалар иттифоқ била муовадат қилиб ишо чоғида муаскар ҳумоюнға келиб кўрган ва билган воқеаларин сомиаи маймунға еткурдилар. Ҳамул кун Хожамуҳаммад юзбоши бошлиғ борча човдар халқи Яъқуб маҳрамдинким, оларнинг саркардаси эрди, баъзи муомала сабабидин бурунроқ озурдахотир бўлуб эрдилар. Бу жиҳатдин Қазоқбой эшон бошлиғ баъзи кадхудолари ўрдуйи аълоға келмақда андак таалул кўргузмиш эрдилар. Хожамуҳаммад юзбоши бошлиғ човдарнинг рикоби давлатинтисоб мулозаматидағи кадхудолари иттифоқ била ҳазрати хидеви офоқнинг муборак ҳузурида ҳақиқати ҳолни арз қилиб, аркони давлат иозимидин Муҳаммадмурод маҳрамни ул ҳазратдин тилаб ўзлариға саркарда қилдилар ва дарҳол беш уруғдин беш киши камоли истеъжол била ўбалариға ирсол эттилар. Бу сўз билаким, ҳазрати хони карамнишон ғоятти мурувватдин арзимизни эшитиб, Яъқуб маҳрамни азл этиб, Муҳаммадмурод маҳрамни саркарда қилиб бердилар. Эмди Қазоқбой эшон бошлиғ борча қолгонлар суръат маркабиға маҳмиз бериб тездинтез даргоҳ олаалпаноҳнинг сандаломиз ва саодатхез туфроқиға келиб жабҳасолиқ қилсунлар.

Ҳамул манзилда ўрдуйи аъло халойиқ жиҳатидин тўрт кеча мутаваққиғи бўлгондин сўнг, чақоршанба кунин ондин нусрат қойиди далолати била наҳзат кўргузуб, Ғознободнинг ошоқида Исмаилоғи отлиғ мавзеъ асокири гардунмаосирға муаскар ва боргоҳи зафардастгоҳға мустақар бўлди. Ҳамул мавзеида баъзи мавоней ва масолиҳ жиҳатидин сегиз кун таваққуф кўргузулди ва таваққуф муддатининг иккинчи куниким, жумъа эрди, бир пешконикли йиғит ямутдин бир хат келтуруб, оларнинг аҳволи кайфиятин арзға еткурди.



Бу воқеа баёни улким, бурунроқ Хивақ ўтунчиларидин ҳамул йигитни ямут қалтабонлари асир қилиб олиб кетмиш эрдилар ва ул неча муддатдин бери оларнинг қўлида грифтор эрди. Ямут Тўра Мергонким, аввалдин ҳазрати хидеви комкорнинг жонсипор хизматкори зумрасига дохил эрди, онинг ўғлин чобукдаст баҳодирлардан Ғозиободли Хожаниёз ўғри ҳамул сафарда тирик тутуб, даргоҳи олампапоҳға келтурмиш эрди, ондоқким, юқорида мастур бўлди. Ул ўз ўғлининг итлоқи умиди била ҳамул пешконикли йигитни қалтабонларнинг қўлидин олиб қўлиға бир хат топшурди ва ул хатни ҳазрати шаҳриёри душманшикорнинг ўзидин бошқа кишига бермагил деб, онт бериб ямут орасидин чиқориб йиборди. Ул қафасдин қутулғон қуш ёнглиғ жаноҳи суръат била қатъи масофат қилиб, ҳамул кун муаскари ҳумоюнға дохил бўлуб, мутреси давлатнамун мулозаматиға етти. Даргоҳи давлат интибоҳнинг махсус ва мулозимлари ондин ямут халқининг авзоъ ва аҳволин истифсор эттилар эрса, ул жавоб бердиким, «Ул жамоанинг борча улуғ ва кичиклари кўнгулларида орзу улдурким, ҳазрати соҳибқирон Искандар посбоннинг ҳар на буюрғон амр ва наҳиларин жону дил била қабул этиб, агар муяссар бўлса, сулҳ қилғайлар ва яна дедиким, манга бир хат топшуруб хотунумнинг уч талоқидин онт бердиларким, ҳамул хатни ҳазрати аъло хоқонийнинг қўлларидин бошқа кишининг қўлиға бермағайман».

Ул ҳазрат бу сўзни эшитгоч, буюрдиким, онга дахл қилмасунлар, токим онтиға ҳонис бўлмасун ва ул хатни ўзи бизнинг илкимизга келтуруб берсун ва ул киши фармони олий мужиби била ҳамул хатни ул ҳазратнинг муборак илкига ўз қўли била элтиб берди. Ул хатни ҳазратнинг ўзи мутолаа қилиб, мазмуни ул ҳазратнинг ўзидин ўзга кишига маълум бўлмади. Ондин сўнг ул ҳазрат камоли сафойи тавият ва ғояти вуфур мурувватдинким, зоти маликий сифотида жибилийдур, Тўра Мергоннинг ўғлиға асорат қайдидин итлоқ бериб, заррин хилъатлар кийдуруб... ўз аҳлининг орасига кетмак рухсатин берди. Тонгласиким, шанба куни эрди, ҳазрати соҳибқирони мамоликситоннинг ройи олам оройи ул ишга муқтазо бўлдиким, ҳамул кун... мазкур манзилдин кўчуб, жалодат ва ғайрат якрорин суръат ва журъат майдониға суруб, сипоҳи жаррор ва лашкари бешумор била қазойи осмоний ва балойи ногаҳоний ёнглиғ аҳли фасод ва арбоби иноднинг устига етиб, хирмони аъморига интиқом шамширининг шаъшаъан дамидин бало бар-

қин урғай ва вужудлари хошокин қаҳру ғазаб ўтиға куй-  
дуруб, амаллари жазосиға еткурғай. Мундоқ, шиддат била  
жалодат тавсаниға рукуб қилур чоғда Хивақ шаҳри ва  
музофотининг жамеъи умаро ва узамоси ва қаламрави  
билоди ва элотининг борча акобиру кадхудоӣ ва тамоми  
аркони давлату аёни ҳазрат иттифоқ қилиб, остони зафа-  
рошён туфроқиға ажзу инкисор юзин суртуб, кўб тазар-  
руъ ва зорлиқлар била илтижо ва илтимоc кўргуздилар-  
ким, «Шоҳо, сарваро ва фақирпарваро! Ушбу кун отин-  
гизнинг муборак жиловин биз камина қўлиға бериб, шу  
манзилдин кўчмасангиз, нединким, ямутия тавойифи қа-  
димул айёмдин итоат ва инқиёд бобида росихдам хизмат-  
корлиғ ва жонсипорлиғ тариқида собитқадам, сафар ва  
ҳазарда бизлар била ҳамроҳ ва ҳамдам эрдилар. Ложарам  
биз халқға лозимдурким, бир мартаба, икки мартаба олар-  
нинг гуноҳин тиламак ва оларға киши йибориб насиҳат ва  
таҳдид кўргузмак, токим бизлардин оларға ҳужжат бўл-  
сун ва бошлариға бир нима келса ўзларидин кўруб, биз  
халқдин гила қилмасунлар.

Эмди биз жонсипор бандаларнинг илтижо ва истиш-  
фобимизни қабул қилиб ва ул гумроҳларнинг журму гу-  
ноҳларин афву этиб, бизларға рухсат берсангиз, то ким,  
бизлар ўз тарафимиздин бир зуҳд ва тақвонишон эшон  
била панд ва насиҳат Таҳзир ва тахвифға муштамил бир  
мактуб йиборсак, то агар ҳамул мактубни кўргач ва ҳамул  
эшоннинг пандин эшитгач, бу даргоҳи олампаноҳнинг хок-  
бўслиқин ўзлариға давлат азамий ва саодати кубаро билиб  
қиличларин бўюнлариға осиб келиб, итоат бошин убудият  
туфроқиға қўйсалар, фабиҳо ва илло ўзингиз асло тасдиъ  
чекмай бу сангари майманатасарда истироҳат маснадида  
мутамаккин бўлуб, бизларни баъзи лашкария била ул  
жамоаи боғия ва фасадаи тоғиянинг тадмиру тақлеъиға  
буюрсангиз, иншооллоҳи Таоло шужаъойи номдор ва сипо-  
ҳи кийнагузор била бориб шамшири обдор ва синони душ-  
маншикор дамнинг барқафшонлиқидин ул табаҳқору  
бадқирдор муфсидларнинг рўзгоридин дамор чиқорурмиз.  
То оларнинг вужуди касофатнамудлари хоридан арсаи  
мамоликни холи қилмоғунча ўзимизга роҳатни ҳаром қи-  
либ, бир нафас ором кўргузмасмиз».

Ул ҳазрат камоли покиий тийнат ва вуфури лайнат  
муқтазоси билаким, ҳумоюни зотийда жибилайидур, умаро  
ва аркони давлатнинг илтимоcларин қабул самъи била мас-  
муъ этиб, ҳамул сангарда таваққуф кўргузуб, оларға рух-

сат берди. Умаронинг мажмуъи таъзими тамом била қул-  
луқ қилиб, ул ҳазратнинг ҳумоюн мажлисидин ташқари  
чиқтилар ва борча иттифоқ била вазири аъзам, дастури  
мукаррам, олийнажод, ихлосниҳод Ҳасанмурод қўшбеги-  
ким, онинг насаби олти орқада ҳазрати аъло хоқонийнинг  
муборақ насабиға қўшулур, андоқким, Ҳасанмурод қўш-  
беги ибн амири кабир марҳумий Шохниёз оталиқ ибни  
Искандарбий, ибни Дўсимчўра ағоси ибни Рустам иноқ  
ибни Беғижон иноқ ибни Умбой иноқким, ҳазрати хисра-  
ви офоқнинг насаби олийси етти орқада онга етишур, ул  
вазири гардун манзалатнинг қўши умаронинг мажмаъи  
ва аркони давлатнинг маржаъи эрди. Мазкур бўлгон ума-  
ро ва кубаро онда бориб жамъият мажлисин тузиб... маъ-  
филоройи машварат бўлдилар. Русуми машварат ва қавои-  
ди маслаҳат тақдимидин сўнг иттифоқ била ҳамул саодат  
нишон мажлисга зубдатуссоликин, қудватулорифин, сар-  
ҳалқаи аҳли иқон Умар эшон...ни чоқириб, ямутия таво-  
йфининг ақобиру сардорлариға бир мактуб ёзиб умаройи  
эзом ва кубаройи гардунэҳтишомдин ўтуз тўрт киши ҳам-  
мул мактубға мўҳрларини босиб, мазкур эшонға топшур-  
дилар. Тоқим аҳли инод ва арбоби фасод орасиға бориб,  
мавоизу насоеҳ далолати била итоат ва инқиёд сироти  
мустақимиға киргузгай. Ҳазрати аъло хоқоний остони  
давлатпосбонийнинг ҳушманд ва донишпайванд мулозим-  
ларидин Муҳаммадкарим девонниким, садоқаткеш ва ақи-  
датандеш киши эрди ва аксар авқот ямут халқининг ора-  
сида бўлуб, оларнинг русуму қавоидидин хабардор ва  
афъолу ақволининг рамзу ишорот ва истилоҳотидин баҳ-  
рабардор эрди, ўз тарафидин мазкур эшонға масҳуб қил-  
ди, тоқим ул ҳазратнинг ўз кўзи ва ўз қулоқидек бўлуб  
ямут жамоасининг авзоъу ақволи на ёнглиғ эрконин ва  
қайси фикр ва қайси андишада эрконин ҳақиқат кўзи би-  
ла кўруб, садоқат қулоқи била эшитиб келиб мавқифи  
арзға беэиёду кам еткургой.

Сўнгги кунким, ражаб ойининг ўн беши ва якшанба  
куни эрди, мазкур эшон Муҳаммадкарим девоннинг ҳам-  
роҳлиғи била умаронинг мактубин олиб ямут курони жо-  
нибиға озим бўлдилар. Ул мактубнинг тақрири бу тариқа-  
да эрдиким, мастур бўлур:

«Мактуби муҳаббат ва муваддатпаноҳ хильату мусо-  
дақатҳамроҳ, мувофақату мувоҳадат дастгоҳ ямут халқи-  
нинг эшону уламози, улуғу кичик борча кадхудосиға дуоу  
салом адосидин сўнгра маълум бўлсинким, чун айёми

нусратфаржомда сиз халқнинг баъзи бебош ва ямонларингизнинг жавру ситами пайдарпай фуқаро аҳволига етти ва бир неча авбошу қалтабонларигизнинг торожи алами ғурабо амволига зарар ва нуқсон этти. Шул важҳдин олиҳазрат рафиъманзалат, баҳромсавлат, миррихсалобат, искандарҳашамат, фаридуншавкат, зиллуллоҳи дома иқбола, фуқаро роҳати ва ғурабо истироҳати учун тўбу тўпхона, қурхона ва оташхона била навкар ва ғайри навкарни куллан жамъ қилиб... жаноби ақдаси илоҳийнинг ионату ҳимоятига таваккал этиб, издиҳоми тамом ва асокири зафар фаржом била шаҳардин чиқиб, Ғозиобод мавзеъига нузули ижлол кўргузмиш эрдиларким, биз халқ сиз халқнинг қадимғи хизматкорлиғ ва фуқаролиғларингизни мулоҳаза қилиб, борчамиз иттифоқ била ҳазратимизнинг нусратинтисоб жанобларига бу навъ арз қилдуқким, шоҳо сарваро, карампарваро, ямутия халқи қадим айёмдин то бу ҳангомғача биз халқ била ини ва ақо балким ўғул ва атодек биров-бирав била муттафиқ ва мувосо бўла келиб ору номус бобида бошқалиқи йўқ эрди. Аммо бу чоғда тангри таоло ва тақаддуснинг тақдири била ишининг сўнггин ўйлонмайтурғон баъзи саллоху қалтабонларнинг шумлиғидин икки арода бу навъ ишлар воқеъ бўлди. Ҳар ерда элу улус бордур албатта, орасида ямон ва авбоши бўлур ва муқаррардурким, ҳар элнинг ямонидин яхшиси кўб бўлғусидир.

Ямутнинг шу тариқада, агар чандиким, ямони ва қуттоуттариқи бордур, лекин туз йўлда собитқадамлиғ қилатурғон яхшилари доғи кўбдурким, мундоқ низо ва хароблиқға рози эрмастурлар. Баногоҳ яхшилари доғи ямонларининг касофати ўтига куймасунлар. Бизларга меҳрибон бўлуб ижозат берсангиз, бизлар зуҳду вараъ аҳлидин бир эшонни ўзларимизнинг тарафимиздин йиборсак, то алар «алсулҳ хайр» калимасин ваъзомиз иборат ва насиҳатангиз ишорат била ораға солиб, ҳеч бир тарафга нуқсон ва зарар етмаса дедук.

Ҳазратимиз доғи шафқат ва марҳамат камолидинким, бизларга бордур, сўзларимизни йиқмой, арзларимизни қабул қилиб изн ва ижозат бердилар. Шул важҳдин ирфоннишон Умар эшонни йибордук. Эмди бизлар доғи эл ва фуқароға дунё ва охиратда манфаат бўлолғудек бир ишга саъю кўшиш қилинглар ва ожиз ва бечораларнинг йиғламоқларин тонгла худо қошида улуғ ёзуқ билинглар. Албатта, ҳеч важҳдин хавфу хавотир этмай, кадхудоман

деганларингиз мазкур эшон била ҳазратимизнинг олий даргоҳлариға тўғри келинлар, то ҳаммамиз бир ерда ўлтуруб, мундин буён элу фуқаронинг беҳбуди бўлаолғудек бир ишга қарор берурмиз. Агар ҳазратнинг соялари оғирдур, устумиздин турсунлар, изларидин борурмиз деб мазкур эшонға қушулуб келмай, низоъ ва адоватда яхши ва ямон муттафиқ бўлуб баҳона қилсангизлар, муқаррар билинларким, бизларнинг доғи қасду иттифоқимиз улдурким, иншоолло таоло бир йилғача устунгизда бордурмиз. Тангри таоло тақаддуси азал кунда ҳар ниманиким, тақдир қилмишдур, ул бўлғусидур ва мундин ўзга улча тил сўзумиздур, мазкур эшонға топшурдук. Иншоолло таоло, борғонларидин сўнгра тақдир қилурлар, чин ва рост билинлар, улчаким, биз кадхудоларға лозим эрди, совдуқ сўнгра гила қилманлар, деб бу муҳаббатнома битилди».

Ҳамул кун эшони мазкур била девони мазбур ўшул мактубни олиб ямут орасиға бордилар. Тонглови душанба куни ямутдин Амонгелдихон қўжиқ ва Бобокўр ўкуз ва Олтибой ушоқ ва Қози Вакил Урус қушчи ва Авазмашриқ бошлиғ тўққуз киши била хуфтан чоғи суддан хилофат мулозаматиға еттилар. Ҳазрати хилофат мартабат келган ямутларға ҳамул кеча кўрунуш бермай, Муҳаммадкарим девонни танҳо ҳузурни комилуссуриға чақириб ямут аҳволидин истифсор қилди. Девон сидқу эътиқод тили била мундоқ баён эттиким, «Бизлар борғоч, ямут тавойфининг тамомийи фуқаро ва раоёси ва улуғу кичик борча уламову кадхудоси бир ерга йиғнолдилар. Мактубни чиқориб бергач, ҳаммалари издиҳоми тамом била еридин туруб, таъзими молокалом била олиб, кўзларига суртуб дуо қилиб йиғламоқға кириштилар. Мажмуъи бир ерга қаболиб, сипоҳи жаррор ва лашкари кийнагузорнинг садаман азимати харосидин сангаридин тошқари чиқолмай, не ўчоқларига ёқорға ўтун, не молларини боқорға ўт топа олулар. Ғалла нархи гаронлиқи ул мартабаға етибдурким, агар жон нақдин иликка олиб юз йил талаб бозорин ахтарсалар бир дона ғалла топа олмайдулар. Қаҳат ғалабаси ул масобаға етибдурким, фалак хонида қуёш фатири ҳайъатидин ўзга ер юзида нон суратин мушоҳада қилмайдулар. Борчасининг сўзлари будурким, бизлар гуноҳу исёнларимизни кўплукидин қўрқормиз ва агар биз осий қулларнинг журму гуноҳларимизни боғишлаб, ўз муборак мўҳрларин босиб, бир ёрлиғи меҳрибон бўлуб йиборсалар, борчамиз бориб

остони фалакпосбон туфроқиға йиқилурмиз. Ул ишни ўзларимизга тариқи нажот ва мужиби даражот билурмиз, деб бу мазмун билан аризадошт йибордилар.

Ул ҳазрат девон сўзининг истимоъидин сўнг ҳамул кеча фароғат саририда истироҳат кўргузуб, тонгласи сешанба куни борча аркони давлат ва аъени ҳазрат, умаройи олиймақом ва уманойи сипеҳр-эҳтишом боргоҳи гардуништибоҳ фазосига жамъ бўлуб ва келгон ямутларни доғи чоқириб ямут кадхудоларидин келтургон аризаларин олиб, ҳазратнинг назари анвори мутолаасига еткурдилар ва олардин сўз сўрдилар. Олар Муҳаммадкарим девоннинг ҳазрати соҳибқирон ҳузурида айтгон сўзларин бешиёду нуқсон баён қилдилар.

Ул ҳолда умаройи олимқдор ва ўттуз икки амалдор иттифоқ била жамеъи ямутиянинг гуноҳларин янгидин тилаб, оларга афву иноят ёрлигин олиб бердилар.

Ул ёрлиғ мазмунининг иборати бу эрдиким, «Ихлос ва эътиқод осор ямутия халқининг кадхудо мардуму йигит-яланглариға ёрлиғ ҳумоюни олий кўргач, улким бу айёми масарратфаржомда ихлос ва эътиқод жодасида собитқадам ва фуқаро беҳбуди учун итоат ва инқиёд изҳори бобида росиҳдам эрконлари ахбори учун рақам қилиб, Амонгелдиҳон Қўжиқ ва Бобоқўр ўкуз ва Олтибой ушоқ ва Қози Вакил ўрус қушчи ва Аваз Машриқлар била даргоҳи олампаноҳ сори йиборган аризадошларингиз етушуб, мазмун ихлосмашҳуни замири меҳр танвиримизга равшан ва ҳувайдо бўлди ва рикоби нусратинтисобимиздоғи саркардаларнинг ва доғи ҳар уруғнинг кадхудоларининг иттифоқ ва кенгашлари бу навъ бўлдиким, ямутнинг ҳам уруғининг кадхудо ва оқсоқоллари ҳузури комилуссурурға келсалар. То борчамиз бир ерда ўлтуруб, икки тарафнинг фуқароси қадимғидек фароғат ва осойида бўлғудек бир ишга қарор бериб, мундин буён бу тариқа мухолафат ва адоват бўлмасдек аҳду паймон қилсоқ дедилар. Шул важҳдин мазкур бўлгон кишиларга ирфоннишон Умар эшонни ҳамроҳ қилиб йибордук.

Эмди агар чин кўнгул била бурунғидек фуқаро ва хизматкор бўлуб икки тарафнинг тинчу фароғат бўлмоқин истасонгизлар, мазкур эшон борғоч, ҳар уруғнинг кадхудоси саросари саодат хизматимизга беҳавфу беҳарос келиб хизматимиздоғи саркарда ва кадхудолар била бир ерда ўлтуруб, икки тарафнинг фуқароси қадимғидек фароғат ва

осудалик била ўлтуруб давлати абадмуддат дуосин қила олғудек маслаҳат қилинлар, деб ёрлиғи олий рақам топти».

Бу ёрлиғ ямутдин келган кишиларга топшурулгондин сўнг, оларга яна Умар эшон била Муҳаммадкарим девонни қўшуб ҳамул кун, яъни сешанба куни йиборилди, токим ямутия тавойифининг Бахши ва Вакил бошлиғ борча акобиру мўҳрдорларин убудият жодасига ҳидоят кўргузуб, остонбўслиғ давлатига еткурғойлар. Олар фармон мужиби била жалодат тариқиға суръат маркабин суруб, ўлук абдонга руҳи равон духул этгандек, ўзларин ямут тавойифи орасига еткурдилар. Ул жамоа ҳазрати аъло хоқоннинг давлатнишон ёрлиғин кўргач, хотири ваҳшатомизлари орому итминон топиб, учлончи куниким панжшанба эрди, Бахши ва Вакил бошлиғ борча олиймиқдор мўҳрдорлари мазкур бўлгон эшонларга ҳамроҳ бўлуб, келиб, даргоҳи олампаҳоқ туфроқиға итоат ва убудият жабҳасин қўйдилар. Ҳазрати хидеви комкори душманшикор камоли фуқаропарварлик ва ғояти шафқатгустарликдин ямутиянинг беш уруғининг беш кадхудосин ва мутаваллисин ўзининг ҳумоюн мажлисиға ундоб, отифати подшоҳона била аҳвол пурсешлиқ қилиб, сўз сўрди, олар жавоб бердиким, бизларнинг тавбаву истиғфор, тазарруъу эътизордин бошқа ҳеч сўзумаз йўқтур. Журму гуноҳимиз ҳадду ҳисобдин мутажовуз, исёну густохлиқларимиз таъдоддин, ақлу хирад муҳосиби қосир ва ожиздур. Агар биз осий қуларнинг беҳисоб исёнимиз чеҳрасига афву игмоз ниқобин чекиб, мароҳими хисравонаға сазовор кўрсангиз, итоату мутобаат сироти мустақимидин тошқари қадам қўймай, қолгон умримизни жаноби салтанатмаоб хизматиға масруф тутармиз ва жонларимиз жавоҳирин рикоби давлат интисоб ғуборига нисор этармиз.

Агар биз гуноҳкорларнинг гуноҳимизни ўтмай, узру истиғфоримизни бовар тутмай, ғазаб якронига рукуб қилиб, бу янглиғ ҳадди ва каронсиз асокири нусратмаосир бирла устумизға борсангиз, ё қатли ом бўлурмиз ва ё жалойи ватан бўлурмиз. Ушбу икки суратда ҳам бу давлати абадмуддатға зарардур ва беҳбуд эрмастур. Нединким биз халқ бу остони давлат ошёнға қадимдин бери ихлосшиор чоқари ва жонсипор навкаридурмиз. Ҳар ҳолда бўлсоқ ҳам, бу улуг давлатхона хизматқорликидин гуризимиз йўқтур. Байт:

Агар қатл қилсанг сазоворимиз,  
Вагар авф қилсанг доғи бормиз.

Чун ямут кадхудолари сўзларин тамом қилиб, ишорати олий била ул ҳазратнинг жаннатнишон суҳбатидин тошқори чиқтилар, вазири Осаф эътиқод ва низомулмулк ваддунё Ҳасанмурод қўшбегиким, або анжад оларнинг иши азаматпаноҳ подшоҳлардин гуноҳкорларнинг гуноҳин тиламак ва мухолифлар била мусолаҳа қилиб, фуқаро осойиши учун саёю кўшиш кўргузмак эрди, борча уламо ва умаронинг тарафидин ҳазрати хилофатмартабатнинг хизмати лозимуссаодатиға дохил бўлуб, ямут тавойифининг жаройими қадима ва авосими жадидалариға шафиъ бўлуб, олар била мусолаҳа ва муоҳада қилмоқ бобида кўб саъйи ва муболағалар кўргузди. Ул ҳазрати доғи намоли мурувват ва марҳаматдин ямутия халқининг ҳар навъ гуноҳлари бўлса ўтиб, умаронинг илтимосин қабул этиб, мусолаҳа қилмоқға рухсат берди. Мазкур қўшбеги борча умаронинг тарафидин қуллуқ қилиб, ул ҳазратининг ҳузури комилусуруридин тошқари чиқиб, борча уламову қуззот ва умарову ҳукком ва ўттиз икки амалдорнинг орасида дедиким: «Ҳазрати аъло хоқоний ғояти иноятдин илтимосингизни мабзул тутуб, мусолаҳа рухсатин бердилар ва буюрдиларким, ямут ва човдар ва ямроли ва қардошлу ва алиэли ва ато ва кўклон, қозоқ ва қароқалпоқ ва ўзбак ва сорт ва ҳар навъ халойиқ ва тавойифнинг биров-бировида асирлари бўлса, беришиб олушсунлар ва мундин буён бир-бири бирла ато-ўғил ва ақо-инидек бўлуб, биров-бировининг молу жониға тасарруф ва таадди қўлин узатмасунлар. Ҳар тоифа бу сўзга мухолафат кўргузса, тамоми тавойиф муттафиқ бўлуб они қатли ом қилиб, амволу ашёсин ғорат ва торож этсунлар».

Бу сўздин жамеъи аркони давлат ва умаройи тавойифга беҳжати тамом ва масаррати молокалом ҳосил бўлуб, борча ерларидин туруб, таъзиму такрим шароитин бажо келтурдилар. Иттифоқ била ҳамул ерда ўлтуруб, ҳазрати хидеви комкорнинг фармони саодатосориға мувофиқ бир-бири била аҳду паймон эттилар.

...Мазкур таърихдин сўнгра мазкура тоифалардин ҳар бир тоифаким...мазкур аҳдни синдуруб, адоват ва бебоклик майдониға хунрезлик ва сафноклик отин суруб савош ва фархош ғуборин турғузуб, биров-бировининг молин олурни ўзига пеша қилса ва мусулмонларнинг ноҳақ қонин тўк-



макни ўзиға мубоҳ билса, ушбу зулм ва бедоди жиҳатидин... жаноб ақдаси илоҳийнинг абадий лаънатиға гирифтор ва мазкур аҳдни синдургони иллатидин... ислом динининг раҳматобод саводидин чиқиб, тангри таоло ва тақаддуснинг сармади уқубати зулматободи духулиға сазовор бўлсун. Баъдалявм мазкура тоифалардин ҳар тоифақим, нафси ҳарза марс таманноси ва шайтони булҳавас иғвоси иқтизосича мазкур тоифалардин ҳар тоифақим, мазкур аҳд ва иттифоқни бузуб, подшоҳи вақтнинг амру наҳидин бош бурб, тамарруд ва саркашлик қилса, иттифоқимиз будурким, барчамиз иттифоқ қилиб, ҳайъати ижтимоъ бирла онинг устига бориб, ҳар не бўлсоқ бўлуб, онинг фасоди дафъиға саъй ва қўшиш қилурмиз ва бу аҳду иттифоқға муҳолафат қилғоннинг ҳам моли ва қони ҳалол бўлсун деб, оли сабила-литтифоқ ва аҳдномани таҳрир силкига чекиб вусуқ ва эътимод зиёдати учун борчамиз они ўз мўҳрларимиз била музайян ва мувашшаҳ қилдук. Возеҳ ва лойиҳ бўлсин вас-салом».

Чун умаройн тавойиф ушбу аҳдномани марқум қилдилар ва ўз мўҳрлари била махтум қилиб ҳазонаи омира хозинлариға топшурдилар.

Қазоқия тавойифдин одой ва тобин халқининг азим ушшаън бийлари Ишодатбий ва Довудбий бошлиғ фармони олий мужиби била Ёйиқ суйи яқосидин бешумор лашкар била наҳзат қилиб, ямут муҳорабаси учун Кўҳна Урганжға келиб, лашкаргоҳ қилмиш эрдилар. Ҳазрати аъло хоқоний ёларға доғи муовадат рухсатин бериб, ямут била мусолаҳа қилғони эъломи учун ёрлиғ йибориб, борча ташвишот ва муҳиммотнинг итмому эҳтимомидин фориг бўлғондин сўнг, бир ақшом ҳамул манзилда таваққуф қилиб, тонгласиким, мазкур ойнинг йигирмаси ва жумъа куни эрди, лашкари аснофиға муовадат рухсатин бериб, чоштчоғи сабосуръат бодпоға рукуб қилиб, аркони давлат ҳаминонлиқи била му-рожаат майдони қатъиға равон бўлди. Ҳамул кун пешин чоғи доруссалтанаи Хивақға дохил бўлуб, сарири салтанатда ором тутти ва шаъшааи офтоб вусули била тамомий аҳли шаҳарнинг дидаи иттизорларин ёрутти.

Баъзи вукоеъ зикриким, мазкур сафардин сўнг воқеъ бўлди. Чун ҳазрати соҳибқирони кишварситон мазкур сафарға азиматовар ва ҳаракатгустар бўлмасдин бурун Хўқанд вилоятининг волийси Худоёрхон ва Бухоро мамлакатининг подшоҳи амир Насруллодин муҳаббат ва муволафат изҳори учун элчилар келиб, элчихонаи саодатнишонада муқим ва мутамаккин эрдилар, андоққим собиқан мазкур

бўлди. Оларнинг ҳар бирига умаройи олийжоҳдин бир амирни қўшуб рухсат берилди. Андоққим, ҳазрати хидеви комкор мазкур сафардин қайтиб келгандин олти кундин сўнг, ражаб ойининг йигирма олтисида чаҳоршанба куни Хўқанд элчиси Муҳаммадраҳим эшоғосига қароқалпоқия тавойифидин манқит уруғининг мунтахаби Соҳибназарбийни сафорат расми била қўшиб муҳаббатнома била Хўқанд вилоятига ирсол қилди. Ва шаъбон ойининг тўртида жумъа куни Бухоро элчиси Довудхожа мирохурбошига Хўжаэли содотидин Мададуллоҳхожа бийни рисолат тариқаси била масҳуб қилиб муволафатнома била Бухоро жонибиға роҳпаймо қилди.

**Йилқи йили вуқоъининг зикриким, таърихи ҳижрий минг икки юз етмиш тўртга мувофиқ эрди.** Санаи ҳижрия минг икки юз етмиш тўртда шаъбон ойининг олтисида якшанба куни наврўзи оламафрўз кириб, қуёшнинг зарринкор ғазоласи ҳут даштидин рўйгардон бўлуб, ҳамал марғзориди макон тутти. Баҳор шоҳиди мусаффо чеҳрасин намоеън қилиб номия маҳжурларининг тийра кўзларин ёрутти.

Аввалғи воқеаким, ҳамул йил воқеъ бўлди, бу эрди. Чун така жамоасиким, Эрон лашкари дастбурдидин қочиб, Сарахс вилоятидин кўчуб, Марв мамлакатига келиб мутаваттин ва мутамаккин бўлмиш эрдилар, Қовшутхон бошлиғ оларнинг борча кадхудолари ҳазрати соҳибқирони исқандарнишоннинг домани ҳимоятиға чанги эътисом уруб, остони давлатпосбон мулозимларидин ўзларига ҳоким бўлғудек бир киши тилаб, ихлоси тамом била аризадост йибориб эрдилар. Ул ҳазрат оларнинг илтимосин мабзул тутуб даргоҳи гардуништибоҳ ходимларидин садоқатнишон, шижоатиқтирон Мулла Муҳаммад девонни Қовшутхон бошлиғ така кадхудолариға тилла пичоқ ва заррин хильатлар топшуруб, шаъбон ойининг авохирида истимолатнома била такаларга қўшуб Марв жонибиға ирсол қилди.

Умаройи эзомдин Фозилхожа шайхулисломниким, ўтган йил Урус вилоятиға сафорат расми билан йиборилиб эрди, ул вилоят ҳокими Никулай Андройнинг таъзиму икромин кўруб, муовадат қилиб, ушбу йил рамазон ойининг йигирма тўртида жумъа куни остони олийшон мулозаматиға етти ва келтургон туҳфоту тансуқотин ҳузури комилуссурурға еткуруб, ҳар на кургон ва билгонин тақрир этти. Шаввол ойининг салхида, жума куни Бухоро волийси амир Насруллонинг Мададиллоҳўжабийга қўшуб йиборган элчиси Наҳмиддинхожа салом оғаси даргоҳи фалакиштибоҳ

мулозамати шарафига мушарраф бўлуб, келтургон ҳадоё ва муҳаббатномасин мавқифи арзга еткурди. Зулҳижжа ойининг еттисида якшанба кунини ҳазрати хисрави офоқ умаройи соҳибвифоқ зумрасидин манқит улусининг сарвари Бобо иноқни Бухоро элчиси Нажмиддинхожа саломоғасига элчилик йўсуни била ҳамроҳ қилиб мувофақатнома топшуруб, Бухоро сори роҳий қилди. Мазкур ойнинг ўн сегизида жумъа кунини Ўрус мамлакатининг волийси Никулай Андройнинг мувофақат ва мувонасат изҳори учун дорилхилофан Хоразм... сори ирсол қилгон элчиси Никулай Аникнажиб Хоразм тенгизидин учонга миниб, дарёини Жайхуннинг тенгизга қуятургон ерига келиб ва дарёда кема била қатъи масофат қилиб атабаи спехрмартаба тақбилига мушарраф бўлуб, келтургон тухфа ва ҳадяларин мувофақатномаси била назари ақдас ва ҳузурини муқаддасга еткурди. Отифати подшоҳона онинг ҳолига шомил бўлуб, Гандумкон ҳаволига ким ул ҳазратнинг мулки холиси эрди, тушурилди ва ўз мояҳтожидин ортуқроқ вазифа ва қўнуқ онга марсум бўлди. Сешанба кунини муҳаррам ойининг ҳилоли маҳжабин дилраболарнинг мушкин қоши хаёлидек назокати тамом била маръий бўлуб санаи ҳижрийнинг икки юз етмиш бешга интиқол этти. Ҳамул ойнинг авоситида вазири аъзам Муҳаммадраҳим меҳтар баъзи ноҳамвор афъолу ноҳанжор ақвол жиҳатидин танбеҳ учун, балки ҳазрати аъло хоқонийнинг зимнан камоли илтифотидин визорат мансабидин маъзул бўлди.

Сафар ойининг иккисида жумъа кунини Бухоро подшоҳи амир Насруллонинг иттиҳод ва якжиҳатлик вусуқи изҳори учун Бобо иноқга масхуб қилиб Хоразм сори ирсол қилгон элчиси Мирзо Убайд мирохур манозили мутааддида ва мароҳили мутакассира қатъидин сўнг жаноби хилофатмаоб зиёратига восил бўлуб, келтургон мусодақатнома ва тухфаларин назари анвар пешгоҳига еткурди. Моҳи мазкурнинг тўртида якшанба кунини ўрус элчиси Никулай Аникнажиб-гаким, Бухорога бориб, ондин ўтуб юртига кетмак илтимос қилиб эрди, ҳазрати хидеви комкор илтимосин қабул этиб, подшоси учун савғот ва мактуб топшуруб, Бухоро жонибига узатди.

Моҳи мазкур, яъни сафар ойининг авохирида Худойназар девонбеги баъзи ахлоқи нописанд ва ақволи шамотатпайванд сабаби била маъзул бўлуб, онинг ўрнига суддаи сидрамисолнинг хушиқбол мулозимларининг зумрасидин мумтоз Отаниёзхожа ва ихлоставъам Файзи маҳрам

марҳамати хисравонаға ихтисос топиб, ало сабилалиштирок девонбегилик музаккийлик мансаби олийси била сарафроз ва баҳраманд бўлдилар. Назм:

Кимгаким лутф этса шоҳи сарфароз,  
Бўлғусидур аҳли жоҳу бениёз.  
Гарчи хору паст эса ҳам хокдин,  
Утгуси бирдамда юз афлокдин...

**ҚУНҒИРОТ ҚАЛЪАСИНИНГ АРЗОЛ ВА АВБОШИ  
ИТТИФОҚ БИЛА ХИЛОФ ВА ШАҚОҚ ТАРИҚИГА  
ТАМАРРУД ВА ИНОД ҚАДАМИН УРҒОНИ...  
МУҲАММАДПАНОҲ ОТЛИҒ БИР МУФЛИС ВА МУФСИД  
ҲАРОМИЙНИ УЗЛАРИНИНГ ОРАСИДА ХОН КУТАРИБ,  
ҲУКУМАТ МАСНАДИҒА МИНДУРҒОНИ...**

Хомаи аъжубаосор ва қалами бадоеъшиор мундоқ воқеа нигорлиқ ва бу янглиғ ҳодисагузорлиқ русумин изҳор қилурким, қўнғиротия тавойифининг рунуду авбош ва арзолу бебош ва муфлису қаллошларидин жамоаи касир ва жамеъи ғазирини нафс ва шайтон игвоси ва ямут ашрорининг азлол ва илтимоси ва ботил хаёллар таманноси ва ғафлат ва жаҳолат саҳбосининг нақбат ва мастлиги тақозоси била ҳазрати аъло хоқон, кишварситоннинг итоати рибқасидин убудият риқбасин тортиб, тамарруд ва инод яқосидин мухолафат ва фасод бошин чиқариб, шиқоқ мажлисида нифоқ шамъин ёқиб, пинҳоний машварат ва иттифоқ қилиб, йилқи йили санаи ҳижрий минг икки юз етмиш бешда рабиулаввал ойининг ўн олтисида, душанба куни ҳужуми тамом била жалодат тийғин шақоват ниёмидин чекиб, бегуноҳ давлатхоҳларнинг устига балойи осмонийдек пинҳоний тўкулуб, қатл ва қушиш, салху кўшиш амрига машғул бўлдилар.

Маълум бўлсинким, қўнғирот халқининг уч соҳибҳукумат бийи бор эрди: бири Қутлуқмуродбий ва бири Паҳлавонниёзбий ва бири Юсуфбий. Ул ошонда Қутлуқмуродбий Қўнғирот қалъасида эрди. Паҳлавонниёзбий Хивақ шаҳрида остони фалақошиён мулозаматида эрди. Юсуфбий баъзи қўнғиротия навқари била Кўҳна Урганчда қалъа ҳиросатиға машғул эрди. Муфсидлар вақтни ғанимат билиб, Қутлуқмуродбийни аксар ўғлонлари била қатлаға еткурдилар. Паҳлавонниёзбийнинг бир ўғлин ва Юсуфбийнинг икки ўғлин баъзи мутобеълари била ўлтурдилар. Даргоҳи давлатнишоннинг ихлосманд ходимларидин Му-

ҳаммадкарим девонниким, фармони қазоҷараён мужиби  
била ҳамул овонда Қўнғирот қалъасига бориб, Қутлуқму-  
родбий била борча қароқалпоқия ва қўнғиротия раёсидин  
солғут олурга машғул эрди, хизматидағи ҳамроҳ боргон  
мулозимлари била қатлаға еткурдилар... Қўнғирот табақо-  
тининг болғали уруқидин Оллобердибекнинг Муҳаммадпа-  
ноҳ отлиғ бир ўғликим, Хивақ музофотидин Каттабоғ мав-  
зеъида ўлтурғон қўнғиротдин эрди, толеъи дунлиғи ва бахти  
забунлиқи ва ақл камлики ва хуш адамлиқи жиҳатидин ер  
ва юртидин айрилиб, жалойи ватан бўлуб, қўнғиротға  
бориб авқотгузорлиғ учун баъзи одамларға хизмат этиб,  
ниҳоятсиз ҳорлиғ била деҳқончилик қилур эрди, они хон  
кўтариб онга байъат қилдилар. Фуқаро доғи заруратдин  
онга мутобаат кўргуздилар. Муҳаммадпаноҳ мазкур бўлгон  
уч бийнинг амволу асбоб ва ашёу ақмаша ва нуқудин...  
жамъ этиб ҳийтаи тасарруфиға солди ва солғутдин жамъ  
бўлгон тиллоларни ҳам борлаб олди. Муфсидларнинг ҳар  
бирига бир амал берди ва ўзига кўмак учун ямут ашрори-  
дин кўп кишини ундоб келтурди ва аларнинг баъзисин ҳам  
мансабдор қилиб, ҳукумат амрида ўзига саҳим ва шарик  
этди. Ҳар кун аларнинг вазифа ва улүфасига кўп мол ва  
нақд муқаррар қилди. Обрўйлиғ кадхудоларнинг исмат  
пардасида ўлтурғон қизларин ямут ҳаромийларининг  
ақди никоҳига киюрди. Фуқародин ва аҳли ғинодин кўп  
нақду мол олиб, ямутға берди. Ул диёнатсиз муфсидларни  
атрофу жавонибдағи қазоқ ва қароқалпоқ ва ўзга мусул-  
монларнинг амволу аҳшоми чаповулиға буюриб, таадди ва  
татовул қўлин узотти. Бу жиҳатдин барча қалпоқия ва қа-  
зоқия тавойифи бир ерга жамъ бўлуб атрофиға хандоқ қо-  
зиб, ва қалъа солиб курон-курон бўлуб ўлтурдилар. Бу  
хабари ваҳшатасар ҳазрати хидеви нусратпарварнинг ҳу-  
моюн самъиға етиб, мазкур ойнинг йигирма олтисида, ча-  
ҳоршанба кун азимушшаън саркардаларидин жалодат ва  
шижоатнишон Маҳмудниёз ясовулбошини ва қўнғирот  
Пахлавонниёзбийни бир гуруҳ лашкари била ҳамул муф-  
сидлар мудофаасига ирсол қилди. Фармони олий мужиби  
била Юсуфбий доғи ўз мулозиматидағи лашкари била  
Кўҳна Урганчдин наҳзат қилиб оларға қўшулди ва итти-  
фоқ била озим бўлуб, Чимбой қалъасининг ҳаволисидағи  
қароқалпоқ курониға бордилар. Бир неча муддат ул ат-  
рофдағи элнинг аҳволи тафаҳҳусига қиём кўргузуб, борча  
маҳомиға сарамжон бергондин сўнг ул мавзеъдин издиҳом-  
ми тамом била азимат эълмин ҳаракатга киргузуб, қазоқ

Азизбергонбийнинг сангаригаким, қўнғирот қалъасининг орқа тарафида Толлиқ наҳрининг аёқида қўнғиротга тахминан беш фарсаҳлиқ йўлдуз, баъзи қозоқия ва қалпоқия гуруҳи йиғнолиб ўлтурмиш эрдилар, нузул қилиб таваққуф кўргуздилар. Азизбергонбий бошлиғ Жамбул мавзеъдағи элнинг иттифоқи била гоҳо лашкар чекиб, Қўнғирот қалъасининг устига бориб, муҳосара қилиб муонидлардин кўб кишини мақтау ва маъсур этиб ва бениҳоят амволу мавоши ғанимат олиб мурожаат қилур эрдилар. Яна дафъадафъа чаповул йибориб, муфсидларига улуғ дастбурдлар еткурур эрдилар...

Муфсидлар доғи ямут муонидларидин гуруҳи анбуҳни истедъо қилиб, орасига келтуруб соқлаб, вазифасига кўб нақд ва мол таъйин этиб боқар эрдилар, балки қалъа ичидағи фуқаро ва раоёнинг борча асбобу молининг, балки аҳлу аёлининг зимоми ихтиёри оларнинг қабзаи иқтидориди эрди. Оларнинг кўмак ва мадади била гоҳо қалъадин чиқиб, атрофу жавонибдағи қалпоқия ва қозоқия куронларига чаповул урар эрдилар.

Баъзи мусулмонларни қатлу асир қилиб, молу мавошийсин сурар эрдилар. Гоҳо ул муфсидлар сипоҳи нусратпаноҳға мулоқий бўлуб, муҳораба амрига қиём кўргузуб, талош этар эрдилар ва муқоваматға тоб келтураолмай ҳазимат топиб, жазосига етар эрдилар.

Алқисса, борча қалпоқия ва қазоқия тавойифи ва жамеъи Орол ва ўзбак улуси қабила-қабила ва курон-курон қаболиб, борчасига фароғат эшики масдуд ва роҳат осори мафкуд бўлуб, айшу осойиш мақомидин жудо, машаққат ва коҳиш балосига мубтало бўлдилар. Маснавий:

Бўлуб халқдин амният бартараф,  
Туман фитна юз кўргузуб ҳар тараф.  
Муонидлар айлаб ҳисор ичра жой,  
Ейиб эл молин ўлдилар ишрат фазой.

Ямон кун раоёға тушти баса,  
Бузуқлик эл ичра етушти баса.  
Фалак гардиши бирла аҳли Орол,  
Неча кун бу нафъ ўлдилар танғхол.

Моҳи мазкурда, янъи рабиулаввал ойининг ўн тўққизиди сешанба кун и ҳазрати аъло ҳоқоний Бухоро волийси амир Насруллонинг элчиси Мирзо Убайд мирохурбошиға-

ким, бир неча муддатдин бери элчихонаи ҳумоюнда мутамаккин эрди, мурожаат рухсатин берди ва даргоҳи олампаҳоқ мулозимларидин иззатдастгоҳ Отаниёзбекни элчилик тариқаси била онга рафиқ этиб, амир Насрулло учун мусодақатнома топшуруб Бухоро сувбиға ирсол қилди.

Маълум бўлсунким, ушбу йил муҳаррам ойининг авоситида визоратпаҳоқ, дастури садоқатасар Муҳаммадраҳим меҳтар баъзи мардона афъол ва дўстона ақвол жиҳатидин, балки фалакнинг каж ҳаракатидинким, қуёшдек софтийнат кишиларни ҳамиша авжи иззатдин ҳафизии мазалатга тушурғусидур, вазорат мансабидин маъзул бўлуб, гўшан хумулда мутамаккин ва малул эрди. Назм:

Қуёшким етургай жаҳонга зиё,  
Солур чарх они тийра туфроқ аро.  
Чу Юсуф маҳалли садоқатдурур,  
Макони сияҳчоли зиллатдурур.

Рабиулаввал ойининг йигирма сегизиди панжшанба кун иқбол ёр ва давлат мадакдор бўлуб, сидқу ихлос ва софдиллику давлатхоҳлик ва нек роилиқу рост тадбирлиги сабабидин яна ҳазрати хидеви комкорнинг хотири шафқатшиори онинг иззату эътибориға мойил бўлуб, лутфу карам била они ҳузури комилуссуруриға чоқириб, инояти подшоҳона тақозоси ва мароҳими хисравона муқтазоси била ниҳоятсиз дилжўйлиқлар ва ғоятсиз дилнавозлиқлар кўргузуб бурунги мансабиға мансуб қилиб, борча дўсту душмон орасида мумтозлиғ ва сарафрозлиғ еткурди ва иззатту эътибори бошин фалак боргоҳи қуббасидин ошурди.

Ори, ҳар кишининг зотида сидқ нури намоён бўлса, хорлиғ зулматида доимий қолмай, албатта, эътибор авжиға чиқар ва ҳар кишининг кўнглида ихлос меҳрининг партави аён бўлса, безътиборлиғ зиллатида жовидона ер тутмай ахир иззат маротибиға иртиқо топар, андоқким, назм:

Қуёш зотида бор эди чун зиё,  
Чиқиб ердин этти фалак узра жо.  
Чу Юсуфда бор эди сидқу тамиз,  
Чиқиб чоҳи зиллатдин ўлди азиз.

Сўнги кунким, жумъа эрди, Бухоро подшоҳи амир Насруллонинг улуғ қўшин била бориб Уратупа қўрғонин мусаххар қилиб, суюнчилатиб йиборгон элчиси Саййидму-

род тўқсоба келди ва даргоҳи фалакиштибоҳ ҳожибларининг воситаси била ҳузур мажлисиға духул шарафин топиб барча вуқуға етгон одоби тамом била тақрир қилди ва навозишоти хисравонадин шодком бўлуб, ишорати олий била элчихонаи фирдавснишонада ором тутди.

Яна ул ошонда рабиуссоний ойининг олтисида, жумъа кунни кўклон тавойифи Хуросондин кўчуб, Хоразмға келди.

Бу ижмол тафсили улким, собиқан мазкур бўлмиш эрдиким, ул замондаким, ҳазрати соҳибқирони гитиситон таъйиди илоҳий била салтанат тахтиға жулус қилди. Кўклон халқи баъзи зуҳурға еткургон журму гуноҳлари учун ул ҳазратнинг қаҳр ва сахтидин мутаваҳҳим бўлуб, Хоразм диёрида тураолмай, борча аҳшому амволи била кўчуб, мақому масканларидин иқомат тахтин кўтариб, фирор тариқаси била қатъи масофат қилиб, Хуросон музофотидин Охал диёриға қарийб тоғ ичида Қори Қалъа отлиғ мавзёға бориб, иқомат юкин ташлаб таваққуф хаймасин қурдилар. Така халқи била мувосо қилиб, ул навоҳийда кўп паршонҳоллиқ била ўлтурдилар.

Чун Курдистон қизилбоши така жамоаси била ёғий эрди, кўклон халқи такаға мувофақат кўргузгон жиҳатдин қизилбошдин така савошиға, хусусан кўклон қасдиға дафъа-дафъа лашқар келиб, қитолу жидол маркабин сурор эрди. Жамъиятлари бунёдиға чаповул ва татовул селобасин еткурор эди, то олар фароғат била деҳқончилик қилолмай, неъмат куфроний жазосиға гирифторм бўлуб, маошлариға бағоят танглик етушди, балки кўпраки ҳалокат вартасиға тушди. Уч йил муддатига қарийб барча асбобу амвол ва улоғларин сотиб ўзлариға қут эттилар. Онинг била ҳам бўлмай, очлиғ ғалабасидин қувватлари кетиб жонлариға еттилар ва Хоразм мамлакатининг жонпарвар обу ҳавосининг ҳасратида доимо дийда гирён ва турлук неъматларининг фараҳафзо мазаси жонлари мазақидин кетмай, ул неъматлар хуморидин ҳамиша саргардон эрдилар. Охируламр камоли усрат ва изтирордин номусу ордин кечиб, борчаси иттифоқ била истиғфору эътизор таъкидин изҳор қилиб, ҳазрати аъло хоқон карамшиорнинг инояти подшоҳонаси ётокиға тазарруъ ва зорлиқ илкин уруб, яна Хоразм диёриға келиб, ул ҳазратнинг сояйи ҳимоятида ором ва қарор тутмоқни илтимос этиб, аён: акобирдин бир жамоани остонбўслиқға йибордилар. Чун олар келиб ул жамоанинг аризасин атабаи осмонмартаб нуввобининг арзиға еткурдилар, ҳазрати хилофатмартабат



камоли шафқат ва марҳаматдин ул жамоанинг аҳволига тараҳҳум кўргузуб, гуноҳларин афву ва илтимосларин қабул этиб, иноятнома бериб келгон кадхудоларин қайтарди. Кўклон халқи ул иноятномани кўргач ўлук баданларига тоза жон топиб, ниҳоятсиз хушҳол ва шодон бўлуб, ҳеч таваққуф кўргузмай, қуввату қудратлари борича афтону хезон, пиёда ва сувора мақсад жонбиға равон бўлдилар ва мароҳили мутакассирани қатъи этиб мазкур бўлгон кун Хоразм диёрига еттилар. Ишорати олий мужиби била даргоҳи сипеҳргимсолнинг нуввоб ва уммоли оларга Тошҳавзда маъво ва сукно таъйин эттилар. Яна моҳи мазкур, яъни рабуссоний оинининг ўнида, сешанба куни Бухоро элчиси Саййидмурод тўқсобаким, амир Насруллонинг Уратупа кўрғонин фатҳ этгон хабарин келтурмиш эрди, андоқким юқорида мастур бўлди... Онга Раҳматулло қарокўзни сафорат расми била қўшуб, ҳамул фатҳ муборакбодлиги учун Бухорога йиборилди...

### **ШАҲЗОДА САЙЙИДМАҲМУД ТУРАНИНГ... СИПОҲИ ЗАФАРДАСТГОҲ БИЛА ҚУНГИРОТ ВА ТУРКМОН МУОНИДЛАРИНИНГ ТАНБЕҲИ УЧУН ОРОЛ ДИЕРИГА АЗИМАТ ҚИЛГОНИ...**

Чун қунгирот муонидларининг айёми иноди ва туркман муфсидларининг замон фасоди имдод топиб, узоққа чекти. Ҳазрати аъло хоқони кишварситон ул маонидларнинг ғофил кўнгилларига огоҳлиғ ва ул муфсидларнинг дасти тааддисиға кўтоҳлиғ еткурмак учун ўзининг биродари аржуманд ва ахавийи саодатманди амирулумаро... шаҳзода Саййидмахмуд тўрани... ўзига махсус черик била Орол сафарига номзод қилди. Яна умаро ва сарҳанглар ва сипаҳдорлардин олийжоҳ рафеъ жойгоҳ Шоҳмурод иноқ ва Ибодулла иноқ бошлиғ бир жамоани ўзларига мутаалиқ навкарлари била ул жанобнинг ҳумоюн рикоби мулозаматиға буюрди. Ул сафарда лашкар асбобининг саранжоми ва аскар маҳомининг эҳтимоми ва умур машварати ва жумҳур маслаҳати ва жамеъи воқеа ва ҳодисаларнинг уқдакушолиғи учун давлат арконининг иозимидан вазири аъзам, дастури мукаррам хуршид замир, Осаф назир, соҳиб девони аъло низомулмулк ваддунё дониш паноҳ, биниши дастгоҳ, ҳикматмаоб, фаросатинтисоб, афзалулфузало, акмалулқумало, визорат оламининг сипеҳри, садорат тораминанинг меҳри, ҳазрат аёнининг пешвоси ва жамеъи сипоҳ ва

раоёнинг қадрдони ва мушкул кушоси... аъни хужаста манзар некусийяр... Муҳаммадраҳим меҳтарни... ул жанобнинг хизматиға таъйин этти. Ул жаноб ҳазрати подшоҳи комёб ва шаҳаншоҳи қамаррикобнинг фармони лозимилитинон мужиби била сафар асбоби ва лашкар яроғи таҳясидин сўнг мазкур йил, жумоилаввал ойининг ўн тўққузида, шанба куни ҳазрати аъло хоқонийнинг муборак фотиҳасин олиб, маъмур бўлгон умаро ва саркардаларнинг ҳаминанлиқи била шаҳри Хивақтин чиқиб, эъломи зафарфаржомнинг мунаввар маҳчасин қуёшдек жилвагар ва қамардек сайргустар қилиб, Жонакшайх мавзеъдаким, хайма ва хиргоҳ бурунроқ бориб барпо ва муҳайё бўлмиш эрди, давлат била нузул этиб, қадами вусулидин ул маконға жаннат гулшанидек сарбаландлик берди. Онда бир кеча таваққуф кўргузуб, ярим тунгача ишрат базмин тузуб, тонгласиким, якшанба эрди ондин кўчуб Қўшкўпрук мавзеъин муҳайями хайёми давлат ва мазраби сародиқоти савлат қилди. Онда доғи бир оқшом маснадоройи истироҳат ва бодапаймойи айшу роҳат бўлуб, сўнгги кунким, душанба эрди, кўчуб Шоҳободға бориб тушди. Онда уч ақшом бўлуб, панжшанба куни ливойи зафар ҳавони ҳаракатнамо қилиб, кавкабаи воло била Гурлонга етиб нузул этди. Онда лашкар жамъияти учун беш кун таваққуф кўргузди ва сешанба куни ондин давлат якронига рукуб қилиб, Бурко отлиғ мавзеъға ворид бўлди ва онда тўрт кун мутамаккин бўлуб, шанба куни кўчуб Хитой мавзеъига етиб, вусули шарафидин онинг эътибори фарқин гардунсой қилди. Бу манзилда доғи уч кун таваққуф воқеъ бўлди. Ҳар манзилда уч-тўрт кун эҳмол кўргузмакнинг сабаби бу эрдиким, узоқдин келатургон лашкариянинг изи етиб ўрдуйи ҳумоюнға мулҳақ бўлғай. Сешанба куни хитойдин кўчуб издиҳоми тамом била аъломи нусрат фаржомни ҳаракатга киргузуб, ул жаноб хитой била манқит орасидағи ўзининг мулки холиси ва мазраъи васеъига ворид бўлуб, кавкабан волоға мустақарр ва асокири зафаринтимоға муаскар қилди. Ул мавзеъда тўқуз кун мутаваққиф бўлди. Таваққуфға зоҳирий сабаб ул эрдиким, човдар тоифасининг авбошу ҳаромиларидин бир жамоа туркманлик шарорати жиҳатидинким, оларнинг хабосат асар зотида жибилий ва мухаммирдур, бурунроқ иттифоқ била шақоват таковариға савор бўлуб, мамолики маҳрусанинг қироғ ва канорида ўлтургон саҳронишин фуқаронинг амволу ағномиға қароқчилик йўсуни била тааддий ва таарруз қўлин еткуруб, бир оз мол суруб ўбасиға келтурмиш

эрдилар. Ул жаноб ул жамоанинг орасига баҳромсавлат ва миррихсалобат ясовулар йиборди, токим ул элнинг кадхудолари иттифоқ била раоёдин олингон молларни ҳар кимда бўлса, топиб олиб, жамъ этиб бир мўйин кам этмай тезрак келтургайлар, то эгаларига топшурилғой ва агар андек тааллул ва ихмол кўргузсалар, мавкаби гиҳонпўй ва асокири нусратмаосир била ул тоифанинг устига бориб, элу ахшомин тор-мор қилиб, жазойи кирдорларига гирифтор қилғой. Чун ясовулар ул жанобнинг фармони давлат маобин човдар ақобирига еткурдилар. Олар ул жанобнинг қаҳру ғазаб сатватидин мутаваҳҳим бўлуб, дарҳол ҳумоюн мисолни қабул кўзига суртуб, истеъжол била мазкур бўлгон амволнинг истирдодига иштиғол кўргуздилар ва оз фурсатда борча амволни жамъ этиб ва ўз навкарларин йиғноб, инкисори тамом ва эътизори локалом била ул жанобнинг атабабўслиқиға еттилар. Ажзу ниёз ашки жавоҳирин остони ҳумоюн туфроқиға нисор эттилар ва мазкур амволни даргоҳи олий мулозимларининг илкига топшуруб, авбош ва ҳаромиларининг журму гуноҳларин тазарруъ ва зорлиғ била тиладилар. Ул жаноб камоли карамдин оларнинг илтимосларин мабзул тутуб, хурсанд ва масрур қилди ва мазкур манзилидин тўқузлончи кун кўчуб, жумъа кун Манқит қалъасининг атрофиға нузул этти. Ул манзилда ул жанобнинг муқарриб ва муътамад мулозимларидин иззатнишон Муҳаммадниёз девонбеги неча тевага қанд ва чой юклаб издин келиб, ул жанобнинг хизмати шарафин топти. Қанд ва чойларни назари анвар пешгоҳига еткурди. Ул жаноб оларнинг борчасин ҳамул кеча умаро ва саркардаларга ва сипаҳдорларға тақсим қилиб бериб, шафқат жомидин саршор ва ширинком қилди. Ул мақомда икки кеча оромгузин бўлуб, якшанба кун Қипчоқ қалъаси музофотидин Қарожақўли отлиғ мавзеъға тўшулди. Сўнги кунким, душанба эрди, ондин кўчулди ва Қангли мавзеъи ва Жайхун қироғи ўрдуйи ҳумоюн ва сипоҳи зафарнамунга манзил ва маскан бўлди. Сешанба кун дарёдин убур этиб, шимолия соҳилда Орпақ Болиқ кўлининг ҳаволисин кавкабаи волоға мақарр ва маъво қилди. Чаҳоршанба кун қўшхонага тушти. Онда икки ақшом таваққуф кўргузуб, жумъа кун кўчуб издиҳоми маҳшарнизом била Чотли отлиқ мавзеъға ворид бўлуб, асокири зафарфаржомға муаскар қилди. Ул мавзеъда баъзи умури масолиҳий жиҳатидин қирқ беш кун муддатига қарийб таваққуф ва диранг воқеъ бўлди.

## ТАВАҚҚУФ АЙЕМИДАҒИ ВУҚУЪҒА ЕТГАН ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ

Ул жумладин улким, Хўжаэли қальясининг ҳокими Муртазохўжабийким, ул ошонда ҳазрати аъло хоқоннинг фармони вожибулизъони мужиби била мазкур қальянинг ҳиросатиға машғул эрди, ўз ҳолиға лойиқ туҳфа ва пешкашлар тартиб бериб, муаскари ҳумоюнға келиб, амирул-умаро Тўранинг даргоҳи олампаноҳи мулозамати шарафиға етти... келтурган Ҳадоёсин ул жанобнинг мулозимлари назарига маъруз этти ва отифати беғоя ва марҳамати билло ниҳояға ихтисос топти.

Яна улким, остони салтанат ошиён умаросидин иззатнишон Ҳақимниёз оталиқким, амри олий мужиби била неча муддатдин бери Чимбой қальясида қароқалпоқия тавойифидин ўн тўрт тоифасининг орасида ҳукумат маснадида мутамаккин эрди, ул доғи муносиб туҳфалар муҳайё қилиб, қароқалпоқия акобири била келиб, ул жанобнинг мулозамати давлатидин баҳраёб бўлди ва навозиши беҳисобдин хурсандлиғ ва комёблиғ топти.

Яна улким, олижаноб, иззатмаоб, шавкаторо амирул-умаро Тўранинг... ҳумоюн самъига еттиким, қароқалпоқиянинг қўнгирот қўргониға ёвуқ ўлтурғон икки-уч куронининг улусиға муфсидлар таарруз илкин еткуруб, қўнгирот қальясиға кўчурмак сададидадурлар. Ул жаноб ҳамул элдин маонидларнинг дасти тааддисин кўтоҳ қилмоқ ва кўчуруб, кўб элнинг орасиға олиб келмоқ учун Ҳақимниёз оталиқ ва Муҳаммадмурод маҳрам бошлиғ умаройи эзом ва сипаҳдори киромдин бир жамоани ўзларига мутаалиқ навкарлари била буюрди. Олар фармони олий муқтазоси била озим бўлуб, бир неча кун беша ва биёбонни қатъ этиб издиҳоми тамом, жалодати локалом била мазкур бўлгон куронларнинг устига етиб, борча асбобу амвол ва эҳмолу асқоли била кўчурдилар ва кўчларига ҳиросат ва ҳимоят кўргузуб кўп элнинг орасиға еткурдилар. Муфсидларнинг пойкўб ва дастбурди офатидин фориг ва иймин қилиб қойтиб, амирул-умаро Тўранинг жаноби давлатмаоби мулозаматиға етиб, ул жанобнинг навозишу марҳаматидин баҳраманд ва комёб бўлдилар.

Яна улким, ул жаноб умаройи шижоатмаоб ва шужаойи жалодатиктисоб зумрасидин амири равшанзамир Шоҳмурод иноқ ва Ҳақимниёз оталиқ ва Муҳаммадмурод маҳрам ва Муртазобий ва Авазмуродбий бошлиқ бир гуруҳ мубо-

разатшиор сипаҳдорни лашкари жаррор ва сипоҳи бешумор  
била Қўнғирот қалъасидағи аҳли инод ва арбоби фасодға  
гўшмоли балиғ ва дастбурди азим еткурмак қасди билан  
Қўнғирот жонибиға ирсол қилди. Умаройи мазкур фармон  
мужиби била дабур хайлидек тумон биёбон ва чангалистон-  
дин убур этиб, қазоқия акобиридин Азизбергонбийнинг  
сангаригақим, Толлиқ нахрининг аёқида эрди, еттилар.  
Ондан Маҳмудниёз ясовулбоши ва Азизбергонбий кўб  
лашкар била қўшулуб, издиҳоми тамом ва жамъияти лока-  
лом била аъдойи накбатфаржом дастбурди учун қўнғирот  
қалъаси сори озим бўлдилар. Иттифоқо, қўнғирот қалъаси-  
дағи борча ямут ва ўзга муфсидлардин гуруҳи анбуҳ доғи  
иттифоқ била улғ лашкар тартиб бериб, қўнғиротдин чиқиб  
Азизбергонбийнинг сангарига чаповул урмоқ қасди била  
мутаважжиҳ эрдилар. Йўл асносида сипоҳи нусратпаноҳ-  
нинг қаросин кўруб, кибру нахват юзидин оларни эътибор  
кўзига илмай, от солиб ҳужуми тамом била масоф майдо-  
ниға далирона кириб ҳамла қилдилар. Сипоҳи зафарпар-  
вар доғи жалодат тийгин муборазат ниёмидин чекиб, ши-  
жоат якронин муҳораба арсасиға суруб, ажали уқоби ёнглиғ  
ҳунрезлик чанголин очиб, сарафшонлиғ ва жонситонлиғ  
русумин бурд арсасида намоён этти. Маснавий:

Муборизларға ёв келтурмайин тоб,  
Саросар бутради ондоқки симоб.

Қочиб қўргони сори аҳли идбор,  
Нечукким меҳри рахшондин шаби тор.

Ҳазимат топибон ул хайли гумроҳ,  
Нечукким, тунд ел эсгач пургоҳ.

Сипоҳ зафарпарвар аъдойи накбат асарни то қалъага  
киргунча қовуб, кўп кишини ўлтуруб амаллари жазосиға  
еткурдилар ва кўп амволу асбобға мутасарриф бўлдилар.  
Ямут мақтулларидин Берди Инглиским, инод ва фасод аҳ-  
лининг сардори, балки қалъа аҳли умурининг соҳибихтиё-  
ри эрди, бу зафар нишонаси учун онинг бошин кесиб олди-  
лар. Ҳамул кеча икки жалодатшиор ва таҳоввуросор баҳо-  
дирни ййбориб қалъа дарвозасиға ўт бериб, мурожаат  
қилдилар ва солим ва ғоним амирулумаро Тўранинг муло-  
зиматиға етиб, заррин саруполар кийиб, ул жанобнинг  
марҳаматидин сарафрозлиғ топтилар. Ул жаноб Берди

Инглиснинг бошин хазрати аъло хоқонийнинг даргоҳи олийси остониға йиборди. Ондин сўнг ул жаноб мазкур мавзеъдин ўрдуи давлатинтисоб била кўчуб, бир манзиллик йўл юруб бир васеъ бешага тушуб лашкаргоҳ қилиб онда баъзи умури масолиҳий учун ўн уч кун таваққуф кўргузди. Ул манзилда таваққуф асносида умаройи олийшондин... Раҳмонбердибий ҳазрати аъло хоқони гитиситоннинг фармони вожибулизъони муқтазосича бир гуруҳ лашкари жаррор била Хивақ шаҳридин озим бўлуб, амируларо Тўранинг ўрдуи ҳумоюниға қўшулуб, ул жанобнинг қўшуниға ўзга ёнглиғ зебу оройиш еткурди. Ул жаноб ондин сўнг қўнгирот устига бормоқ иродаси била баъзи ижмолу асқол ва хаймаву хиргоҳни кемаларга солиб, Ўкузкеткон наҳрининг канорида нўкуз халқининг курониға йиборди, токим сўнгроқ мавкиби ҳумоюн ва асокири маҳшарнамун била рукуб қилиб бориб ҳамул мавзеъни муаскар қилғай.

Ул аснода муқарраби ҳазрати султоний ва махсуси суҳбати соҳибқироний давлат ва иқболҳамдам Оллоҳберган маҳрам ҳазрати хилофат мартабатнинг муборақ ёрлиқин ул жанобга еткурди, бу мазмун билаким, ул жаноб Элтузар иноқни баъзи лашкария била муфсидлар гўшмоли ва муонидлар танбеҳи учун ул ҳаволида қўюб, ўзи ўзга қўшун била қайтиб салтанат мажлисининг духули шарафиға мушарраф бўлғой. Ул жаноб фармони саодатмаоб мужибни била амал қилиб, Элтузар иноқни ўзига ҳамроҳ боргон черик била нўкузга ҳориб бўлмоқға йиборди.

Яна умаро ва сипаҳдорлардин Фозилхўжа шайхулислом ва Яъқуб маҳрам ва ғайриҳумони ўзларига мутааллиқ навкарлари била онинг мулозаматиға таъйин этти. Ул жаноб доғи борча умур эҳтимоми ва масолиҳ саранжомидин сўнг шаъбон ойининг йигирма иккисида, шанба куни давлат ва иқбол била мурожаат қилиб, етти кун манзил-баманзил суръат била наҳзат кўргузуб, мазкур ойнинг йигирма тўққузида жумъа куни Хивақ шаҳрига келиб ҳукми олий муқтазоси била ўз давлатхонасида оромгузин бўлди. Бу сафарнинг муддати тўқсон тўққуз кун эрди.

Ул ошонда ҳазрати аъло хоқони гардунмакон сайр тариқаси била Тўнглўкли мавзеъиға бориб, ҳазрати Паҳлавон қаддаса сироҳу наҳрининг саққосин қоздуруб, сув очмоқ тамошосиға машғул эрди. Қозув қоздурмоқ ва сув очмоқ ишидин форуғ бўлуб, рамазонулмуборақ ойининг иккисида душанба куни қайтиб келиб, салтанат саририда

ором тутти ва дийдори ҳумоюнӣ мушоҳадасидин амиру-  
лумаро Тўра бошлиғ борча умарову сархайл ва сипаҳдору  
маориф ва машоҳирнинг дийдаи интизорларин ёрутти ва  
барчасининг борасида подшоҳона марҳаматлар зуҳурға  
еткуруб, олтун гажимлик отлар миндурди ва тилло пичоқ-  
лар қистуруб, заррин хилъатлар кийдурди ва хисровона  
навозишлар била иззат ва рифъатлари бошин қуёш бўр-  
кидин ошурди...

**Баъзи воқеъот зикриким, амирулумаро Тўра мазкур  
сафарға озим бўлгондин сўнг даргоҳи хилофатпаноҳ муло-  
зимларининг орасида вуқуъға етти. Ул жумладин улким,  
даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозимларидин қароқалпоқия монқи-  
тининг сарвари садоқатпарвар иззатасар Соҳибназарбий-  
ким, бурунроқ Хўқанд элчилигига маъмур бўлуб, Худоёр-  
хоннинг олдиға бормиш эрди, Худоёрхоннинг иниси Му-  
ҳаммадёрхон Хўқанд вилоятида хон бўлуб, онинг қўшгон  
элчиси Мирза Абдулваҳҳоб панжоҳбоши била мазкур йил  
жумодуссоний ойининг тўртида сешанба куни келиб, остон  
бўслиғ давлатиға фойиз бўлди.**

Бу ижмол тафсили улким, Хўқанд вилоятининг волийси  
Худоёрхон неча муддатдин бери шайтон игвоси ва нафсу  
ҳаво иқтизоси била айшу ишратға мойил бўлуб, лаҳву лаъба  
ға иштиғол кўргузди ва салтанат умури ва мамлакат ма-  
солиҳидин бепарволиғ қилиб, бурунги роҳу равешин буз-  
ди. Охир жамеъи умаро ва раоё ниҳоятсиз тангу малул  
бўлуб, иттифоқ била иниси Муҳаммадёрхонни салтанат  
тахтиға миндуруб, они азл этиб, юртдин чиқориб қовуб  
йибордилар. Ул Бухороға бориб амир Насруллонинг давлa-  
ти соясин ўзига паноҳ қилди. Муҳаммадёрхон салтанат сa-  
ририда мутамаккин бўлуб, мамлакат маҳоми ва сипоҳу раъ-  
ият саранжомиға иштиғол кўргузди ва умаросидин Абдул-  
ваҳҳоб панжоҳбошини элчи қилиб, подшоҳона туҳфалар  
била ихлоснома топшуруб, Соҳибназарбийға ҳамроҳ қилиб,  
даргоҳи фалакиштибоҳ мулозаматиға ирсол этти. Ул қатъи  
манозил ва таййи мароҳил қилиб, мазкур бўлгон кун келиб  
суддаи хилофат хокбўслиқи саодатиға истисъод топиб,  
Муҳаммадёрхоннинг йиборгон мувофақатнома ва ҳадялари  
ул ҳазратнинг кимйеасар назариға одоби тамом била ет-  
куруб, навозишоти мулуконадин сарафрозлиғ топти.

Яна улким, остони давлатпосбон мулозимларидин Ота-  
ниёзбек ва Раҳматулло қарокўзким, Бухороға сафорат рас-  
ми била бормиш эрдилар, андоқким, юқорида мастур бўлди  
Амир Насрулло оларға ўз умаросидин Раҳматулло миро-

хурбошини қўшиб, муҳаббатнома ва подшоҳона туҳфалар била даргоҳи давлатпаноҳ сори ирсол этти. Раҳматулло мирохурбоши оларнинг ҳамроҳлиқи била манозили мутакассирани қатъ этиб, ражаб ойининг йигирма олтисида сешанба куни атабаи сипеҳрмартаба зиёрати давлатининг саодатиға мушарраф бўлуб, келтургон мактубу туҳфасин нуввоби давлатмаоб назарлариға еткуруб, навозиши хисравонадин маҳзуз ва баҳраманд бўлди.

Яна улким, шабъон ойининг тўртида сешанба куни фармони олий мужиби била давлати абадмуддат аминлари Хўқанд элчиси Мирзо Абудулваҳҳоб панжоҳбошиға жаноби салтанатмаоб мулозимларидин ўн тўрт уруғи қароқалпоқийнинг сарҳайл ва мунтахаби ихлоспаноҳ Эрназарбийни рисолат расми била масҳуб қилиб, муволафат мазмуни била бир мактуб топшуруб, Хўқанд подшоҳи Муҳаммад-ёрхон жонибиға равон қилдилар.

Қўй йилининг вақоеъиким, таърихи ҳижрий минг икки юз етмиш бешга мутобиқ эрди. Ул жумладин улким, наврўздин бир кун сўнг шабъон ойининг ўн сегизида сешанба куни Бухоро подшоси Амир Насруллонинг элчиси Раҳматулло мирохўрбошиға ихлоспаноҳ хизматкорларидин Исмоилбой Хонақоҳийниким, сортия тавойифининг саромади эрди, элчилик йўсуни била ҳамроҳ қилиб, мувофақатмазмун ва муҳаббатомун мактуб бериб, Бухоро жонибиға азиматнамо ва даштпаймо қилдилар...

Яна улким, шаввол ойининг йигирма иккисида сешанба куни Бухоро элчиси мирза Убайд мирохурбоши Исмоилбой Хонақоҳийнинг ҳамроҳлиқи била остони олий хокбўслиқи шарафиға восил бўлуб, Амир Насруллонинг топширғон туҳфот ва сифоришотин назари анвар пешгоҳиға еткуруб, навозишоти мулукона била шодкомлиғ топти.

**ҲАЗРАТИ ПОДШОҲИ БЕҲАМОЛ ВА ШАҲАНШОҲИ  
ҲУМОЮНФОЛНИНГ ИҚБОЛ ҚОЙИДИ ДАЛОЛАТИ БИЛА  
ҚУНҒИРОТ МУФСИДЛАРИНИНГ ТАНБЕҲУ ГУШМОЛИ,  
БАЛКИ ЭЪДОМУ ИСТЕСОЛИ УЧУН ЭЪЛОМИ  
НУСРАТИШТИМОЛНИ ОРОЛ ДИЕРИ ЖОНИБИҒА  
ҲАРАКАТГА КИРГУЗГОНИ...**

Чун қўнғирот муфсидларининг иноди фурсати ва ямут мутамарридларининг фасоди муддати истимрор ва имтидод топа бошлади, ҳазрати султони нусратнишон пешбинлик юзидин мулоҳаза қилдиким, туғён ва исён аҳлининг



дафъида мусоҳала қилмоқ ва мамлакат умурининг низомида мукоҳала кўргузмак ҳазму эҳтиёт расмидин йироқ, ақлу дониш қоидасидин узоқдур. Ложарам кўнгирот муфсидларининг қалъу қамаъ қасдин пеш ниҳоди хотири хатир қилиб, Орол юруши азмин жазм қилди. Ва лашкари жаррор эҳзори учун мамолики маҳрусанинг жамеъи билоди амсориға боди рафтор ва сарсаршиор хабарчилар ирсол қилиб буюрди, то ихлососор вакиллар ва сидқдисор саркорлар сафар асбобининг таҳияси ва харб олотивинг тажаллиясиға иштиғол кўргуздилар. Маснавий:

Эшитгач хабарли лашкари кийнахоҳ  
Бўлуб шодлиғлар била рў бароҳ.  
Келиб, ҳар тарафдин гуруҳо-гуруҳ,  
Бўлуб ҳар биридин аён юз шукуҳ  
Қилиб борчаси шоҳ жанобиға майл,  
Нечукким қилур майл дарёға сайл.  
Онингдек бўлуб жамъият ошкор,  
Ки қилди жаҳон кенг фазосини тор.

Чун лашкар ижтимоъи саранжомидин ва сафар яроғи эҳтимомидин фароғ ҳосил бўлди, ул ҳазрат ўзининг иззатшиор ва сидқосор ақоси, зубдатулкубаро, мушфиқулфуқаро, жамолуддават ваддин амирулумаро, Саййидмаҳмуд тўрани... ўз наёбатиға муқаррар қилиб, мазкур бўлгон йил зулқаъда ойининг иккисиди панжшанба кунни қуёш тулуъидин сўнг бир соатнинг ичидаким ҳукамойи замон эътимоди била бағоят масъуд эрди, давлат қадамин ғайрат рикобиға еткуруб, шижоат маркабиға рукуб қилди ва хизматидоғи ҳозир умаро ва сипоҳ била... шаҳри Хивақдин... чиқиб, суръати тамом била йўл азиматиға хиром кўргузди...

Мундоқ жамшидона шавкат ва хуршидона наҳзат била чошт чоғи Жонақшайх қарясиға ворид бўлуб, ондағи қасри дилкушо ва боғи жаннатосоғаким, ул ҳазратнинг мулки холиси эрди ва ўзининг мулкоро ҳукми бонийсининг баннолиги била тоза бино топмиш эрди, нузул этиб, ҳумоюн мақдами шарафидин онинг кўнгураи рифъатин гардунсо ва аршфарсо қилди.

Ул ҳазратнинг азми савлати ва қаҳри ҳайбатидин ямут жамоасининг хотириға ваҳму ҳарос ғолиб бўлуб мўътабар кадхудоларидин Ҳасанбек ва Бахши ва Вакил бошлиғ беш мўҳрдор ва соҳиб эътибор кадхудоси ҳамул манзилда келиб, арз мавқифида ҳозир бўлуб инқисори тамом ва из-

тирори локалом била илтижо ва илтимос кўргуздиларким, биз жамоа бурунги исён ва густоҳлиқимиздин нодим ва пушаймон бўлуб, эмди хизматкорлиқ ва жонсипорлик қа-воидин камоҳаққуҳу изҳор қилмоқ орзусидадурмиз. Бизларга меҳрибон бўлуб вазири аъзам... Ҳасанмурод қўшбегини қўшинг. Токим онинг ҳамроҳлиғи била Хонобод мавзеъида ўлтурғон ямут устига борали ва ул жамоанинг баъзи нодон ва қалтабонларигакам, сархайли арбоби исён Отамуродхоннинг иғво ва тарғиби била Қўнгиротга бориб, сардафтари асҳоби туғён Муҳаммадпаноҳхонга фасоду инод амрида ёрлиғ ва мададкорлиғ кўргузадурлар. Уз кирдорларига лойиқ таъдибу ва гўшмол еткуралди. Борча отлиғларин ўзимга ҳамроҳ қилиб, Кўҳна Урганч ва Арнак Қири устидан юруб от йўлидан ўтали. Қўнгирот қалъасининг атрофу жавонибиға чаповул уруб, кўз кўргудек бир хизмат зуҳурға еткуруб, ўрдуйи ҳумоюн Қўнгирот қўрғонининг муҳозисига еткан аснода рикоббўслиқ шарафига восил бўлуб, жонсипор хизматкорлар қаторига қўшилалди. Агарчандики, ул ҳазрат ул муфаттин ва безътибор тоифанинг бир сўзда росих ва барқарор ва бир ваъдада собит ва устувор тураолмаслигин тажрибаи имтиҳон юзидин билур эрди, аммо вақт муқтазоси била оларнинг муддаолари сийнасиға дасти рад урмай ва таманнолари жабҳасига чини кудурат еткурмай, илтимосларин мабзул тутуб, Ҳасанмурод қўшбеги ва Ортуқбий ва Раҳматулла ясовулбошини оларга серхайл қилиб, ямут халқи устидин юарга рухсат берди.

Ва ул ҳазратнинг ўзи мазкур манзилдин жумъа куни ўрдуйи аъло ва кавкабаи ҳайрат афзо била наҳзат ливосин жилванамо қилиб, Шоҳобод қалъасига баҳоросо нузули файзидин беҳишт қасридек дилкушолиғ еткурди. Онда бир кеча бистароройи таваққуф бўлуб, тонгласи шанба куни кўчуб, издиҳоми тамом ва дабдабаи саодатфаржом била озим бўлуб, Гурлон қалъасининг шимолий жонибида дарёйи Жайхун канориға етиб, Бобоали отлиғ бузрукворнинг қадамгоҳиким, дарёнинг машҳур маъбаридур, мазраби боргоҳи давлат илтизом ва мақарри сародиқоти сипеҳрэхтишом қилди. Фармони олий мужиби била бурунроқ ҳамул маъбарда фалакрафтор жунглар ва ҳилолвор кемалар беҳадду бешумор жамъ бўлмиш эрди. Ҳукми воло ишорати била сарбоз ва шамхолчи ва пиёда навкар тавойифи ҳамул кемаларга миниб ва аксар эҳмол ва асқолни юклаб... Жайхун юзидин яғоч бодполарни мақсад жонибиға сурдилар.

Ҳамул мавзеъда салтанат боргоҳнинг маҳсус ва муқаррибларидин садоқат ва шижоаттавъам Оллоберган маҳрамга мавқифи жоҳу Жалолдин фармони лозимилимтисол иззи асдор топтиким, Чимбой қалъасиға бориб, ул атрофдағи ўн тўрт уруқ қароқалпоқийға юруш асбобин ва уруш яроғин муҳайё ва омода қилдуруб, кавкабаи воло Хўжаэли ҳаволисига етгонда, ўрдуи аълоға еткургай ва сўнгги кун ул ҳазратнинг ўзи сипоҳи нусратпаноҳ била марокиби бодпаймоға рукуб қилиб... дарёнинг жанубий тарафи ва ҳомун фазосидин равон бўлди...

Мундоқ душмангузор дабдаба ва дўст навоз кавкаба била Оққум ва хитой сарҳадиға нузул этиб, ондин кўчуб, Юмриға тушулди. Ондин наҳзат қилиб, Қипчоқ қалъасининг юқорисида Қарияқо отлиғ мавзеъға ворид бўлуб, бир кеча асокири нусрат маосирға муаскар қилилди. Ондин кўчуб Қанглиға тушулди ва ондин рукуб қилиб, Лавдон наҳрининг саққосига ва ондин Хўжаэли музофотида дарё яқосига ва ондин Кўбкема отлиғ манзилға нузул қилилди ва ул манзилда чобукдаст ва суръатпараст мулозимлардин Вайсниёз маҳрам ва Иноят маҳрам дарёнинг каноридағи қолин дарахтлар ва чангалларни қатъ этиб ва баъзи ўзюклар ва наҳрларнинг саққосин кўмуб, афвожи қиёматасар бетасдеъ ва безарар маътал бўлмай, мурур этгудек йўл тузатурға маъмур бўлдилар. Тонгласи кавкабаи воло ҳамул мавзеъдин ҳаракатнамо бўлуб, Арисоқой наҳрининг тўшида Бек ёфининг саққосига тушулди. Ҳамул манзилда борча қўшун била фалаквусъат ва сарсарсуръат кемаларға миниб, дарёнинг шимолия жонибиға ўтулди. Ҳамул маконда Шукурберди шайх Кўҳна Урганждин келиб ямут халқининг шарорати зотий муқтазоси била ваъдаларига хилоф қилиб ва қиёматғача остидин чиқа олмағудек бидъат зиллатин бўюнларига олиб, қўшбеги бекнинг теваларига чаповул уруб кетгони ва қўшбегининг хизматида ямутиядин киши қолмоғони хабарин ҳазрати хидеви душманшиқорнинг ҳумоюн самъиға маъруз этти.

Бу воқеа баёни улким, чун Ҳасанмурод қўшбеги ва Раҳматилла ясовулбоши ва Ортуқбий Жоникшайх қарясида ҳазрати аъло хоқонийнинг фармони вожибилизъони била ямут кадхудоларига ҳамроҳ бўлуб, ул тоифа оломонин жамъ этмак учун Ғозиобод қалъасига бориб туштилар. Сўнгги кун Бадркентда Назар Вакилнинг уйиға нузул этилар.

Тонгласи қутбил авлиё... Маҳмуд ато...нинг марқади мунаввараси зиёратиға етушуб ўнбегининг уйига туштилар ва онда икки ақшом бўлуб, учинчи кеча Азмахшарда Сорн сардорнинг манзилида истироҳат қилдилар.

Маълум бўлсинким, ҳар манзилда ямут ҳаромиларидин ўғирлиқ ва саркашлик ва кўб қабиҳ ҳаракатлар зуҳурға етор эрди, аммо вақт муқтазоси била қўшбеги бек они тағофил ва иғмоз пардаси била пинҳон етор эрди. Тонгласи Ҳилолий қалъасининг қибласида Йгдар Оқий паҳлавоннинг уйига нузул эттилар. Ҳамул кун борча ямут акобири жамъ бўлуб бориб, қўшбеги бекнинг ҳузуриға келиб, иттифоқ била аҳду паймонни онт ва имон била муаққид қилдиларким, борчамиз кўнглумизда ҳар навъ гина ва қудурат бўлса, ушбу кун чиқордуқ. Эмди соф кўнгул ва ориғ ният била ҳазрати подшоҳи карамдастгоҳға қабул тушгудек хизмат қилғумиздур. Ул мажлисда Ҳонободдоғи ўлтурғон ямутиянинг кадхудолари отиға хат ёзиб, мўҳрларин босиб пайғом йибордиларким, «бизлар худ борча гуноҳ ва исёнимиздин тавба қилиб, подшоҳи исломпаноҳ итоатин вожиб билиб, ихлос била хизмат қилмоққа эътиқод била бел боғладуқ. Агар сизлар доғи бизларға қариндош бўлсангиз ва бизнинг била бориш ва келиш умидингиз бўлса, бизга мувофақат кўргузуб хизматға келингла, токим бу хизмат воситаси била журму исёнларингиз жаридасиға афву йноят рақами чекилиб, марҳамати подшоҳонаға сазовор ва отифати хисравонадин бархурдор бўлғайсиз». Бу воқеалардин сўнг қўшбеги бек ва ясовулбоши жамъ бўлгон оломон била кўчуб, Ҳилолийнинг ошокида Кафчақуми отлиғ мавзёға тушуб, бир кеча таваққуф кўргуздилар. Тонгласи ондин озим бўлуб қалъали қародошлу тоифасининг орасиға бориб нузул эттилар. Ондин кўчуб зулқаёда ойининг ўн тўртида душанба куни Кўҳна Урганжға бориб қалъанинг бошида зубдатул авлиё шайх Нажмиддин Кубронинг муборак мақбараси живориға тушуб лашкаргоҳ қилдилар. Учинчи кунким, чаҳоршанба эрди. Ҳонободдағи ямутларнинг борча кадхудолари Уда эшонни олдиға солиб қўшбеги бекнинг хизматиға келиб, сув тиламак бобида кўб мунозара ва муболаға кўргуздилар. Панжшанба куни қўшбегининг кенгоши била борча мутаффиқ бўлуб, бир аризадошт ёзиб, онга борча мўҳрларин босиб, сув илтимос этмак учун Одина Алихон ва Назар Вакил ва Балам оталиқни ҳазрати хоқонийнинг остони давлатошиёниға йибормакчи бўлуб турғон ҳолда бир

ғавго пайдо бўлди. Ул ғавго сабаби бу эрдиким, ул аснода ямут оломони шарорати жибиллий ва шақовати ғаризий муқтазоси била пешбинлик ва намакхўрлиқ риоясидин таанни ва тааммул кўзин юмуб, қўшбеги бекнинг теваларига чаповул уруб, борчасин сурдилар ва Кўҳна Урганч фуқаросидин доғи икки-уч ўғлонни асирлик қайдиға чекиб, бир кишига оғир захм еткуруб, ўбалари жонибиға юз урдилар.

Бу воқеадин сўнг тарокима тавойифининг борча ақобиру кадхудолари доғи қўшбеги бекка истиза ва аъроз юзидин дедиларким: «Бизларни яхши сийласанг ва ҳар отлиғ бошиға ҳар кун икки тангадин қўнуқ берсанг, оломонни яна йиғноб келтурурмиз. Йўқ эрса, бизлар доғи хизмат қилмоқға ярамасмиз», деб бу сўзни айтиб қўшбегидин рўй гардон бўлуб, қўшларин кўчуруб, ўз масканлари тарафиға равон бўлдилар ва кўрнамаклик балосин бошлариға солиб... икки жаҳон юз қаролиқин бўюнлариға олдилар...

Бу воқеаи ҳайрат афзо ва бу ҳодисаи ваҳшат намо вуқуидин сўнг қўшбеги бек ҳазму эҳтиёт риоясин маръий тутуб, қўшин кўчуруб Кўҳна Урганж қалъасининг ичига киргузди. Ва бу воқеаларға муштамил бир аризадошт ёздуруб они Шукурберди шайхға топшуруб, ҳазрати хидеви комкорнинг даргоҳи фалакмадорига ирсол қилди. Шукурберди шайх ул аризани кавкабаи воло дарёдин ўтган ерда бориб, ҳазрат аъло хоқонийнинг ҳумоюн мутолаасиға еткурди, ондоқким, собиқан мазкур бўлди. Ул ҳазрат ихтиёт ва дур андешлик юзидин бу кулфатасар хабарни ўрду ва лашкар орасида шуҳрат бермай, «қўшбеги ўз мулозиматидаги лашкар била биз Қўнғиротдин қайтиб келгунча Кўҳна Урганчда бўлсун», деган мазмун била бир хат топшуруб, Шукурберди шайхни ҳамул манзилдин қайтарди. Ондин сўнг ул ҳазрат ўрдуйи ҳумоюн ва сипоҳи маҳшарнамун била кўчуб, Қаробойли наҳрининг саққосиға тушти. Фармони олий мужиби била ҳамул кун оломон кўш ва қўлонглари била мазкур наҳрдин ўта бошладилар. Ҳамул манзилда Оллоберган маҳрам ўн тўрт уруқи қароқалпоқийнинг борча отлиғ ва пиёда черикин жамъ қилиб, ўрдуйи аълоға келтуруб, рикоббўслиғ саодатиға истисъод топти. Сўнгги кун мавкиби ҳумоюн Қаробойли наҳридин ўтуб шимолий канориға нузул этти. Ондин кўчуб Шўрқочу суйининг канориғаким, онда амри олий мужиби била олийшони рафеъ макон амирзодаи офоқ Элтузар иноқ,

умаро ва сипаҳдорлардин Фозил хожа шайхулислом ва Қаробаҳодир мироб ва қотли Бобобек ва Атониёзбек ва Муҳаммад Яъқуб маҳрам била бир фавж лашкарга бош бўлуб, неча муддатдин бери Қўнгирот қалъасининг атрофу жавонибиға чаповул уруб, илгор тариқаси била ётмиш эрдилар, нузули ижлол воқеъ бўлди.

Маоний баҳриға вақт заврақим сургувчи фаҳму фатонат аҳлининг замойири дарёназойириға бу сўз гавҳари пўшида қолмасунким, ҳамул мавзеъда дарё уч бўлак бўлуб ҳар бири бир тарафға оқар:

Бири Шўрқочувдурким, етти-сегиз йилдин бери Жайҳуннинг икки ҳисса сувин чекиб, улуғ дарё бўлуб орқа тарафиға оқиб Укуз отлиғ ўзакка қўшулуб, ондин сўнг яна кунботар жонибға ойланиб Қўнгирот қалъасиға икки фарсахлиқ ёвуқ бориб, яна кўҳна дарёға қуяр.

Яна бири Қиётёрғон наҳридурким, қибла — кунботарға айрилиб, от йўли тарафиға оқар.

Яна бири Кўҳна дарёдурким, мазкур бўлғон икки наҳрининг ўртасидин ва Қўнгирот қалъасининг остидин оқар ва ҳамул мавзеъда дарё тўғри орқа тарафға айланур.

Сўнгги кун мазкур манзилдин издиҳоми тамом била Шўрқочувдин ўтуб Кўҳна дарё била Шўрқочувнинг ўртасиға қўшулди. Ҳамул ерда икки кеча мутаваққуф бўлуб, борча лашкарияни кема била Шўрқочув суйидин ўткориб бўлғондин сўнг, кўчуб мазкур бўлғон Укуз наҳрининг дарёға Қуйғон мавзеъға нузул қилилди. Лашкар аҳли дарҳол фармони вожибулимтисол мужиби била ҳамул наҳрдин дабур ҳайлидек убур ётарға машғул бўлдилар. Ул наҳрининг суйи Шўрқочув суйи қўшулғон жиҳатдин ондоқ иштидод ва ихтидод била оқар эрдиким, ондин ўтарда лашкариядин бир киши ва бир от сузуридин ўзин соҳилға еткура олмай талаф бўлди. Ул маконда ишорати олий муқтазоси била қодирандоз тўпчилар тўбларни нишонаға отиб орзулари ўқи мурод ҳадафиға тегиб, инъоми подшоҳонадин баҳраманд бўлдилар.

Сўнгги кун Укуз наҳридин ўтуб тушулди. Сўнгги кун ондин кўчуб Нуғой отлиғ мавзеъға тушулди.

Бу тариқада бир неча кун қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, зулқайда ойининг йигирма учиди панжшанба куни алололари фалакфарсо била Қўнгирот музофотиға етиб, гавғойи қиёматнамо била муфсидлар қалъаси ёвуқиға нузул этилди. Ул мавзеъни кавкабаи ижлолға мустақар ва асокири зафариштимолға муаскар қилиб, бор-

гоҳи гардунмисол ва хиргоҳи нусратмаол қуббасин меҳру моҳ қамасидин ошурдилар.

Тонгласиким жумъа эрди, ҳазрати аъло хоқони гитиситон ўз нафси нафиси била шижоат якронига рукуб қилиб, шужаойи жалодатшиор ва тўпхонаи майманатосор била ўрдуйи ҳумоюндин чиқиб, қалъа муҳосараси қасдига озим бўлди. Ул чоғда қалъа муфсидларидин тамоми ўзбак ва ямут баҳодирларининг палид димоғларига кибру гурур ели йўл топиб, лашкари зафарасарга муқобил бўлиб, муҳораба қилмоқ муддаоси била дарёдин убуру қилиб, муаскари ферузийасар жонибиға келур эрканлар, йўл асносида умаройи эзомдин Шоҳмурод иноқ ва Муҳаммадмурод маҳрамғаким, кўклон ва човдар черики била муқаддимаи сипоҳ бўлуб илгари борур эрдилар, учроб, ясов ясаб уруш ва талош, савош ва фархош амриға қиём кўргуздилар. Бу тараф муборизлари доғи суфуфи зафарвуқуфни ораста қилиб, масоф майдониға жалодат якронин суруб, қитол ва жидол расмин туздилар. Маснавий:

Қилиб эллар икки тарафдин ситез,  
Солиб наърадин даҳр аро рустахез.  
Суруб барқдек рахш майдон аро,  
Ғуборидин айлаб жаҳонни қаро.  
Чекиб бир-бири қасдига тийғи кийн,  
Кириб ларзаға ҳайбатидин замин.  
Бўлуб гарм ҳангомаи гирудор,  
Аён ўлди ошуби ҳашр ошкор.

Бу хабар ҳазрати подшоҳи зафарпарварнинг самъи саодатасариға етгач, жалодатгустар саркардалардин қипчоқ Ҳакимниёз оталиқ ва қўнғирот Бобобекни борча қароқалпоқ лашкари била аъдо шаррининг дафъиға буюрди. Маъмурлар фармони қазожараён мужиби била саёлат рахшин басолат жодасиға суруб ўзларин балойи ногаҳонийдек муҳораба майдониға еткуруб, андоқ далерона ва мастона ҳамлалар қилдиларким, аъдойи гуризпой они мушоҳада қилғоч, жон хавфи бошлариға тушуб гурур шароби мастлигини ойилдилар. Номус юзидин андак карру фарр қилиб, шужаойи рустам сифотнинг мутавотир ҳамалотиға тоқат келтура олмай, охируламр ҳазимат воситаси била жонларин омон қутқармоқни ганимат англаб маъракаи корзордин юз эвурдилар ва изтирор маркабин фирор номусгоҳиға сурдилар. Куталойи шижоатпайвандким, мун-

доқ фурсатнинг орзуманди эрдилар, фасод ва инод аҳлин барқу боддек таоқиб қилиб, андоқ қатлу кийн ишига илик урдиларким, кўкракин шамшир шерининг алафи ва ажал ўқининг ҳадафи қилиб, адам гуризгоҳиға еткурдилар. Уқ заҳми ва қилич зарбидин қутулғонлари жон ваҳмидин от ва яроқларин ташлаб ўзларин дарёга урдилар... Сув йўлидин дўзах ўтига дохил бўлуб... амаллари жазосин кўрдилар. Ҳамул урушда сарандозлиқ ва жонбозлиқ кўргузгон баҳодирлардин човдар Холдурди ва Баҳодир ва Болтабой баҳодир бошлиғ бир неча киши калла келтуруб, инъомоти ҳисравонадин сарафроз бўлдилар. Ҳамул кун ҳазрати шаҳриёри душманшикор сипоҳи жаррор ва издиҳоми маҳшарнамудор била қалъа устига бориб, умаройн номдорнинг ҳар бирига ўзининг махсус навқари била булжор таъйин этиб, суфуфи саодат вуқуфнинг буронғор ва жувонғорин шужаойн жалодатшиорнинг вужуди нусратнамуди била безаб буюрди, то жонбоз шамхолчилар ва қодирандоз тўпчилар эртадин то кечгача тўбу замбурак отмоқда андоқ саъй ва кўшиш расмин тақдимға еткурдиларким, қалъа аҳлининг бошига бало барқин ёғдурдилар. Ҳамул кун кеч бўлғондин сўнг мавкиби воло ўрдуйи аълоға мурожаат қилиб, тонгласи яна кавкабаи тамом ва издиҳоми зафаранжом била муҳосара амриға иқдом кўргузуб, тўбандозлиқ ва оташбозлиқ ишида андоқ саъю эҳтимом қондасин зуҳурға еткурдиларким, ўқ зарбидин қалъа девори ғарбол масаллиқ мушаббак ва буружу борулар рабти маҳсурларнинг доғлиқ сийнаси чокидек мунфак бўлди. Қалъа аҳлидин кўп кишининг жисми ажал ўқиға ҳадаф ва жони бало ва ано шиканжасида талаф бўлуб, ҳеч киши қалъадин бош чиқараолмай, балки кўча ва кўйларда юриёлмай ул ҳолға етдиларким, сичқон масаллиқ кулба қазиб, ер остида макон эттилар...

Сўнги кун ҳукми олий муқтазоси била аснофи лашкария ва анвоъи навқария қалъанинг кунчиқар дарвозаси муқобаласида бир баланд саркўб кўтардилар... Онинг устига чиққон кишига қалъа оёқ остида намоен бўлуб, агар бир мўр тебранса кўринур эрди. Ишорати воло мужиби била тўпхонаи ҳумоюн саркорлари ҳамул саркуб устига икки тўби раъдошуб чиқориб, чобукдастлик била тўбандозлиқ амриға иқдом кўргузуб, осмондин қалъа жонибиға тавотир расми била юлдуз ёнглиғ оташин гулулалар ёғдуруб, ҳамул шайтанатасар муфсидларга... оташандоз уқубатин ошкор эттилар ва тўб оғзининг ҳайбатлиғ садосидин...



тийра дудининг осмонфарсолиқидин ҳамул шақоват парвар мутаммарридларга қиёмат кунин намудор қилдилар. Қалъа аҳли жон ваҳмидин фирор эткудек макон топмай... камоли танглиқдин «инна ҳазолявму асирун» афгонин фалаки асир қўргонидин ошурди. Назм:

Очиб оғзини тўби осмонкўб,  
Садосидин солиб оламға ошуб.  
Дамидин еткуруб ўт осмонға.  
Шарарлар сочибон ушбу жаҳонға.  
Қолин дуди қуёш юзи ниқоби,  
Вале хасм аҳлига офат саҳоби.  
Тагаркосо дамодам ёғдуруб ўқ,  
Қилиб аъдо вужуди сабзасин йўқ.  
Босиб борча инод аҳлини қайғу,  
Оқиздилар кўзидин йиғлабон сув.  
Илик юдилар ул сув бирла жондин,  
Ошурдилар фиғонин осмондин.

Агар чандики, мутаҳассин бўлгон жамоаи боғия ва тоифаи тоғиянинг ҳоллари бағоят саъб ва мушкул бўлди, аммо ғазоби султоний ва саҳати аълои хоқонийдин мутаваҳҳим бўлуб, жон хавфидин ҳисордин тошқари чиқиб, истемон ва мутобаат мақомиға келмадилар. Қалъа матонати ва хандақ ҳасонатига эътимод этиб, кесок остида ўлмакка кўнгул қуюб милтуқ оғзидин бошқа оғиздин асло садо чиқормай, ҳеч важҳ била такаллум қилмадилар. Ун кун муддатигача ҳар кун бу минволда ўтуб, тўб гулуласининг ва шамхол шалангининг мутавотир ва мутаоқиб рафту омадидин ўзга ҳеч тарафдин бориш ва келиш расми воқеъ бўлмай, фалақ золи ҳар субҳидам мажруҳлар ҳолиға шафақдин қон йиғлаб мақтуллар мотамида анжумдек ашкафшон бўлур эрди.

**Муҳосара айёмида воқеъ бўлгон воқеот зикри.** Ул жумладин улким, кавкабаи воло Қўнгирот музофотиға дохил бўлгондин сўнг, муфсидлар эҳтиёт юзидин тамоми кемаларин йиғноб, қалъа дарвозаси олдида дарё қироғида боғлаб қўймиш эрдилар, ҳазрати аъло хоқонийнинг ишорати лозимул башорати била қароқалпоқия лашкаридин бир гуруҳи дарёшуқуқким, шижоат бешасининг диловар паланги ва жалодат дарёсининг шиновар наҳанги эрдилар, ўзларин дарёйи заҳҳорға моҳивор ташлаб, шиноҳ

дастёрлиқи била сув юзидин дабур хайли убур этгандек бир турфатулайн ичра бориб дарвоза олдидағи боғланиб тургон мазкур кемаларидин эллик уч кемани суруб, назари анвар пешгоҳиға келтурдилар.

Ҳазрати подшоҳи баландиқболнинг дасти дарё наволи гавҳарафшонлиғидин ва муддаолари киштиси гаронбор бўлуб, абнойи жинсий орасида қуёшдек имтиёз ва эътибор топдилар. Аммо кемаларнинг танобин кесиб олур аснода қароқалпоқия баҳодирларидин қангли Абдибийга қалъадин отилгон ўқлардин бир ўқ коргар тегиб, шаҳодат шаробин ичиб ҳамул мавзёда беҳуд бўлуб йиқилди. Ул аснода аркони давлат акобиридин... Абдулла мингбоши ҳамул воқеани мушоҳада қилиб Раҳмонбергон юзбоши бошлиғ беш-ўн мутаҳаввур йигит била барқу бод янглиғ тунду ҳамият юзидин ғайрат раҳшиға маҳмиз бериб, тезлик била ўзларин қалъа дарвозаси олдиға еткуруб, мазкур бийнинг дарё канорида ётгон жасадин кўтариб ўрдуйи ҳумоюнға олиб келдилар.

Яна улким, ҳамул айёмда Орол диёрининг буғдой ва арпаси пишиб баъзиси ўрилиб хирмон қилилмиш эрди. Кўк экинлари доғи кўкориб баъзиси етилмиш эрди. Лашкария аснофи қасду кийн юзидин изроран милмуфсидин ўруб ва тугуб олдилар ва қолғонин поймол қилиб, саҳал вақтда дарёнинг шарқий жонибидағи мазраалар зиротин тамом қилдилар. Дарвоза олдидағи жамъ бўлгон хирманларға доғи офат барқи шуъласин еткуруб, муфсидларнинг умид анборхонасин маҳрумлиғ хокистаридин тўлтурдилар...

Яна улким, аркони давлат акобиридин Маҳмудниёз ясовулбошиким, кўб муддатдин бери ҳукми ҳумоюн мужиби била дарё аёқидағи қазоқия машоҳиридин Азизберган баҳодирнинг курониға бориб, баъзи човдар оломони била илғор йўсуналиғ етиб, Қўнгирот қалъасининг атрофу жавонибиға пайдар-пай чаповул урор эрди, мулозаматидағи човдария ва қазоқия улусининг тануманд ва шижоатпайванд баҳодирлари била остони давлатмаоб хизматиға келиб, рикоббўслиғ шарафидин сарбаланд ва комёб бўлди.

Ва яна улким, умаройи изом ва кубаройи сипеҳр эҳтишом саромадидин Шоҳмурод иноқ ва Маҳмудниёз ясовулбоши ва Муҳаммадмурод маҳрам бошлиғ борча аркони давлат ва аёни ҳазрат иттифоқ била ҳазрати аёло хоқони кишварситоннинг ҳузури комилуссурури хизматиға жамъ бўлуб, некандешлик ва давлатхоҳлик юзидин кенгаш ва

маслаҳат тариқаси била арз қилдиларким: «Дарёнинг шарқий жонибидаги мазраа экинлари билкул тамом бўлди ва муҳосара муддати доғи улоқга чекти. Қалъа ҳам девор баландлиги ва хандақ чуқурлиқи жиҳатидин ниҳоятсиз матин ва ғоятсиз ҳасиндур. Бовужуд мунча ҳисонат, агар сипоҳи журъатнамой ва шужаойи кишваркушой, қалъагирлик мақсади била атрофу жавонибидин ҳужум кўргузуб ғайрати мавфура била югурсалар, давлати қоҳира мадади била бир ҳамлада қалъа мафтўҳ бўлуб, зафар шоҳиди жилвагар бўлур. Аммо ҳар қалъаким, қаҳру ғалаба била мусаххар бўлса, яқиндурким, кўб бошлар кесилиб, кўб қонлар тўкулгай. Бас, уқало олдида маълумдурким, мунингдек юз қалъанинг фатҳи сипоҳи нусратпаноҳ афродидин бир нафарнинг зотиға нуқсон етмакига арзимас. Агарчи ҳоло қалъа аҳли ҳазрати соҳибқироннинг қаҳру ғазаби шиддатидин кўрқув, амон талаби била қалъадин чиқмаслар. Аммо мавкиби ҳумоюн ва кавкабаи қиёмат намун муҳосара таркин тутуб қалъа устидин кўтарилса, қалъа аҳли муфсидлар жафоси ва қаҳат ва ғало балосиға тоқат қилолмай, иншооллоҳ тездурким, Муҳаммадпаноҳхон бошлиғ жамеъи фасоду инод аҳлин тутуб ва бошларин кесиб туҳфа йўсуналиқ даргоҳи олампаноҳ туфроқиға еткургайлар ва қалъа фатҳи бетасдеъ ва бетараддуд муяссар бўлғай. Орол мулки яна бурунғидек ҳавзаи тасарруфға киргай... Эмди муносиб давлат улдурким... мавқуф бўлғон вақтға кўз тутуб, қалъа устидин кўчуб, дарёнинг ғарбий жонибиға ўтулса, ҳамул тарафидин ошоқға озим бўлуб манзил-баманзил ҳамул жонибидаги экинларни поймол ва нобуд қилиб, қазақ дарёси саққосиға еткондин сўнг, яна дарёнинг шарқий жонибиға ўтуб, Чимбой қалъаси устидин давлат қойидининг раҳбарлиги била мустақарри салтанат сори мурожаат қилилса».

Ҳазрати подшоҳи Искандар шавкат аркони давлатнинг бу маслаҳатинким, айни савоб эрди, қабул қилиб, қалъа устидин кўчмак рухсатин берди.

Иттифақо ҳамул аснода дарёнинг аёқидаги ва тенгиз қироғидаги қароқалпоқия сарварларидин Мулламаҳмудбийнинг сангаридин мундоқ хабар келдиким, тенгиз ичида ва дарёнинг тенгизга қўятурғон ерида ўрус кофирларининг уч нафар ўт учони узоқдин мушоҳада қилилди. Гумони ғолиб улдурким, дарёга кириб бу жонибға келмак судудидадур. Ҳазрати аъло хоқоний бу хабари ваҳшатасарни эшитгач, дарбори фалакмадор мулозимларидин ихлос ва

жалодаттавѡам Иноят маҳрамни дарёнинг аёқиға ирсол қилди, токим ул жонибға бориб тажассус ва тафаҳхус қилғой. Агар учонлар келгони рости бўлса, учон аҳли била сўзлашиб, на муддао била келгонин билиб келгай.

Ул ҳазратнинг ўзи доғи ҳамул кунким, муҳосара муддатининг ўн бирлончи куни ва зулҳижжа ойининг иккилончиси душанба куни эрди, мазкур маҳрам кетгондин сўнг ҳазму эҳтиёт юзидин қалъа устидин ўрдуйи гиҳонпўйни кўчуруб, эҳмолу асқол, бунаву ўғруқни ва пиёда лашкарни кемалар била дарё ичидин йибориб, ўзи жамеъи отлиғ сипоҳ била дарё соҳилидин ошоқ жонибға юруш қилди.

Кўба тоғиға ёвут етгон аснода ул ҳазратнинг махсус ва муқарриб мулозимларидин Исмоил маҳрамким, пешхонаи давлат нишонани бир неча кемага юклаб илгарироқ кетмиш эрди, узоқдин дарё ичида уч учонни кўруб келиб, арз қилдиким: «Инак, ўруснинг уч нафар ўт учони дарё ичида бу тарафға келадур». Бу хабардан сўнг бир оз йўл юриб кавкабаи воло Кўба тоғиға етконда учонларнинг аламлари кўрунди. Ул аснода ҳазрати аъло хоқоний буюрдиким, борча умаройи шижоатшиор ва асокири жарорат тўбларини дарё канориға элтиб, сафларин ораста қилиб омода ва тайёр бўлиб турғайлар. Ул ҳазратнинг ўзи беш-ўн отлиғ маҳрам била Кўба тоғининг устиға чиқиб тамошо қилмоқ учун таваққуф кўргузди. Ул чоғда бир гургонли ямутниким, Қўнғирот қалъасидин ўрдуйи ҳумоюнға бир фосид хаёлға тушуб жосуслиқ расми била келмиш эрди, лашкариядин бир киши тутуб, арзи мовқифийға еткурди ва фармони қазожараён мужиби била они кўклон Берди-муҳаммад баҳодир сиёсати подшоҳона учун уқубати тамом била ўлтурди.

Чун қарочерикларнинг кўзи учонға тушди, кўнгуллариға андак ваҳму ҳарос етушди. Бу жиҳатдин банотуннаъш ёнглиғ кам-кам паришонлиғ кўргузуб сафларига тазалзул ва ясовларига тахалҳул еткура бошладилар. Ул ҳазрат баҳромсовлат ясовулар ва миррихҳайбат муҳассиллар буюриб, черик жамъияти силкига яна бурунғидек инъиқод берди. Яна фармони олий мужиби била умаройи гардунэҳтишом зумрасидин Шоҳмурод иноқ ва Муҳаммадмурод маҳрам ва Абдулла мингбоши бошлиғ борча саркардалар ўзларига мутааллиқ навкарлари била дарё канориға бориб, учонларнинг муқобаласида ясов ясаб, тўбларни ўқлаб, ҳайбати тамом била оромгузин бўлдилар. Яна сархайли киром

жумласидин Ҳақимниёз оталиқ ва Ибодулла иноқ ва Бобобек валади Солиқ оталиқ ишорати султон муқтазоси била ўн тўрт уруғи қароқалпоқий черикин ва Гурлан ўзбаки жунудин жамъ этиб, дарёнинг орқа жонибиға ўтиб учонларнинг муҳозисиди издиҳоми маҳшаринтизом била саф тутуб... тоғдек ором кўргуздилар. Яна ҳукми олий имтисоли била ўн минг чоғлиқ қодирандоз мерган ва шамхолчи гардунмисол кемаларға миниб, сув юзидин келиб учонларға муқобил бўлдилар...

Алқисса сипоҳи нусратпаноҳ тўрт тарафдин ҳужум этиб, учонларни ўртаға олиб ҳазрати аъло хоқонийдин рухсат тиладилар, токим барча бирдин қасд қилиб, бир ҳамлада учонларни вайрон ва кофирларни жаҳонға келмагонлар била яксон қилғойлар. Ул чоғда ўруслар бу ҳолни кўруб, учонларни дарёнинг ғарбий қироғиға еткуруб, ланлар ташлаб турдилар. Тўбларин зарурат юзидин отмоқ учун учонлар ичида қурдилар...

Ул ҳолда аркони давлат ва аёни ҳазрат маслаҳат юзидин арз мовқифида туриб, илтимос кўргузуб дедиларким, уруш амрида қистанмай аввал учонларға киши йибориб ўрусларнинг сўзин эшитилса ва муддаолари на эрконин билиб, ондин сўнг онга яраша иш этилса, подшоҳлиғдин бағоят муносибдур. Ул ҳазрат умаронинг илтимосин қабул қилиб, учонларға элчилик тариқаси била киши йиборди. Ўруслар тазарруъу зорлиқ ва гирияву беқарорлиғ кўргузуб, дедиларким: «Русия подшоҳи ушбу подшоҳ била мувофақат кўргузуб, ҳамиша икки тарафдин элчи йиборишиб, бир-бири била сидқу ихлос юзидин дўстдурлар. Бизлар ул жиҳатдин икки юртни бир юрт фаҳм қилиб, ушбу воқеадин беҳабар сайр тариқаси била бу жонибға гузар қилдиқ. Бизларнинг ҳеч киши бирла ишимиз йўқтур. Агар ўлсак ҳам киши бирла савош ва талош қилмасмиз».

Умаройи эзом бу сўзни эшитгондин сўнг яна ул ҳазратдин илтимос қилдиларким, уруш ва талошдин дам ўрмай мундоқ тазарруъ ва тахашшуъ била маъзират кўргузгон халққа озор еткурмак мурувватдин эрмасдур. Бас оларға дахл қилмаслиғ улуғлиқдин муносиб кўринур. Ул ҳазрат камоли азаматдин умаронинг мултамасин мабзул тутуб, сипоҳи нусратдастгоҳға учонлар қасдин қилурға рухсат бермади ва буюрди, то ўрдуйи гиҳонпўйнинг борча кемалари учонларға ёндошиб ўттилар. Учон аҳли асло жойидин тебронмади.

Кемалар ўтуб тамом бўлгондин сўнг шижоатнишон саркардалардин Ҳакимниёз оталиқ ва Ибодулла иноқ ва Бобобекка фармони олий содир бўлдим, қароқалпоқ ва Гурлон черики била учонларнинг атрофида туруб қайси тарафга юриш қилғонин билиб, кечрак қайтиб ўрдуи аълога келсунлар. Ул ҳазратнинг ўзи ўзга сипоҳи жаррор била йўлга равона бўлуб, Суборбийнинг қалъасигаким, атрофиға сув бормиш эрди, мавкиби саборафтор била бориб, мухайями хайёми давлатосор қилди. Ҳамул кун намозшомдин сўнг Ҳакимниёз оталиқ ва Ибодулла иноқ ва Бобобекким, ўзларига мутааллиқ сипоҳ била учонларнинг қайси тарафга юриш қилғонин маълум этмак учун қолмиш эрдилар, муаскари зафарасарга келиб, учонларнинг юқори жонибга азимат қилғонидин хабар бердилар. Маълум бўлдим, учонларнинг кишиси уч юз нафардин ва туби олти сондин зиёда эрмос эркон...

### **КАВКАБАИ ВОЛО ҚҲҒИРОТДИН МУРОЖААТ ҚИЛИБ, ҲИВАҚ ДОРУССАЛТАНАСИҒА КЕЛГОНДИН СУҒ ВУҚУҒА ЕТКОН ВОҚЕАЛАР ЗИКРИ**

Ул жумладин улким, ҳазрати аъло хоқоний мазкур сафардин қайтиб келиб, салтанат тахтида мутамаккин бўлгондин сўнг мунҳийлар ахборидин маълум бўлдим, кавкабаи воло издиҳоми қиёматнамо ва садамаи ваҳшатафзо била Орол диёри сувбиға масофатпаймо бўлгонининг сайту овозасин эшитиб, қўнгирот муфсидларининг хавотирлиг хотирларига дағдағи рўбу ҳарос етиб, иттифоқ била ҳийла ва тадбир юзидин бир хат битиб, Муҳаммадпаноҳхон бошлиғ барча ўзбакия ва ямутия муфсидларининг ақобири ҳамул хатға мўхрларин босиб, они Сир дарёсининг аёғи ва Хоразм тенгизининг қирғоғидағи қалъа солиб, маскан тутуб ўлтурғон Русия тоифасиға йибормиш эрконлар. Хат мазмуни бу эрмишким:

«Бизлар ўз подшоҳимиз итоатидин юз эвуруб, мундоқ улуг ишга мутасадди бўлдуқ. Аммо бу иш уҳдасидин чиқа олгудек қудратимиз ва Хивақ лашкарининг дафъа-дафъа келгон чаповулчиларига муқобил бўлгудек қувватимиз йўқтур. Ушбу ҳол била Қўнгирот диёрида форигбол ўлтурмоқимиз асло мумкин эрмастур. Муддаомиз улким, Русия халқидин бир оз лашкар келиб, бизнинг қалъамизда бўлса ва бизлар ихтиёримиз инонин оларнинг иқтидори қўли-

ға топшурсоқ. Сир дарёси аёқидағи қалъа била ҳам боришу келиш ва савдову сотиқ қилиб, оларнинг ҳимояти паноҳида Хивақ сипоҳининг чаповул ва горати офатидин амон ўлтуруб, Русия лашкарининг ҳар на муаннати бўлса, ўз муддаоларича оларға еткурсақ. Эмди агар бизларнинг илтимосимизни қабул қилсалару, бу кунни тонглага қўймай, тездин тез етушсунлар».

Русия жамоаси бу сўзни эшитгач, тамаълари тамури мутаҳаррик бўлуб, уч юз киши асбобу яроғ била уч учонга миниб, суръату шитоб билгонин қуруб, елдек яғоч маркабларин сув сатҳига сурдилар. Ҳазрати подшоҳи Искандаршавкатнинг Қўнгирот қалъаси устидин кўчуб, муурожаат қилгон кунни ул ҳаволиға беҳабар етиб, йўл асносида сипоҳи нусратпаноҳға мулоқий бўлдилар, тазарруъ ва маъзират василаси била ҳалокат вартасидин қутулдилар, аждоқким ўз мавридида мастур бўлди.

Лашкари зафарасар алардин ўтуб, Чимбой қалъаси жонибиға кетгондин сўнг қўнгирот қалъасининг остиға етиб иқомат лангарин ташладилар ва қалъаға кирмак тақозоси била бир неча кун бориш ва келиш расмин бошладилар. Охир қалъа аҳли оларни ичкари киргузмакка ризо бермадилар, балки ўзларин тутмоқ ва асбобу амволин таламоқ фикрида бўлдилар. Уруслар бу ҳолдин огоҳлиқ топиб дарҳол учонларига кириб муовадат бодибонин кўрдилар... ва учонларин келгон йўлиға сурдилар ва суръати тамом била тенгиз масофатин қатъ этиб ва икки қўлин бурунларига суқуб, ўзларин ўз қалъасига еткўрдилар. Маълум бўлсинким, ноқиллар нақли била Қўнгиротға учон келгонининг воқеаси ижмол юзидин ушбудир.

Яна улким, ҳазрати аъло хоқоний Қўнгирот сафарига озим бўлмасдин бурун Бухородин амир Насруллонинг элчиси Мирзо Убайд мирохурбоши остони сипеҳриштибоҳ мулозаматиға келиб, муурожаат рухсатин топмай, шаҳарда қолиб элчихонаи ҳумоюнда мутамаккин эрди, ондоқки ким собиқан марқум бўлди. Ул ҳазрат мазкур сафардин келиб, салтанат саририда истироҳат кўргузгондин уч кун сўнг, зулҳижжа ойининг йигирма учинида жумъа кунни онга муовадат рухсатин бериб, остони давлатпоспон мулозимларинин Абдурахмон сарҳангни элчилик расми била онинг ҳамроҳлиқига таъйин этиб, подшоҳона савғот била мувофақатнома топшуруб, Бухоро жонибиға ирсол қилилди.

## ҚУНГИРОТ ХАЛҚИ ҚУЖУМ ЭТИБ МУҲАММАДПАНОҲХОННИ БАЪЗИ МУФСИДЛАРИ БИЛА УЛТУРГОНИ

Чун ҳазрати султони сулаймонмакон мўру малахдек сипоҳи бекарон била Орол диёрига бориб, Қўнгирот музофотининг экинларин марокибу мавошийга едуруб, фасод аҳлига улуғ гўшмол ва зўрдастлик еткуруб қайтти, қалъа улусининг орасида қаҳат ва жўъ балоси ғалаба қилиб, очлиқдин ўла бошладилар. Назм:

Бўлуб фош олар ичра қаҳту ғалоъ,  
Ҳама бўлдилар жуъга мубтало.  
Қилиб кўзларин тийра нон фурқати,  
Солиб танлари ичра жон фурқати.  
Чибиқ қилич қин топмайин, жон бериб,  
Бақа инчукин топса имон бериб.

Золимлар доғи зулм ситамин кун-кундин зиёда қилиб, тааддий ва татовул қўлин узотиб, фуқаро ва раоёнинг тамоми асбобу амволин олиб, аёлу атфолида ҳам ихтиёр қўймадилар. Маснавий:

Очиб зулм эли панжаи иқтидор,  
Олиб халқнинг илкидин ихтиёр.  
Ебон борча амволини, тўймайин,  
Олиб нақду асбобини қўймайин.  
Халойиқ ҳама айрилиб молидин,  
Демай молидин, аҳлу атфолидин.

Ложарам, фуқаро ва раоё очлик балосининг шиддати ва золимлар жафосининг суубатиға тобу тоқат келтураолмай, жон муҳаббати ва жон лаззатидин илик чекиб, мамот заҳрин ҳаёт шарбатига таржеҳ қилиб, санаи минг икки юз етмиш олтига дохил бўлғондин сўнг муҳаррам ойининг тўртида панжшанба кун иборча иттифоқ била Бобохожа ва Қулмон доруға бошлиғ нужум хайлидек ҳужум кўргузуб Муҳаммадпаноҳхоннинг қатлига қасд этдилар. Муҳаммадпаноҳхон ул ҳолдин хабар топиб, ўзининг ансору аъвони била ҳавлиға қаболиб, милтуқ отиб мудофаа амрига машғул бўлдилар. Чоштдин то пешинғача икки тарафдин милтуқ отишиб ва ҳамла қилишиб, жаҳди тамом ва саъйи молакалом била муҳораба ва музораба ишиға иқдом ва қиём кўргуздилар. Маснавий:



Икки соридин айлаб оҳанги жанг,  
Қилиб қасд бир-бирига бедаранг.  
Бўлуб ҳар тараф жилвагар ҳарбалар,  
Ики ёнға ҳам еткуруб зарбалар.  
Ҳавола бўлуб куллаи оташин,  
Кириб сийналарга, бўлуб, дилнишин.

Неча кимсанинг жисми юз чокўлуб,  
Тушуб ерга олудан хок ўлуб.

Охируламр Бобохожа ва Қулмон доруға камоли ғайрат ва ниҳояти шижоатдин қалъадағи жамаъи авомунносга бош бўлуб, издиҳоми зафар анжом била ҳавлиға югурдилар ва қуввати тамом била дарвозани синдуруб ичкари кирдилар ва шерона талаш ва рустамона савош била аҳли фасод ва арбоби иноднинг кўпракин қатлга еткуруб, мардлик ва мардоналиқ додин бердилар. Ул ғавгойи ом ва шўриши маҳшарнизом асносида Муҳаммадпаноҳхон бир неча муфсидлар рўсиёҳ била жон ҳавлидин ҳамул ҳавлининг ичидаги бир уйга қаболиб, милтуқ отиб муҳораба ва мудофаага машғул бўлди. Охир қалъа улуси они ҳам камоли шижоат ва зўрлиғ била тутуб қилич зарбининг ишоратидин адам мулкининг тасхирига озим қилдилар.

Ондин сўнг ул маҳлакадин қочиб кўй ва кўчада мутафарриқ ва саргардон бўлгон ўзбек ва ямут муфсидларин тутуб, уқубат зиндонида маҳбус этиб, ағлоли гарон ва салосили печон озори била жазойи амаллариға гирифтор қилдилар.

Бу воқеайи ҳойиланинг сўнгги куниким, жумъа эрди, Қулмон доруға қалъа забтиға мутасадди бўлуб, баъзи умури мулкия сарамжомиға иқдом кўргузуб, Қўнгиротда қолди. Бобохожа баъзи кадхудолар била Муҳаммадпаноҳхоннинг бошин олиб, доруссалтанаи Хивақ жонибиға озим бўлди ва жаноҳи истеъжол била қатъи масофат қилиб, муҳаррам ойининг ўн бирида чаҳоршанба куни мулозамат шарафиға восил бўлуб, ҳамул хабари беҳжатасар башорати ҳазрати аъло хоқонийнинг самъи саодатпарварига еткурди ва Муҳаммадпаноҳхоннинг пурғурур бошин остони нусратошиён туфроқиға гўй масаллик ғалтон қилди.

## ИЗОҲЛАР

- 10-бет. Санаи 1262 ҳижрий, шаввол ойининг еттинчи куни милодий 1846 йил 28 сентябрга тўғри келади.
- 19-бет. Санаи 1263 ҳижрий, рабиулаввал ойининг 18-куни милодий 1847 йил 4 март.
- 39-бет. Санаи 1263 ҳижрий, зулқаъда ойн бошлари — милодий 1847 йил октябрь ўрталари.
- 44-бет. Санаи 1264 ҳижрий, муҳаррам ойининг 13-куни — милодий 1847 йил 22 декабрь.
- 65-бет. Санаи 1267 ҳижрий сафар ойининг 7-куни — милодий 1850 йил 12 декабрь.
- 66-бет. Санаи 1267 ҳижрий ражаб ойининг 27-куни — милодий 1851 йил 28 май.
- 71-бет. Санаи 1268 ҳижрий ражаб ойининг 27-куни — милодий 1852 йил 17 май.
- 75-бет. Санаи 1268 ҳижрий зулҳижжа ойининг 17-куни — милодий 1852 йил 2 октябрь.
- 78-бет. Санаи 1269 ҳижрий муҳаррам ойининг 18-куни — милодий 1852 йил 2 ноябрь.
- 112-бет. Санаи 1271 ҳижрий зулҳижжа ойининг 20-куни — милодий 1855 йил 4 сентябрь
- 112-бет. Санаи 1272 ҳижрий муҳаррам ойининг 2-куни — милодий 1855 йил 14 сентябрь.
- 151-бет. Санаи 1274 ҳижрий рабиуссоний ойининг 17-куни — милодий 1857 йил 15 декабрь.
- 156-бет. Санаи 1274 ҳижрий ражаб ойининг 2-куни — милодий 1858 йил 16 февраль.
- 184-бет. Санаи 1275 ҳижрий шаъбон ойининг 18-куни — милодий 1859 йил 23 март.

*Н. Норқулов.*

## ЛУҒАТ<sup>1</sup>

- Абога** — амаки.  
**Абқор, абқар** — афсонавий мавзев номи; ипак гилам.  
**Авосим** (бирл. осим) — гуноҳкорлар, осийлар.  
**Ажаза** — ожизлар.  
**Ажсод** — жасадлар.  
**Ажуза** — қари хотин, кампир; кўҳна олам.  
**Ажҳал** — ўта жоҳил.  
**Айналмафар** — ишончли пана жой; паноҳ.  
**Акфо** (бирл. куфв) — тенглар; монандлар, ҳамжинслар.  
**Алоқадри маротабаҳум** — амалига, мартабасига яраша.  
**Амуд** — чодир сутуни; гурзи; юқорилик.  
**Арика** — ораста, безатилган тахт.  
**Арозийи майта** — экин экишга яроқсиз ерлар.  
**Арқом** — рақамлар, сонлар; ёзувлар.  
**Ассулҳ хайр** — ярашмоқ хайрли иш.  
**Асқол** (бирл. сақил) — оғирликлар, юклар.  
**Ахражатуларз, Арижатуларз** — хирож олинадиган ерлар.  
**Аълойи алийин** — жаннатийларнинг энг сараси.  
**Ашбоҳ** — ўхшашликлар, монандлар; узоқдан кўринган бирор шаклнинг қораси, шарпа; гавдалар.  
**Ақаб** — орқа, терс томон, орт; авлод.  
**Аглол** (бирл. гул) — гуллар, бўйинтуруқлар; занжирлар, бўйинга солинган бандлар.  
**Барас** — пес, мараз.  
**Башошат** — хурсандлик, очиқ юзлик.  
**Баҳла** — қўлқоп; ов қуши билан ов қилувчилар қўлига киядиган махсус қўлқоп.  
**Бижин** — маймун.  
**Бинишдастгоҳ** — ўтқир зеҳнали.  
**Бисотбўслик** — ҳукмдор қабулига келган кишининг шоҳ этаги ёки кўлини ўпиши; юзини унинг оёғига қўйиб, қуллик изҳор қилиши маросими.  
**Биг** — жазм, қасд, ният; фикр.  
**Бойир** — қир, тепа; бойирий — синашта, эски.  
**Бучуқ** — ярим.  
**Ғажим, кежим** — уруш вақтида отга қийдириладиган ўқ ўтмас махсус ёпиқ.

<sup>1</sup> Луғатни Наим Норқулов тугав. (Ред.)

- Гузида** — танланган, сара, сайланган.  
**Дурандеш** — узоқни ўйлаб иш олиб борувчи.  
**Жавд** — сахнийлик.  
**Жиб** — чўнтак, ҳалтача, кисса.  
**Жиср** — кўприк; дарёдан қўшиннинг ўтиши учун ясалган муваққат кўприк, понтон.  
**Жунбанда** — ҳаракатдаги.  
**Жуъ** — очлик, иштаҳа.  
**Зиргом, заргом** — шер.  
**Зорра, зор** — зараркунанда, зиён етказувчи.  
**Зуафо** — заифлар.  
**Зурва, зирва** — тоғ чўққиси, энг баланд жой.  
**Играм, игрим** — уйрум, гирдоб, сувнинг айланиб оқиши, сув айланмаси.  
**Изрор** — зарар ва зиён етказмоқ, талафот бермоқ.  
**Икдил** — тож, жиға.  
**Илтиём** — шифо, даво.  
**Инчук** — сон, оёқ.  
**Иньиқод** — боғлиқлик, банд бўлмоқ.  
**Исор, ийсор** — бағишлаш, инъом қилиш, аямай тақдим қилиш.  
**Истеҳқоқ** — бирор нарсага ҳақли бўлиш, ҳақдилик, сазоворлик, лойиқлик.  
**Истидьо** — сўров, ялиниб-ёлвориб сўраш.  
**Истисъод** — саодат топмоқ, камёблик, бахт.  
**Истижоза** — рухсат сўрамоқ.  
**Итолку, итолгу** — лочин, қизил кўзли ов қуши.  
**Иғмоз** — кўз юмиш, кўрмаслик, беқайдлик.  
**Камин** — пана жой, пистирма.  
**Камоҳуваҳуққуҳу** — ҳақиға монанд, тегишли.  
**Карру фар** — дабдаба, ҳашамат; кибр-ҳаво; шовқин-сурон.  
**Канаф** — қуш қаноти; соя, паноҳ, ҳимоя; томон, тараф.  
**Курон** — оломон, отряд, қўшин бўлаги; муаррихлардан Рашидиддин ва Мирхондлар фикрича — минг уйлик, жамоа, жангчилар оилалари.  
**Кушта** — ўлдирилган, ўлик.  
**Лавс** — чиркин, ифлослик.  
**Лусус (бирл. лис)** — ўғри, қароқчи.  
**Макидат** — ҳийла, найранг.  
**Малоз** — паноҳ, хавфсиз жой, мустаҳкам ҳимоядаги истеҳком.  
**Малжовъ, малжаъ** — пана жой.  
**Мамар** — юриб ўтиладиган жой, саёз жой.  
**Мамос, мумос** — теккан, ёпишган, илашган.  
**Мамлакан хоса, мамлакан шоҳий** — шахсан шоҳга тегишли ерлар (экинзор, чорбоғ, узумзор ва ҳ. к.)  
**Масубот** — худо берган нарсанинг хайри, садақалар.  
**Машк** — теридан қилинган, сув ёки ёғ солинадиган меш, халта.  
**Машуб** — аралашган, оғушта, олуда.  
**Маъзана** — азон айтиладиган минор, мезана.  
**Маъво** — бошпана, тураржой, макон.  
**Маъфу** — авф этилган, кечирилган.  
**Махмаса** — қаттиқ очлик, зўр қайғу.  
**Маҳмиз, меҳмиз, миҳмоз** — отни ниқтаб юргизиш учун аскарларнинг этигига ўрнатилган учли темир.

- Маҳомил** (бирл. маҳмил)— туя ва бошқа улов устига ўрнатилган, одам ўтирадиган, усти ёпиқ кажава.
- Мағок** — чуқурлик.
- Мағора** — ғор, ўйиқ; тоғдаги ғор.
- Миод**, мнъод — ваъдалашмоқ, бирор ишни бажариш учун жой ва пайтни белгилаб ваъдалашиш; муддат, ижро муддати.
- Мирваҳажунбон** — шоҳ тепасида туриб елпигич елпувчи; хушодам-гўйлик.
- Мирри асад** — арабларнинг асад қабиласи бошлиғи; Бухорода пайғамбар авлодидан бўлган (саййид)лар устидан муҳтасиф (шариат йўриқларининг бажарилишини кузатувчи)лик вазифасини бажарувчи амалдор. Бу вазифани саййидларгина эмас, олимлар ҳам бажарган.
- Мирохур** (мири охур — охурлар бошлиғи)— подшоҳ отбоқарларининг бошлиғи.
- Мисқал** — сайқал берувчи асбоб.
- Музмаҳил** — йўқотилган, маҳв бўлган, ўчган, паришон, қути ўчган.
- Митҳара** — чарм сувдон, чарм сув идиши.
- Музаҳрафот** — ёлгонни ростдек тақрир қилувчи сўзи.
- Муздур** — мардикор, ёлланиб ишловчи.
- Мулҳим** — илҳомчи, кўнгилга солувчи.
- Мунассиф** — одил, тўғрисиўз, ҳақиқатталаб.
- Мулки холис** — хазина фойдасига солиқ тўламайдиган ер хўжалиғи.
- Мунтасаф** — ўрталик, ярим.
- Мунҳаний** — эгри-бугри, хам, эгик.
- Мусофаҳа** — қўл бериб кўришмоқ, қучоқлашиб кўришмоқ ёки хайрлашмоқ.
- Мустаҳзир** — ёрдамга муҳтож, илтижо қилувчи.
- Мусгаба** — очлик.
- Мурчал**, мурчол — қалъа атрофида уни қамал қилиш пайтида қазиладиган чуқурлик. Шу ердан қалъа ўққа тutilган, кейин ҳужумга ўтилган. Ҳар бир аскар гуруҳининг ўз мурчали бўлган.
- Мутлақулнион** — жилави бўшатишган, ўз эркига қўйилган.
- Мутадаийин** — диёнатли, олижаноб.
- Мутаҳаттим** — жуда зарур, албатта.
- Муқаддиматулжайш** — қўшиннинг илғор, олдинда юрувчи қисми.
- Муҳаззаб** — пок, нуқсонсиз.
- Муҳаймин** — нигоҳбон, посбон.
- Мушъир** — хабар берувчи, ёзув билан билдирувчи.
- Назойир** — ўхшашлар, назиралар.
- Назфат**, назофат — тозалик, поклик.
- Наҳб** — талаш, ўғирлаш.
- Наҳиб** — ориқ, озгин; ишдан чиққан.
- Ночах** — найзанинг кичик тури.
- Нуввоб** — ноиблар, ўринбосарлар, гумашталар.
- Озарм** — шарм, ҳаё; меҳр-муҳаббат, шафқат; ғазаб.
- Осиб**, осеб — озор, ранж, дард; зарба, зарар, офат, бало.
- Осимасар**, осемасар — саргардон, паришонҳол, саросима.
- Пов**, пув — изламоқ, текширмоқ, тафтиш қилмоқ; қочиш. чопмоқ.
- Ратбулисон** — ширин суҳбат қилувчи, зукко.
- Ратқ** — боғламоқ, уламоқ, кавшарламоқ, бирлаштирмоқ.
- Риҳ** — ел, шамол; ҳид.
- Руасо** — раислар.

- Рунуд** (бирл. ринд) — беғам, бепарво, айш-ишратдан ўзини тортмайдиган; ботир, аҳли дил.
- Руъб** — даҳшат, қўрқув.
- Рубъи маскун** — ер юзининг инсон яшайдиган, обод қисми.
- Савр** — ҳўкиз; ўн икки буржнинг иккинчиси, апрель ойига тўғри келади.
- Салосил** (бирл. силсила) — занжирлар, тизмалар.
- Салх** — ойнинг охирги куни.
- Санодид** (бирл. сандид) — йирик жуссали одам, паҳлавонлар.
- Самсом** — ўткир қилич.
- Сарвақт** — йўқлов, йўқлаб келиш, кўришга келиш.
- Сариуссайр** — тезюрар.
- Сартиб**, **сортит** — сараланган аскарлар бошлиғи, полковник.
- Сафар ва ҳазар** — жанг ва тинчлик кунлари.
- Сафина** — кема; шеърлар тўплами.
- Сафват** — равшанлик, порлоқлик.
- Сафки димоъ** — қон тўкиш, хунрезлик.
- Саҳат** — қаҳр, ғазаб.
- Саҳофат** — енгил, заиф.
- Сияхчол** — тор, қоронғи қудуқ.
- Совмоқ** — ажратиш, жудо қилиш; туймоқ, эзмоқ.
- Солғут** — ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан олинадиган солиқ.
- Сочиг** — тўй ва зиёфатларда тортиладиган ноз-неъматлар; келин-куёв ва бошқа ҳурматланган кишилар бошидан сочиладиган танга; сочқи; нисор.
- Сувб** — томон, тараф.
- Судда** — остона, дарвоза.
- Сукно** — истиқомат, яшаш.
- Сулаҳо** — солиҳлар, хайрли ишлар қилувчилар, яхшилар.
- Сур** — тўй, базм, шодлик йиғини; қўрғон, қалъа; шохдан ишланган карнай, був; қиёмат куни фаришта Исрофил чаладиган сурнай.
- Сурсот** — қўшин учун аҳоли томонидан тайёрланадиган овқат, аскар емиши; душмандан тортиб олинган мол.
- Таарруз** — тегиш, тақилиш: қаршилиқ кўрсатиш.
- Табжил** — иззат қилмоқ.
- Талиъа** — қўшиннинг олдида бориб, йўл очувчи ва душманнинг аҳволи ва турган жойи ҳақида маълумот олиб келувчи аскар (бош дозор), илғор.
- Тануманд** — довюрак, кучли, қувватли, гавдали.
- Тарфатулайн** — кўз очиб юмгунча, бир дамда, зумда.
- Тасдеъ** — беором қилмоқ, жонга тегмоқ.
- Татовул** — зулм, босқин, зўрлик.
- Тиرونгу** — тароқчи; тиرونкул, даронга — патта бўлиб ўсувчи дарахт.
- Тоун** — ўлат, вабо.
- Тумтароқ** — тантана, дабдабали, шов-шувли, талаффузда жуда порлоқ кўринувчи.
- Убудият** — бандалик, қуллиқ.
- Убур** — ўтиш, юриб ўтиш.
- Уббаҳдат** — улуғлик, азамат; шон-шараф: зийнат.
- Узмо** — аъзамнинг муаннаси (ж. р.).
- Уроқ** — билим, дониш; Бухоро амирлигида саййидлар орасида муҳтасиблик вазифасини ёки сарой хизматчилари устидан муҳтасиблик қилувчи амалдор, раис.
- Фабихо ва влло** — жуда саз, ўринли, йўқ эса...

- Фатҳ** — очиш, ечилиш, забт этиш, қўлга киритиш, ғалаба.  
**Фажара** (бирл. **фожир**) — ёмон ахлоқликлар, фосиқлар, гуноҳ иш қилувчилар.  
**Фазойиҳ** (бирл. **фазиҳат**) — расволиклар, разилликлар, разолат.  
**Фараж** — осойишталик, эминлик.  
**Фаҳим** (кўпл. **фиҳом**) — буюк, олий.  
**Форуқ** — ҳақ билан ноҳақни ажратувчи, адолатли.  
**Ҳамёза** — ёснаш, беихтиёр оғиз очиш.  
**Ҳазаф** — сопол.  
**Чашмзаҳм** — кўз тегиш.  
**Чорқаб** — тос, зарбафт; зар билан тикилган шоҳлар киядиган тўн.  
**Шаланг** — сакраб чопмоқ; тезюрар киши қадами; чопиш машқи.  
**Шамхол** — раис.  
**Шаомат** — шумлик, ёмонлик.  
**Шижоаттавъам** — шижоат эғаси, соҳиби, шижоатдор.  
**Шуоъ, шиоъ** — тоб, ятираш товланувчи.  
**Шумус** (бирл. **шамс**) — қуёш, офтоб.  
**Эзом** — шарафли, улуғлаш, қадрламоқ.  
**Эшогаси, эшикоғоси** — эшик саркори, дарвоза соқчиларининг бошлиғи.  
**Эътизор** — узр сўрамоқ, узрхоҳлик.  
**Эҳтисоб** — ҳисобини олмоқ; шариятга хилоф ишларни манъ этмоқ.  
**Қаловуз** — лашкар илғори, йўл бошловчи, йўловчи, посбон.  
**Қаламрав** — бир подшоҳнинг қўл остидаги мамлакат, территория.  
**Қалтабон** — ҳамиятсиз, разил, паст.  
**Қама** — узун дудама ханжар.  
**Қасоват** — қаттиққўллик, тошюрақлик.  
**Қоз** — ғоз.  
**Қознаскар** — ҳарбий қози; ҳарбийлар ишини олиб боровчи қози.  
**Қойид** — зиндонбон, қамоқхона қоровули.  
**Қубоб** — қуббалар.  
**Қумош** — тўқима, матоъ.  
**Қурбо** — яқин.  
**Қурё** — бузуқ уй, вайрона.  
**Ғавойят** — адашмоқ, тўғри йўлдан чиқмоқ.  
**Ғадр** — вафосизлик, хонлик, хиёнат; раҳмсизлик, золимлик.  
**Ғало** — қимматчилик, нарх-навонинг ўсиши.  
**Ғамом** — оқ булут.  
**Ғойи** — охирги, энг сўнгги.  
**Ҳамм, ҳумом** — ғамлар.  
**Ҳиросат** — мудофаа, қўриқламоқ; деҳқончилик.  
**Ҳимор** — эшак.

## МУНДАРИЖА

«Жомеал-воқеоти султоний»дан. . . . .	127
«Гулшани давлат»дан. . . . .	202
Изоҳлар . . . . .	203
Луғат . . . . .	203

На узбекском языке

## МУХАММАД РИЗО ОГАХИ

Сочинения в шести томах

### ТОМ VI

Фрагменты из исторических сочинений

Редактор *Н. Норзулов*

Рассом *Э. Исҳоқов*

Расмлар редактори *А. Гобров*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *С. Толипова*

ИБ № 705

Босмахонага берилди 16.04.79. Босишга рухсат этилди 08.02.80. P08831. Формати 84×108 1/32. Босмахона қозони №1. Академик гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 10.92. Нашр л. 11.56. Тиражи 25000. Заказ № 1275. Баҳоси 1с. 30т. Рафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129 Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент, Навоий кўчаси, 30.